



Маматкул
Ҳазратқулов

Севги сози



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

| | |
|--|--|
| | |
|--|--|

Маматкул ҲАЗРАТҚУЛОВ

СЕВГИ СОЗИ

Қисса, ҳикоялар, таржималар

Гафур Гулом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи

Тошкент – 2016


УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
Ҳ 18

Ҳазратқулов Маматқул

Севги сози: қисса, ҳикоялар ва таржима қилинган асарлар / М. Ҳазратқулов; – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 392 б.

Адабий оламда ўз овози ва ўрнига эга адиб Маматқул Ҳазратқуловнинг ушбу китоби асосан унинг турли йилларда ёзган энг сара асарларидан таркиб топди. Қисса ва ҳикоялар юксак бадиият ва самимияти билан ажралиб туради.

Шунингдек, “Севги сози” орқали Маматқул Ҳазратқулов каламида ўзбекчага ўнгирилган озарбайжон ёзувчиси Анор ҳамда грузин адиби Григор Абашидзе асарлари билан ҳам танишиш имконига эгадир. Китоб сизга маъзур бўлади, деган ишончдамиз.



УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7


ISBN 978-9943-03-685-7

© Фафур Фулом номидаги
нashриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016



ЭШИКЛАР ОЧИК

Қисса



МУҚАДДИМА

Саъдулла атрофга аланглади. Тўрт тараф зулмат, бирор жойдан нинадайгина бўлсин нур тушмайди. У додираб қолди. «Қаерга бораман? Нима қиламан энди?» Сўкир каби бир-бир босиб олдинга юрди. Рўпарасида нимадир кўрингандай бўлди. Тўхтади. Пайпасланган кўйи ўнг оёғини сал сурди. Пастлик эканини билди. Яна туширди. Оёғи ерга тегди. Кейин чағ оёғини олди. Яна юрди. Демак, зина экан. «Ажабо, эниш... Ахир мен юқорига чикмоқчи эдим-ку. Наҳотки, энди...» У бир зум ўйланиб қолди. Кейин... кейин пиллапояларни мўлжал қилиб аста-секин туша бошлади. Қаловини олгандан сўнг юришни тезлаштирди.

Тахминан ўн беш-йигирма пиллапоя тушгач, тўхтади. Бундай жойда кўзни очиб юриш билан юмиб юришнинг фарқи йўқ. Юраги увишди. Бадани жимирлаб, ҳатто мўйларидан совуқ тер чиккандай бўлди. Умид билан олдинга тикилди. Тикилди... Кимсасиз саҳрода кечаси юрганмисиз? Икки-уч чакирим узоқликдаги чирок ҳам юлдуз каби чараклаб кўринади. Ҳозир худди шундай бир шуъла олисдан кўзга ташланди. «Чирок? Қаердан кўриняпти у?» Бутун вужудини кўзга айлантириб ўша томонга термилди.

«Зина... қаерга олиб боради. Нарёғида нима бор? Милтираётган нур қаерда?»

Нур кўнглига кўчди. Юзи ҳам ёришди. Иштиёқ ва шавк билан пиллапоялардан юришда давом этди...

I

Зарбуви милт-милт қайнаётган шўрвадан кошикка озгина олиб пуфлаб совутди-да, ичиб кўрди. Таъмидан каноатланмади шекилли, ўчокбошидаги тузликдан туз олиб сепди.

– Шунақа денг? – Саъдулла ўйчан ҳолда чирс-чирс ёнаётган оловдан нигоҳини узмай ўтирарди. – Қачона-кан тўйи?

– Қачонлигини аниқ билмайман. Лекин шундай гап эшитдим. Поччангданам сўрадим,— деди Зарбуви.

– Холматнинг ўзидан сўрамадингизми?

– Биласан, Холмат поччангга жияя... Йигити туш-гур бир куни ўзи гап очиб қолди. Сал ичканакан, оғзи кўпириб мактанди: «Янга, Салима билан битта қишлоқдансиз, ўзи шу қанақа киз?» Юрагим шув этди-ю, ўзимни ҳеч нарса билмаганга олиб «Нимаиди? Нимага сўраяпсиз?» дедим. «Унга уйланмоқчиман», деди. Нима дейишимни билмай қолдим. Сўнг жўрттага ўсмоқчиладим. Айтишича, бир йилдан бери хат олиб-хат бераркан. Киссасидан беш-олтита хат олиб кўрсатди. Кейин расмини, совға қилган рўмолчасини... Шунда сенда ҳам рўмолчаси борлиги эсимга тушди.

Саъдулла жаҳл билан киссасидан бир рўмолча олди ва уни опасига қарата отди. Зарбуви оғринди. Рост-да, Зарбувининг айби нима? Нега унга жаҳл қилади?

Опасининг авзойи ўзгарганини сезиб, Саъдулла хижолат чекди.

– Кечиринг мени, опа. Қизишиб кетипман.

Зарбуви индамади. Ўтин синдириб ўчокка ташлади. Олов гуриллаб кетди.

– Беринг рўмолчани,— деди Саъдулла ҳам хижолатдан, ҳам оловнинг тафтидан қизариб.

– Нима қиласан?

– Оловга ташлайман... Рўмолчаси ҳам, «Сизни яхши кўраман», деб айтган сўзлари ҳам ёниб кетсин. Шаҳарга боргач, хатларини ҳам ёқиб ташлайман. Мен аҳмоқ унинг гапларига ишониб юрибман-а...

У жим бўлиб колди. Сукунат. Оғир сукунат. Токпилланинг чирс-чирс ёниши эшитилади, холос. Зарбуви ҳам мик этмайди. Укасини қандай овутишни билмайди. «Айтмаганим тузукмиди... Шунча йўлдан мени кўргани келса-ю, кўнглини хуфтон қилсам... Лекин айтмасамам бўлмасди-да. Барибир эштади. «Кўриб-билиб, айтмапсиз», деб ўпка-гинани катта қилар эди».

Саъдулла бошқа опаларига қараганда Зарбувини кўпроқ яхши кўради. Улар болаликдан инок: кунига дам-бадам уришишар, тортишишар, аммо бир-бирини бирпас кўрмаса, тўрвасини йўқотган гадодай гарангсиб колишарди.

Мактабни битиргач, Зарбувини кўпни кишлоққа турмушга узатишди. Саъдулла дастлабки вақтлар тез-тез келарди. Кейинчалик ўз ташвишлари билан бўлиб келиши камайди. Тошкентга ўқишга кетгандан кейин эса опаси билан камдан-кам дийдорлашадиган бўлди. Ҳозир баҳорги таътил. У бир-икки соат уйда ўтирди-да, одатига кўра укасининг велосипедини миниб йўлга тушди.

– Қўй, Саъдуллажон, кўп куюнма. Ростини айтсам, асли Салима унча дидни олмайди. Илгарирок сездирмокчи бўлувдиму, вақти-соати билан тушунтирарман, деб ўйловдим.

– Лекин мен уни яхши кўриб...

– Бўлди-бўлди, – Зарбуви укасининг гапини кесди. Саъдулланинг бўғзидан оғир бир хўрсиник узилди. Ҳарчанд ўзини босишга тиришса ҳам эпллолмади.

– Ҳа оғажон-а, жигар-бағрингдан урган экан-да,– гапни ҳазилга бурди Зарбуви.– Ичингдан чиққан оловга шўрва қайнайди-я.

– Рўмолчани беринг, – деди Саъдулла катъий. – Уни ёқиб, шу билан ҳаммасини кўнглимдан чиқариб ташлайин.

Зарбуви укасининг жингалак сочларини силади. Юрагини эзаётган аламини тарқатиш ниятида уни опалик меҳри ила эркалаб-суйди.

– Кўй энди, кўп ачинаверма. Йигит деган сал дадил бўлади. Яна прокурор бўламан дейди-я. Бундай бўшанглик билан одамлар ўртасида қандай ҳакамлик қиласан?

Саъдулла ҳам опасининг гапига яраша жавоб қилди:

– Ёқиб ташлай – жиноятчига шафқат йўқ, десам қўймаяпсиз-ку ўзингиз.

– Рўмолчани ёққанинг билан иш битмайди. Бу менда турсин. Сандикнинг тагига ташлаб қўяман. Бир кун келиб асқотади. Жиноятчининг жиноятини исботлаш учун ҳам далил керак-ку.

«Хўш, сандикқа ташлаб қўйганда нима бўлади? Нимага мундай қилдинг, деб суриштириб юрармидим? Гапни чувалаштиришининг нима кераги бор?..»

– Ҳа, ўйланиб қолдинг,– деди Зарбуви.

– Жиноятчининг тақдирини ҳал қилиш осон эмасда. Мактабга бориб болаларга латифа айтиб бериб келишми бу сизга.

Зарбуви институтни сиртдан битириб мактабда адабиётдан дарс беради. Ҳозир Саъдулла шунга ишора қилаётган эди. Зарбуви ҳам бўш келмади. Аслида у унча-мунчага ҳақини едирадиганлардан эмасди.

– Ҳа-а, тузуксан-ку. Ҳали биз латифачи бўлиб қолдикми... Вой, ўргилдим сиздақа юристдан-эй.

Саъдулла кулди. Билдики, мавзунни давом эттириш ортиқча. Шу боис опасига бўйин берган каби гап ўрамини бошқа томонга бурди. Бу билан ўзининг хаёлини чалғитмоқни ҳам ўйлади, аммо гап айланиб яна Салимага тақалаверди. Ўша қиз неча бор эсига тушиб асаби бузилди. Гўё уни Холмат кучоклаб тургандай, у Холматга нозли табассуму, болдай бўсалар ҳада этаётгандай туюлаверди.

Дарвоза ғийқ этиб очилди. Зарбуви югуриб чикди.

Холматнинг овозини эшитиб, Саъдулланинг эти уюшди, кўллари титради. У билан юзланиш азобини ўйлади. Қандай кўришади? Нима дейди? Балки ҳозир Салиманинг олдидан келаётгандир..

Унинг фикрлари охирига етар-етмас Холмат айвонга ўтди.

– Қани Саъдулла? Кесаям уйдан чикмайди.

Саъдулла бутун иродасини жамлаб ўзини кўлга олди. Сир бой бермасликка, бор гапдан ўзини мутлақо беҳабар кўрсатишга интилди. Ошхонадан чиқиб Холматга пешвоз юрди.

– Ана, айтмадимми, қизларга ўхшайсан, десам яна кўнглига олади. Аслида сен юристликка эмас, ошпазликка ўқишинг керак эди.

У кучок очди, Саъдулла ҳам... Йўқ, у ундай қилмади, қилолмади. Синфдошининг қувноқ чехрасига қараб фикридан қайтди. Шунчаки нописанд кўл узатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо Холмат унинг ҳолатига, ҳаракатига эътибор бермади, шартта Саъдулланинг белидан олди. «Бу билан нима демокчи? Кўриб кўй, мен сендан кучлиман... Ҳар жиҳатдан... демокчимми?» Саъдулланинг хаёлидан лоп этиб шу фикр ўтди. «Йўқ, ундай эмас!» У Холматни даст кўтариб, икки марта чир айлангирди. Буни кутмаган Холмат довдираб қолди.

– Хой-хой, Саъдулла, нима қиляпсан? Айвондан отиб юборма тагин.

Уларни кузатиб турган Зарбуви, уришиб қолишмаса гўрга эди, деб хавотир оларди.

– Қалайсан? – деди Холмат Саъдулланинг елкасига кўлини ташлаб.

– Раҳмат...– Саъдулланинг гапи жуда сунъий чикди. У кўзларини Холматдан олиб қочар, унга қарашни ҳам истамас, бироқ ноилож, азбаройи синфдошлик ҳурмати ҳол-аҳвол сўрашарди.

– Янга, биров билан уришиб қолганми бу. Қовоғидан намунча қор ёғади, – деди анчадан кейин Холмат ўсмоқчилаб.

– Билмадим,– деди Зарбуви.– Уйга киришлар. Ҳозир овқат пишади.

– Йўк, раҳмат, мен кетаман. Тоғамда бир ишим бор эди. Кейин келарман. Уйга юр, гурунглашамиз.

– Ишим зарил,– деди Саъдулла,

– Мен кетдим эса,– деди Холмат оғриниб. – Янга, тоғамга айтиб кўярсиз келганимни. Ҳа, айтгандай, Саъдулла, каникулда у ёк-бу ёкқа кетиб қолмайсанми? Саъдулланинг ичи музлади.

– Билмадим... Нимайди?

– Августда тўй қилмоқчимиз, – деди Холмат тиржайиб. – Бошни иккита қилмасак бўмаяпти, жўра. Чол-камбир кўймапти. Ола хуржун елкага тушай деб турипти...

– Шундайми? Кимга уйланыпсан? – деди Саъдулла иложи борича ўзини хотиржам тутишга уриниб.

– Сенга почча бўлмоқчиман. Қишлоқларингдаги Салима бор-ку, шунга.

«Эй, фалак! Бунчалар бешафқатсан! Бу гапларни эшитгандан кўра қулоқларим қар бўлиб қолмайдими?!»

Нима десин у?! Жўрасига нима деб жавоб берсин! Уришсинми у билан? Салима менга хат ёзиб юради. Мен билан аҳду паймон қилган десинми? Синфдошинг юзига оёқ кўяяпсан деса-чи? Ахир унда гуноҳ нима? Салима билан ўртасидаги гаплардан хабари бормикан? Йўқ, мумкин эмас! Агар билса бу йўлга қадам босмас...

* * *

Саъдулла опаси билан хайрлашиб йўлга тушди. Қишлоқ кўчасидан велосипедни шириллашиб борарди.

Ҳаммаёқ кўм-кўк. Қир-адирлар, далалар, йўл четидаги уватларгача кўзни кувнатади. Лолакизғалдоқлар зумрад далаларда кип-кизил гиламдай тўшалган... Қишлоғига кираверишда, йўлнинг кунгай томонида катта сада-қайрағоч бор. Шу ердан Саъдулла ўтиб кетолмади. Беихтиёр оёқлари велосипед педалини айлантиришдан тўхтади. Тушди. Атрофга разм солди: ҳеч ким кўринмайди. Қайрағочнинг тангасимон барглари баҳор эпкинисида титрайди. У беихтиёр ўзига кадрдон жой – уватдаги харсангга ўтирди. Кўйлагининг тугмаларини ечиб, чуқур нафас олди.

Неча марта Салима билан бу ерга учрашувга келган. Қоронғи тушдими, тамом, Саъдулла қайрағочни мўлжалга оларди. Уларга уйдан чиқиш учун яхши баҳона бор эди: хар кун окшом хўжалик клубида кино кўйилади. Кинога бориш баҳонасида дийдорлашарди. Саъдулланинг назарида қайрағоч уларни хар доим кучоқ очиб кутиб оларди.

Илтижоли кўзларини қайрағочга қадади. «Қани у? Энди у йўқ! Эҳтимол Холмат билан ҳам шу ерга келгандир. Унга ҳам ширин бўсалар бериб, аҳду паймон қилгандир. Сен шуларни эшитмадингми, эй тилсиз да-

рахт! Лоақал бир марта сенга ҳам тил битиб, уни уялтирсанг бўларди-ку. Балки унинг бунақа килиқларини Холмат билмас? Агар сен, эй қайрағоч, бир оғизгина айтганингда, Холмат унинг юзига туфлаб кетармиди...»

Саъдулла унинг накш олмадек юзидан, бодом ковокларидан ўпишни ёктирарди.

Бир куни Саъдулла уни елкасидан аста кучоқлаб, ёноғидан ўпмоқчи эди, Салима ўзини олиб қочди. Ойнинг сутдай ёруғида унинг ҳаракатлари, қош-кўзларининг сузилиши аниқ кўришиб турарди. Бу ишваларга Саъдулла чидолмади. Дафъатан Салиманинг лабларига лабларини босди... Севги шаробидан иккови ҳам сархуш эди... Бундай ҳолда нималар бўлмайди дейсиз. Саъдулла мумдек эриган, киз эса уватда беҳол чўзилган эди. Қиз алланечук титрар, ширин-ширин энтикар эди.

Шу пайт юқори тарафдан кимнингдир «ҳа, боооп!» деб бакиргани эшитилди. Кейин ёнидан бир сигир лўкиллаб ўтиб кетди. Сигир ортидан Салималарнинг кўшниси Шоди ака чопиб келарди. Қиз ҳам, йигит ҳам чўчиб тушди. Ўрнидан турасола у ёқ-бу ёғини тўғрилади Салима. Дарров ўзларини буталар панасига олишди. Шоди ака кўрдими-йўкми – Худо билади.

Яхшиям ўшанда Шоди ака келиб қолган экан. Акс ҳолда нима бўларди? Яна кимга – ўзининг жўрасига турмушга чикяпти-я! Дахшат!..

У велосипедини миниб йўлга тушди.

Ҳозир Салимани кўришни, ҳатто унинг уйи яқинига боришни истамасди. Бироқ велосипедини Салималар ҳовлиси ёнидан ўтадиган йўлга буриб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. «Нима учун бу йўлдан кетяпман? Борди-ю, Салима чиқиб қолса-чи олдимдан, ахир мен уни кўришга зор эмасман-ку. Кўриб куйгандан кўра, кўрмай-кўрмай охири унутган маъқулмасми...»

Хаёлидан шу фикрлар кечар, аммо кўзи бот-бот Салималарнинг уйи томонга тушарди.

Оқ тунука қоқилган уйга яқинлашганда оёқлари бўшашиб, велосипед педалини айлантиролмай қолди. Нигоҳини бошқа томонга олиб қочмоққа интилади-ю, лекин кучи етмайди. «Бир жихатдан ҳозир кўрсам тузук эди. Гапириб-гапириб аламимдан чиқардим. Эртага кетсам шу кўйи қачон кўраман. Бошқа хат ёзмайман...» Уй рўпарасида велосипеддан тушди. Эгари тагидаги сумкачасидан калит олиб, велосипедининг у ербу ерини тузатган бўлди. Кўли юмушда, кўзи, хаёли эса кимсасиз ҳовлида. «Нима бало, бирон жойга кўчиб кетишганми? Ҳадемай кеч тушади, пода қайтади – буларникида одам зоти кўринмайди». Узок туришни ўзига эп билмади – битта-яримта кўриб қолса ноқулай. «Унинг устига нимага мен уни кутиб туришим керак? – Йигитлик ғурури жўш урди.– Кетдим. Кўзимга кўринмагани маъқул. Акс ҳолда, жаҳл устида одамнинг оғзидан ҳар бало чиқиб кетиши мумкин».

Велосипедни ғизиллатиб ҳайдаб кетди. Ўттиз-қирк қадамлар узоклашгач, орқа томондан «Фарҳод, о Фарҳод!» деган таниш овоз қулоғига ўқдай келиб урилди. Саъдулла шарт орқасига ўтирилиб қаради. Англадики, Салима укасини чақираётган эди. Саъдулла гангиди, миясида минг бир фикр чарх урди. Шайтон айтди: «Тўхта, орқанга қайт! Олдига бор, очикчасига гаплаш!» Виждон айтди: «Уят бўлади! Йигитлик ғурурини оёқ ости қилма!»

Велосипед елиб борарди.

Эртага йўлга чиқишим керак, деган баҳона билан Саъдулла барвақт ётди. Лекин ухлай олмади. Бундай

ҳолатда одамнинг кўзига уйку илинармиди. Ёнида ётган укаси хаш-паш дегунча пишиллаб ухлаб қолди. «Куни бўйи чарчаган. Мактаб, ўқишдан келгандан сўнг уйнинг иши. Бу ёғи баҳор – йўғон чўзилиб, ингичка узилган пайт». Укасининг пиш-пишини эшитиб ётаркан, шуларни хаёлдан ўтказди. Ўзи ҳам гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилади. Турли фикрлар ғужғон ўйнайди миясида. Салимани ўйламай дейди, лекин айланиб кўз олдида унинг қиёфаси гавдаланади. Бехос бундан икки йил олдин кўшни районга пахта теримига чиқишганда рўй берган воқеа ёдига тушди...

Бир куни Саъдулланинг шими сўкилиб кетди. Кечкурун тўкқизинчи синфда ўқийдиган синглиси Жамилага берди. Эртаси куни оқшом самовардан чой олаётган эди, синглисининг синфдоши Салима «Манавини Жамила бериб юборди», деб шимини тутқазди.

Овқатдан сўнг кўпчилик кинога жўнади. Хонада учтўрт бола қолди. У шимини кийиб, тикилган жойини тортиб-тортиб кўрди. Чўнтагига кўлини солган эди бир қоғоз илindi. «Нима экан?» деб олиб очди. Майда букланган қоғозга: «Мен сизни кўпдан бери кузатиб юраман. Аммо кўнглимдагини айтишнинг иложини тополмайман. Ўйлаб-ўйлаб хат ёзишга қарор қилдим...»

Эти жимирлади. Атрофга аланглаганча, дарҳол хатни буклаб чўнтагига солди. Кейин ташқарига отилди. «Қаерга бориб ўкисам экан? Қаерда хилват жой бор?» У аланг-жаланг қилар, маъкулрок жой кидирар эди. Ётоқхона ёнига ўтди. Ўша ердаги симёғочда лампочка бор, шунинг ёруғида ўқиса бўлади.

Хайрият, ҳеч ким йўқ экан. Хатни очиб ўқий бошлади. «...Зухра Тохирни, Лайли Мажнунни кўрмаса туролмайдигандек мен ҳам сизни кўрмасам бир нарсасини йўқотган одамдай гарангсиб қоламан...»

Саъдулланинг кўллари титрар, юраги гуп-гуп урар эди. Хатнинг давомини ҳам ҳаяжон билан ўкиди. «Мен сизни севаман!.. Жавобини кутаман. Салима». Саъдулла хатга яна бир кўз югуртирди. Ҳаяжонини босолмас, ўт ичида колгандек эди.

У югуриб ётоқхонага кирди. Ҳозир кўзига ҳеч ким, ҳеч нима кўринмасди. Кинога бормай қолган болалар қарта ўйнашарди. Саъдуллани ҳам чақиришди. «Йўк, ўйнамайман. Бошим оғрияпти», деди-да, жойини солиб ётди. Хаёлида Салима. Унинг кўзларини, кулишларини, гапиришлари, майда қадам ташлаб юришларини – ҳамма-ҳаммасини бир-бир кўз олдига келтира бошлади. Кўзлари мунча қора, кулишлари-чи? Бошқа қизлар ҳам шунақа чиройли кулармикан? Назарида бутун мактабда, йўк, бутун оламда энг гўзал, энг хушрўй қиз Салима эди. Ундан соҳибжамол йўк дунёда...

Саъдулла у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар экан, ўша Салима билан Холматга турмушга чиқаётган ҳозирги Салимани солиштирар, улардан ўзаро яқинлик, ўхшашлик тополмас эди. «Йўк, бу бошқа Салима! У бошқа, у – менинг Салимам, ёлғиз мени севади...»

II

Автобус ғира-ширада етиб келди Тошкентга. Саъдулла метрога тушди.

Автобусда ҳам, метрода ҳам хаёл уни бир лаҳза тарк этмади. Опасининг гаплари, Холмат билан кечган суҳбат, Салима... «Хўш, нима бўпти? Илк севгисига етолмаган битта менми? Ҳаёт шу экан-да. Нима, унинг оёғига бош уриб ялинишим керакми? Шундай қилсам севги туғилиб қолармиди. Хоҳламаган одамнинг орқа-

сидан соядай эргашиш... Бу йўл билан курилган оила омонат тикланган уйга ўхшайди. Сал қаттиқрок шамолгаям дош беролмайди. Охири бир кун нурайди...»

Бекатда одам гавжум эди. Эшиқлар очилиб бешолти одам кирди. Саъдулла дипломатини тиззасига қўйиб, бир нуқтага термилиб ўтирарди.

– Салом.

У чўчиб тушди. Рўпарасида Феруза турарди.

– Салом, – деди беихтиёр. – Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз? Феруза унинг ёнига ўтирди.

– Чилонзорда холам турадилар, шуларникига келувдим. Ўзингиз қаердан келяпсиз?

– Уйдан, – деди Саъдулла. – Каникулда кетувдим. Саъдулла товушидаги ҳорғинлик Ферузани хайрон қолдирди. Илгари доим кувноқ юрар, хазил-хузулга ўч эди. Бугун эса... Феруза бунинг боисини сўрамокни ўйлади. Балки ўзи гап очиб қолар, бир оз сабр қилай-чи, деган хаёл билан индамади.

– Сиз қайси бекатда тушасиз? – деб сўради Феруза.

– «Пахтакор»да. Йигирма саккизинчи автобусга чиқшим керак-да.

– Маршруткага чиқмайсизми?

– Кейинги бекатга тушиб, тўққизинчи маршруткага чиқсам ҳам бўлади.

Феруза уни зимдан кузатди. Қандайдир тунд, нимадандир хафадай кўринар, бу – гапларида ҳам акс этарди.

– Кечирасиз, Саъдулла, уйдагилар яхши эканми?

– Раҳмат, яхши.

– Негадир кайфиятингиз бошқачарок... Тинчликми ишкилиб? Саъдулла кулди. Очиғи, кулгиси ҳам зўрма-зўраки чиқди.

– Тинчлик, Феруза, – деди хомушлик билан. – Бир оз чарчадим. Автобус йўлда бузилиб қолди.

Электричка шувиллаб ёп-ёруғ бекатга кириб келди: «Пахтакор» бекати.

– Бўпти, Феруза, – деди Саъдулла ўрнидан туриб. – Мен тушдим. Яхши боринг.

– Автобусга чиқасизми?

– Ҳа. Кеч бўлиб қолди, маршрутқа борми-йўқми энди. Бугун якшанба бўлса...

– Хайр, яхши етиб олинг. Эртагача.

«Эшиқлар ёпилади. Кейинги бекат – «Беруний».

* * *

Талабаликнинг гаштли дамларидан бири пахта мавсуми. Шу пайтда талабалар бир-бирлари билан яқинроқ танишадилар, бир-бирларини синайдилар. Баъзи йиллар бир ой ўқир-ўқимас пахтага чиқиб кетишади. Бунгача биринчи курс талабалари ҳали бир-бирларининг исм-шарифини ҳам билиб олишга улгурмайдилар. Қолаверса, тортинчоқлик, киришиб кетолмаслик...

Пахтага чиқишганига уч кун бўлди. Мирзачўлнинг бепоён пахтазорларини Саъдулла биринчи марта кўряпти. Мактабдан кўшни районга пахтага олиб боришганда жўяқлар калта-калта эди. Бир кунда эмас, пешингача икки-учта қаторнинг пахтасини териб чиқишарди. Шундайи тузук экан – ҳар ҳолда чарчагани билинмайди. Охири кўринмайдиган бу қаторлар одамни азоблайди.

Саъдулла икки этак териб толиқди. Эгатга тўкиб кўйилган пахтасининг устига чордона куриб ўтирди-ю, китоб ўқий бошлади. Орқарокда бир киз турарди. У Саъдулланинг ёнига келгач, қаддини ростлади.

– Уф-ф, вой белим-эй, чарчаб кетдим, – деди киз Саъдуллага қараб. – Сиз қанча тердингиз?

– Қанчалигини қим билади, дейсиз. Икки фартук тўлдирдим. Ўтиринг, бир оз дам олинг.

Қиз ўтирди.

– Яхши-ку, – деди кулимсираб. – Меники ҳеч кўпаймайди-я. Баъзилар уч-тўрт фартукдан теришибди. Сиз ҳам кўп теролмайсизми ёки ўзингиз термаяпсизми?

Саъдулла кулди.

– Теролмайман. Белим зиркираб кетаверади. Ўрганмаганман-да. Сиз шаҳарликсиз-а?

– Ҳа, – деди киз, – Умримда биринчи марта далани кўришим. Сиз қаердансиз?

– Самарқанддан...

– Самарқандда пахта йўқми? – деди Феруза хайрон бўлиб.

– Бизнинг туманда йўқ-да.

– Пахта экилмайдиган туман ҳам боракан-да-а. Мен ўйлардимки, Ўзбекистоннинг ҳамма жойида пахта экилади. Фақат Тошкентда йўқ бўлса керак, деб ўйлардим. Отингиз нима?

– Саъдулла, Сизники-чи?

– Феруза. Бир гуруҳда ўқиб бир-биримизнинг оптимизми энди биляпмиз. Қанақа китоб ўқияпсиз? – Саъдулла китобнинг муқовасини кўрсатди. – «Ўткан кунлар». Қизиқ эканми?

– Ўқимаганмисиз?

– Йўқ, киносини кўрганман.

– Ёққанми?

– Унчамас, – деди Феруза лабини чўччайтириб.

– Шунинг учун китобини ўқиш керак. Китоби зўр. Кинода қискартириб ташлашган.

– Китоб ўқиш унча ёқмайди. Кинога қизиқаман. Айниқса, детектив фильмларга.

– Китоб ўқиш ёқмаса қандай қилиб юрист бўласиз?

– Нима, юристлар китоб ўқиши шарт эканми? Мана, мана адам юристла, ҳеч ҳам китоб ўқимайдила.

– Ёшлигида ўқигандир-да.

– Кеча нормани бажардизми? – деб гапни бурди Феруза.

– Қаёқда, – кулди Саъдулла. – Мен икки кунда бир кунлик нормани базўр эплейман.

Феруза қаҳ-қаҳлаб кулди. Унинг кулиши чиройли экан.

– Сиз ҳам ўзимиз катори экансиз-да, – деди у кулгисини зўрға тийиб. – Ким нормани бажармаса, университетдан ҳайдаймиз, дейишди, ростми шу?

– Ким билади дейсиз. Ҳайдашса ҳайдашар... Ёки биз ҳам баъзиларга ўхшаб сотиб олсакмикан?

Бу гап Ферузага жуда ғалати туюлди. Икки бошли бузоқ кўргандай ҳайратга тушди.

– Сотиб оласиз? Пахта сотадиган жой борми?

Саъдулла кизнинг соддалигини сезиб бир завқланди, бир ачинди. «Бу гапларни у қаердан билсин. Ота-онасининг иссиқ кучоғида еб-ичиб, хоҳлаган нарса-сини кийиб юрган киз-да. Дунёда бунақа ташвишлар ҳам борлиги хаёлига келармиди. Пахта сотадиган жой борми дейди-я. Илгари ўқитувчиларимиз ҳам қанчадан-қанча пахта сотиб олишарди-ку!»

– Бор, – деди ҳазиллашиб.

Феруза чиппа-чин ишонди.

– Килоси қанчадан? Менгайм олиб беринг.

Энди Саъдулла хохолаб кулиб юборди.

– Қизик экансиз-ку сиз. Мен ҳазиллашяпман.

– Биздан бошқаям нормасини бажаролмаётганлар бордир, – деди Феруза.

– Бўлса керак. Ёки икковимизни ҳайдаб юборишармикан-а?

Гўё бугун кечкурун ҳамманинг олдида мана булар кунлик нормасини бажармади, деб уялтиришадиган-

дай, ҳатто ўқишдан ҳайдаб юборишадигандай туюлди Ферузага. Юраги шиғиллаб, юзлари қизариб кетди.

– Инсоф қилишар-э, – деди Саъдулла ҳам ўзига, ҳам қизга таскин бериб.

Бир оздан сўнг ёнма-ён эгат оралаб кетишди. Феруза чап кўли билан гўзани бир томонга эгиб, ўнг кўли билан пахтани олар эди. Саъдулла энгашиб пахта терган кўйи қизнинг ҳаракатларини кузатди. Кулгиси кистади. «Менданам баттар экан-ку. Бу аҳволда кечгача йигирма килоям теролмайди». Бу фикрини Ферузага айтмади. Кулмади ҳам. «Кўнглига олиши мумкин. Ўзи-ку кам терганидан юрагини ҳовучлаб юрган экан. Ҳозир мен кулсам – тамом, мазаси қочади шўрликнинг».

Саъдулла унга яқинроқ борди.

– Мунақа қилиб терманг, – деди хайрихоҳлик билан. – Бу аҳволда албатта кўп териб бўлмайди-да. Мана, менга каранг, икки қўллаб олинг.

Саъдулланинг қўллари бири этакка келса, бири чанокка чўзилар, хуллас, навбатма-навбат бориб келарди.

– Гўзапояни бир томонга эгиб турмаса қанақа қилиб очилган пахтани олиб бўлади? – деди Феруза.

– Ўрганинг-да шунга. Бир қўл билан иш битадим.

Шу куни кечгача бирга теришди. Баъзи қизлар Ферузага қараб-қараб қўйишади. Бу қарашларнинг маънисини Ферузага ҳам, Саъдуллага ҳам аён. Аммо иккалови ҳам эътибор бермади.

Ётоқхонага гурунглашиб қайтишди.

Улар эртаси ҳам, ундан кейин ҳам бирга теришди.

Бир куни Саъдулла сал истиҳола билан қизга деди:

– Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим. – Қиз унга юзланди. – Бундай кузатсам, қизлар билан кам юрасиз, кам гаплашасиз. Уларнинг орасида дугоналарингиз йўқми?

Феруза кулди. Дархол жавоб бермади. Бир неча қадам жим кетишди. Ҳар иккаласи ўз хаёли билан банд. Саъдулла: «Назаримда, ноўрин савол бердим чоғи. Оғир ботдими...» Феруза: «Нима десам экан? Тўғри тушунармикан?»

– Ҳали кизлар билан яқинроқ танишиб олганимиз йўқ, – деди ниҳоят Феруза. – Ундан кейин, биласизми, негадир менга кизларнинг давраси унча ёқмайди.

Саъдулла ажабсинди.

– Нимага?

– Ажабланарли-а? – деди Феруза кулиб. – Лекин шунақа. Биласизми, улар доимо бир хил нарсани – кийим-кечак, такинчоклар тўғрисида гаплашишади. Шунақа гаплар унча ёқмайди манга... Бўш қолишса магазинга чопишади. Келган кунимиз ҳаммаси кишлоқ магазинига югуришди.

Қош қорайиб, одам одамни танимайдиган бўлиб борар, ғарб томондан майин шабада эсарди.

Улар ётоқхонага яқинлашиб қолган эдилар.

Ш

Чўнтагидан хат чиққандан кейин Саъдулла ҳаловатини йўқотди. Ётганда ҳам, турганда ҳам, пахта тераётганда ҳам шу хатни, Салимани ўйлайди.

Салима!

Унга нима деб хат ёзса экан? Мен ҳам сени севаман, десинми? Ёки биронта жўрасидан сўрайдими? Йўқ, бунақа нарсани бировга айтмагани маъкул. Кейин ҳаммага дoston бўлиб кетади. Салимага ҳам яхши эмас. Ота-онаси, акалари кулоғига етса – чаток. Яхшиси, ўзи ўйлаб кўради. Китобларда ўқиган-ку. Қайси китобда эди? Ҳа, эсига келди: «Ёдгор»да. Саодат

Жўрага, Жўра Саодатга хат ёзади. Ана шунга ўхшатиб битади.

Эрталаб ҳеч кимга билдирмай пахтазорга ручка билан дафтар олиб кетди. Бир оз терди-ю, кейин ўзини кунчиқардаги тутзорга урди. Тутзор ичида кўксини пахтасига босиб ётганча хат ёзишга тутинди.

«Салима! Хатингни олдим. Раҳмат...» Бу ёғига нима дейиш керак? «Мен ҳам сени севаман...» Ўйланиб қолди: «Севаманми ўзи? Китобларда ёзишади-ку, фалончи севгилисини кўрганда юраги гуп-гуп уриб кетди, деб. Салиманинг хатини ўқиганимда менинг ҳам юрагим гупиллаб урди-ку». Беихтиёр чўнтагига қўл солди. Ҳалиги хат чиқди. Шу заҳоти юраги гуп-гуп урганини сезди. «Хатига шунча, ўзини кўрсам, ёлғиз учратсам нима бўлар экан? Юрагим қинидан чиқиб кетмасайди... Демак, севги дегани шудир-да...» Ўйлаб-ўйлаб хатини давом эттирди: «Мен ҳам сени севаман... Бугун...» Бугунми? Йўк, бугун эмас, эртага дейин... «Эртага кечқурун овқатланиб бўлганингдан сўнг ариқ ёқасидаги катта тутнинг тагига чиқасанми?.. Саъдулла».

Хатни буклаб киссасига солди. «Энди буни қандай қилиб берсам экан? Синглимга айтсаммикан? Йўк, битта-яримтаси кўриб қолса – расвоси чиқади. Ўзини ёлғиз учратишим керак. У қаердан теряптийкан?»

Пахтазорга оралаб кетди.

Хув нарида – картанинг охирида қизлар кўринди. Шуларнинг орасида йўқмикан? Бирдан... тўғри келмас. Аста-секин, пахта тергандай бўлиб боради.

У қатордан, бу қатордан бир чанокдан олиб қизлар томонга юрди. Уларга яқинлашганда қизлардан бири гап ташлади:

– Ҳа, партизан! Нимага бир эгатдан термай ёнлама-сига оралаб юрибсан?

Саъдулла сир бой бермади.

– Ҳадеб бир томондан териш одамни зериктириб юборди. Шунинг учун кўндалангига термоқчиман.

Нигоҳи Салимани изларди. Ана, уни топди. Салима кизларнинг нариги томонида, бошини кизил рўмол билан танғиб, эпчиллик билан пахта терарди. У гўё Саъдуллани кўрмас, унинг келганига эътибор ҳам бермасди.

«Нима қилиш лозим? Хатни қандай қилиб бериш керак?» Бу муаммога Саъдулланинг акли етмас, аламини пахтадан олмоқчидай жадал терарди.

– Хўш, қизлар, – деди Саъдулла уларга ҳазиллашиб. – Энг кўп терганларинг киму, энг кам терганларинг ким?

– Нима қиласан? – деди ўзи билан ўқийдиган Ҳалима, – кам терганга ёрдам берармидинг?

– Ў-хў, иштаҳанг карнай-ку. Энг кўп терган киз менга ёрдам берсин, демоқчиман-да.

– Ҳо-о, мунча яхши, – деди яна Ҳалима. – Сизга ёрдам берайликми? Ўзлари-чи? Йигит киши қизлардан ёрдам сўрагани уялмайсанми?

Саъдулла бўш келмади.

– Пахта териш кизларнинг иши-да. Бошқа иш бўлса мен ёрдам беришим мумкин эди.

– Гўр қиласан, – деди кизлардан яна бири, – фақат бировдан юлишни биласан.

Ҳамма барабар қулиб юборди. Салима ҳам қулди. Саъдулла зимдан уни кузатарди. Салима унга қарамас, бироқ кўнгил кўзлари Саъдуллани кузатаётгани аниқ эди.

– Жа нима бериб қўювдинг менга? – деди Саъдулла бояги қизга. Кейин у битта чанок юлиб, Салима томон йўналди. Салима ҳам кизлардан икки эгат нарига ўтди.

Саъдулла ёнлаб бораркан гўё ерга тўкилган пахтани олган каби энгашди-да, букланган қоғозни секингина Салимага отди, киз ҳам сезгирлик килди. Қоғозни пахтага кўшиб олди-да, этагига ташлади. Юзи дув қизарди.

– Шундай қилиб, ёрдам бермайсизларми. Майли бўлмаса, мен кетдим. Ўзим бир кунимни кўрарман.

– Бор-бор, – деди Ҳалима. – Йўлингдан қолма. Агар пахтанг кўпайиб кетса бизга илинарсан.

Саъдулла кула-кула илгарилади.

Эртаси куни кечқурун хатда тайин қилинган жойга – тут тагига ховлиқиб-ҳаяжонланиб келди. Қайдадир чигиртка чириллайди. Ариқ ёқалаб ўсган камишлар бир-бирига ишқаланиб ғиш-ғиш этган овоз чиқаради.

Саъдулла аланг-жаланг. Диккати кўпроқ Салима келадиган томонда. Ундан дарак йўқ. «Чикмасмикан? Кеча окшом чой олаётганда бораман деган маънода бош ирғовди-ку... Балки дугоналаридан айрилиб чиқиши қийин бўлаётгандир. Мендан ҳам сўрашди-ку. Қиз боланинг ёлғиз ўзи чиқиб кетиши осонми?..»

Чап томондаги ёлғизоёқ йўлдан шовур эшитилди. Саъдулла ўша томонга ўтирилди. «Келяпти...» Юраги гупиллаб урди. Лекин, билсаки, бошқа: шу кишлоклик бола экан. Қайси куни мактаб стадионида бирга футбол ўйнаган эди. У Саъдуллани кўриб чўчиб тушди.

– Саломалайкум, – деди кейин бақириб.

Саъдулла саломга алик олиш ўрнига уни саволга тутди: – Нима килиб юрибсан кеч бўлганда?

– Сигиримизни кидириб юрибман. Подадан кемади, – деди бола.

– Бу ерда сигир нима килади? – деди Саъдулла энсаси қотиб.

– Ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда якка?

«Жуда эзма экан-ку! Сигирини ахтармайдими ундан кўра». Ўзим, шундай айланиб юрибман.

Бола кетди.

Шамол бир оз зўрайди. Қамишлар шиғ-шиғ этади. Узокдан бойўғлининг овози эшитилди. Саъдулланинг юраги шиғиллаб, ичи музлаб кетди. У бойўғлидан жуда кўрқарди. Умуман битта ўзи кечаси юришдан чўчийди. Ҳозир ҳам юраги така-пука урди. «Келмайди шекилли. Кетаман... Йўғ-э, пича кутай, ана, тагин бир шарпа...

Келувчи икки қадамлар нарида тўхтади.

– Салима!

Салима аввал йигитга термилди, кейин бирдан юзини ўгирди. Жойида тек қотди.

Саъдулла унга томон юрмоқни, бориб унинг қўлларидадан ушламоқни хаёл қилди. Аммо... аммо оёқлари зилдай оғир, уларни кўтаролмас, жойидан кимирлатолмас эди.

– Салима!..

Хитобини Салима эшитдими-йўқми – номаълум. Чамаси ўзига ҳам аниқроқ эшитилмади. «Салима» дея олдимми ёки демоқчи бўлдимми-биллолмайди. Бутун томирларидаги қон бошида тўплангандай эди. Ажабо, туш кўряптими, хаёл суряптими? Тасаввури хиралашган, фақат кўкси темирчи босқонидек гупиллаётганини ҳис этарди, холос.

Қиз ҳам қимир этмайди. Оралари атиги икки қадам, балки ундан ҳам яқин, аммо...

Бу оқшомни Саъдулла қанча кутди. Кеча куни билан орзикди, тун бўйи мижжа қокмади. Бугун эса кеч тушгунча роса бўлари бўлди. Тезроқ у билан ёлғиз, юзма-юз учрашмоқ хаёли билан яшади. Энди эса... Мана, энди тилагидаги қиз, интизор кутгани ёнида.

Шундай қўл узатса етади. Лекин узатолмайди. Қўллари гўё шол, оёқлари кесак!..

Шаксиз, киз нигоҳида ҳам бир дилгирлик, бир интиклик акс этган эди. Ахири у недандир тамом токатсизланди. Қайрилиб йигитга хуморваш бир қараш қилди. Ҳамон ҳайкалдек қотган йигитдан садо чиқавермагандан сўнг у сўкмоқ бўйлаб югуриб кетди.

Ўтлар шитирлашидан йигит ўзига келди. Бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди:

– Салима! Хатингни кутаман!

IV

Қишлоқдан қайтгач Саъдулла бир неча кунгача гарансиб, девонадай бўлиб юрди. Биров гап сўраса «ҳа» ё «йўк» деб қиска жавоб беради, холос. Дарсда ҳам жим ўтиради. Илгари ўқитувчиларга савол берар, умуман, аудиторияда ўтиргани сезилиб турарди. Энди эса у гўё дарсда йўкдай. Буни курсдошларигина эмас, ўқитувчилар ҳам пайкашди.

Фалсафадан доцент Қулматов лекция ўқийди. Жуда хушчакчак одам – ўзи гапириб ўзи кулади. Талабалар билан ўртоғидай бемалол, очик суҳбатлашади. Шу боис талабалар ҳам унга ўзларини яқин оладилар.

Шу ўқитувчи бир куни сўраб қолди:

– Примов, соғлигингиз жойидами?

Саъдулла хайрон. Нега бундай деб сўраяпти домла?

– Дарсда борингиз ҳам, йўғингиз ҳам билинмайди, тўйга келган муллаваччалардай индамай ўтириб, индамай чиқиб кетасиз, – деди Қулматов. – Илгари жа савол беришга ўч эдингиз. Шунинг учун сўраяпман-да, мабодо бетобмисиз деб.

Болаларга кўшилиб Саъдулла ҳам зўрма-зўраки жилмайди.

– Соғлигим яхши, домла, – деди хаста овозда.

– Ишонмадим. Овозингиз базўр чиқяпти.

Дарсдан кейин бир-бир босиб ўй суриб кетаётган эди, ёнида қизбола туфлисининг бир маромдаги тақиллаши эшитилди. Кўнгли бир нарсани сизди, лекин ўгирилиб қарамади.

– Саъдулла!.. – Бу Феруза эди. – Қаёққа кетяпсиз?

– Уйга, – деди Саъдулла.

Феруза унинг пинжигга киргудек яқинидан одимларди. Йигитнинг юзига термилди. У ҳам қаради. Ферузанинг нигоҳида теран бир самимият, ҳатто ўзига нисбатан меҳр туйғусини сизди.

– Йўқ демасангиз кинога борайлик, – деди Феруза. Саъдулла курсдош қизлар билан кинога кўп тушган. Аммо бирон қиз билан ёлғиз кирмаган. Феруза ҳам доим кўпчиликка эргашиб борган. Бугун эса... Нега бу фикрга келди экан?

– Кўркмайсизми?

– Кимдан?

– Айтайлик мендан...

– Йўқ, – деди Феруза, – мен ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан кўркмайман. Сиздан эса бутунлай. – Саъдулла нимадир демоқчи бўлганди, Феруза оғиз очирмади. – Чунки сиз ҳеч қачон бировга ёмонлик истамайсиз.

– Ў-ҳў, жуда мактаб юбордингиз-ку. Шунчалик зўрлигимни билмас эканман.

– Кулманг, – деди Феруза жиддий киёфада, – Ман ҳазиллашаётганим йўқ, рост айтяпман...

Соат олтида Санъат саройининг олдида учрашадиган бўлишди.

Саъдулла ётоқхонага кетар экан, Ферузанинг гапларини ўзича таҳлил қилди: «Мақсади нима? Нега энди ўзи келиб мени кинога таклиф этди?.. Сен ҳам қизик одамсан-да, Саъдулла.

Хўш, таклиф қилса нима бўпти. Ахир уч йилдан бери бир аудиторияда бирга ўқийсан. Кинога борсанг нима қипти? Нега энди буни бошқача талқин қилиш керак? Нима, йигит билан киз дўстлашиши, кинога бориши, суҳбатлашиши мумкин эмасми? Қиз болалиги – айбми? Эҳтимол қизлар билан кинога тушишни хоҳламас. Ўзи айтувди-ку, менга қизларнинг давраси ёкмайди, деб. Характери шунақадир-да... Балки менинг ҳолатимни тушунгандир, ниманидир сезгандир. Қишлоқдан келаётиб метрода учратганимда уйдагилар тинчми, деб сўровди. Ҳар ҳолда анча хушёр, сезгир киз Феруза».

Йигитчилик-да, хаёли энди бошқа томонга оғди: «Қанча йигитлар орқасидан эргашиб юради, биламан. Пахтадаям нечтаси шилқимлик қилди. Биронтасига сўз бермайди. Шартта қайриб ташлайди... Унака енгилтак қизлардан эмас у... Сени эса ўзи кинога таклиф қиляпти...» Бу фикридан ўзича ғурурланиб кўйди.

Кино бошланишига ярим соат бор эди. Шошилмай иккинчи қаватга кўтарилишди. Музқаймоқ олиб бир чеккага – дераза олдидаги столга бориб ўтиришди.

– Сиздан бир нарса сўрамоқчиман,– деди Феруза тамшаниб.

– Марҳамат,– деди Саъдулла такаллуф билан.

– Тўғрисини айтинг, нега уйингизга бориб келганингиздан бери кайфиятингиз яхшимас? Илгарилари қишлоқдан жуда хурсанд қайтар эдингиз.

«Демак, мени кузатиб юрар экан-да». Саъдулла хаёлидан кечган бу фикрни кизга билдирмади, ўзини хотиржам тутишга интилди.

– Қайси куни метрода ҳам сўровдингиз.

– Эзмалигим учун узр, – деди Феруза.

– Йўқ-йўқ, мен бошқа маънода... – деди Саъдулла ўнғайсизланиб. – Курсдошлардан биронтаси сўрамади-ю, сиз эса қизиқаяпсиз. Бировнинг тақдири сизни доқайд қолдирмас экан.

– Ахир биз юрист бўлмоқчимиз-ку. Иккови ҳам қулди.

– Биласизми, Феруза, айтарли муҳим гап йўқ. Одам бўлгандан кейин ҳар хил ҳолатга, қайфиятга тушиши табиий. Шунинг учун ҳозир бу ҳақда гаплашиб ўтирмасак. Мавриди келса ўзим ҳаммасини айтиб берарман. Аммо сиздан хурсандман.

– Қўйсангиз-чи. Бирга ўқисак, бир неча йилдан бери бир-биримизни билсак-да, аҳволинг қалай, деб сўраш хаёлимизга келмаса. Одамгарчиликданми шу?..

«Бу қизни тушуниш кийин. Бир қарасанг, баланд-парвоз, унча-мунчани менсимайди. Дунёнинг борди-келдиси билан иши йўқ. Бир қарасанг, жуда одам-охун, меҳрибон, қуюнчак... Бир терининг ичида одамзод неча марта семириб, неча марта озиши мумкин, деган гапни эшитувдим. Лекин турфа характерда кўриши мумкинлигидан беҳабар эдим».

– Раҳмат сизга Феруза.

Сеанс вақти яқинлашди. Бетокат одамлар ҳозиргина очиб кўйилган эшик сари ёпирилишди.

Улар ҳам оқимга қўшилиб кетдилар...

V

Кинодан чиқишганда қоронғи тушган, майдалаб ёмғир ёғарди.

– О-о, зўр-ку! – деди Феруза хурсанд ҳолда. – Пиёда кетамизми? Мен ёмғирда яёв юришни яхши кўраман.

Ёмғир ёғаётганини кўриб Саъдулла, барибир Феруза уйига шошилади, такси-пакси тўхтатиш керакми, деб ўйлаганди. Қизнинг бу гапидан кейин фикридан қайтди.

– Майли, – деди у. – Менга ҳам ёқади пиёда юриш. Фақат устингиз хўл бўлиб кетмаса бас. Соябон ҳам олмаган экансиз.

– Ёмғир ёғишини ким билибди дейсиз. Боя қандай иссиқ эди. – У Саъдулланинг тирсагидан ушлаб олди ва пинжигга кирди, – мана бундай килиб панангизда кетаман.

Неон чироклар ёруғида кўчалар шишадек ялтиллайди, Феруза туфлисининг мих пошнаси бетон сахнга так-туқ этиб урилар, Саъдулла худди бу товушларни санаётгандек, жим борар эди.

Навой кўчасига чиқиб, Ўрда томонга бурилдилар.

– Ёмғир ёққани яхши бўлди, хавони тозалайди. Қаранг, қандай маза.

Феруза ёш боладай севинар, ёмғир сувини ичмоқчидек, осмонга қараб оғзини очарди.

– Албатта, – деди Саъдулла. – Ёмғирга нима етсин. Бутун чанг-ғуборларни ювиб кетади.

Анхорнинг кўпригига борганда устлари бўккан, хурпайиб турган сочлари аллақачон пешоналарига чиппа ёпишиб қолган эди. Аммо автобус ёки таксига чиқиш икковининг ҳам хаёлига келмасди...

VI

Ўқишлар тугаб, ёзги имтихонлар бошланди. Ҳар куни қайсидир фандан синов бўларди.

Бундай кунларда талабаларда уйку камаяди. У сессиядан бу сессиягача китоб ўқиш, дарс тайёрлаш учун

ҳеч ким қунт қилмайди. Ҳа, ҳали вақт бор-ку, деган тушунча билан вақтни ўтказиб юборишади. Сессия бошлангандан сўнг эса ҳаммалари оёғи қуйган товукдек типирчилаб қолишади.

Бу «касал»дан Саъдулла ҳам фориғ эмас. Аҳволи доим шу: синов ва имтиҳонлар қалашиб келганда қайси фандан тайёрланишни билмай боши котади.

Эртага имтиҳон эди. Шу сабабли китобга мук тушди, тушгача кимирламай ўкиди, айрим нарсаларни конспект қилди. Охири боши оғриб, чарчаб кетди. Китобларни йиғиштириб стол устига ирғитди.

Каравотга чўзилиб китоб ўқиб ётган ҳамхонаси Чори ажабланди.

– Ҳа, жўра, – деди у қулиб. – Нима гап, тинчликми?

– Бош арининг уясидай ғувиллаб кетди. Етар шунча ўқиганимиз. Юринг, бир кўчаларни айланиб, каллани шамоллатиб келамиз, қолгани кечқурун...

Чори жойидан кимирламади.

– Кўчага чиксам бўлмайди, жўра.

– Нимага? Бир оз дам олиб қайтамиз.

– Йўқ, – деди Чори. – Кўчага чиксак уни кўрамиз, буни кўрамиз. Бир кружкадан пиво ичгимиз келади. Шу билан қоп кетамиз. Эртага тагин ҳолимизга маймун йиғламасин.

Саъдулла кийина бошлади.

– Бўлмаса мен кетдим. Сал айланиб келаман...

– Ўзи сизни кейинги пайтларда тушунмай қоляпман, – деди Чори китобдан бошини кўтармай. – Қандайдир хаёлпарастсиз, ўн гапирса, бир гапирмайсиз. Уйда кам ўтирасиз. Нима бало, биронтасини топдингизми ё?

Саъдулла сир бой бермади. Ўзини хотиржам тутди.

– Билмадим, сизга шундай туюлаётгандир-да... Майли, бир-икки соатда қайтаман, – деб чиқиб кетди.

Феруза уйининг телефон рақамини берганига анча бўлди. Аммо Саъдулла бирон марта ҳам кўнғирок қилмаган. Балки ҳозир... «Уйида бўлса чакираман. Келса, бирга кинога тушамиз, бир оз айланамиз. Йўқ деса – йўқ-да. Мендан нима кетди».

Ўрдада автобусдан тушди. Телефон-автоматга кириб ракам терди. Аёл кишининг «Алё» деган овози эшитилди. Саъдулла бир зум гангиб қолди. Унгача трубкадан яна «алё, эшитаман» деган овоз келди, «Онаси», деди ичида, қони қизиби, сўнг ўзини тутиб олди-да, Ферузани сўради. Бахтига у уйда экан...

– Салом, Феруза, бу мен...

– Танидим. Салом, яхшимисиз?

– Раҳмат. Ўзингиз қалайсиз? Кечирасиз, агар вақтингиз бўлса кўчага чикмайсизми? Бир оз айланамиз, балки кинога тушармиз.

– Эртага имтиҳон-ку.

– Ҳа, менам бир оз ўқидим. Кейин зерикиб кўчага чикдим... Ўйлаб-ўйлаб сизга телефон қиляпман. Санъат саройида яхши кино кетаётган экан.

Феруза бир оз жим қолди.

– Консултация дедингизми? Соат неччида экан?

Саволлар Саъдуллани ҳайратга солди. «Консултация? Тавба!»

– Соат иккида? Кеча айтишмовди-ку...

Қизнинг ниятини Саъдулла энди тушунди. Бирок ўзи қаердан кўнғирок қилаётганини айтмади-ку. Қиз бечора онасининг олдида сўролмапти.

– Мен Ўрдадан, – деди овозини сал пасайтириб. – Бекатда кутаман.

– Албатта бораман. Яна имтиҳонда ўқитувчи консултацияга келмадинг, деб бошни қотирмасин. Телефон қилганингиз учун раҳмат.

Саъдулла телефон дастагини жойига илдида, коникиш билан будкадан чиқди. Нечундир кулгиси кистар, оёқ олишлари енгил эди. Ҳамма нарса гўзал, яхши кўринар, куннинг иссиғи ҳам билинмасди. «Қанча вақтда келар экан? Уйи яқин-ку, дарров келса керак...» Соатига каради: бир ярим, иккигача келади. Бекатга борди. Скамейкага ўтирди. Аммо узок ўтиролмади. Дорихона томонга юрди, орқасига кайтди. Аксига олиб газета дўкончаси ҳам ёпиқ эди. Очиқ бўлса биронта газетами, журналми олиб эрмак қиларди. Соатга каради. Бунча имиллайди-я? Энди ўн минут ўтибди.

Бекатдаги скамейкага ўтирди-да, ўтган автобус-троллейбусларни бетоқат санай бошлади.

Ниҳоят, у енгил нафас олди: навбатдаги троллейбуснинг олдинги эшиги шундоқкина рўпарасига тўғри келди ва у шарақлаб очилиши билан Феруза тушди.

Ферузанинг эғнида юпка шифон кўйлак, оёғида қимматбаҳо бежирим сандал. Елкасига тушган коп-кора қалин сочи ўзига ярашар, бўялган кош-кўзлари алланечук сирли-ишвали эди. Феруза пардоз-андозни жойига кўяр, шу боис атир-сурмаси, упа-элиги ғашни келтирмас, аксинча ҳавасланиб, сук билан бокишга мажбур этарди.

– Хўш,– деди Феруза кулиб,– консултация қаерда экан? Панорамадами? Қайси мамлакат фанидан бўларкан? Ҳиндистонми ёки Италия?

– Борайлик-чи, биламиз-да,– унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди Саъдулла.– Қайси мамлакат фанидан бўлсаям кўраверайлик, зарар қилмас. Менимча, консултацияга киришдан аввал музқаймоқ ейиш керак. Кун жуда иссиқ, одам чанқаб кетяпти.

– Ўша ерда бордир... Санъат саройи томон юришди.

– Ҳазил-ҳазил-ку, аммо эртага нима қиламиз? – деди Феруза. – Ман ҳали тузукроқ ўқиб чиқолмадим. Тайёргарликнинг мазаси йўқ. Сиз-чи?

– Бир гап бўлар. Шунча вақтдан бери топшириб келяпмиз-ку. Кинодан чиққандан кейин қолганини ўқиб олармиз. Хоҳласангиз биргаликда тайёрлаймиз.

Феруза ялт этиб қаради:

– Нималар деяпсиз? Кеч қолсам, ойим ўлдирадилар. Олти-еттиларгача келаман, деганман.

– Консултация чўзилиб кетди, дейсиз. Иккови ҳам кулди.

– Йўқ, – деди Феруза. – Ёлғон ҳам эви билан-да. Ойим ҳечам ишонмайдилар.

Кино детектив экан, хузур қилиб кўришди. Ферузани кузатиб кўйиб, ётоқхонага қайтганида соат саккизга яқинлашиб қолганди.

Чори ҳамон каравотга чўзилганча сабоқ билан машғул...

– Жуда каттиқ киришибсиз-ку, – деди Саъдулла. – Шу ётганча ҳалиям турмадингизми? Эртага бешни котираркансиз-да.

– Ўзлари бир-икки соатда келаман, деб кетувдилар.

– Кўчага чиққандан кейин биласиз-ку.

– Нима девдим... Хат келди сизга.

Саъдулла столдан хатни олди. Холматдан экан. Юраги шигиллаб кетди.

«Салом, Саъдулла жўра!

Ўқишларинг қалай? Тошкент гўзалларига маҳлиё бўлиб юрибсанми?

Жўра, биласан, тўйни августга мўлжаллаган эдик. Лекин баъзи сабабларга кўра тезлаштиришга тўғри келиб қолди. Ўнинчи июль куни тўй. Тўрт-бешта оғайнинг билан кел...»

Хат давомини ўқиёлмади. Бўшашиб каравотга ўтирди. Унинг ранг-рўйини кўриб Чори ҳайрон бўлди, ҳатто кўркиб кетди.

– Тинчликми, Саъдулла? Ота-онангиз соғ-омонми-кан?

– Тинчлик... – деди Саъдулла базўр.

Хат сирғалиб кўлидан тушди. Чори уни олиб ўқиди. Лекин ҳеч нарсага тушунмади.

– Жўрангиз тўйга таклиф кипти... Саъдулла портлади.

– Бас!

Улар уч йилдан бери бир хонада яшайди. Ҳеч қачон сан-манга боришмаган. Саъдулла жуда вазмин, босик, кечиримли характери билан Чорига маъзул эди. Кўпинча унга ҳаваси келар, ҳар қандай шароитда ўзингизни тия оласиз, деб унинг иродасига тан берарди. Ҳозир эса... Демак, жиддий бир гап бор. Шу сабаб Чори унинг бакирганидан ранжимади. Хатни столга кўйди-да, аста каравотига ўтирди. Саъдулла кафтларини юзига босди. Аъзойи бадани титрарди. Худди совукда жунжиккан одамга ўхшарди. Чори унга таскин беришни, уни овутишни ўйлар, аммо бунга ожиз эди. Бинобарин, гап ни-мада эканлиги унга мутлақо қоронғи.

Саъдулла маст одамдай гандираклар ўрнидан турди. Ниманидир кидирди. Чори сўрамоқчи бўлди, бироқ ботинолмади. Саъдулла хатни майда-майда қилиб йиртиб ташлади.

– Чори! – деди кейин дўстига қараб. – Ароқ йўқми? Ичим ёниб кетяпти!..

Чори унинг елкасидан кучди.

– Саъдулла, ўзингизни босинг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзингизни қўлга олинг. Мен сизни таниёлмай қолдим.

– Қандай қилиб чидаш мумкин ахир бунга?! Озгина арок топсангиз-чи...

Бундай ҳолда ичкилик одамни тамом ғуссага кўмади. Буни Чори билади. Шунинг учун ҳозир, нима бўлганда ҳам, Саъдуллани фикридан қайтариш, совитиш керак.

– Шу савилдан топамиз, майли. Лекин нима гап ўзи? Сал тушунтирсангиз-чи, ахир.

– Чори! Дўстим, Салима...

У тутилди, томоғига нимадир тикилди.

«Салима... Салима бунинг яхши кўрган қизи. Иккови бир-бирига хат ёзишади. Суратини ҳам кўрсатган менга. Қишлоққа ҳар гал борганида у билан учрашадди. Келиб, менга оғзидан мой томиб гапириб беради... Нима бўлди экан унга? Демак, у бошқа бировга турмушга чикяпти чоғи. Шу хат ёзган йигит шунга уйланыптимикан...»

Ана шу мулоҳазаларни дилидан кечираркан, Чори юрак ютиб деди:

– Нима, Салима...

– Ҳа, Салима, Салима ўлди.. ўлди... – Ўлди?!

– Ўлди! Йўқ, кошки эди ўлса, кошки эди...

«Ҳаммаси тушунарли. Ўзим ўйлаганим – Салима манови хатни ёзган йигитга турмушга чикяпти. Бечора Саъдулла, оғзидан Салима тушмасди-я... Нега бундай бўлди экан? Хатга қараганда, Холмат билан жўрага ўхшайди. Дунёни тушуниш қийин, одам боласининг ақли етмайдиган ишлар кўп бу оламда...»

– Ўзингизни босинг, Саъдулла, – деди Чори. – Ҳаммаси ўтиб кетади. Кўп куюнманг, бунақада соғлигингизни йўкотасиз...

Ўша куни ярим тунгача иккови гаплашиб ётди. Э-хе, нималар, кимлар ҳақида суҳбат кетмади. Чори охири мақсадга ўтди.

– Хўш, ҳаммаси майли, аммо Салима бундай қилишининг сабаби нима? Сизни яхши кўрса, сиз уни яхши кўрсангиз...

Саъдулла ўйланиб қолди.

– Аниқ сабабини билмайман, – деди сўнгра. – Ҳар кимнинг кўнгли...

– Ҳар ҳолда бирон-бир сабаби бордир ахир.

– Биласиз, мен уч йилдан бери Тошкентдаман, онда-сонда бир бораман... У билан ҳам кам учрашамиз, фақат ёзишамиз... Холмат ўша ерда... Ундан кейин, мен оддий бир колхозчининг ўғлиман, Холматнинг отаси раис...

– Шундай демайсизми... Гап бу ёқда экан-да.

Оғир сукунат чўқди. Иккови икки каравотда жим ётибди. Ташқарида шамол эсди. Нимадир тарақлаб кетди. Бир оздан сўнг дераза тикир-тикир этди.

Чори ётган жойида деразага ўгирилиб қаради:

– Ёмғирми? Ие, ёмғир ёғяпти... Шу пайтдаям ёмғир ёғадими... Саъдулла индамади. Назарида, дунёнинг баъзи ишларига осмон ҳам чидай олмай дод солар, кўз ёши тўқарди... Ёмғир тезлашди...

VI

Кечки пайт экан. Саъдулла қишлоқ устидан ўтадиган йўлдан қаёққадир бораётган эмиш. Бир маҳал олдинда катта дарахт кўринипти. Саъдулла ҳайрон бўлиб қараса, Салима билан соясида учрашадигани – садақайрағоч эмиш. «Ие, бу қайрағоч бошқа жойда эдику, бу ерга қандай қилиб келиб қолди?» деб ўйлапти. Ҳали ўйи охирига етмасдан қайрағоч тилга кирипти: «Қанча вақтдан бери сени пойлайман. Ҳеч дарагинг йўқ. Эсингдами, ҳув бирда келиб мендан ўпка қилиб

кетдинг. Айт, менда нима гуноҳ бор? Нимага мендан ранжийсан?.. Мендан хафа бўлма, болам...»

Саъдулла ҳайратдан ёқа ушлабди. Э, тавба, дарахт ҳам гапирар экан-да. «Мана, тил-забонинг бор экан-ку, айтгин эди ўшанга», дебди куюниб. Шу маҳал рўпарасида – дарахт ўрнида бир қиз жонланипти: сочлари ёйилган, этаклари кенг, оёқлари узун-узуну қўллари калта-калта эмиш. Саъдулла чўчиб кетипти. Қиз эса қовоқ солиб бундай дебди: «Мана, хатларинг, ол, ўзингга сийлов». У бир тўда қоғозни осмонга сочиб юборибди. Кейин орқасига карамай қочиб, қоронғилик бағрига сингиб кетибди. Саъдулла унинг орқасидан югурмоқчи бўпти, аммо оёқларини кўтаролмас эмиш. Бақирмоқчи бўпти, овози чикмасмиш. Бир маҳал ичкаридан, зулмат қўйнидан кичкирик эшитилибди: «Саъдулла ака-а-а... Қаердасиз?..» Саъдулла ҳам беихтиёр бақириб юборипти: «Мана мен, бу ердама-ан!»

Саъдулла ўз овозидан чўчиб уйғонди. Юраги гуп-гуп урарди. Бошини сал баландроқ қўйиб ётди-да, ўзини босиб олишга, ҳозиргина кўрган тушини эсламасликка уринди. Столда турган соатни олиб дераза ёруғига солди: ўн минут кам беш. Чори маза қилиб ухляпти. Саъдулла яна хаёлини чалғитишга, бошқа нарсаларни ўйлашга интилди. Аммо ўйи айлана-айлана Салимага келиб тақалаверди.

Кечагидек эсида, Саъдулла мандатдан ўтиб кишлокка борган кунлар эди. Қувончи ичига сиғмайди. Яна уч-тўрт кундан кейин Тошкентга – ўқишга қайтиб кетиши керак.

У укасининг велосипедини миниб қўшни кишлокдаги жўрасининг олдига йўл олди. Йўлни қисқартириш ниятида маккажўхоризор орасидан ўтадиган ёлғизоёқ йўлдан ҳайдади.

Шу пайт кимнингдир «Ассалом» деган овозини эшитди. У велосипед тормозини босди. Сўнг атрофга аланглади. Беш-олти кадам нарида, маккажўхори соясида Салима ўтирарди. Саъдулла велосипедини етаклаб ўша томонга шошилди.

– Нима қилиб юрибсан? – деди Саъдулла дабдурустдан.

– Хув, анави заякда молларимиз бойловда эди, шуларни суғориб сояга олиб келяпман. Ўзингиз қаерга кетяпсиз? – Худди тандирда нон ёпаётгандек унинг юзлари кизариб кетган эди. – Табриклайман, ўқишга кирибсиз.

– Раҳмат... Бешқўрғонга боряпман, бировда ишим бор эди. – Саъдулла тиззалари оғриб ўрнидан турди. – Менга кара, юр, ичкарироққа кирайлик, бир оз гаплашамиз.

– Кўйсангиз-чи. Шу ерда гаплашаверамиз. Саъдулла кизнинг кўлидан ушлади.

– Тура қол, бу ер ҳам иссиқ, ҳам битта-яримта кўриб қолса гапни кўпайтиради. Бемалол гаплашамиз, сени соғинганман.

– Алдайсиз, – деди Салима кўзғалиб. – Ҳеч соғинганга ўхшамайсиз. Тошкентда чиройли кизлар кўпдир...

Ўртада сал очикроқ жой бор экан, ўша ерда тўхташди. Саъдулла киссасидан рўмолчасини олиб пуштага солди-да, оёқларини жўяк ичига узатиб ўтирди. Салима унинг ёнидан жой олди.

Маккажўхори барглари майин шабадада аста-секин ғишиллайди. Эътибор бериб қулоқ солса худди нола килаётганга ўхшайди. Шундайгина тепаларида сўфитўрғайнинг «чиев-чиев»лагани эшитилди. Беихтиёр осмонга қарашди. Лекин сўфитўрғай кўринмади.

Шу бир баҳона бўлиб, Салима тилга кирди.

– Қачон кетасиз Тошкентга?

– Ўттиз биринчида, – деди Саъдулла.

– Энди шу билан қачон келасиз?

– Тез-тез келиб тураман.

Саъдулла қизнинг елкасига қўлини ташлади, у қаршилик билдирмади.

– У ерда ҳар хил хушрўй қизларни кўриб, биз қишлоқиларни эсдан чиқариб юборарсиз, – деди Салима.

Кўзлар бир-бирига яқинлашгани сари юрак уришлари тезлашди. Ҳозиргина йўл ёқасида бемалол гаплашаётган эдилар, энди бу ерда – ҳеч ким халақит бермайдиган жойда очилиб суҳбатлашиш қийин кечмоқда.

– Нималар деясан.. – Саъдулланинг овози титради. – Мен сени ҳеч кимга алмаштирмайман. Сени яхши кўраман, жудаям яхши кўраман.

– Ростми? – деди Салима ноз билан ўзини орқага оларкан.

– Истасанг қасам ичаман... Сен-чи? Мени кутасанми?

– Бўлмасам-чи. Ҳали беш йил экан-ку, ўн йил бўлсаям кутаман. Мен сизни...

Қиз гапини охирига етказолмади. Саъдулла унинг лабларига лабларини босди...

Қаттиқ-қаттиқ йўталиб Чори уйғонди. Саъдулла ўзини ухлаганга олиб ётди. Чори соатига қаради-да, ирғиб турди.

– Саъдулла, ў, Саъдулла, тулинг жўра, кеч бўп кетипти-ку. Тезроқ чой-пой ичиб, борайлик.

Бугун охириги имтиҳон. Имтиҳон олувчи домла шундай инжиқ, шундай миждовки, бутун факультетни жондан тўйдирган. Турдиев деса, ҳамма безиллайди. Шунинг учун Чори ҳам безовта. Гўё эртароқ борса беш кўядигандай. Ҳеч қачон бундай бўлмайди, лекин ҳар ҳолда Чори шу ўқитувчига номаъкул иш қилиб

қўйишдан чўчийди. Ким билади, имтиҳондан олдин ким келди, ким келмади, деб суриштириб кўрадим! Юкори курсдагилардан бир-икки марта шундай қилган экан. Йўқлаган пайтида бўлмаган талабани имтиҳонга киритмапти. Шуям иш бўлди-ю... Ўргилдим катталигингдан... Ўқитувчилару талабалар шундай деб юришади. Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Бу инжиқ тўрам билан гаплашиб, унга бир нарсани тушунтиргунча одамнинг қон босими ошиб, инфаркт бўп қолиши ҳеч гапмас.

Чори ювиниб келди-да, апил-тапил кийина бошлади. Саъдулла шифтга термилиб ётарди.

– Ҳа, ётишингиз бемалол, – деди Чори кулимсираб. – Нима, Турдиевнинг ўзи келиб қўйиб берадимизизга.

Саъдулла индамади. Хаёли ҳамон кишлокда. Бугун тўй. Салима билан Холматнинг тўйи! Бир томондан боши тегирмонтошидай оғир. Бир ой ухламаган одамга ўхшайди. Нуқул ғувиллайди. Бу аҳволда имтиҳон топшириб бўладими? Яна кимга, Турдиевга! Шармандаси чиқиб қайтгандан кўра бормай кўя қолгани маъқул эмасми? Бошқа кун йўлланма олиб боради. Касал эдим, дейди. Аммо Турдиев унча-мунча гапга ишониши кийин. Бир талаба имтиҳонга келмапти-да, беш-олти кундан кейин Турдиевнинг олдига кирибди. «Нега вақтида келмадинг?» деса, «Отанг қазо килиб қолди. Шунга кетувдим», депти бояги йигит йигидан ўзини базўр тийиб. «Отанг қазо қилди? Справканг борми отанг ўлгани тўғрисида?» Талаба довдираб қопти. Отаннинг ўлгани тўғрисида кимдир справка бераркан, мен билмабман, билганимда албатта олиб келардим, деб ўйлапти бечора. Бу гап бутун университетга тарқаб кетган. Шундан бери қайси талаба уйдан

хабар олиб қайтса, ҳазил билан: «Справка олиб келдингми?»

Охири Саъдулла имтиҳонга боришга қарор қилди. «Нима бўлса бўлар, таваккал. Яхшилаб совук сувда ювиниб, аччиқ кўк чой ичсам сал енгил тортарман. Бориб кўрай, ўтсам ўтиб кетарман, ўтолмасам, кейин бир гап бўлар».

На совук душ, на аччиқ кўк чой фойда берди. Ланжлиги таркамади, бошининг лўкиллаб оғриши босилмади, кеча арокка бўккан одамникига ўхшаш карахтлиги аримади. Энг ёмони, хаёлини бир зум ҳам чалғитолмади. Миясини дарс, имтиҳон эмас, қишлоқ, тўй, Салима, Холмат банд этди. Имтиҳонга қандай киргани, Турдиев нима дегани, нечанчи билет тушгани – ҳеч нарса ёдида йўқ. Савдойи одамдай кирди, саволларга пойинтар-сойинтар жавоб берди. Турдиев баҳо кўйдими-йўқми – кизикмади. Синов дафтарчасини чўнтагига солиб ётоқхонага йўл олди.

Ётоққа келиб, ечинмай ўзини каравотга ташлади. Аммо ётолмади. У ўзини қаерга кўйишни билмас, ҳеч ерга сигмасди. Вақт ўтгани, кеч бўлавергани сари кўнгли баттар ғашланар, юраги қинидан чикқудай гупиллаб урарди.

Соат олтиларда Чори келди. Унинг кайфи чоғ, кўринишидан аъло баҳо олгани маълум эди. Саъдулла унинг одатини билади: фақат беш олгандагина тиржайиб юради.

Чори хонага шахдам кирди-ю, чўнтагидан синов дафтарчасини олиб, дераза тоқчасига улоқтирди.

– Ҳа, Саъдулла, неччи бўлди?

Саъдулла индамаганидан, расво, деган маънода қўл силтаб кўйганидан Чори ҳаммасини тушунди. Кейин Саъдуллага далда бериш пайига тушди.

– Гапни калта қилинг, – деди Саъдулла ғашланиб. – Сиздан илтимос, мана пул, бориб яримта опкелинг. – У киссасидан ўн сўм чиқариб ташлади.

Чори аввал тихирлик билан оёқ тиради, яримтага бало борми. Ундан кўра имтиҳон ғамини енг, деб ўзича маслаҳат берган бўлди. Бемаврид маслаҳатдан Саъдулла баттар тутакди, сўнг ялинч оҳангида яна илтимос қилди. Ахири Чори ён берди, ярим соатлардан кейин бир шиша ароқ, иккита минерал сув, пиширилган тухум, тўртта козурилган котлет, бир килоча бодринг кўтариб келди. Саъдулла ҳамон ўша алпозда чўзилиб ётарди. Куёш рўпарадаги ётоқхона биноси орқасига беркинган, унинг нурлари тобора сўниб борарди.

Саъдулла Чорининг ечинишини ҳам кутмай шишани апил-тапил очди-да, иккита стаканга яримлатиб-яримлатиб қуйди.

– Қани, олинг, Чори, бу дунёда бевафоларнинг йўк бўлиши учун ичайлик.

У шартта кўтарди, стакан тагида озгина ароқ қолди. Чори ярмини ичди. Минерал сувдан ҳўпларкан, Саъдулла чекаётган ғусса сабабини тушуна бошлади. Қайси кунги хат эсига тушди.

– Овқатдан олинг, Саъдулла, – деди у вазминлик билан. Энди Чорида бояги кайфият йўк эди. У ҳамхонасининг дили хуфтонлиги боисини англагани сари, унга ачинар, аммо нима деб таскин беришни билмасди.

Саъдулла яна қуйди. У стаканни кўлига оларкан, Чорига термилди.

– Чори, жўражон, бугун тўй... Ҳозир бошланади. Ҳадемай уни ёр-ёр айтиб олиб кетишади. Энди у йўк! Салима йўк!.. – Унинг киприклари намланди. – Бахтли бўл, Салима! Сенинг бахтинг учун ичаман!..

У гўё Чорини унутганди. Ўзи билан ўзи гаплашарди. Бир зарб билан ичиб юборди арокни. Стаканни тарс этказиб столга урди, стакан чил-чил синди.

– Саъдулла, ўзингизни тутинг... Бирон нарса енг. Бунақада касал бўп қоласиз.

Саъдулла ўзини тиёлмади, бутун иродасини, куч-куватини ишга солди, аммо эпллмади – йиғлаб юборди.

– Куйинг...–деди.

Чори бошқа стакан олиб арок қуйди, Саъдулланинг ёнига ўтди, елкасига қўлини қўйди:

– Жон жўра, ўзингизни босинг. Тегса тегипти-да, на-мунча эзилмасангиз. Қизнинг уруғига ўт тушиптими?

Саъдулла арокни ичиб юборди.

– Жўражон, ахир қани ваъда? Беш йил эмас, ўн йил бўлсаям кутаман сизни, деганди. Қани лафз? Яна келиб-келиб кимга – ўзимни жўрамга.

Соат ўн иккиларда Саъдулла сал тинчиди. Чарчади шекилли, охири ухлаб қолди.

Бир маҳал оғзи курукшаб уйғонди. Боши – қовок. Танаси – зилдек. Чорига қаради: ухлаб ётипти. Аста ўрнидан турди. Водопроводда юзини ювди, оғзини, томоғини чайди. Икки ҳовуч сув ичди. Сал енгил тортди. Изига қайтганда Чори соқол олаётган эди. У совунни кўпиртирар экан, Саъдуллага қараб илжайди:

– Қалайсиз? Бош оғримаяптими?

– Йўқ, – деди Саъдулла астагина. – Ўзингиз қалайсиз?

– Яхши. – У чап қўли билан юзини таранглаштириб, соқолини киртишлади. – Кўчага чиқамизми?

– Хушим йўқроқ...

– Ётиб олиб хаёл сураверган билан иш битмайди, – деди Чори. У соқол оладиган идишларини йиғиштир-

ди. – Кўча-пўчада айланиб хаёлни чалғитиш керак. Йигит деган сал ўзини қўлга ола билиши лозим. Бу аҳволда қандай юрист бўласиз?

– Нима, юристларнинг қалби йўкми?

– Қалби бор, бўлишиям керак. Аммо ирода-чи? Иродасиз одамнинг қалби ҳам майда келади.

Саъдулла индамади. Чори дўстининг аҳволини тушунди, ўзи куйиб-пишиб айтаётган гаплар унинг қулоғига бир кириб, бир кирмаётганини ҳам билди. «Мен нима дейману, кўбизим нима дейди» бўляпти-ку бу ёғи, деб ўйлади. Шу боис бошқа тикилинч қилмади. Шошилмай кийинди-да, қандайдир иши борлигини айтиб чикиб кетди.

Нонуштадан кейин Саъдулла ўйланиб қолди. Нима қилсин? Университетга борсинми, Турдиев билан гаплашиб кўрсинми? Лекин у кўнармиди, бир нарсага тушунармиди. Майли, нима бўлсаям бугун бормайди. Бир оз ўқийди, дам олади. Эртага бориб кўринади. Олса олар, олмаса кузда топширади-да. Шу битта имтиҳон билан осмон узилиб тушмас!

Икки-уч бет ўқиди, аммо миясига ҳеч нарса кирмади. Кўзи ҳарфларни кўради-ю, хаёли бошқа ёқда. У дарсликни ёпди. Пича хомушланиб ўтиргандан сўнг Индонезия ёзувчиси Марах Руслининг «Севги фожиаси» романини беихтиёр қўлга олди. Бу асарни илгари ўқиган, жуда ёктириб қолганди. Шундан бери уни тез-тез варақлаб туради. Ҳозир у қайсидир саҳифадаги дуч келган сатрларни ўқий бошлади: «Сизнинг фикру дардингиз шу экан-да, – деди Сутан Маҳмуд ўз ғазабини яширмай. – Қиз насл-насабли, баобрў оиладан бўлса бас, уни суриштирмай-нетмай уйланаверса бўлади, шундайми? Мен бўлак фикрдаман. Ўзим севсам, у ҳам мени севса, ҳар қанақа қизга уйланишим мумкин.

Унинг насл-насаби қанақа, ўзи чиройлими-йўқми, бойми, камбағалми, менга барибир...»

Эшик тақиллади. Фикри бўлинди. «Кираверинг, эшик очик», дея гудранаркан, ё тавба, хушими, туши, остонада Феруза пайдо бўлди.

Саъдулла гангиб колди. Очиғи, ҳозир ҳаммани кутиши мумкин эди, аммо Ферузани сира кутмаганди.

– Безовта қилдим, узр, – деди Феруза. Саъдулла унга курси қўйиб берди.

– Ўтиринг, келинг... Нега безовта бўламан. – У стол устини йиғиштира бошлади. – Кечирасиз, ҳаммаёқ тўзиган.

– Ҳечқиси йўқ, – Феруза курсига омонатгина ўтирди. У нимадир демоқчи, бироқ чамаси гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

Саъдулла баттар гангиб турарди.

– Мен чой қўйиб келай, – деди охири ўзини сал босиб олгач.

– Йўқ-йўқ, – деди Феруза шошиб. – Мен ҳозир кетаман. Сиздан бир хабар олай, деб кирувдим... Шу ётоқхонада бир ўртоғим туради, шунинг олдига келувдим... Кеча нима бўлди сизга? Имтиҳонга борсам, йўқ экансиз. Бирга кирамизми, деб ўйловдим. Суриштирсам... кетиб қопсиз. Йиқилганингизга ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди.

– Шундай бўп колди...

Баравар сукут саклашди. Саъдулланинг билагига пашша кўнди. Шундагина у майкачан эканлигини англади. Хижолат тортди. «Кечирасиз» деди-да, каравотга осиглик турган кўйлагини олиб кийди.

– Умуман, тинчликми, ўзи, Саъдулла, – деди Феруза. – Негадир кейинги пайтларда жуда паришонхотирсиз.

– Унчамасдир, – кулди Саъдулла. – Яхши келдингиз, зерикиб ўтирувдим, чикиб бир кино кўрсак...

Таклиф Ферузага маъкул тушди. Бироқ ҳамма қизлар қатори у ҳам ўз майлини дарҳол ошкор этишни истамади. Йигит олдига тушиб жўнай қолмади, ичида рози бўлса-да, жўрттага гапни бошқа томонга бурди.

– Энди қачон топширасиз имтиҳонни?

– Билмадим, – деди Саъдулла. – Эртага учрашаман, ҳали топса бўлар Турдиевни?

– Тўртинчи курсдаям имтиҳони бор шекилли. – Чикамизми?

Бу гал Саъдулланинг гапи анча дадил эди.

– Сиз пастга тушаверинг, мен ҳозир етиб оламан, – деди Саъдулла.

Феруза чиқиши билан апил-тапил кийина бошлади.

VII

Илгари Саъдулла қишлоққа тез-тез борарди. Бир кун-ярим кун дарсдан қолсаям иложи борича кўпроқ юришга ошиқарди. Кейинги пайтларда кам келадиган одат чиқарди. Келганда ҳам ота-онасини, ака-укаларию опаларини кўради-да, дарс кўп, тезроқ боришим керак, деб жўнаб қолади. Бу гал ҳам шунақа баҳоналарни рўқач қилди, ҳали қорасини кўрсатганига икки кун бўлмасдан йўлга отлана бошлади.

– Мунча шошмасанг, – деди Зарбуви. – Борасан-да, шу Тошкенингга. Пахтадан кейин беш-олти кун жавоб бергандир ахир. Бизардикига бормадингам, илгари бир кунга келсангам кирардинг.

– Бораман, опа, ҳозир ишим зарил-да...

– Ҳа, эртага кетайкансан-ку, бугун юр, ҳали кечгача қанча гап бор, ўзим келмасам кўрмай кетаверайкансан-да.

Опаси астойдил ранжиганини Саъдулла сезди. Рост-да, нега энди опасиникидан оёғини тортди? Са-

лима унинг кишлоғига, эрининг жиянига тушгани учунми? Ахир опасида айб нима? Тагин устига Зарбуви бечора доим укам деб, ўлиб-тирилади.

Опа-ука суҳбатига кулоқ солиб ўтирган онаизор гапга аралашди. Ўша ердан битта-яримтани топганга ўхшайди уканг. Ҳеч ота-энам бор демайди. Бир хуши товлаганда кеп қолади. Ундаям оловга кегандай...

– Енгдингиз, – деди Саъдулла опасига. – Сиз бо-раверинг. Мен бирпас туриб чиқаман. Йилдан-йилга ўқиш кийинлашиб кетяпти-да. Шунинг учун ҳадеб келаверишнинг иложи йўқ. Яқин йўл бўлмаса...

Осмонни қоп-қора булут қоплаган. Совуқ. Изги-рин.

Саъдулла пиёда йўлга тушди. Бу хавода велосипед-да юриш осон эмас. Кўлни ҳам, юз-кўзни ҳам изгири-ялаб кетади. Аммо яёв ҳолда ҳам совуқ этини жунжик-тирди. «Пальто киймай чакки кипман аслида. Бунча-лик совуқлигини ким билипти...» У плашчининг ёқа-сини кўтариб олган, икки кўли чўнтагида, илдам одим-лайди.

Опасининг кишлоғига кириш жойда орқасидан бир машина ғувиллаб келди. У қайрилиб ҳам карамади, йўлнинг чети бўйлаб кетаверди. «Жигули» ундан уч-тўрт кадам ўтиб тўхтади-да, сигнал берди. Кейин эши-ги очилиб, Холмат тушди.

– Саъдулламисан? Қани, қани...

Саъдулла Холмат билан ноилож кучоқлашиб кўришди. Жўраси оғзидан ароқ хиди гупиллади.

– Қайси шамол учирди? Биз томонларгаям келар-кансан-ку, а? Ўзиям минг йил бўлди-ёв кўришмагани-мизга. – Холмат тинмай гапирар, Саъдулла эса опаси-дан ранжир эди. – Уйландим – келмадинг, фарзанд кўр-дим – келмадинг.

Унинг охирги гапи Саъдулланинг юрагига ханжардай ботди.

– Фарзанд кўрдинг?! – деб юборди беихтиёр.

Бу хайрат сабаби Холматга тушунарли эди, албатта. Бироқ ҳеч нарса билмаганга олди ўзини.

– Ҳа, фарзанд. Ўғил. Нимага ажабланасан?

– Шунча вақт ўтиб кетдими деяпман-да, – деди Саъдулла бўшашиб.

Холмат унинг елкасига бир урди:

– Э, жўра, вақт ўтаверади-да, караб ўтирармиди. Шунинг учун вақтида ҳаракат қилиш керак. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг эрта бўлгани дуруст, қани, ўтир машинага.

– Раҳмат, жўра. Мен опамларни бир кўриб кетай, деб келяпман. Дарров қайтаман, ишим зарил. Эртага барвақт йўлга чиқишим керак.

Холмат уни машина томон судради.

– Бир пиёла чой ичиб кетасан. Ўзим элтиб кўяман.

Саъдулла унамади. Жўраси уйига қадам бошиш, ҳатто остонасига йўлаш унга чексиз азоб эди. Ахир Салимани кўрса кўксидаги яра кўзи бошқатдан очилмайдими? Қолаверса, Холмат бу ахволда хала-хулага уни кўйиб юбормайди. Ароқни олдига олиб эзилиб ўтиради. Бунга ҳозир токати ҳам йўқ, имкони ҳам.

– Ҳа, бўпти, ўтир, тоғамларникига элтиб кўяман.

– Йўқ, – деди узиб Саъдулла, – ўзи икки қадам жойку, нимасига мошинга чиқиб ўтираман.

Холмат машинага газ берди. Саъдулла оғир қадамлар билан йўлида давом этди. «Келмай десам, опамнинг дили оғрийди, келсам – мана бунақа... Кўнглим сезувди ўзи... Ҳали поччамникига бориб бошни қотирмасайди. Тезроқ туриш керак бўлади».

Поччаси ҳали ишдан келмаган экан, опаси, жиянлари билан бир оз гурунглашиб ўтирди. Опам тўйдан, Салимадан гап очиб қолармикан, деб кутди. Ҳатто ўзи сўраш учун бир-икки оғиз жуфтлади. У ўғил кўргани ҳақида ўйлаганда алланечук ғашланди. Зарбуви эса нималарни гапирмади, бироқ Салима, Холмат хусусида чурк этмади.

– Мен турай энди, опа, – деди Саъдулла. – Кеч бўп қолди.

– Шошма, борасан-да. Поччанг кесин, эшитса хафа бўлади.

– Сизам кизиксиз-а, опа, – бир оз жаҳли чикди. – Бу ерда Аликул поччамни кутсам, у ерда Эшмат поччамни кутсам, тоғамни кутсам... Ахир умрим кутиш билан ўтиб кетади-ку.

Зарбуви укасидаги тажанглик боисини озми-кўпми тушунди, бу кетишда бутунлай ўзини олдириб кўяди-ку, деган ўйга борди.

– Мунча куюнмасанг, – деди у товушини кўтариб. – Бошқага тегса тегипти-да. Ўзингни ўтга-сувга урганинг билан иш чиқадими? Ундай кизга уйланганингга шукур қилсанг-чи! Ана, тўйдан кейин уч ой ўтар-ўтмас... кўпайишди. Шармандалик! Уялмайдиам. Бети курсин-эй.

Саъдулла ўйга чўмди.

– Демак, тўй шу учун тезлашган экан-да, – деди охири.

– Бўлмасам-чи. Сал кечикса, эва-бола қилиб етаклаб келайди-да... Раис билан опам шўрликнинг ҳам юзи шувит. Эл устида юрган одам. Одамлар гапирмай кўядими. «Ана, раиснинг келини жавпазак чиқиб қолди. Чилласи чиқиб-чикмай бешик кучоклаб ўтирипти» деганлар қанча... Шунинг учун, бир томондан, ундан кулганнингга шукур қил. Жуда хотинсиз қоп кетмассан.

«Мен сизга хотинсиз қоп кетаман, деяпманми? Қаёқдаги гапларни ўйлаб топасиз-а... Шунчалар осонми турмуш қуриш? Бугун бировга ваъда бериб, эрта бошқага турмушга чиқиб кетаверадими? Киноларда кўрсак, китобларда ўқисак, ишонмаймиз...»

Дарвоза тарафдан кимдир товуш берди. «Биров чакриятти, қарай-чи», деб Зарбуви ўрнидан турди. Зарбуви даҳлиздаги калишини кийиб ташқари чикқунча товуш эгаси – Холмат айвонга кириб келди.

Саъдулла унинг овозини эшитиб, кайфияти баттар бузилди. «Оббо, тезроқ турай дедим-а. Опам ҳам эмалик қилиб, тутиб қолди. Энди тоза бошни котиради...»

Холмат даҳлиз эшигидан ичкарига мўралади. Саъдулла баланд қилиб кўйилган ёстикқа ёнбошлаган эди.

– Қани бўл, – деди буйрук оҳангида. – Кетдик. Жўнавордингми, деб хавотирда эдим. Хайрият, шу ерда экансан.

Энди Холматнинг кайфи тарақ эди. Эшик ёндарисига суянганча чайқалиб турарди.

– Холмат, боя ҳамма гапни тушунтирдим-ку. Бошқа сафар...

– Уйга бормасанг борма, – деди Холмат кескин. – Илон кўргансан-ку бизникида. На тўйга келасан, на азага. Чойхонада беш-олти жўралар тўпланиб ўтиришпти. Сени келганингни айтувдим, обке деб мени юборишди. Мунча ўзингни лалига солдинг.

Холматнинг кесатиғи Саъдуллага ботди: «Эй, борсам борай, эртага кетмасам, индин кетарман Тошкентга. Бунинг шунақа вижирлашига тоқат қилиб ўтираманми...» Шу фикрлар хаёлидан кечди-ю, ўтирган жойидан сакраб турди.

– Бунча алжирайсан?! – Саъдулла Холмат томон бостириб кела бошлади. – Нима учун сенинг уйингда

илон кўрар эканман. Тўғри гапни айтса бошқа томонга бурасан.

Зарбуви укасянинг таҳдидли овозини эшитиб, чўчиб кетди. Уришиб қолишмаса гўрга эди. Бирови кайф билан, бирови аламзада...

– Шу ерда отамлашиб ўтира қолинглар, – деди Зарбуви юрагини ҳовучлаб, – Ҳадемай тоғангиз ҳам келади. Совуқда юрасизларми кўчада тентираб.

Саъдулла Холматнинг эшикни қулочлаб турган кўлини силтаб ташлаб даҳлизга чиқди. Шатир-шутур туфлисини кийди-да:

– Қани, бўл! Юрмайсанми, – деди. Холмат Зарбувига юзланди:

– Дўғи баланд-ку, бу прокурорнинг. – Кейин Саъдуллага деди: – Сал секинроқ-секинроқ, қози бова.

– Кўп кечга қомай келинглар, мен кутиб ўтирмаман, – деди Зарбуви.

– Мен шу ёқдан кетаман, – деди Саъдулла.

Чойхонада анча ўтириб қолишди.

Қиш куни бир тутам эмасми, аллақачон қоронғилик қуюқлашиб, тамоми борлиқни ўз қомига тортган эди. Устига-устак, ёмғир бетиним қуймоқда. Ҳаммаёқ билч-билч лой...

Саъдулла соатига қаради, ўн бир. У бирдан сергак тортди.

– Энди турайлик, жўралар, – деди у. – Ёки сизлар бемаълал гурунгни давом эттиринглару менга рухсат беринглар.

Кайфи ошган улфатлар жавоб қиламизми-йўқми, деган масала устида роса талашиб-тортишди. Лекин бир тўхтамага келишлари кийин бўлди. Охири маза-матрасиз баҳсни Холмат яқунлади.

– Энди ҳеч қаёққа бормайсан. Биринчидан, кеч, ёмғир қуяпти. Иккинчидан, янгамга ваъда бериб кел-

дик. Учинчидан, бугун бизникига борасан, гаплашиб ётамиз, эрталаб ўзим мошинда ташлаб келаман.

Бу гапни ҳамма маъқуллади. Аммо Суъдулла уларникига боришни сира истамасди.

– Э-э, роса ҳасратлашдик-ку,– деди Саъдулла. – Кеч бўлганда уйдагиларни безовта қилишнинг нима кераги бор.

Холмат унинг гапини кесди:

– Безовта-мезовтаси йўк. Шаҳарча сиполикни қўй. Хотиннинг вазифаси эрни, унинг меҳмонини кутиш.

Хаёлида Салима жонланди. «Хотиннинг вазифаси эрни кутиш, унинг меҳмонини кутиш». Демак, эртаю кеч, хоҳлаган пайтида у меҳмон етаклаб келаверади. Хотин, яъни Салима унинг меҳмонларини кутади, кутишга мажбур. Эҳ, Салима, Салима...»

Ичилган ароқ таъсир этдими, шу топда негадир у Салимага ачинди, дафъатан уни кўришни, лоақал бир бора кўргиси келди.

– Қани, турайлик-чи, бир гап бўлар,– деди у кескин.

Ҳамма гурр этиб ўрнидан турди. Кўчага чиқишди. Ёмғир ҳамон шариллатиб қуярди.

Улфатлар чойхона пешайвони тагида тўхташди. Айвон бурчидаги катта лампочка ёруғида ёмғир кўлмакчалари жимирлаб кўринади. Бунинг устига тоғ томондан шамол ҳам эсарди.

– Ёмғир деган шамолсиз ёғса-да, – деди йигитлардан бири.

– Сенга ёкмаслигини билмаган-да, билса-ку, шамолга айтарди-я, сен жим тургин, деб.

Ҳазилга ҳамма кулди. Фақат Саъдулла ковоқ очмади. Чунки у ҳам шамол билан ёққан ёмғирни, умуман шамолни ёқтирмасди.

– Қани, кетдик, – деди Холмат. – Ўтираверган билан барибир ҳали-бери тинмайди. Ёғса ёғипти-да, бирпасда етиб оламиз, устимизни алмаштирамиз.

– Саъдулла-чи? – деди боя ҳазил қилган йигит.

– Битта Саъдуллага яраша кийим топилар, – деди Холмат. – Эрталабгача куриб қолади.

– Опам хавотир олади-ку.

– Э, ёш боламидинг, сендан хавотир олса. Жуда йўк десанг, биронтасини юборамиз, бориб тинчйтиб келади.

Шариллатиб қуяётган ёмғирда жадал юриб кетишди. Юз қадам юрар-юрмас уст-бошлари бўкди. Саъдулла ҳатто баданига нам ўтганини туйди. Туфлиснинг соғ жойи қолмади – лойга ботди. Индамай кетаверди. Ҳозир кўзига кийимнинг хўллиги ҳам, туфлиснинг булғангани ҳам кўринмасди. Хаёлидан Салиманинг бўй-басти жилмасди. «Ўзгариб кетгандир. Ахир боласи бор...» Бунга ўйлашга ўйлади-ю, аммо ўз ўйига ўзи унча ишонмади. Салиманинг боласи бор? Йўғ-эй, ахир у ёшгина қиз-ку, Назарида Холматнинг хотини ўша ўзи билган, ўзига хат ёзиб, мен сизни кутаман, беш йил экан-ку, ўн йил ҳам кутаман, деган Салима эмас, бошқа, мутлақо бошқа Салима эди. Кошки шундай бўлса. Шундай эмаслигини Саъдулла биледи, биледию... Э, фалак! Бунчалар бешафқат ўйинларинг бор!

Манзилга етиб келишганда сувга тушган мушукдай дилдираб қолишган эди. Дарвозадан ўтиб, сайисхона орқали пешайвонга чиқишди. Қатор қилиб солинган уйлардан бирининг эшигини очиб, аввал Холматнинг ўзи кирди, чирокни ёқиб, уни ҳам ичкарига чорлади.

– Қани, кир... Сандалга олов солганмикан. – У сандал кўрпасини кўтариб кўрди. – Боракан, иссиқ.

Саъдулла туфлисини айвонда қолдириб, ичкарига кирди-да, шалаббо плашчини ечди.

– Бу ёкқа ўт, – деди Холмат. – Манави ёстикка ён-бошлаб оёгингни сандалга тик. Мен Салимага айтай, чой кўйсин.

Ҳалидан бери хаёлида айланаётган номни эшитиши билан Саъдулланинг юраги жизиллаб кетди.

– Нима киласан чойни, кўй, овора қилма. Холмат унинг гапига эътибор бермади.

Одам ўтирмагани учунми уй бирмунча совуқ экан. Саъдулла оёгини сандалга тикди. «Меҳмон келади, деб айтиб кўйган чоғи, олов солиб кўйипти-ку».

Айвонда аёл киши шивирлади: «Ўзингиз олиб кираверинг, мен нима қиламан...» Холмат ғудранди: «Қишлоқдошингданам уяласанми? Бегоналарнинг олдига кирасан-ку. Кириб саломлашмасанг одамгарчиликдан эмас. Тўйдаям кемаган...»

Саъдулла беихтиёр ўрнидан туриб кетди. «Ё, тавба, тортиняптими? Мен-чи, мен унинг юзига қандай қарайман? Уялмайманми? Аммо нега мен уялишим керак?»

Олдин Холмат, орқасидан Салима кирди.

– Сендан қочяпти. Қара-я! Ие, нимага қокқан қозикдай қакқайиб турибсан, ўтир.

Салима, бошида рўмол, келинсалом қилаётгандек қаддини салгина эгиб олган эди. Саъдулла унга бир қаради, қаради-ю, кўз ўнги жимирлади. Унинг саломини ҳам эшитмади. Сандал атрофига қалаштириб кўйилган ёстикларга суянганча ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмади. Бу ҳаракатини Холмат ўз «буйруғи» ижроси деб тушунди. Салима шарт ўтирилиб чиқиб кетди. Саъдулланинг юрак торларини чертиб, йўқ, зириллатиб ғойиб бўлди. Бари бир лаҳзада, тушда кўргандай тез кечди.

Салима бошқа кирмади. Нон-чойни, овқатни Холматнинг ўзи довдираб-совдираб келтирди. Кошки Саъ-

дулланинг томоғидан ҳозир таом ўтса. Бир-икки пиёла чой ичди, холос.

Боя Салимани кўришни истаган эди. Энди эса, Салимани кўргандан сўнг бу ишидан пушаймон чекди. «Нима кераги бор эди? Битаётган ярани тирнагандай, ўчаётган оловга керосин сепгандай бўлди-ку. Э, бандан ожиз, наҳотки ўзингни ўзинг идора қилолма-санг...» Ҳаммаси ярамас ароқнинг иши. Агар шу савилни ичмаганида бу хонадонга сира қадам босмасди.

Холмат алланималарни гапирар, унинг биронта ҳам гапи Саъдулланинг қулоғига кирмасди. У ихтиёрсиз равишда чой хўпларди.

– Чойга ёпишаверма. Мановини олсанг-чи.

Холмат пиёлани охиригача бўшатган. Саъдулла бир хўплаб кўйган эди. Холмат яна ичди-да, газак ҳам қилмай, бошини сандалга кўйди. Бирпасдан кейин у пишиллаб ухлаб қолди.

Саъдулла Холматни секингина ёнбошига ётқизди, тахмондан кўрпа олиб унинг устига ёпди. Дастурхонни ўраб кўйди-да, ўзи ҳам кўрпа ёпиниб, оёғини сандалга узатди.

Чарчок, совуқ ва ёмғирдан сўнг иссиқ уй, сандал, ниҳоят, ичкилик – ҳаммаси кўшилиб тан-жонини элитди. Ҳаял ичида кўзи илинди.

Хўрознинг чўзиқ-чўзиқ қичқиршидан уйғонди. Тура солиб Холмат ётган жойга қаради. Мезбон кўринмади. Тонг отипти. Апил-тапил кийинди.

Кўзлари қизариб, қовоклари шишган холда Холмат илжайиб кирди. Афт-ангорида алланечук хижолат аксланган эди.

– Жуда шармандалик бўпти-ку, – деди у узр оҳангида... Мехмонга жой ҳам солиб бермапмиз. Тарашадай қотиб қопмиз.

– Қизикмисан, – деди Саъдулла. – Меҳмони бор эканми. Бу уйда сенам, менам меҳмон эмасмиз.

– Шундай бўсаям-да.

– Зарари йўқ, ташвишланма. Мен турай энди, кеч бўп кетмасин.

– Шошилма. Бир пиёладан чой ичайлик, хозир қатқли кесган ош обкелади. Шундан бир косадан ичсақ бош оғриғидан ном-нишон қолмайди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Саъдулла айвонга чиқиб, туфлисини кияман деса, ялтираб турибди. Кеча таниб бўлмасди, қулоғигача лой эди. «Демак, Салима ювиб, тозалаб қўйипти-да...» Холмат Салимани чақирди.

– Саъдулла кетаяпти, хайрлашмайсанми?

Саъдулла «қўявер, шарт эмас», демокчи бўлди, бироқ тили бормади. Ким билади, қандай тушунади.

Салима кечагидек бошини ҳам қилиб келди-да, саломлашди, сўнг ҳорғин бир товушда хўшлашди. На илож, Саъдулла ҳам минг азоб билан хайрлашди, хайрлашаркан, чиндан яраси янгилангандек эди...

VIII

Қизи бор уй эшигининг турумига тўзим берсин...

Олим Акбарович уйининг эшиги йўқ деганда ҳафтада бир бегона одам томонидан очилади. У, ким бўлмасин, бу хонадондан тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтади. Эшикни тағин очишга юраги бетламайди. Кимсан, Олим Акбарович – вазир ўринбосари. Асли унча-мунча одам ботиниб келолмайди ҳам...

Бу ҳол Феруза ўнинчини битиргандан бошланди. Эҳ-хе, кимлардан келишмади, магазин мудиридан тортиб, олиму ёзувчигача у киши билан куда бўлишни орзу қилди. Бироқ ҳамманинг хоҳиши бир сари, ёлғиз Феру-

занинг хоҳиши бир сари бўлди. «Йўқ, эрга тегмайман ҳали», деган қисқа жавобни кўндаланг қилаверди.

Ойиси бечора қанча ялинди: «Ҳа, хўп, биров сенга ҳозир эрга тегасан, деяётгани йўқ-ку. Аввал йигитнинг ранг-рўйини кўр, кўнглини бил, кейин бир гап бўлар», Феруза ойисининг илтимосини эшитишни ҳам истамайдди. «Йўқ, дедимми, йўқ. Жавобини бериб юбораверинг».

Она аввалига «қизимиз ҳали ёш, ўқишни битирсин», деб ўзини овутиди. Мана, дипломини олишига ҳам озгина қолди. Лекин аҳвол ўша – ҳамон саркашлик қилади.

Ферузани эрка дейиш нотўғри. Аммо на ойиси, на дадаси унинг гапини қайтара олади. Айникса, бир сафар ёмон бўлди. Феруза тўртинчи курсда ўқирди ўшанда. Маҳалладош бир аспирант йигитдан совчи келди. Олим Акбарович ҳам, Муаззам опа ҳам йигитнинг ота-онасини яхши танийди: кўп бамаъни, оқил одамлар. Эр-хотин маслаҳатлашиб розилик бердилар. «Ҳа, энди Феруза йўқ дейверади. Қиз бола қачон, майли, шунга тегаман деган. Уялади-да. Ўзининг йигити бўлганда айтарди». Хуллас, унашгириш расм-русуми бошланди. Феруза ўқишдан келиб кўрсаки, уйда бегона аёллар, ойиси, холасининг ҳаракатлари бошқача. Юраги шувиллаб ойисига ола қаради:

– Тинчликми?

Товуши кескин чиқди. Муаззам опа шошиб қолди. Холаси гапни илиб кетди. Энди, кизим, дунёнинг иши шунақа. Эртами-кечми, барибир...

– Йўқ! – деб Феруза холасини қайириб ташлади. – Бўлмайди, тўхтатинг!

Онаизор бўзарди, юраги увишиб, аъзойи бадани бўшашди. Тили калимага келмади. Хайрият, синглиси шу ерда экан. Яна ўша жонига оро кирди.

– Феруза! Жон қизим, гапни эшитгин. Энди тўхта-тиш уят. Ойинг билан дадангни юзини ерга қаратма...

– Ё тўхтатинг, ёки бу уйдан мен чиқиб кетаман.

Феруза шундай деб ховлига ўтди. Бетон йўлакка баланд пошналарини карсиллатиб дарвоза томонга юрди. Мехмонлар ўтирган уй дарвозанинг рўпарасида, ҳаво иссиқ бўлгани учун деразалар очик, эшикдан ким кириб, ким чиққани уларга шундоқ кўриниб турарди. Феруза орқасидан биров куваётгандай шахдам юриб борди-да, дарвозани шундай тараклатиб ёптики, совчи хотинлар чўчиб тушишди.

Опа-сингил бир-бирига хангу манг бўлиб тикилди. Муаззам опа кизининг одатини билгани учун хаёли минг томонга кетди. Синглиси тасалли берди.

– Кўйинг, опа, ташвиш тортманг. Қаёққа борарди, келади-да. Қиз боланинг шундай бўлгани тузук. Совчилар олдида чой дамлаб юрадиганлардан асрасин...

Йўк, Муаззам опанинг синглиси янглишди: Феруза қайтиб келмади. Ўша куни ҳам, эртаси ҳам, индин ҳам... Бунгача Муаззам опа билан Олим Акбарович ўзидан ўтганини ўзи билади. Бировга айтгулиги йўк – шармандалик. Бориши мумкин бўлган жойининг ҳаммасини суриштириб кўришди, лекин Ферузадан дарак йўк. Эр-хотин кечаси билан ухламай уф тортиб чиқади. Аксига олгандай ўша кезлари Олим Акбаровичнинг ишхонасига юкоридан комиссия келган. Ишда ярим кечагача қолиб кетади.

Ахири тўртинчи кун деганда Феруза кириб келди. Она бечора қувонганидан ўзини ташлаворишига сал колди. Ётоқхонада турадиган дугонасининг олдига кетган экан...

Шу-шу тўй ҳақида, турмуш ҳақида Муаззам опа ҳам, Олим Акбарович ҳам Ферузага кўркиб-кўркиб гапиришади.

Бир куни она-бола ўзлари гурунглашиб ўтиришган эди. Муаззам опа ярим ҳазил, ярим чин қилиб кизидан сўради:

– Феруза, манга ростини айт, ўшанда нега йўқ, деддинг? Нега қочиб кетдинг? У йигитнинг нимаси ёқмади санга? Кўриниши туппа-тузук, эсли-ҳушли, мўмин-қобил, аспирант...

– Ростини айтайми, – деди Феруза ҳам онасига тик қараб, – унинг ана шу мўмин-қобиллиги ёқмайди. Аслида бу мўмин-қобиллик эмас, ландавурлик. Аспирант дейсиз, лекин гўдақдан фарқи йўқ, онасининг чизиғидан чиқмайди. Доим онасига эргашиб юради... Ахир у қандай қилиб оила бошлиғи бўлади?

Муаззам опа кизининг мулоҳазасини ичида маъқуллади. Фақат унга сир бой бермади. Бир оздан кейин таънаомуз деди:

– Хўп, сан истагандай йигитни қаердан, қачон топамиз?

– Сизга оғирлигим тушяптими, ойи! Шу уйдан чиқиб кетсам қутуламанми? – деди Феруза жаҳд билан.

Муаззам опа кўрқиб кетди. Қизи яна йўқолиб қоладигандай унга ёпишди.

– Жон кизим, жаҳлинг чиқмасин, ман билан адангни кийнама. Сандан бошқа суянганимиз йўқ. Ёшинг ўтяпти, неvara кўрсак, деган орзумиз бор, ахир.

Феруза ойисига ачинди, раҳми келди. Аммо ўз фикридан қайтмади.

– Хафа бўлманг, ойижон, вақт-соати келади ўзи.

Ундан кейин ҳам анча-мунча совчилар келишди. Қани энди хўп дея қолса.

Охири Феруза талабгорлари сийраклашди. Муаззам опа ичидан зил кетди, лекин ҳеч кимга билдир-

майди. Ҳатто эрига ҳам айтолмайди. Ферузанинг эса парвойи палак. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да...

Бугун якшанба, нонуштадан кейин Олим Акбарович кийина бошлади.

– Ҳа, – деди Муаззам опа. – Йўл бўлсин?

– Бир-иккита кўриладиган объектлар бор. Пешингача шуларни бир айланиб келай.

Олим Акбарович чиқиб кетди, Феруза хонасига ўтди. Анчадан бери диплом иши ёзиш билан машғул эди. Эртадан кечгача китобларга кўмилиб ўтиради.

Муаззам опа у ёқ-бу ёқни йиғиштирди. Телевизор кўйдида, диванга ёнбошлаб бир оз томоша қилди. Ёлғиз ўзи зерикди. Бир бозорга тушиб чиқсаммикан, деган хаёл билан ўрнидан турди, телевизорни ўчирди.

Кўнғирок жиринглади. Муаззам опа дарвозани очди. Икки эркак, икки аёл – ҳаммаси бегона. Аёллар кўлида тугун.

– Ассалому алайкум, – деди аёллардан бири. – Ферузаларнинг уйи шуми?

Муаззам опа шошиб қолди. «Ким бўлди экан булар?»

– Шу, шу... Киришлар, марҳамат.

Нотаниш меҳмонлар ичкарига киришди. Муаззам опа уларни ўтқизди-ю, Ферузанинг олдига шошилди.

– Ким булар?

Феруза кулди, кулиб, елка қисди.

– Билмасам...

Неча марта совчи келган бўлса Феруза бирон марта кулиш у ёқда турсин, ҳатто ковоғини очмаган. Буни ойиси яхши билди. Демак, бир сиру синоат бор.

– Хўп, дейинми?

Феруза жавобни қисқа қилди.

– Ўзингиз биласиз...

Тур ўрнингдан, чой қўй, холангга телефон қил, дарров поччанг билан етиб келишсин. Аксига олиб аданг ишга кетган-а.

Муаззам опа меҳмонлар олдига қайтди. Феруза китобни шартта ёпди-да, дуч келган томонга отди, сакраб турди. Қўшиқ айтгиси келар, дили ҳаяжонда эди...

Холаси билан поччаси келди, орадан кўп ўтмай Олим Акбарович ҳам етиб кела қолди. Ҳаммалари қўшни хонага тўпланишди. Муаззам опа вазиятни тушунтирди.

– Булар ўзи ким, каердан экан? Сўраб билдингизми? – деди Олим Акбарович хотинига.

– Сўрадим, ўғли Феруза билан бирга ўқиркан. Ўзлари Самарқанднинг қайсидир туманидан экан.

– Оббо,– деди холаси бурнини жийириб, – энди кунимиз кишлокма-кишлок, чанг босиб ўтаркан-да. Қанча одамлардан, қандай яхши жойлардан совчи келувди, ҳаммасига йўқ деб, энди... Танлаб-танлаб тозисига учрапти, дегани шу-да.

Зилдек сукунат чўкди.

– Сиз нима дейсиз, божа? – деди Олим Акбарович.– Ҳар ҳолда врачсиз, турли одамлар билан учрашгансиз...

– Манимча, шошилмаслик керак,– деди божа мулоҳазакорлик билан. – Биз уларни яхши танимасак, билмасак, суриштириб кўрайлик. Тошканлик бўлса бошқа гап эди.

Бу гап Олим Акбаровичнинг ҳамиятига тегди. Лекин сир бой бермади.

– Суриштиришнинг зиёни йўқ, албатта, – деди Олим Акбарович, – Умр савдоси-да. Лекин гап бошқа ёқда, божа. Одамнинг яхши-ёмонлиги унинг қаердан эканлигига боғлиқ эмас. Яхши-ёмон одамлар ҳамма жойда ҳам бор.

Олим Акбарович ота-онасини кўрмаган, эслаёлмайди, болалар уйида тарбияланган. Авлод-аждоди асли қаерлик эканини у ўйлаб ҳам кўрмаган. Шу боис у баъзиларга ўхшаб гузар талашмайди. Унга бировнинг қаердан эканлиги аҳамиятсиз. Шунданми, айрим ўртоқлари «Сен космополитсан», деб унга ҳазиллашадилар. Буни божаси ҳам биледи. Ҳозирги гапини ҳам ўша оҳангда тушунди-да, бир оз жаҳли чиқди.

– У ҳолда бу ерда тўпланиб, тортишиб ўтиришимизнинг нима кераги бор? Ферузанинг ўзи жавобини бериб юбораверсин-да.

Божаси ранжиганини Олим Акбарович сизди. Ўзига колса-ку уни сира чакирмасди. Бирон-бир масалада очик-ойдин маслаҳат ёки ёрдам берганини билмайди. Хотини эса доим «куёвни ҳам чакирайлик», деб мингирлашини кўймайди.

– Ҳар ҳолда маслаҳатлашганимиз тузук-да, божа, – деди Олим Акбарович сал паст тушиб.

– Шунинг учун шошилмайлик, деяптилар-да, – Ферузанинг холаси эрининг ёнини олди.

– Яна бир келарсизлар, унгача биз қариядош-уруғлар билан маслаҳатлашиб кўямиз. Кейин аниқ бир гап айтармиз, деймиз-да, бўлмаса, – деди Муаззам опа, кейин синглисига буюрди: – Ферузани чакир.

Феруза кирди. Хулосани узук-юлук қилиб айтишди.

– Хўш, нима дейсан шу гапга, кизим? – деди Олим Акбарович. Ранги ўчинкираган Феруза ҳаммани зимдан кузатди. Дадаси, ойиси, холаси унинг оғзига термилиб турар, факат поччаси ерга караб ўтирарди. Хулоса шуники эканлигини Феруза сизди. Поччаси уни бир жиянига мўлжаллаб юрарди. Илгарироқ холаси шунга шама ҳам қилувди. Аммо Феруза эшитмаганга олган эди.

– Ойи, – деди Феруза онасига қисниб-кимтинган ҳолда, – булар нариги кўчада ёки кўшни маҳаллада туришмайди. Ҳадеб келаверишга иложлари йўқ.

Поччаси бошини кўтариб гўлдиради:

– Демак...

– Ҳа,– деди Феруза кескин. – Шундай! Хўш, нимани суриштириб кўрасизлар? Ада, сизга авлод-аждодида судланган одам йўғлиги, почча, сизга соғлиги ҳақида справка келтириб берса бўладими? Сизга-чи, хола, қанақа справка керак?

Давра аҳли довдиради. Энди ҳеч бири миқ этолмай қолди. «Демак, ҳаммаси тушунарли», деб ўйлади Олим Акбарович. Муаззам опа эса қизининг яна йўқолиб қолишини ўйлаб жавдирар эди.

Мехмонларни кечга томон Олим Акбаровичнинг машинасида кузатиб қўйишди...

* * *

Ферузаларникида бўлган ана шу мажлисдан бир неча кун олдин Саъдулла қишлоғига борган, нияти ҳолис совчиларни ўзи шаҳарга бошлаб келган, ўзи уларга йўл кўрсатиб юборган эди. Чиндан қишлоққа бу галги ташрифи хосиятли бўлди. Келганини эшитиб, кечкурун опалари, поччалари, амакию тоғалари йиғилишди. Мириқиб гурунглашдилар. Ҳар бири Саъдулла билан дардлашишга орзуманд, аммо ҳаммаси анчагача ўз ҳасратини супра қилиб ёйишу бир-биридан ўпкагина қилишдан бўшамасди. Ҳатто Саъдулланинг бор-йўқлиги эсларидан чиқиб қолгандай эди.

Бир маҳал, Саъдуллага кўзи тушиб қолди чоғи, тоғаси деди:

– Эй, жиян, булардики ҳар доим бир хил қўшиқ. Сен гапир, Тошканларда нима гаплар бор. Ободми?

Саъдулла кулиб кўйди.

– Рост, боядан бери эски мақолимизни айтиб ётиппиз-а, – деди бригадир амакиси. – Сенам индамай ўтирибсан, Саъдулла. Зерикиб кетдинг-ов!

– Йўқ, зерикканим йўқ, – деди Саъдулла. Аслида зерикшиш у ёқда турсин ичи торс ёрилгудай бўлиб кетган, аммо тишини тишига босиб ўтирарди. Боис – буларнинг гапи, гарчи умуман олганда бу машмашалар Саъдулла учун бегона бўлмаса-да, ҳар қалай ҳозир унга унчалик қизиғи ҳам йўқ эди.

Дераза тагида ёнбошлаган мўйловдор поччаси суҳбатга аралашди:

– Ўқишингизам тугай деб қолди шекилли. Энди, насиб этса, иш қаерда бўлади?

Саъдулла чордона куриб ўтирарди. Оёқлари увишиб қолган, узатиб юборгиси келар, лекин иложи йўқ эди.

– Ҳозирча аниқ эмас, – деди у. – Лекин аспирантурада қолиш ниятим бор.

– Аспирантураси нима? – деб сўради кексароқ поччаси.

– Ўқиш-да, – деди тоғаси билимдонлик қилиб. – Олим бўлиш учун ўқийди.

– Шунча ўқиганинг бас-да энди. Биз ҳали керилиб юрибмиз. Саъдулла районга судми, прокурорми бўп келади, деб.

Амакиси мўлжалини мўйловдор поччаси ҳам маъқуллади.

– Бу киши тўғри айтадилар, иложи бўлса шундай қилиш керак. Туманга судми, прокурорми бўп кесангиз, бизарга яхши-да. Ҳозир туманда ундан оғзи катта одам йўқ.

Шу кўйи суҳбат рови-равиши суду прокурор ва уларнинг тўғри-ноғри ишлари хусусида кетди. Бири

айтган фикрни иккинчиси рад этади, униси ўзиникини исботлашга тиришади буниси йўк ердан ғалва чиқармоқчи бўлади. Хуллас, ўзлари учун қилча аҳамиятсиз масалалар устида тортишиб ўтиришди. Яна, аввалгидек, Саъдулла бир чеккада қолиб кетди.

Соат ўн иккидан ошганда тоғаси «Ҳа-а, энди турайлик-эй, вақт ҳам анча бўп копти», деди. Бемалоллиги, ичининг кенглиги билан бутун кишлоққа ном чиқарган кекса поччаси «Нимаси кеч? Бирпас гурунглашайлик, борамиз-да, тун узок», деди. Бироқ унинг таклифи ўтмади. Ҳамма баравар ўрнидан турди. Саъдулланинг акаси «Ўтирингизлар, ҳа, борасизлар-да», деса ҳам ҳеч ким кулоқ солмади. «Эй, буларда сабр-тоқат борми, бирпас бир жойда бемалол гаплашиб ўтиролмайди», деди поччаси. Ҳамма кулиб юборди. «Сизга қолса эрталабгача ўтирасиз эзилиб», деди тоғаси...

Давра таркаб, хонага сукунат чўкди.

Отаси тўрда ёстикқа суянганча, оқ оралаган соқолини силаб, хаёл суриб ўтирибди. Кўринишидан нимадир демокчи, аммо гапни нимадан бошлашни билмай мулоҳаза юритаётганга ўхшарди.

– Жой солиб берай бўлмаса, – деди онаси жимликни бузиб. Отаси бу гапни гўё эшитмади, ўзининг муддаосига кўчди.

– Хўш, улим, – деди салмоқ билан. – Ўқининг ҳам тугай, деб копти. Бу, энди бошни икки қилсак.

Саъдулла аввал индамади, бир оздан сўнг астагина:

– Ўқиш тамом бўлсин-чи, кейин кўрармиз, – деди.

– Ўқишам бўлаверади, – гапга аралашди акаси. – Озгина копти буёғи.

– Йигитнинг боши икки бўлмагунча моли икки бўлмас, дейдилар. Сен тенгиларнинг олди бола кўрди. Қишлоғимизда яхши-яхши қизлар бирин-кетин чиқиб кетишяпти.

Отаси ҳамон ўша алпозда ўтирар, саволига ўғлидан жавоб кутарди.

– Бу ёқда укаларингни бўйи етиб келяпти, – деди отаси тагин салмоқлаб. – Бирини уйлаш, бирини турмушга узатиш керак. Уларнинг йўлини қачонгача тўсасан?

Саъдулла ўйга толди. Назарида вазият кескин, айни чоғда ўзи истаган ҳолда эди. Ростдан ҳам кадрдонларига айтмаса дардини кимга айтади? Ҳозир айни мавриди, қолаверса, ота-онасини ҳам тушуниши керак. Ўғли бор одамнинг кўзи қизларда бўлади-да. Бас ҳаммасини очик-ойдин айтади. Булар ҳам шунга яраша иш қилишади... Лекин отаси кўнармикан? Энаси-ку индамас-ов, аммо отаси... Шаҳарлик ойтовокни бошингга урасанми, деса-чи? Лекин бошқа илож йўқ.

У ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди – кўнглини ёрди.

Шу асно ҳар ким ўз хаёли билан қолди. У зимдан аввал отасини, кейин онаси билан акасини кузатди. Чехраларидан улар кўнглини, фикрини билмокни мўлжаллади. Акаси бепарворок эди, онаси юзида қандай бўларкин, деган шубҳа зухурланди, аммо отасининг кўнглини англаш – қоронғи уйга бош суқишдай гап эди.

Сукунатни онаси бузди:

– Ота-энаси борми, нима иш қилади?

Отасининг хаёлида ҳам шу савол чарх ураётган экан чоғи, ялт этиб Саъдуллага қаради.

– Бор ота-энаси... Энаси боғчада ишлайди...

– Отаси-чи?

– Отаси бир хизматчи-да...

Акаси индамади, бироқ отаси унга ўткир тикилди. – Нима иш қилишини биласанми ўзи? – Бу саволга аниқ жавоб бермасликнинг иложи йўқ эди.

– Ҳа, – деди Саъдулла, – замминистр. Замминистр?

Акасининг ҳайрати сабаби қувончми ёки ҳадикми – Саъдулла биллолмади.

– Замминистр дегани министр муовиними? – деди отаси.

– Ҳа-а...

– Жуда катта одамакан-ку, – деди онаси астагина. Отаси лукма ташлади.

– Осилсанг баланд дорга осил-да.

Саъдулла бир қадар инжилди. Ер остида илон қимирласа биладиган отаси буни сезди, мийиғида кулди. Ҳар ҳолда у пасту баландни осонгина илғарди. Мана шу фазилатидан яхши воқиф одамлар уни «Уйда ўтириб осмондан ўтган турнанинг ёшини, хув лалмига кўнган қуш рангини айтиб беради», деб ҳазиллашарди.

– Ота-энаси кўнамакан? – деди акаси ўйчан, – бизар оддий колхозчи одамлар бўлсак.

Онаизор ичига ғулу тушди. Ахир, азалдан унинг биттаю битта тилаги шуки, суюмли ўғли ёнига келса!..

– Унга уйлансанг кишлокка кемайсан-да. Олтибой бованинг улиям шаҳардан уйланиб қоп кетган-ку.

Саъдулла бир нарса дейишга ожиз эди. Ҳар нечук у масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаган экан. У кимга уйланишидан катъи назар, аспирантурага кириш, илмий иш қилиш ниятида эди. Бирон жойда судми, прокурорми бўлиб ишлашга негадир юраги чопмайди. Айни чоғда онасининг саволидан кейин ташвишланди. Тушунарли, мабодо шаҳарда қолса, бахти чопиб Ферузага уйланса, буни албатта шу воқеага боғлашади. Ажаб эмаски, қайнотаси туфайли шаҳарга ўрнашди, дегувчилар ҳам топилса!

– Кўрамиз-да, эна, нон-насиба, тақдир билади, – деди ўйчан ҳолда. – Бордию аспирантурага кирсам, унда... бир-икки йил...

Отаси соқолини силаган кўйи ер остидан Саъдуллага тундрок боқди. Бу карашдан Саъдулла кўп маъно укди: «Келиб бўпсан, бу ёкка. Хотин дегани кўп ширин-да, унинг измидан чиқиш осон эмас...»

– Қаерда бўлсанг ҳам ишқилиб омон бўл, – деди охири отаси бафуржа. – Оллодан сўрайдиганимиз фақат шу – тани-жонларинг соғ бўлса бас. Бизар оч қолаётганимиз йўк, усти-бошимиз бут. Худога шукур, аканг, опаларинг бор. Амакиларинг, тоғаларинг ёнимизда. Бу ёғидан кўнглингни алағда қилма. Фақат ўзларинг яхши турсаларинг, биз борганимизда бир оғиз ширин сўзларингни аямасаларинг бас. Лекин ўзингга эҳтиёт бўл, ишингга пишиқ бўл, кўринган одамнинг гапига кириб, лаллайиб юрма. Йигит дегани сал кескир бўлиши керак, қадамидан ўт чакнамаган йигитнинг йигитлиги бир пул... Қани, энди ётинглар. Эртага бу йўлга чиқади, дам осин...

IX

Илик май кунлари. Дов-дарахтлар, йўлкалар, хиёбонлар кўм-кўк. Тунги ёмғирдан сўнг хаво булок сувидай тоза. Симириб тўймайди киши. Дарахт баргларига, жонли тўсикларга, хиёбондаги турфа гулларга илиниб қолган томчи куёшнинг заррин нурларида олмосдек ялтирайди.

Афсоналардаги қасрни эслатувчи бекатга кириб келган электричка чуқур нафас олиб тўхтади. Қатор эшиклар бараварига шигиллаб очилди. Саъдулла «қаср»нинг чап тарафига – эскалатор томон юрди. Шовиллаб ойнаётган фавворалар олдига чиқди. Саъдулла рўпарада тўхтаб, бир зум енгил нафас олди. Бетўхтов сачраётган кумуш томчилар юзига уришиб кайфиятини кўтарди.

У майдон сари юрди. Теваракка файз берган турфа гулларни томоша қилиб завқи тошди. Беихтиёр хиргойи қилиб юборди: «Мана, бугун наврўзи олам, йўлларингга гуллар тўкаман. Қайлардасан, севикли эркам, кўлимда гул, сени кутаман...» Яқинида кимлардир қикирлаб кулди. Ялт этиб ўнгга қаради. Йўлак четидagi скамейкада ўтирган йнгит-қиз пешонасини пешонасига кўйиб пиқирлашарди.

Хиёбон этакрогида нари-бери охиста юраётган Ферузага кўзи тушди. Сергак тортиб соатига қаради: ўн иккидан ўн минут ўтибди.

– Энди ўзимники бўлди, кечикиб борсам ҳам кутаверадди, дедингизми, – деди Феруза салом-алиқдан кейин кулиб.

– Ҳали каёқда? Дадангиз билан ойингиз кўнишмапти-ку.

– Ҳеч-да, – Ферузанинг чиройли кўзлари сузилди. – Кўнишмаса, патир синдиришармиди.

Анҳор соҳили бўйлаб «Пахтакор» стадиони томон юришди. Улар олдинлари ҳар учрашганда албатта кинога киришарди. Бу сафар на унисининг, на бунисининг хаёлига кино келди. Иккови ҳам совчилик хангомаси тўғрисида гаплашишни истарди. Скамейкага ўтиришди. Унга қарирок дарахт соя ташлаган эди. Тўйни бунча кечга белгилашибди, – деди Саъдулла. – Ўртада июнь-июль бор ҳали. Август-а.

– Бир ой олдин-кейинидамас гап. Бошқа масала чиқиб турибди. Саъдулла қизга ажабланиб қаради.

– Хўш?

– Тўйдан кейин қаерда яшашимиз адاملани қаттиқ ташвишга соляпти. Қаерда турамиз ўзи? Ётоқхонадами? – деб кулди Феруза.

– Нега энди ётоқхонада бўлар экан, ижарага биронта ҳовли-повли топамиз. Кейин мен ишга қираман,

сиз ишлайсиз. Ё менинг, ё сизнинг ишхонанингиздан квартира бериб қолар. Ижарада турувчилар озми?!

Феруза анҳор сатҳига термилди. Саъдулланинг гапини тингларкан, дадаси қанчалар куйиб-пишганини эслади. «Бир жихати адамла ҳақ. Данғиллама ҳовли ҳувиллаб ётса-ю, биз бировнинг кош-қовоғига қараб ижарада турсак... Адамла айтганларидай, бирга яшайверсак нима қилади?» Кўнглидан кечган бу фикрларни Саъдуллага қай йўсинда айтишни билмай ғашланди.

– Ижарада қийналиб қоламан, деяпсизми? – деди Саъдулла.

– Гап қийналиш-қийналмасликда эмас, – Феруза оқимдан кўз узгиси келмасди. – У ёқда катта ҳовлида адам билан ойим ёлғиз ўтиришса-ю, биз кимларнингдир эшигида кўрпа-тўшак кўтариб юрсак... Эшитган кулоққаям эриш туюлади-да.

Ажабо, Феруза не муддаода? Бунча эҳтиёткорлик билан нимага шаъма қиляпти? Наҳотки, уни... Йўк, унга йўл қўймайди. Асло!

– Фикрингизга яхши тушунмадим, Феруза?

Феруза Саъдулланинг жаҳли чикқанини сезди. Илгаридан унинг одатини яхши билади: бировга қарамликни, кимнингдир олдида тили қисик бўлиб қолишни истамайди... Шу боис Феруза гап оҳангини сал юмшатишга уринди.

– Ман ҳаммасини тушунаман. Фақат адамлани гапларини айтяпман, холос... Чиндан ҳам ё сизнинг, ё менинг ишхонамдан квартира берар, шунгача...

Саъдулла барибир сал дағаллик қилди.

– Кечирасиз, Феруза, шу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Биласиз, ичим тангрок, у ерда туролмайман. Ичкучёв – кучук кучёв, дейдилар.

Шу билан баҳс ниҳоя топди.

Шомгача айланишди, турли мавзуда сухбатлашишди, ширин орзулар, ўйлар... қандай ёқимли! Бирок тип-тиник осмонда аҳён-аҳёнда бир бурда кора булут кўриниб қолганидек, гоҳ йигитнинг, гоҳ қизнинг эсига бояги масала – ижарада яшаш ташвиши тушар, шунда бирдан таъблари хира тортар эди.

Учрашувдан сўнг улар доим бир жойда – кўш қаватли гиштин мактаб орқасида хайр-хўш қилишар эди. Ўша манзилга етиб келишганда вақт шомдан оққан, шарқ томондан яп-янги лагандай ярқираб ой чикмоқда эди. «Ой шом ебди-да», деб хаёлидан кечирди Саъдулла.

– Хайр, – деди Феруза астагина.

Саъдулла хайрлашмоқ учун кўлини узатди. Феруза ҳам. Саъдулла қиз кафтини кафтига босиб, чакнаётган кўзларига термилди. Момикдай юмшоқ кўлни кўйиб юбормади. Сўнг уни аста ўзига тортди. Илгари Саъдулла салгина шундай ҳаракат қилса, албатта кескин рад жавоби олар эди. Бугун Саъдулла ҳеч бир қаршилик сезмади. Қизни яна яқинроқ тортди. Кўзлар ҳамон бир-бирига қадалган, лаблар унсиз, юраклар гуп-гуп урарди. Ахири кўзлари бир-бирини кўрмай қолди. Беун, лекин интизор лаблар бир-бирига чиппа ёпишди...

Олам бир нуқтага жо бўлди. Улар ҳам шу сирли нуқтага сингиди. Танларини илоҳий бир сархушлик чулғаган маҳалда шундоққина ёнгиналаридан саёқ бир мушук миёвлаганча жонҳолатда чошиб ўтди. Йигит ҳам, қиз ҳам беихтиёр ўзини орқага олди. Ҳатто Феруза ёқасини кўтариб туфлади.

Мушук кўздан йўқолиб, атрофга жимлик чўккандан сўнг иккалови ҳам бараварига қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди...

Тўй «Зарафшон» ресторанида ўтди. Кимлар келмади-ю, кимлар нутқ сўзламади. Нутқлар, ҳамду саноларнинг асосий қисми Олим Акбаровичга қаратилди. У кишининг одамшавандалиги, ишбилармонлиги, уддабуронлиги, кўнгли очиклиги, меҳрибонлиги – хуллас, ўзида бор-йўқ барча хислатлари қайта-қайта тилга олинди. Нотикларнинг деярли ҳаммаси ўз сўзини «Мана шундай олижаноб одамгина мана шундай ажойиб тўй қилиши мумкин, холос», деб тугатди. Олим Акбарович мухташам залнинг бир чеккасида, ўн-ўн беш киши қуршовида савлат тўкиб ўтирарди, кўринишидан бу мақтовлардан хузур қиларди.

Саъдулла барини сизди, ҳар каломга эътибор берди, бироқ нима дея оларди. Баъзи қитмир ўртоқлари эрта «Сенинг тўйинг бўлдимми ёки Олим Акбаровичнинг юбилейими?» деб кесатишини ўйлаб ичидан зил еди. Аста Ферузага қаради. У оппоқ харир либосларга бурканиб ўтирар, бошини қуйи эгиб, кўзини бир нуқтадан олмасди.

Тўй бошқарувчи микрофон орқали жарангдор овозда эълон қилди: «Энди сўз куёвимизнинг кадрдон дўсти, курсдоши Чори Эгамовга». Табрикловчилар учун мўлжалланган иккинчи микрофон Чорига тутқазилди.

– Мен Олим Акбаровичнинг яхши одамлигига шубҳа қилмайман. Лекин бу ерда асосий гап келин-куёв, яъни менинг курсдошларим – Саъдулла билан Ферузахон ҳақида бориши керак, деб ўйлайман.

Чори бир зум тўхтаб қолди. Гоҳ у столдан, гоҳ бу столдан «Кайфи ошиб копти», «Йикилиб тушмаса эди», «Бунакаларни сайратиб кўйишнинг нима кераги бор эди», деган лукмалар янгради. Пичингларни Саъдулла билан Феруза ҳам эшитди. Саъдулла бутун вужудини кўзга айлантириб Чорига тикилди. Кайфи ош-

ганлигини сезмади. У билан беш йил бир хонада яшадди-ку. Унча-мунчага маст бўладиганлардан эмас, кейин у меъёрини, ўзини каерда қандай тутишни билади.

– Мен Саъдулланиям, Ферузаниям беш йилдан бери биламан, – деб сўзини давом эттирди Чори. – Иккови бир-бирига жуда муносиб. Ўйлайманки, булар ҳамма ҳавас қилса, ўрناق олса арзигулик оила курадилар. Оилада бахтли одам ҳамма жойда, ҳамиша бахтли деган экан буюк ёзувчилардан бири. Мен Саъдулла билан Ферузага фахрланишга арзигулик оилавий бахт истайман.

У ўтирмасдан қадах кўтарди...

Соат ўн иккидан ошганда тўй охирлади...

Сал аввал Олим Акбарович билан Муаззам опа каттик туриб олишди: «Ҳеч курса бирон ҳафта шу ерда турунглари. Ресторандан чиқиб бировнинг ҳовлисига бориш эшитган қулоғу кўрган кўзга хунук. Кейин бир гап бўлар, чиқиб кетарсизлар квартирага...» Феруза йўқ дея олмади. Ота-онаси истагини ётиғи билан Саъдуллага ҳам тушунтирди. «Бир ҳафтагина... Кейин бизни ҳеч ким тутиб туролмайди». Саъдулла кўп андишаларга бориб, кўнди.

Мана, энди осон тоб ташлаганига пушаймон...

Ресторан эшигидан сал нарироқда кантарирли машинага ўтиришаётганда кимнингдир «Ие, ичкуёвми?» деган ўткир саволи қулоғига чалинди ва юрагини ханжардай тешиб ўтди. Лекин ҳозир унга додини айтолмайди, аҳволини тушунтиролмайди. Тўй чоғида келин-куёв на яхши гапга, на ёмон гапга қўшилади, тўғрими ёки нотўғрими, индамай эшитиб ўтираверади. Нега улар тўй давомида оғзига талқон солгандай жим ўтириши керак! Унга-бунга қарайвериш ҳам одобдан эмасмиш. Э, ўргилдим бундай одобдан? Номини одобу асли ўзи қолип-ку! Ҳамма ўй-

наб-кулса, қах-қахлашиб ўтирса, еб-ичса майли, лекин шу тантаналарга сабабчилар ҳатто ортикча кулиши ҳам мумкин эмас эмиш. Ким ўйлаб топган бу қонунни? Қайси дононинг кигиз китобидан чиққан?

Агар истиҳола килишга мажбур бўлмаса ҳозир Саъдулла ҳалиги кишига бошлаб жавоб берарди: «Ие, ака, нима деяпсиз? Ичкуёвликка даъвойим йўқ асло. Ферузанинг ота-онаси кўнглига қараб уч-тўрт кунгина турмоқ учун боряпман. Аслида эски шаҳардан ижарага уй топиб қўйганман. Уч юз сўм бериб ремонт ҳам қилдирганман», дер эди. Бу гаплар ичида қат-қат тахланган кўйи машинага ўтирди. Шовқин-сурон, кий-чув, бакирик-чакириклар остида машиналар карвони йўлга тушди...

Олим Акбаровичнинг мўлжали бўлакча эди. У аввалига бир ҳафта деб, кейин яна мухлатни узайтирмоқчи, шундай килиб аста-секин кизи билан куёвини батамом ўз ҳовлисида олиб қолмоқчи эди. Бу фикри қисман Муаззам опага аён, аммо бошқаларга қоронғи, таниш-билиш, қариндош-уруғлар ҳафта-ўн кунда кўчиб кетишармиш, деб юрарди.

Саъдулла учун эса ўша бир ҳафта ҳам минг азобда кечди. Бунинг устига ҳали ишга тушмаганди. Эртадан кечгача бекор. Қайночаси-ку ўз юмуши билан машғул, бироқ қайночаси таъпилда, кун бўйи унинг юзига термилиб ўтирaverиш – куёв учун бундан ортик жазо борми? Қафасдаги бедана ҳам Саъдулладан эркинрок сезса керак ўзини.

У икки кун ўтирди уйда. Учинчи кун нонуштадан кейин кийина бошлади.

– Ҳа,– деди Феруза. – Йўл бўлсин?

– Бир айланиб келай, юрагим сиқилиб кетди.

– Ман билан зерикяпсизми? Саъдулла Ферузанинг кўзларидан ўпди;

– Сиз билан ҳеч қачон зерикмайман, жоним. Лекин бу ерда қандайдир ноқулай. Тезроқ кўчиб кета қолайлик.

Саъдулла кўчага чиқди. Борадиган жойи нотайин. Ётоқхонага борай деса, ҳозир ким бор у ерда. Ҳамма каникулда.

Ўйлаб-ўйлаб Эски шаҳарга – квартирасига борди. Ҳовли тўзиб ётибди. «Кампир ҳам анчадан бери йўкми, дейман-да. Эгасиздай бўп қопти». Ўнг томондаги икки хонали уй деразаларини очиб, ҳавосини алмаштирди, ўтириб сигарет чекди. Кейин ечиниб у ёқбу ёқни тартибга солди, резина ичакни водопроводга улаб шилқиллатиб сув сепди. Ахлатларни бир чеккага уйиб қўйди. Муздай сувда ювинди-да, ичкари кириб каравотга чўзилди.

Кейинги уч-тўрт кун ичида биринчи марта мирикиб ухлади.

Аммо бир пайт босриқди. Ва ҳадеб кулимсираётган Салимага рўпара бўлди. Салимани кўрмаганига икки йилдан ошди-ёв. Ҳеч хаёлига келмаган, фикр ёди бошқа нарсалар билан банд бир кунда тушида безовта қилса... Яна қанақа ҳолда денг – иккови окшом чоғи қайрағоч остидаги суви қуриб қолган ҳовуз ичига кириб, буталар панасига бекиниб унинг сочларини силаб, юз-кўзларидан ўпармиш. Салима ҳеч қаршилик кўрсатмас, Саъдулланинг қучоғига баттар сингиб борар эмиш. Ёлғизоёқ йўлдан оёқ товуши эшитилибди. Феруза эмиш. Саъдулла котиб қопти. Салима: «Ҳа, тортиб олганинг етмагандай, шу ердаям ҳозир бўлдингми?» Феруза йиғлаб чошиб кетибди. Саъдулла: «Феруза! Тўхтанг, Феруза!» ортидан югурибди.

Ўз овозидан чўчиб уйғонди. Ўрнидан туриб, хомушланганча оёғини каравотга осилтириб ўтирди. Ға-

лати тушни ўйлади. Бирон-бир маъно тополмади. «Эй, туш-да, шунгайм бош котириб ўтирибманми. Нималар кирмайди тушга...» Ҳовлига чикиб ювинди. «Энди бо-риш керак. Ферузаям зерикиб ўтиргандир».

Саъдулла истар-истамас қайтиб келганда Олим Акбарович ховлидаги креслода ястаниб ўтирганча журнал варақлар, Муаззам опа эса телевизор томоша қиларди.

– Келинг, ўғлим, – деди Олим Акбарович босиклик билан. Саъдулла раҳмат айтиб курсига ўтирди. Аллаларсалар ҳақида эзмаланган кўйи Муаззам опа дастурхон ёзди. Феруза чинни косаларда шўрва сузиб келди. Гангур-гунгур сухбат устида бафуржа овқатланишди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан сўнг қайнотаси нечундир тўйдан гап очди.

– Хўш, тўйдан хурсандмисизлар? – деб сўради салмоқлаб, табассум билан. – Ё камчилик бўлдимми?

– Йўк, – деди Феруза астагина.

«Сиз қандай фикрда?» дегандай Олим Акбарович Саъдуллага қаради. Сал хижолат чеккан Саъдулла ҳаммаси жойида эканлигига ишора қилиб бош ирғади.

– Қариндош-уруғларингиз, ўртоқларингиз молодец экан, жуда яхши хизмат қилишди, азаматлар.

Олим Акбарович чертиб-чертиб, дона-дона қилиб гапирарди. У элик бешда, лекин ёшига караганда қарирок кўринади. Сабабки, тўнғич ўғли вафот этгандан кейин бирдан ўзини олдириб қўйган. Шўрлик йигитчани ўн яшарлигида кўчага ўйнаб чиққанда машина уриб кетган экан. Бу фожиа Олим Акбаровичдан ҳам кўра Муаззам опани кўпроқ қаритиб юборган. Гарчи сочлари оқарган, кўрган одам олтмишдан ошган хаёл қилса-да, Олим Акбаровичнинг гаплари ўқтам, ҳаракатлари чаққон, юзларидан доим қон томиб турарди. Басавлат гавдасига кулранг костюм шундай ярашади,

шундай кўрк ва салобат бағишлайдики, унча-мунча одам унинг олдида сўзидан адашиб, довдираб қолади.

– Ҳа, айтгандай, – деди Олим Акбарович, бир нарса эсига тушгандай сергак тортиб. – Тўй куни сўзга чиққан ўртоғингиз қаердан, ўғлим? Отини нима дейишди?

– Чори, – деди Саъдулла ажабланиб. – Эгамов, Сурхондарёдан.

– Сал махмадонарок йигитми, дейман-да.

Саъдулла елка қисди. Унинг ўрнига Феруза жавоб берди.

– Йўк, унакамас. Жуда яхши бола.

Олим Акбарович кизига қараб кинояли кулди.

– Ҳе, кизим, сен одамларни қаёқдан биласан. Одам оласи ичида, дейдилар.

Қадрдон жўраси шаънига айтилган бу гап Саъдулланинг иззатига тегди. Аммо бетга чопгани журъат этмади. Бир томони янги куёв...

– Йўк, – деди секин, – Чори унакалардан эмас, Феруза тўғри айтади, у жуда яхши йигит. Оғир-вазмин, мулоҳазали.

Саъдулла товушини кўтармади, бироқ хаяжонлангани, қайсидир даражада кизишгани сўзлаш оҳангидан сезилди. Бунини Олим Акбарович фаҳмлади, лекин билмаганга олди.

– Ундай бўлса тузук, – деди салмоқлаб.

Олим Акбарович Чорини нега суриштираётгани хусусида ҳозир Саъдулла ўйлаб ҳам ўтирмади. Бетизгин хаёлида бошқа мулоҳаза чарх урар, шуни қайнотасига қандай айтиш йўлини кидирарди.

Орага оғир сукунат чўкди. Телевизорда пахтакорларга бағишланган кўрсатув тугаб, «Анна Каренина» киноси бошланди. Қачонлардир романини ўқиган эди, дафъатан унинг илк жумласини эслади: «Бахтли оила-

ларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир».

– Сиз кўрасизми кинони?

Саъдулла қайнотаси саволига мужмалроқ жавоб берди. Олим Акбарович «Бўпти, мен дам оламан, сизлар томоша қилинглар», деб ўрнидан турмоқчи эди, Саъдулла сўз қотди.

– Олим Акбарович, – у бир неча марта дада дейишни мўлжаллади, аммо сира тили бормади. – Сиз билан... маслаҳат қилмоқчи эдим.

Фақат Олим Акбарович эмас, Муаззам опа билан Феруза ҳам Саъдуллага юзланди.

– Хўш, ўғлим, эшитаман.

– Агар рухсат берсангиз, биз эртами-индинми...

Саъдулла фикрини охирига етказмасдан Олим Акбарович барини тушунди. Ва куёвини шартта силтаб ташладики, ўтқир ойболта тол хивични кесиб тушгандай бўлди.

– Нима, бу ер сизга ёқмаяптими?

– Гап унда эмас... Сизларни ҳадеб безовта қилишнинг нима кераги бор. Сиз кўчадан чарчаб келасиз. Унинг устига ҳадемай мен ҳам, Феруза ҳам ишга тушамиз. Шунинг учун вақт борида кўчиб, жойлашиб олсак, деб ўйлагандим.

Олим Акбарович креслога ястанган кўйи сукутга толди. Саъдулла сабрсизлик билан жавоб кутарди.

– Умуман мен қарши эмасман, – энди Олим Акбарович боя дағаллик қилган одамга сира ўхшамас, товуши мулойимлашиб қолган эди.

– Лекин, менга қолса, ҳозирча шошилмаганларинг тузук. Қани аввал ишни бошланглар, оғир-енгилга кўникинглар. Кейин мен ўзим ўртоқларга айтиб квартира тўғрилатиб бераман. Бировнинг эшигида сиғиндидай

бўлиб юриш... Менинг кизим билан куёвим шунака ҳолда юрса уятку... Унгача шу ерда бемалол тураверинглар. Бу ҳовлини, бу уйларни биз нима қиламиз. – У турфа гуллар бўйига кўмилган кенг ҳовлига, қатор уйларга ишора қилди. – Ким сизларга халакит беради?

– Ҳаммаси тўғри, Олим Акбарович, бироқ ўзингиздан қолар гап йўк...

Олим Акбарович оғир кўзгалди.

– Яхши, ўйлаб кўрайлик. Ҳали вақт бор шекилли. – Қовоғидан қор ёғилганча у хобгоҳга йўналди. Ҳамма гапдан вокиф бўлган Муаззам опа билан Феруза мик этмай ўтиришар, атайлаб телевизорга термилиб олишган эди.

Ўша кечаси Саъдулла Ферузанинг оғзини пойлади. Дадаси билан бўлган суҳбат ҳақида ўз фикрини билдирар, деб ўйлади. Лекин Феруза лаб ёрмади...

Олим Акбаровичнинг бир оз тундлашган киёфаси ҳам, Муаззам опанинг гоҳ ялиниб-ёлворишлари, гоҳо аччиқ-тизиқ гаплари ҳам Саъдулла кўнглини юмшатмади, уни фикридан қайтаролмади. Ўша суҳбатдан сўнг орадан беш кун ўтгач, улар ижарага чиқиб кетишди.

* * *

Ижарада яшаш – осонмас. Тақдирнинг бу азоби нималигини бошидан ўтказган биледи. Уй эгаси сал инсофлироқ бўлса-ку, бир нави-я, аммо шаллакисига йўликсанг расво-да! Қарангки, улар худди шунақасига – етмишдан ошган эзма кампирга дучор бўлишди.

Ана-мана дегунча орадан тўрт ой ўтди. Лекин тўрт ой тўрт йилдан ҳам кўпроқ туюлди. Кампирнинг ғалати одати бор: Саъдулла билан Феруза чиқиб кетиши билан у ҳам дарвозани кулфлаб кизиникига жўнайди. Улар уйга кириши ҳамоно худди бир жойда кузатиб

тургандай орқаларидан етиб келади. «Ана, ойингиз хо-зиру нозир», дейди Феруза Саъдуллага. Кампири туш-гур дахлиздаги стулга бемалол ўтиради-да, сумкаси-дан сигарет чиқаради:

– Вой, жоним-эй, чарчаб кетдим-эй. Отам, гугур-тингизни беринг, битта чекиб олай, кейин уйимга ке-таман.

Саъдулла гугурт узатади. Кампир кутичасига шун-дай кўлини тикади-да, нечта дона чикса ҳаммасини бирдан повв эткизиб ёқади. Сигаретни буркситиб тута-тади, сўнг бафуржа ўчиради.

– Дадангиз, аянгиз яхши юришиптими, онам? – деб Ферузадан хол-ахвол сўрайди. Феруза киска килмок ниятида «Раҳмат, раҳмат. Салом айтиб юборишди», деб кўя қолади. Аммо кампир шу билан тутатмайди. – Бир пиёла сувингиздан беринг, отам. Юрагим ўлгур ўйнаб кетяпти. Чарчадимми йўлда, нима бало. – Саъдулла пиёла тутади. У сувни ғулт-ғулт эткизиб ичади-да, мирикиб сигарет тортади. Кампир сувни ютокқандай шимириб ичиши Ферузанинг кўнглини айнитади. Шу боис кўлига пиёлани олиши билан Феруза ичкари хо-нага, бир нарсани баҳоналаб, кириб кетади. Чанковини босиб олган кампир эса тўхтаган жойидан дийдиёсини давом эттиради. – Ҳозир келаяпман денг, отам, бир кўшнимиз бор, оти Толмас, шуни кўриб колдим. Ҳа, ойи, қалайсиз, соғлигингиз жойидами, дейди. Юра-гим шувиллаб кетди, денг. Бу балога йўликкур бекорга сўрамайди, бир балони билади.

Саъдулла унга таскин бермоқ ниятида:

– Шунчаки сўрагандир-да, сизни хурмат килиб, – дейди.

– Йўк, сиз билмайсиз-да, уни, отам, у бекорга сўра-майди. Бир балони билади.

Саъдулла билан Феруза кўчиб келибдики, кампирнинг оғзидан ҳовлиси тушмайди. Эртаю кеч ховлимни биров олиб кўяди, деган хавотирда юради. Қизларининг униси кўйиб буниси, буниси кўйиб униси ёлворади: «Ойи, юринг, ёлғиз бу ерда нима қиласиз? Ховлини сотайлик, ўзи ҳаммаёғи тўкилиб ётипти, унинг устига ҳадемай бузади». Йўк, каёқда, кампирнинг кўзига бу чолдевор Боғи Эрам бўлиб кўринади. Бундан бир неча йил илгари кўшнилардан бири ҳазиллашиб: «Ойи, энди кизингизни кўчиб кетаверинг. Ховлингизни маҳалла комитети фалончига сотган», деб бола-чакаси кўп Ҳожиахмад деган бир киши номини айтган экан. Шу-шу кампирнинг назарида ҳозир ўша одам келиб: «Чик ховлидан, энди сенинг ҳакинг йўк!» дейдигандай туюлаверади. Ўшандан бери кўча-кўйда биров ҳол-аҳвол сўраса ҳам кўнглига шубҳа тушади. «Бу бекорга сўрамаяпти, бир балони билади», деб туриб олади. Қизлариникига ҳам кўп бормайди, борса ҳам бир кеча ё ётади, е ётмайди, дарҳол кайтиб келади.

Гумонини Саъдулла билан Ферузага тўрт ой давомида неча марта айтганини ҳисоблаш учун анча-мунча кийналишга тўғри келади. Эзма кампирнинг ҳовлиси ҳам, унинг шу жой-жалолни деб куйманиши ҳам кўнгилларига зиғир ёғдай уриб кетган.

Саъдулла-ку тишини тишига босиб чидайти, бошқа иложи йўк, аммо Ферузадан хавотирланади. «Турмайман бу ерда! Анов жодугар ҳасрати жонимга тегиб кетди!» деса, у нима қилади? Яна қаердан жой кидиради, кимнинг эшигига сарғайиб боради? Лекин ҳозирча Феруза индагани йўк – дарди ичида!..

Ҳаммадан шанба ёмон. Феруза илгари бу кунни жуда яхши кўрар, орзикиб кутарди. Эртасига дарс йўк, истаганча телевизор кўриш, радио ёки магнито-

фон эшитиш мумкин эди-да. Бу ерга кўчиб келди-ю, шанбанинг турган-битгани азобга айланди. Сабаби – у шанбада ишга бормаиди. (Феруза шаҳардаги корхоналардан бирига юрист бўлиб ишга кирди, Саъдулла эса факультетда ўқитувчи бўлиб қолди. Биринчи йил ишлаётгани, ҳам яқинда уйланганини ҳисобга олиб, бу йил уни пахтага юборишмади, факультет ташвишлари ҳам етиб-ортарди.) Кампир эртадан-кечгача олдига кириб олиб гап сотади. Сигаретни эса бирини иккинчисига улаб чекади. Феруза унинг жаврашларига кўпда эътибор бермайди, бироқ кампир шу қадар сезгирки, суҳбатдоши не кўйдалигини дарров билиб олади. Эътибор бериб тингламай кўрсинчи, қолади балога.

Кампир, оғзидан сигарет тушмагани устига (ўзининг айтишича, ўн уч ёшида чилим чекишдан бошлаган экан), кишин-ёзин водопроводдан совуқ сув ичади, унча-мунча овқатни назари илмайди: ош, дўлма, мантию қазидан гапиради. Тағин муттасил иштаҳаси йўқлигидан нолийди: «Бир лаган ошларни кўрдим демасдим. Бир ўтиришда икки кило асал еганман. Қани энди у вақтлар?»

Бир куни – ўшанда ҳам шанба эди, Ферузанинг олдига кирди-да, яна ховли можаросини бошлади.

– Энди ховлимни ҳеч ким ололмайди, онам, – деди иршайиб. Бу гап Ферузани ҳам қизиқтирди.

– Нега? Нима қилдингиз?

– Ҳовлимни олмоқчи бўлган Ҳожиаҳмад бор-ку, ўшани боладим. Кеча бир ховуч тупроққа лўли дам солиб берди, ўшани ховлисига сочиб юбордим.

– Энди нима бўлади?

Кампир беўхшов илжайди.

– У лўлини биласизми, ўзи, жуда дами ўтқир-да, хоҳлаган одамни хоҳлаган ҳайвонга айлантириб кўяди.

Феруза яйраб кулди. Кампир жони чиккудек бўлиб бўзарди. Дунёда энг ёмон кўргани – гапига кулган одам. Ҳозир Феруза ҳам кўзига балодай кўринди. Бу одатини Феруза биларди. Шу боис дарров ўзини кўлга олди, кулгидан тийилди. Жиддий туриб сўради:

– Ҳожиаҳмад акани нима килмоқчисиз, ойи?

– Эшшак! – деди кампир астойдил.

– Боплабсиз, – деди ўзини зўрға босиб.

Кечкурун Саъдуллага кампирнинг муддаосини кула-кула сўзлади.

– Ҳали эртага Ҳожиаҳмад акани одамлар эшак ҳолида кўришса-я, – деди Саъдулла тиззасига шапатилаб, ках-ках отиб.

Эртаси эрталаб – якшанба эмасми, бемалол ухлаб ётишганди, эшик қаттиқ-қаттиқ тақиллади. Баравар чўчиб уйғонишди. «Ким экан?» Саъдулла апил-тапил кийинди-да, эшикни очди. Остонада кампир турарди. Важоҳати кўрқинчли, кўзлари ола-кула. Тинчликми, ойи? – деди Саъдулла.

– Э, балога Ҳожиаҳмад йўликсин! – деди у таклифни кутмай ўзини ичкарига ураркан.

Ранг-кути учган кампир одатдагидек стулга бемалол ўтирди-да, сигарет тутатди. Ҳожиаҳмадни ўғирчага солиши билан эсларига ҳалиги ҳангома тушди. Кампир сигарет тутунини пуфлай-пуфлай жавради:

– Эрталабдан бери кўчада ўтирибман, балога йўликкур Ҳожиаҳмадни пойлаб. Ҳозир кўрдим, ўтиб кетди, одам, отам, одам, эшшак бўлмапти.

Саъдулла билан Феруза ўзини тия олмади, кулиб юборишди. Кампир уларга ўқрайиб каради-да, жаҳл билан ташқари юрди. Эшикни қарс ёпди. Ташқаридан қарғиши эшитилди: «Санларам балога йўликларинг!..»

Кўпинча Саъдулла кечаси алламаҳалгача китоб титкилаб, нималарнидир ёзиб-чизади. Баъзан Феруза ҳам ишхонасининг тугатолмаган ишларини олиб келади. Товуқ кўндоғига кирмай ётиб оладиган кампир бир ухлаб туриб ҳовлига чиқади. Қараса, буларнинг чироғи ёник остонада қакқайганча овозининг борича бақиради: «Ҳой, олим, чирокни ўчир! Ярим тунгача катта лампочкани ёкиб ўтиради-я. Қоронғида бир-бирини кўрмайдими, нима бало. Бу куриб кеткурнинг шигиллаб айланиб пул ишлашини ўйламайди, бу палакатлар».

Иzza еган Саъдулла билан Феруза бир-бирига қараб жилмайишдан нари ўтолмайди. Дағдаға килаётган кампирга индашмайди.

Аммо сабр-тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор-да. Гоҳо чидаёлмай кетган Саъдулла ҳовлига отилади: «Мунча чинқирасиз! Пулини ўзим тўлайман. Бўлдимми?!» Шунда бақириш учун кампирга яна баҳона топилади: «Юрагимни ёрай дединг-а! Э, кекирдагингни чўзмай балога гирифтор бўл! Пулини тўлармиш! Искотни тўлайсан... Вой, юрагим-эй...» У вайсаб-вайсаб уйи томон лўкиллайди.

Яхшики, иддао, пўписа-кесатишларни Ферузанинг ота-онаси эшитмайди, билмайди. Агар бу олди-қочқидан хабар топишса, эрка қизларини бир соат кўймасди, бу чолдевор ичидаги ялмоғиз чангалига ташлаб кўймасди.

Бир куни ота-онаси Ферузани астойдил ўртага олди. Юмшоқ, катта креслога чўкиб ўтирган Олим Акбарович хотинига қараб томоқ кирди. Хиёл хомушланиб ўтирган Муаззам опа:

– Феруза, қизим, – деб мурожаат қилди аста. – Ранг-рўйингга қара.

Телевизор кўраётган Феруза ялт этиб ойсига ўтирилди:

– Ранг-рўйимга нима кипти?

– Доим баланддан келасан. Ейиш-ичишингни та-йини йўқ. Аҳволинг – ит ётишу мирза туриш. Одамларнинг оғзида миш-миш гап.

– Одамларнинг биз билан нима дарди бор? Биз ҳеч кимнинг ишига аралашаётганимиз йўқ-ку.

Олим Акбарович ҳамон жим, гўё бу суҳбат ўзига даҳлсиз. Нигоҳи экранда, бироқ ҳеч нарса кўрмас, эшитмас, хуш-фикри хотини билан қизи суҳбатида эди. Аслида у сўзсиз ҳаракатлари, маънодор йўталишлари билан гурунг равишини бошқариб борарди. Буни Феруза ҳам сезиб турибди, лекин тугилмаган – ўғри эмас, дегандек, дадасига қарши бирон нима дея олмас, нима эътирози бўлса, ҳаммасини ойнисига отарди. Эрининг ролини ижро этаётган Муаззам опа эса ўз вазифасини гоҳ койиллатиб бажарар, гоҳ Ферузанинг кутилмаган, асосли мулоҳазаларига жавоб тополмай довдираб коларди.

– Нега одамларнинг иши бўлмас экан? – деди овозини бир парда баланд кўтариб. – Сен айтаверасан-да. Одамлар билан ҳисоблашмай кўрчи. Ҳозир ҳамма оғзи билан юради. Унинг устига кимнинг қизи эканингни биласанми? Аданг санинг кайнатангга ўхшаган киш-лоғидаги тўртта чолдан бўлак ҳеч ким танимайдиган фақир одам эмаски, ҳеч кимнинг иши бўлмаса. Биласанми ўзи аданг ким? Олим Акбарович! Бутун республика танийди. Юзлаб одамлар бир имосига махтал. – Олим Акбарович оғирлигини креслонинг у ёнбошидан бу ёнбошига ташлади-да, йўталиб кўйди. – Сан шуларни ҳеч ўйлайсанми ўзи?

– Ҳаммасини биламан, – деди Феруза. – Адамлани ким эканликлариниям биламан, ёш бола эмасман, ахир. Лекин сизларни нима бунча ташвишга соляпти? Шунга ақлим етмаяпти. Куёвингиз ишласа, ман ишла-

сам... Ижарада турсак нима қипти? Бизга ўхшаб ижарада турганлар озми? Ҳаммаси вақтинча-ку! Аста-секин уй ҳам бўлар, бошқа нарсалар ҳам. Ахир сизлар ҳам мана шу уй-жойга, мана шу нарсаларга бирдан эришмагандирсизлар.

Олим Акбарович телевизордан кўз узмаган ҳолда лукма ташлади:

– Райисполкомда уйнинг калитини тайёрлаб кутиб ўтиришган эмиш. Саъдуллавой билан Ферузахон келиб олиб кетишсин деб.

Феруза дадасига гинали қаради. Киноя юрагини ачитиб кетган эди. Ногоҳ мясига аламли гапларни айтиб ташлаб хумордан чиққиси келди. Ота бетига чопиши яхши эмаслигини ўйлаб ўзини тийди.

– Ижарада турганлар кўп, тўғри, аммо улар ноилждир. Ҳамманиям санга ўхшаган меҳрибон адаси йўқдир ахир. Шўтга келиб, биззи бағримиззи тўлдириб ўтирсаларинг аданг ҳаммасини ўзлари килиб берадилар. Мошинаям олиб берадилар, эрингни диссертациясигаям ёрдамлашадилар. Юрфакдагиларнинг қанчаси адангни шогирдлари, бир оғиз айтсалар, ҳатто ўзлари ёзиб беришади. Қанақа ўзининг нафини билмаган ўжар бола экан-а. Қаёқдан топа қолдинг бу боши кал – кўнгли нозик кишлокени.

– Э, осилиб кеган поездидан ўргилдим, – минғирлади Олим Акбарович.

Ҳалиги кесатикдан ҳам ошиб тушган бу лукмадан кейин Феруза ўзини тутолмади.

– Ада! Бу нима деганингиз? Ахир куёвингиз-а. Шунана гаплар ярашадими сизга. Ойим айтганларидай, сиз Олим Акбаровичсиз-ку! Мани қайнотамга ўхшаган тўртта чолдан бошқа ҳеч ким танимайдиган пақир одам эмассиз-ку.

Дарвоза кўнғироғи жирингладию мунозара тўхтади. Муаззам опа, орқасидан Феруза ховлига чикди. Кўчада гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Муаззам опа дарчага ўхшаш эшикчани очди. Башанг кийинган хушбичим йигит салом берди. Нарирокда турган сутранг «Волга»да шофёрдан бошка яна бир киши ўтирарди. Улар ҳам машинадан тушиб, Муаззам опа билан эски кадрдонлардай куюк сўрашишди.

– Келинглар, келинглар, марҳамат...

Хушбичим йигит Муаззам опа таклифини кутмасданок дарвоза илгакларини тушириб, чакконлик билан табакаларни бургут қанотларидай килиб очди. «Волга» ичкарига кирди.

Чакирилмаган меҳмонларни Феруза таниди. Бир неча йилдан бери шу уч одам уйларида тез-тез пайдо бўлади. Булар ким, қаердан, нима учун келишади? Бу жиҳати Ферузага қоронғи. Аммо шуни биладикки, дадаси уларни доим хушчакчаклик билан кутиб олади, сал узоклашиб кетишса, жуда камнамосизлар, деб ўпка-гина қилади. Ҳар гал улар келиши ҳамоно Феруза билан онаси ошхонага чопади – куймана-куймана лаззатли таомлар тайёрлашади. Ўрганиб қолган бу одатини Феруза ҳозир ҳам тарқ этолмади. Индамай ошхона томонга юрди. Ҳайдовчи билан хушбичим йигит ошхона ёнидаги кичик уйчага – дадасининг тили билан айтганда, озик-овқат омборига бир қанча қутиларни келтириб тахлашди.

Муаззам опа меҳмонларни ичкарига бошлади. Яп-янги дастурхон солди, канд-курс, писта-бодом, аса-лу қаймоқ кўйдди. Кейин Ферузанинг ёнига борди. Пахта гулли чойнакларнинг бирига цейлон чойидан, бирига «тўксон беш»дан дамлади.

– Ман кетдим энди, ойи, – деди Феруза.

– Шошилма, борасан-да, шу «уйинг»га. Овкат-повкат еб кетгин.

– Овкат едим-ку. Куёвингиз кутиб ўтиргандир.

– Ҳеч курса гўшт-пўшт тўғрашиб юбор менга. Кейин кетарсан.

Онасининг асосий муддаоси шу аслида. Буни Феруза биледи. Қизик, у ақлини таниб, кўлидан иш келадиган бўлгандан буён кўп вақтини овкат пишириш билан ўтказипти. Кўни-кўшнилар эса унинг пазандалигига шубҳа билан қарашади. Кўпчилик назарида Феруза ҳам ҳозирги аксарият замонавий кизларга ўхшаган – овкат пишириш у ёқда турсин, чой дамлашни ҳам тузук-куруқ эплолмайди, юрфакда ўқиш қаёқда, эртадан-кечгача япон магнитофонидан чет эл эстрада-сини кўйиб, ҳар хил ўйинга тушиб ўтиради. Ахир кимсан, Олим Акбаровичнинг кизи, ўқиш шунчаки эрмак, дадаси тўғрилаб кўйган, хоҳласа боради, хоҳламаса – йўк. Баҳолар кўйилаверади...

Аслида бундай эмасди. Бу факультетни Ферузанинг ўзи танлади. Ҳатто дадаси бошқа енгилрок ўқишга киритиб кўймоқчи бўлганда унамади. Шу соҳага кизикди. У юристларни энг адолатли, энг ростгўй одамлар, деб ўйларди. Кейинчалик бу ўйлари пуч эканлигини билди, амалиётга борганларида қаллоблар, мунофиқлар, порахўрлар шу касб эгалари ичида ҳам тикилиб ётганини кўрди. Аммо энди кеч эди. Бир томони – энди хаёлига бошқа фикр келди. Ҳамонки, юристлар орасида шунақалари кўп экан, уларга қарши курашмоқ керак! У билиб қолди: анови оёқ-кўли енгил одамлар ҳам уйларига бекор келмас экан. Дадаси билан улар ўртасида нимадир бор, аммо нима эканлигини Феруза аниқ билмайди. Ҳатто бу ҳақда дадаси билан ойнисига бир-икки гап ҳам очган. Бирок дадаси

жеркиб ташлаган: «Бундай ишларга аралашма. Овқатингни пишир, дарсингни кил, тамом».

Бу мавзуда у Саъдулла билан ҳам кўп тортишди. Ажаб эмаски, узундан-узоқ бахслашувлар чоғида фикрлари, қарашлари бир жойдан чикқанлиги учун юлдузлари юлдузларига тўғри келиб қолган бўлса! Асли ўйлашганиям йўқ, рости, йигитга қизнинг қадду қомаги, хусну чиройи кўпроқ ёқди. Айниқса, кўзлари Саъдуллани асир этди-қўйди. Феруза эса Саъдулланинг оғир-вазминлигини, баъзи йигитларга ўхшаб кўринган қизга шилқимлик қилавермаслигини хушлади.

Дастлаб танишган кезларидаёқ Саъдулла Ферузанинг исми жисмига мослигини, хусусан, ақл-хуши ва фаросати хусну малоҳатига монанд эканлигини самимият билан эътироф этганди. Мана, турмуш қуришгандан буён неча ой ўтди, Саъдулла ўша эътирофда адашмаганлигига неча бор имон ўғирди. Негаки, Феруза ҳар қадамда фаросатли ва оқила эканлигини намоён этмокда, у ҳали бирон марта турмуш қийинчиликларидан оғринганини, етишмовчиликлардан нолиганини билмайди. Бирок гоҳо-гоҳо хаёлига турли нохуш фикрлар ёпирилади: «Феруза бир умр мен билан чидармикан? Ҳали қачон бошимизга бошпана битади, қачон одамларга ўхшаб у ёқ-бу ёқни тузатиб оламиз. Йўқчилик нима эканини билмаган қиз менинг бу дарвешона турмушимга охиригача бардош берармикан? Бунинг устига у ёқда ота-онаси гиж-гижлаб турса...» Шундай кезларда Феруза уни ташлаб кетадигандай юраги шувиллаб, кўнгли хуфтон бўлади, Аммо яна ўзига ўзи таскин беради, бемаъни ўйлардан ўзини қалғитади...

Феруза қозонга масаллик солди, қирк беш минутдан кейин сузасиз, деб онасига тайинлади. Ўзи эса йўл таралдудини кўрди. Муаззам опа гарчи ичида ранжи-

са-да, ҳеч нарса демади. Унинг сумкасига у-бу нарса солиб берди. Феруза «кўйинг, керак эмас, ҳамма нарса бор», деганига кулоқ осмади. «Олиб кетавер, мунча отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан», дея жеркиди.

Дадаси билан ойисининг шунақа тагдор кочириmlари Ферузанинг жонига тегиб кетди. Келмай деса – иложи йўқ, ота-она. Келса – аччиқ киноялар. Ҳали у ёқда Саъдулла ҳам минғирламасайди. Ойисиникидан нарса олиб борса, Саъдулланинг ковоғи тушиб кетади... .»

Феруза оғир сумкани кўтариб кириб келганда Саъдулла сигарет тутунига кўмилиб китоб ўкиб ўтирар эди. У бир Ферузага, бир қаппайган сумкага хўмрайиб қаради, лекин индамади. Феруза ечиниb чикди-да, сумкадан нарсаларни олди. Икки килоча гўшт, дудланган колбаса, думба ёғи, яна алланималар бор эди.

– Дадангизнинг ошналари кепти-да, – деди Саъдулла кесатиb. Феруза кўрққан аввал мушт кўтарар қабилида дарров олдини олди.

– Шунча керакмас десам ҳам, ойим кўймай тикиштирдилар. Саъдулла ух тортди.

– Уларнинг мақсади нима, билмайман... Мени кечиринг-ку, Феруза, дадангиз харом ишларига бизни ҳам шерик қилмоқчими?

Феруза бўшашиб стулга ўтирди. Нима десин, нима қилсин у? Бу бармоғини тишласа ҳам оғрийди, унисини тишласа ҳам. Бунақа аҳвол қачонгача давом этади? Дадаси билан ойиси буларни тушунармикан ёки Саъдулла уларга ён бергани маъкулми? Ферузанинг ўзи-чи? Ўзи нимани истайди? Бир кўнгли бор-э, деб дадаси билан ойисининг сўзига кириб, маза қилиб яшагиси келади. Рост-да, бу дунёга асаббузарликлар учун келганми? Бошқа дугоналари катори ўйнаб-кулиб, истанган кийимини кийиб, хоҳлаган ишини қилиб, беш кун-

лик дунёда давру даврон сурса нима кипти? Бировдан кам жойи борми? Дадасига бир оғиз айтса бас, истаган нарчасини мухайё қилади. Лекин Саъдулла кўнармикан? Ўзи-чи? Шуни астойдил истайдими? Борингки, Саъдулла ҳам унинг гапларига кирди дейлик. Хўш, бу сафо қачонгача давом этади? Дадаси қачонгача мансаб курсисидан ўтиради. Ахир ёши қирқ-элликка борганида ҳам дадасининг мўмай пуллари ҳисобига яшаб юролмас...

Ҳар ҳолда Феруза ҳаёт паст-баланддан иборатлигини биледи. Билиб шу йўлга қадам босган. Энди чидайдими, ҳаммасига чидайдими. Бундан оғир синовларга ҳам бардош беради. Саъдуллага суянади, ишонади. Юраги сезади: у ҳеч қачон алдамайди, чап бериб кетмайди...

Феруза аста эри ёнига ўтирди. Чакнаётган кўзларига меҳр билан термилди, секин бўйнига кўл солиб эркаланди.

– Жоним, кўп асабийлашманг, – деди майин овозда. – Соғлигингиз керак менга. Бу нарсаларга парво қилманг. Сиз мени билинг, менга ишонинг.

Феруза эрининг дағал юзларини силади. Кафтлари шу қадар силлик, майин эдики, Саъдулланинг бутун баданига бир илиқлик югурди. Кўнглидаги ғазаб ўрнини меҳр эгаллади. У ҳам Ферузанинг сочларини кафтлари орасига олди...

Х

Айни ёзнинг чилласи – июль ойида Феруза ҳомиладорлик таътилига чиқди.

Кун иссиқ – ҳарорат қирқ беш даражага кўтарилди. Кампирнинг каталакдай ҳовлиси мисоли тандир: қуёш ловиллаб қиздиради-ю, атроф уйлар билан ўралгани учун қилт этган шабада юрмайди. Кундузи-ку кундузи, кечаси ҳам алламаҳалгача нафас олиш қийин...

Феруза тоза кийналди. Бирок кампирнинг дийдиёлари олдида бу иссиқлар чикора. Бир дам бемалол чўзилиб роҳатлангани кўймайди, олдига кириб олиб, бир тоғдан, бир боғдан келиб алланарсаларни ҳикоя қилади. Бу ҳам етмагандай кўни-кўшниларини ёмонлайди, бирови ўғри, бошқаси савдогар, яна бирининг кизи бузилиб кетган – хуллас, маҳаллада шу кампирдан бўлак инсофли, ҳалол одам йўқдек...

Ҳомиладорлик борасида ҳам кампирдан кўра кўпрок нарса биладиган одам топилмайди. Ҳар сўзини мисоллар билан «исботлаб» гапиради. Қариндош-уруғлари, таниш-билишлари орасида нечтаси биринчи боласини туғолмай ўлиб қолганини эртақдай сўйлайди. Ҳатто ўзининг ойиси ҳам уни (тўнғич экан) туғиб оламдан ўтган эмиш.

Кампир ваҳималарини истаса-истамаса эшитиб гоҳо Ферузанинг юраги увишади. Жуда жонидан ўтган кунлари эшикни ичидан бекитиб ўтиради. Аммо бу билан иш ҳал бўла қолса кошки. Кампир дам-бадам дераза тагида гивирлаб у ёқдан-бу ёққа ўтаверади. Жағи тинмайди: «Шу иссиқда уйда кўмилиб ётади. Ҳомиладор хотин сал-пал ҳаракат қилиб турса-да. Бу аҳволда боласи ичида ўлиб қолади. Менга нима, баттар бўлмайдим...»

Энди Феруза тамом таҳликага тушади. Бутун вужудини кулоққа айлантириб қорнига кулоқ солади. Кейин енгил нафас олиб, сал ўзига келади. «Қаерданам топган экан бу ҳовлини Саъдулла. Тоза ноёб нусха экан-ку... Ҳали келса бошқа биронта жой топнинг десаммикан? Ёки дадам билан ойимнинг гапига кирсакмикан? Саъдулла кўнармикан?»

Саъдуллани қабул комиссиясида олиб қолишди. У ҳар куни эрталаб чиқиб кетади, кечкурун бурни-

дан тортса йиқилгудек шалвираб кириб келади. Унинг ахволини кўриб, Феруза кундузи ўйлаб кўйган фикридан қайтади: «Қани, сабр қилиб турайтлик-чи. Бир гап бўлар ахир...» Саъдулла чой ичар экан, зимдан Ферузани кузатади: ичи тўла дард эканлигини, рухан чарчаб кетганлигини сезади. Сезади-ю, индамайди. Нима ҳам десин? Қурук гапдан не фойда. Ахволни яхшилашга кўзи етмаса...

Улар бир-бирига ҳамма гапни борича яширмай, очик-ойдин айтиб ўрганишган. Ширин-у, аммо ёлгон сўзлар, маза-бемаза ваъдаларнинг нима кераги бор?! Эр-хотин бир-бирини алдаса, бир-бири кўйинини пуч ёнғок билан тўлдириб юрса – у қандай оилаю қанақа турмуш бўлди? Рўзғорда камчилик ҳам, етишмовчилик ҳам, майда-чуйда ғиди-бидилар ҳам бўлади. Булардан мустасно оила йўқ. Ақл-фаросатли эр-хотин шуларга бамаслаҳат чек кўяди, кўчага олиб чиқиб жар солмайди. Бировга айтганинг билан ёрдам берармиди, тузатиб кўярмиди. Қаёқда, аксинча, баттар бўл, деб ичида кулади. Бундан кимга фойдаю кимга зарар?

Оила, рўзгор ҳақида уларнинг фикрлари шунақа. Шукри, ҳозирча бу йўриқда унис ҳам, бунис ҳам қатъий, оғир-енгилга бирдек чидаб, яъни, сув келса симириб, тош келса кемириб яшашяпти. Асли шу бир йил орасида, эҳ-хе, не-не яхши-ёмон ўтмади. Саъдулла ўжарлик қилгани учун қайнота-қайнонаси тоза тўнини тесқари қийиб олди. Улар ўлганлари кунидан салом-атик қилишадди, тил учида ҳол-аҳвол сўрашишади. Номи улуғ – супраси қурук куёв, унинг «измига» тушган бефаҳм қиз билан муомала қилиш осонмас. Лекин ҳар нечук Олим Акбарович билан Муаззам опа ҳамма вақт шуларга яхши бўлсин, қизим билан куёвим қийналмасин, деб жон қуйдиришди. Булар эса қаёқда, бўйин бергиси келмайди. Майли, бир-икки йил ўзларича яшаб кўрсин. Кейин

билади ота-она кадрини. Диссертация ёзармиш... Ёзсин, ёкласин. Кўрамиз. Бу гаплар айтишга осон. Ёклаб бўпти! Олим Акбаровичнинг кўли қаёқларга етишини бу кишлоқни ҳали билмайди. Факультетдагилар, хусусан унинг кафедрасидагилар Олим Акбаровичнинг бир гапини икки қилиб кўришсин-чи! Етимни урма-сўкма, ёқасини йирт. Олим Акбарович имоси билан кимларнинг ёқаси йиртилмаган. Унча-мунчага гап бермайдиган дасти дароз бойваччалардан қанчаси унга тан бериб, оёғини ўпиш учун изн сўраб келди-ку олди. Аммо у туфлаган туфлигини қайта ялайдиганлардан эмас.

Олим Акбарович филу Саъдулла мисоли пашша... Лекин бу Саъдуллада, яъни...

Ғайирлик қайнота ичида пинҳон. Барибир уни Саъдулла ҳам, Феруза ҳам сезади, юраклари сезади. Бир нарсадан Ферузанинг кўнгли тўк, дадаси уни яхши кўради. Шундай экан, уларга, хусусан Саъдуллага ёмонлик қилмайди. Фақат Саъдулланинг диссертацияси муҳокамаси ёки ҳимоясини орқага сурдириши мумкин. Мақсад – куёви кимлигини билиб, олдига ялиниб келсин. Шунда у дарёни тўсган тўғонни очиб юборади. Бу билан ўзининг кудратини кўрсатиб қўяди...

Саъдулла биладик, Феруза кун бўйи кампирнинг эзмаланишидан зеркиб кетади. Шунинг учун бирор маънили, дилни равшан қиладиган гап айтишни истайди. Савил қолгур шундай гап ҳадеганда топилавермайди. Охири топгандай бўлади.

– Феруза, – дейди унинг сепкил тошган юзларини силаб, – отини нима қўямиз?

Негадир бу гапи ўзига томдан тараша тушгандай туюлади. Алланечук ийган Феруза ичида кулади, лекин сир бой бермайди. Аслида у ҳам Саъдулланинг кўнглига ёқадиган бирон нарса дейишни ўйлаб ўтирган бўлади.

Саъдулла жазирамада эртадан кечгача бетиним ишлайди. Бир-бирининг устига чикиб кетгудай бўлиб тикилиб ётган абитуриентларнинг хужжатларини бир-бир кўриб чиқиш, айримларига нималарнидир тушунтириш – осонмас. Тагин устига баъзи бойваччалар бор, ўглини етаклаб келади. Қани уларга гап уктириб кўрчи. У десанг бу дейди, бу десанг у. «Бизам шу соҳанинг нонини еймиз, қонун-қондани биламиз», деб туриб олади. «Хўп, ана, сиз суддирсиз, прокурордирсиз – бу яхши, лекин ўғлингизнинг хужжатлари чаток. Бу ҳолда қабул қилолмайман». Э, каёқда, бу эътироздан халиги баттар жизиллайди. «Тўғри бўлмайдиган иш борми, ука?! Истак бўлса бас». «Э, ака, ўзингиз юрист экансиз, гапингиз кизиқ-ку. Чала хужжат билан иш битмаслигини мендан яхшироқ биларсиз. Бу ерда менинг истагимнинг нима аҳамияти бор?» «Жуда аҳамияти бор-да. Хохласангиз битта аттестат билан ҳам қабул қилаверасиз. Биламиз-ку. Ўзимизнинг бошимиздан бунақаси ҳар куни неча бор ўтади». Саъдулла энди ўзини туюлмайдди, асабийлашади. «Сизни билмадим, лекин мен бундай қилолмайман. Боринг, гап тамом! Бошқаларга йўл беринг!»

Бир куни ёмон бўлди.

Хужжатларга кўмилиб ўтирарди. Бир семиз киши яқинлашди. Орқасида ўзига ўхшаган гўндагина бола – кўзлари ҳадикли йилтирайди.

– Ҳорманг, ука, – деди у Саъдуллага, – чарчамаёпсизми? Жуда исиб кетипти-ку.

– Раҳмат-раҳмат, – деди Саъдулла мақсадга ўтинг деган мазмунда.

– Ўғилчани олиб келувдик, от ўрнини той босар, деб. Сизга ўхшаб прокурор бўламан дейди занғар. Ҳе, бўсанг бў, дедим.

У гўлдираганча юпкагина қоғоз папка узатди. Саъдулла хужжатларни синчиклаб кўздан кечирди. Энг

тагидан бир конверт чикди. Бу нимакин, деган ўй билан аста очди. Очди-ю, донг қотди: ажабо, бир нечта эллик сўмлик! Хона бениҳоя дим, терлаб-пишиб ўтирган бўлса-да, бирдан аъзойи бадани музлаб кетди. Семиз кишига ўқрайиб қаради:

– Бу қанақа ҳужжат?

Семиз киши рўмолчаси билан ҳар бири сопол лагандай келадиган бети, гўдак қулочи етмайдиган даражада йўғон бўйнини ҳафсала билан артаркан, илжайди:

– Кўриб турибсиз-ку, ука, қанақа ҳужжатлигини, мушук-сичқон ўйнаб нима қиласиз, сиз билан бизнинг соҳамизда бу «ҳужжат»сиз бирон иш битмайди, биласиз-ку.

Саъдулла папка боғичини боғладими-йўқми – билмайди, аммо уни олиб ҳалиги семиз кишининг булғор қалампиридек катта, кип-кизил бурнига қараб отганини билади. Папка бир четга бориб тушди, ичидан ҳужжатлар сочилиб кетди. Бели синмаган пуллар ҳар ёққа пириллаб учди. Бир лаҳзада кечган воқеадан хамманинг оғзи очилиб қолди. Иссиқда лоҳас тортиб, мудраб ўтирган абитуриентлару хайбарақаллачилар, бошқа факультетларга ҳужжат қабул қилаётган йиғит-қизлар аланг-жалаң қилишди.

– Йўқол кўзимдан, ифлос! Семиз киши ҳам паст тушмади.

– Нимага мени ҳақорат қиласан? Ҳали кўрсатиб қўяман сенга. – Кейин ўғлига ўшқирди: – Йиғиштир!

Ўша куни кечгача Саъдулла ўзига келолмади...

Ҳангомадан Феруза ҳам хабардор. Саъдулла кечқурун ичига сиғдиролмай хотинига ёрилган эди. Шундан биладикки, қабул комиссиясида ишлаш оғир. Шу сабаб ҳар оқшом Саъдуллани бирон лаззатли таом, хуш кайфият билан кутиб олишни ўйлайди. Ҳозир ҳам эрининг саволига ҳазил билан жавоб бергиси келди.

– Туғилмаган бузокка козик, йўнаяпсизми?

– Яхши ният – ярим давлат.

– Ким билади, ўғил бўладими, қиз. Билсак экан, шунга қараб исм танлаб кўйсак.

– Битта ўғил боланинг, битта қиз боланинг отини танлаб кўямиз, – деди Саъдулла. – Шошиб қолмайлик тагин, сиз туғуруқхонада бўласиз, мен ким билан маслаҳатлашаман?

Феруза Саъдуллага якинроқ сурилиб ўтирди.

– Ростини айтинг-чи, сиз ўғил бўлишини истайсизми ё қиз?

– Ўғил ҳам, қиз ҳам – фарзанд. Аввало эсон-омон кутулиб олинг.

– Ростини айтмадингиз, – деди Феруза. – Биламан, сиз ўғил бўлишини хоҳлайсиз.

– Қаёқдан биласиз?

– Биламан-да.

Ферузанинг бундай қатъий ҳукмида жон бор эди. Саъдулла ўғил кўришни ич-ичидан истайди. Фақат орзусини Ферузага айтмаган. Ахир бу на Ферузага, на ўзига боғлиқ. Лекин, қизик, кўнглидагини Феруза қандай сездийкин?

– Хўш, айтинг-чи, қаердан биласиз?

– Айтайми, – деди Феруза сузилиб.

– Айтинг!

– Ҳув Самарқандга борганимизда... Аслида аввалдан билардим, ўшанда аниқ сезганман.

– Қачон?

– Биринчи марта борганимиз-чи. Салима деган жувон билан бир мошинда кетувдик-ку қишлоққа.

Саъдулла эслади...

Ўшанда октябрь ойининг охирлари эди. Самарқандга эрталаб етиб келишди, Самолётдан тушиб, шаҳар айланишди.

Кечга томон бекатга йўл олишди. Одам кўп, автобус бедарак. Кузнинг илимилик офтоби кўп қаватли бинолар орқасига ботиб борар, унинг ўрнини аччиқ изғирин эгалламоқда эди.

Одамлар бетокат: гоҳ униси, гоҳ буниси бориб кассирни тикилинч қилади. Иссиккинада хузур қилиб ўтирган хотин жуда терс, кўпол чоғи, тўртбурчак туйнукдан мўралаганларга қарсиллатиб жавоб беради. Начора, улар тарвузлари қўлтиғидан тушиб ими-жими орқасига қайтишади. Баъзи асаби бўшроқлари хитланиб сўкинади: «Автобус келар-келмасини билмасанг нима номаъкулни еб ўтирибсан бу ерда? Пахтага кетган эмиш, номаълум эмиш. Пахта яхши баҳона буларга. Аслида бошқа вақтлар ҳам гўр эмас... Жуда жонга тегди-да. Ҳеч сон кирмайди-я».

Саъдулла ҳам тажанглашди, аҳволни ўзича чамалади-да, такси топишдан ўзга илож йўқ, деган қарорга келди. Бир томони вақт кетяпти, бир томони совук. Бироқ қани ўша такси. Бир-иккитаси тўхтади, аммо, Кўктошга олиб бориб қўйинг, дейиши билан ҳайдовчиси жавоб ҳам бермай газни босади. Баъзилари, у ёқдан одам бўлмайди энди, бориш-келиш пулини тўласангиз элтиб қўяман, деб ўзини тарозига солди. Саъдулла аввал бу таклифларга кўнмади, сал инсоф қилинг, ака, деб кўрди. Йўқ, инсоф қиладиган таксичи учрамади.

Аста-секин, бориш-келиш ҳақини тўласанг бораман, дейдигани ҳам сийраклашди. Саъдулланинг хуноби ошди. Илгарироқ кетавермаганидан афсус чекди.

Охири эскироқ кўкиш «Волга» тўхтади. Саъдулла югуриб бориб олд эшикни очди, шофёрга ўтинди, аҳволини тушунтирди. Ҳайдовчи, неча пул берасан, деб сўрамади ҳам, индамай ўтир ишорасини қилди. Олдин Ферузани чиқариб, ёнига ўзи чўкди. Машина ичи дид

билан безатилган, ўтирғичларига духоба жилд копланган эди.

Машина юз-юз эллик метр чамаси юрувдики, бир болали аёл кўл кўтарди. Саъдулла уни таниди: Салима.

– Тўхтатинг! – деб юборди беихтиёр. Машина каттиқ тормоз бериб тўхтади.

– Нима гап? Тинчликми? – деди ҳайдовчи орқасига ўтирилиб Саъдуллага қараркан.

– Шу хотинни ҳам олиб кетайлик. Биз борадиган жойга боради. У ҳайдовчининг жавобини ҳам кутмай Салимани чақирди. Салима етиб келгач, олдинги эшикни очди. Ҳайдовчи коидани сув қилиб ичган экан: ёш бола билан олдинда ўтириш мумкин эмаслигини уқтирди. Салима орқага – Ферузанинг ёнига, Саъдулла эса илгарига – ҳайдовчининг қаватига ўтирди.

– Раҳмат, – деди астагина Салима. У бу гапни кимга айтди – ҳайдовчигами, Саъдуллагами – ўзидан бошқа ҳеч ким билолмади.

Машина елиб боради. Чақалок йиғлайди, Салима уни эркалаб овутади. Сўнг дам-бадам Ферузага зимдан қарайди. Бунини Феруза ҳам сезади, сезади-ю, индамайди. Ҳозир Салима Ферузага қай маънода боқаётир – бунини ёлғиз Саъдулла тушунади.

– Кеч бўлганда бу ерда ёлғиз юрибсиз? – деди Саъдулла. Илгари у Салимани сенларди, энди сизлади. Негадир «сен» деб мурожаат қилишга тили бормади, бундай муомала тасаввурига сиғмади. Барибир бегона аёл-да.

– Ҳа, – деди ниҳоят Салима довдираб, – бир иш билан келувдим, кечга қолдим. Автобус йўқ, пахтага кетган дейди. Битта-яримта таниш-паниш учраб қолар, деб шу ерга чиқиб турувдим.

– Холмат яхши юриптими? Машинасида олиб кела қомапти-да.

– Жўрангиз йўк. Новосибирга кетган.

У шундай деб чуқур ух тортди. Бу ух замирида жуда кўп дард-алам бор эдики, уни Салиманинг ўзидан бошқа билмайди.

– У ёқда нима қилади? – кизиқиб сўради Саъдулла.

– Нима қилайди, биласиз-ку жўрангизди одатини. Ҳар йили тиромода бир-икки шаҳарга бориб кемаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Кўйинг шу ишингизни, яна бир палакат босмасин, десам кулок сомайди. «Сени нима ишинг бор! Болангга қараб, овқатингни пишириб ўтиравер» дейди.

Холматнинг бу хунаридан Саъдулла беҳабар эди. Ҳозир Салимадан эшитиб ҳайрон қолди. «Унга бу ишинг нима зарурати бор экан. Ҳамма нарсаси етарли, отаси раис – айтгани айтган, дегани деган. Отаси индамасмикан? Ёки шу иш билан шуғулланувчи битта-иккита шерик топган бўлса, улар билан бирга кўнгили очиш учун бориб келармикан?»

– Анча бўлдим кетганига?

– Бир ойга яқинлашди. На хат, на хабар бор. Ҳар кун кўзим йўлда.

– Отасининг хабари борми?

– Бор. Сўрасам, кеп қолади, эркак одам рўзғор учун қайғуриши керак-да, дейди.

Саъдулла шувиллаб машина тагига кириб кетаётган асфальт йўлдан кўзини узмас, хаёли эса Салимада, унинг эри – синфдош дўсти Холматда эди. У Салима аҳволини ҳис қилолди. Бирок Холматнинг қилиғини қандай тушунса бўлади? Ким бошлади экан уни бу йўлга? Ахир бу уят-ку. Кимсан, фалончи раиснинг ўғли Сибирда савдогарчилик қилиб юрса-я! Наҳотки, буни Холматнинг ўзи, отаси ўйлаб кўрмаган бўлса?

– Болалар нечта, Салима? – деди гап ўровини бошка томонга бурмоқ мақсадида.

– Иккита. Икки ўғил.

– Ў-хў, жуда зўр-ку, – деди Саъдулла хаяжонини босолмай. – Холмат бахтли экан.

Бу суҳбатдан сўнг Саъдулла ўзини бир оз эркинрок тутди. Тўғриси, боя машинани тўхтаттиргандан кейин сал пушаймон қилганди. Ҳозир эса қилган ишидан анча хурсанд бўлди, кайфияти кўтарилди.

– Ҳа, дарвоқе, – деб гап бошлади у ва чап тирсагини машина суянчиғига кўйиб оркага ўтирилди. – Мен сизларни таништираман. Ферузахон, бу киши бизнинг қишлоқдан, отлари Салима. Менинг синфдош жўрамга турмушга чиққан. Бир-бирини севиб, ҳар қанақа тўсикларни енгиб оила қуришган. – У кулди, аммо кулгиси унчалик самимий эмаслиги англашилди. – Мен Холматни жуда ҳурмат қиламан, яхши йигит. Бу киши Феруза...

– Сизнинг хотинингиз, – деди Салима унинг гапини бўлиб.

– Қаждан биласиз?

– Нимага билмас эканман. Қишлоқда тўй қилганларингизда келганман. Келин саломда, беточарда бор эдим. Яхшилаб кўриб олганман.

У Ферузага юзланиб кулди. Феруза ҳам жилмайиб, унга термилди, бироқ эслай олмади. Ўшанда кимлар келиб кўришмади Феруза билан. Тошкентлик келинни кўрайлик, деб таниш ҳам, нотаниш ҳам келди. Феруза қайси бирини эсласин.

– Ундай бўлса тузук, – деди Саъдулла жимликни бузиб. – Тошкентга йўлингиз тушса, тўғри бизникига бораверасиз энди. Ферузахон ўзи кутиб олади сизни.

– Албатта, – деб кулди Феруза.

Холматларнинг кишлоғи йўлда – Кўктошдан анча берида. Шу боис Салима олдин тушиши лозим.

– Ичкарига обкириб кўяйлик, – деди Саъдулла.

– Йўқ, раҳмат, бу ёғи яқин-ку, ўзим етиб оламан.

У ҳайдовчига пул узатди. Саъдулла унинг кўлини суриб кўйди: Тушиб кетаверинг, уят бўлади.

Шунда беихтиёр бадани важиллаб кетди. Салиманинг кўлига кўли тегар-тегмас бутун вужудига ток ўрмалаб кетгандай бўлди. Ё кудратингдан! Бу қандай куч, қандай сеҳр?

Чамаси, Салимада ҳам шундай ҳол кечди, бошқа индамади. Ҳатто раҳмат айтишни ҳам унутиб эшикни ёпди. Юмшоқ суянчиқда ястаниб ўтирган Феруза эса бу сиру синоатдан беҳабар, икки ўғилнинг онаси – ёшгина жувонга ҳавасланиб термилиб қолди.

Машина юргандан кейин Саъдулла дарҳол Ферузга ўтирилди.

– Мактабни биздан бир йил кейин битирган. Икки ўғли бор, яхши-а, – деди.

Индаллоси: Саъдулла ўғилга ҳавасмандлигини Феруза йўлдаги ана шу кутилмаган учрашув асноси англаган эди. Ҳатто ўзи ҳам пинҳона шундай истак билан яшардики, бу азбаройи эрига чексиз меҳрининг нишонаси эди.

– Билар эканманми? – деди Феруза.

– Сиз билмайдиган нарса борми!

Сухбат узилди. Кўнглига ёқмайдиган алланарсани эслаган каби Саъдулла хомушланди, ўйга чўмди. Авзойи бундай тез ўзгарганидан Феруза хавотирланди, индамай зимдан қаради, охири чидаёлмади.

– Ҳа, нима бўлди, хаёл суриб қолдингиз, – деди.

– Феруза, – деди у ўйчан ҳолда, – ойингиз индамаяптими?

– Нимага индашлари керак?

– Йўк, мен бошқа маънода... яъни кел-қўй демаяптими?

– Сўраб нима киласиз. Қачон борсам гапнинг аввали шундан бошланади. Отпускага чиққанимдан бери-ку, тоза зуғум қилишмоқда.

Саъдулла хотинининг кўзларига термилди:

– Феруза, балки ростданам борарсиз-а. Ахир бу иссиқ кунда тўғрисиам сизга қийин-ку.

– Сиз-чи?

Мени ўйламанг. Кунимни кўраман. Тез-тез олдингизга бориб тураман.

– Борсак бирга борамиз, – бўлмаса – йўк.

– Феруза, ахир бу ноиложликдан, унинг устига вақтинча-ку. Бола туғилсин, сиз ўзингизга келиб олинг, кейин... Мен борардим, сиз учун ҳамма нарсани қилишим мумкин, аммо дадангизнинг ўша гапидан кейин сира оёғим тортмайди.

Ўшанда қайната-куёв муносабати анча кескинлашди.

Биринчи май байрами арафаси эди. Не-не ўйловни қилган Саъдулла Ферузани эргаштирганча қайнота-қайнонасини табриклагани борди.

Ҳовлига жой қилишди. Олим Акбарович камишдан тўкилган креслога ястаниб ўтирибди. Дастурхон ноз-неъматга тўла. Янги чиққан помидордан тортиб кора икрагача муҳайё. Ичкиликни айтинг: ер юзига донғи кетган турфа коньяк, бальзам, пиво, виноларнинг бир неча хили... Саъдулла аввалига, меҳмонлар келса керак, деб ўйлади. Бир соат ўтди, икки соат ўтди, ҳеч кимдан дарак бўлмади. Чарвига ўралган дўлма сузилди. Ҳар кимнинг олдида ликопчада қази-карта қўйилди. «Бор-йўғи тўрт кишию, бунча дахмазанинг нима кераги бор экан», деб хайрон бўлди Саъдулла.

– Хўш, ўғлим, кайсинисидан кўнглингиз тортади? – деди салмоқлаб Олим Акбарович.

– Шарт эмас эди.

– Сиполикни кўйинг, – деди Олим Акбарович арман коньягига кўл чўзаркан. – Ичмайдиган йигит борми ҳозир. Ёшимиз бир жойга бориб биз ичамиз-ку. Унинг устига кўнглингизга олмангу, танишувга чакирганимда коньяк ичганингиз эсимда. Очиғи, ўшанда менга ёқиб қолгансиз. Ўзимга ўхшаган дангал йигит экан, деб ўйлаганман. Баъзи олифталар бор, бирон жойга бориб қолса ичмайман деб, ноз қилади. Аслида томоғи тақиллаб туради.

Танишув кунини эслаб ҳам кулгиси қистади, ҳам хижолат чекди. Ўшанда Саъдулла аввал рад қилмоқчи бўлди, кейин бирдан дадиллашди, «Э, нима қипти, бугун бўлмаса эртага кўради барибир. Онда-сонда бир-икки қадаҳ ичилади-да», – деб шартта коньякни ичиб юборганди.

Демак, ўшанда Олим Акбарович эътибор берган экан-да, ҳа, қари тулки...

Олим Акбарович биллур қадахларга коньяк куйди.

– Йигитнинг гули коньяк ичиб орқасидан кази билан икра закуска қилади. Нима дедингиз, ўғлим. – Саъдулла индамай, кулиб кўйгач, хотини билан кизига шампанли қадах узатди. – Қани, олинглар, тинчлик-омонлик бўлсин, байрамлар яхши ўтсин.

У қадахни бир кўтаришда оқлади. Саъдулла ҳам олди. Муаззам опа билан Феруза бир хўплаш билан кифояланишди.

– Хўш, ишлар қалай?– деди Олим Акбарович Саъдуллага меҳрибонлик оҳангида.– Диссертация битай деб қолдимиз?

– Раҳмат, яхши. Аста-секин ишляяпман.

– Менга қаранг, раҳбарингиз анави қари профессор эмишми? – деди Олим Акбарович таҳкиромуз оҳангда.

Шубҳасиз, Саъдулла оғринди, лекин сир бой бермай, вазминлик билан жавоб қилди:

– Ҳа, ўша...

– Шу капасассиқ чолдан бошқа одам куриб кетганмиди сизга раҳбарлик қиладиган? Биронта ёшроқ, дангалроқ одамга учрашмапсиз-да. У чолдан ёруғлик чикмайди. Ўзидан бошқани тан олмайдиган ўтакетган нигилист одам. Бировнинг ютуғини кўролмайдди, энг ёмони ана шунда... Кўнғироқ қилайми, раҳбарингизни ўзгартиришсинми?

– Йўғ-э, – деди Саъдулла бирдан, гўё ҳозир у кимгадир телефон қиладигандай.

– Ўзингиз биласиз, – деди Олим Акбарович салмоқлаб. – Ман айтдим-кўйдим-да. Шу чолга кунингиз қолса, билмадим, неча йилда ёклар экансиз.

Саъдулла индамади. Тўғриси шуки, у кекса профессорга ўрганиб қолган, унинг самимий маслаҳатларидан қоникар, доим бу оқил одамга муносиб бўлишга тиришар эди.

Бу мавзуда бошқа гап очилмади.

Сухбат анча давом этди. Кайф қила бошлаган Олим Акбарович ўтган-кетгандан ва бошидан кечирган воқеалардан гоҳ қулиб, гоҳ ҳазин тортиб сўзлади. Бу орада шиша таги кўрениб қолди. Қайнота юзлари хўрознинг тожисидай кип-кизил рангга бўялди. У ўриндикка ястаниб сигарет тутатди.

– Менга қаранг, ўғлим, – деди у сигарет тутунини осмонга пуфларкан. – Аёллар йўқлигида айтай сизга, бир гапингиздан биз бир оз ранжидик.

– Қайси гап экан? – деди Саъдулла сергак тортиб.

– Нима гапингиз, танқидий фикрингиз бўлса тўғри ўзимизга айтаверинг. Аёлларни ўртага қўшиб нима қиласиз.

Саъдулла ҳанг-манг бўлди.

– Ҳеч нарсага тушунолмаёпман-ку.

– Кўпам ўзингизни гўлликка солаверманг. Кўриб билиб турибман, сизам жуда анойилардан эмассиз.

– Очикроқ гапиринг, Олим Акбарович.

Сархуш кайнота креслони орқага-олдинга тебратиб чайқалиб ўтирар, сигаретни хузур қилиб тортар эди.

– Биз қачон, кимдан пора олибмиз?

– Мен қаёқдан билай, – деди ховлиқиб Саъдулла. – Бу гапларнинг менга нима даҳли бор?

– Билмасангиз... Ферузага айтибсиз-ку, даданг порахўр, онанг ўғри, боғча болалари хақидан юлади, шунинг учун улар билан бирга турмаймиз, деб... Обқочинг-э!

Бошига оғир нарса урилгандай бўлди. Тили калимага келмай, каловлаб қолди.

– Шунақа, – деди Олим Акбарович, – тўғри гапинг тиғи ўткир келади.

Базўр ўзини қўлга олган Саъдулла:

– Ахир бу... бу менга тухмат-ку, Олим Акбарович! – деди бўғилиб. – Мен бундай деганим йўк! Ҳозир Ферузани чакираман.

– Гувоҳнинг ҳожати йўк.

– Бизнинг ишимизда гувоҳсиз ҳукм чиқариш мумкин эмас, – деди Саъдулла кескин. Кейин Ферузани чакирди. Феруза унинг ранг-рўйини кўриб кўркиб кетди. – Феруза, қачон мен сенга даданг порахўр, онанг юлғич дедим? Айт, қачон айтдим, мана бу одамнинг олдида исботлаб бер!

Томдан тараша тушгандай берилган савол Ферузани гангитди.

– Нима гап ўзи?

– Айт деяпман сенга! – Саъдулланинг овози баландлаб кетди. У ҳозир хотинини сенсираётганини ҳам сезмасди.

– Бундай деганингиз йўқ.

– Менга айтма, мана бу одамга, мухтарам дадангга айт бу гапларни. – У бошини кафтлари билан чангаллади. – Э товба, бу қандай савдо-я!

Шовқинни эшитиб, ошхонадан Муаззам опа ҳам югуриб келди.

– Ҳа, ҳа, дадаси тинчликми? – деди Муаззам опа жавдираб. Лекин унинг саволига эри эмас, куёви жавоб берди:

– Тинчликмас. Тухмат ҳам эви билан-да!

Ранги қув учган Олим Акбарович ўлжаси устига бостириб бораётган шердай ўкирди.

– Кўп артистлик қилманг, куёвтўра! Гувоҳ ўзингиз тарафда бўлгандан кейин албатта ёнингизни олади-да.

Аччиқ пичингни эшитиб Феруза ўзини тутолмади.

– Ада!

– Шу биргина хитоб ҳаммани хушёр торттирди. Туринг, Саъдулла ака, кетдик!

Улар хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнашди...

Бу воқеани эслаб оғир хўрсинишди.

– Шундай экан, нега мани кистайсиз? – деди Феруза.

– Фақат сизни ўйлаганимдан...

– Йўқ, – деди Феруза кескин. – Агар мани ўйласангиз ўз ихтиёримга қўйинг. Ман сизсиз ҳеч қачон ҳеч қаерга бормайман. Ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонаман. Бошқалар ҳам ҳамма нарсага бирдан эришмаган. Аста-секин турмушимиз изга тушиб кетади. Фақат икковимиз чидасак, бардош берсак бас.

Саъдулла Ферузани бағрига тортди...

ХII

Сентябрь охирлаб қолди. Дарахтларнинг барги сарғайган. Ўрик барглари эса қип-қизил – қонга бўялган каби. Офтобда тобланиб ётгиси келади одамнинг. Баҳор офтобига келинингни сол, кузникига қизингни, деб бекорга айтишмаган-да.

Зарбуви ўрик, тут баргларини супуриб бир жойга уйди. Икки-уч кун олдин қора совук қиличини бир серпиб ўтган эди, шундан бери япроқлар дув-дув тўкилади.

Алиқул ишдан эртароқ келиб ҳовлидаги тоқларни кўмди. Зарбуви ҳар кунги ташвиши билан ошхонага кириб кетди.

– Ҳорманг, тоға!

Алиқул ялт этиб дарвоза томонга ўгирилди: Холмат.

– Бор бўл, – деди Алиқул жиянига, – ке, қалайсан?

– Ёрдамлашиб юборайми?

– Э-э, йўқ, ўзим ҳар кун ишдан кейин беш-олти тупдан кўмиб эрмак қиляпман. Қани, уйга юр.

– Кўмайлик токни аввал.

– Э, кўйсанг-чи, кўмилади-да, нима, бир гектар боғим бормиди-ки...

Айвондаги чорпояга чиқишди. Тоға-жияннинг гўнғир-гўнғир овозини эшитган Зарбуви югуриб келиб, кўрпача солди, дастурхон ёзди. Қанд-курс, мева-чева келтирди. Алиқул чойни қайтарди.

Холмат ўзини ҳар қанча хотиржам, хушнуд тутишга уринмасин, нимадандир безовталиги, кўнглида турли фикрлар гужғон ўйнаётгани сезилиб турарди. Бу унинг паришонлиги, тоғаси бир гапни сўраса у чалғиб бошқа нарсани сўзлашида билинди. Алиқул жиянини бундай ҳолатда кўргангани эслаёлмайди, аммо индамай

ўтирди, сабр қилди. «Балки ўзи бир нарса дер. Дардини ёрар, жиндай кутай-чи...»

Аликулнинг ўйи тўғри чиқди. Бир-икки пиёла чой ичишгандан сўнг Холмат ёрилди.

– Тоға, маслаҳатга келувдим, – деди кўзини бир нуқтага қадаб. Аликул унга тағдор каради. – Тошкентга, қайнингизнинг олдига борсаммикан, дейман.

Холмат мактабни битиргандан бери кўним билмайди. Отаси машҳур колхознинг раиси – гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга жойлаб кўяди, лекин эрка ўғил беш-олти ойдан ортиқ ишлаёлмайди. Отаси машина олиб бергандан кейин эса умуман иш ҳақида ўйламай кўйди. Кунни Самарқандда ўтади, киракашлик қилади, ҳар хил қизларни миндириб кайф-сафо суради. Охири икки-уч йилда эса янги одат чиқарди – Сибирга қатнайди. Аликул мавриди билан бир-икки гапирди: «Сенга саёклик нима керак, жиян? Қорнинг оч қоляптими, устинг юпунми? Палакат босиб кўл-пўлга тушиб қолсанг, ҳаммаси расво бўлади-ку!...»

Йўқ, кулок солмади. «Мен пул учун бораманми, тоға. Томоша-да, ўйнаб келаман. Қолаверса, беш-олти танга зиён қиладими». Кўза кунда эмас, кунда синиши рост экан. Шу йил эрта баҳорда помидор, бодринг, редиска олиб бораётганда кўлга тушибди. Отасининг бормаган жойи, илтимос қилмаган одами қолмади. Охири бир амаллаб ишини тўғрилади. Бу орада райком секретари ўзгарди. Ҳаммаси жамланиб машҳур раисга таъсир этди. У ўғлини қаттиқ койиди. Ярашмаган одатни бас қилишини айтди. Яхшиям, эски райқўм даврида содир бўлди, акс ҳолда, онангни учкўрғондан кўрардинг, деб дағдаға қилди. Бордию мана бу райкомининг замонида шунақа хоминг чиқиб қолса борми, додингни худога айт. Ҳали ўзим у билан тил топи-

шолмаяпман. Бир-икки ўтказган мажлисидан маълум, одамга эл бўладиган сиёғи йўқ...

Раис бекорга жаврамаганди. Райқўмнинг янги секретари ҳамма билан бирдай муомала қилар, бу илғор раис, буниси машҳур, униси колоқ деган гапни билмас, бюрода ҳўлу курук баравар саваланарди. Йиллар давомида машҳур, демакки, эрка раис бўлиб келган ҳўжалик раҳбарлари буни кўтариши, тезда ҳазм қилиши осон эмасди, албатта.

Пўписадан кейин Холмат «томоша»га боришни йиғиштирган, лекин ҳамон бирон жойда ишламас эди.

Орада кечган нохушликлар Аликулга беш бармоғидай аён, поччасининг баъзи қилиқларини ҳам сингди-ролмас, ўрни келиб қолганда опасига «эрингиз осмонда юради-я, айтсангиз-чи, ахир, сал пастга тушсин, бунақа юриш-туришнинг оқибати яхшиликка олиб бормайди», деган эди. Хом сут эмган бандаи ожиз ўз айбини ўзи кўриши у ёқда турсин, биров дўстона самимий айтса ҳам тўғри қабул қилавермас экан. Аксинча, бу мени кўролмаётти, менга ҳасад қиляпти, деб баттар авжига чиқаркан. Бу “фазилат”лардан Аликулнинг поччаси ҳам холи эмасди. Шу боис Аликулнинг дашномлари унга чивин чаққанчалик таъсир этмади, у ўз билганидан қолмади. Аликул эса унга умуман эътибор бермай қўйди. Рост-да, кадрина ерга уриб нима қилади.

Икки-уч айтди – кулоқ солмади, бу ёғига билган намозини ўқисин, ўпка-гинаси ҳам ўзидан қолсин.

Аmmo... этдан тирноқ ажрармиди. Минг менга нима дегани билан, бепарво бўлолмади. Поччаси ташлаган қадамларни кузатиб юрди, ўзича ачинди, куюнди. Райқўм бюрolariда тик турғизиб қўйиб савалашганини, у ердан сувга тушган мушукдай шалвираб чиққанларини гоҳ ундан, гоҳ бундан эшитиб ичидан қиринди

ўтди. Лекин масала шу даражага етганини билмаган эди. Холмат Тошкентга – Саъдулланинг олдига бораман, деб кептими, демак аҳвол жиддий. У Саъдулланинг олдига бекорга бормади. Билади, унинг юристлардан ошнаси кўп, қолаверса, қайнотаси вазир ўринбосари, қайга узатса қўли етади.

– Нима гап, тинчликми? – деди Аликул узок сукутдан сўнг.

– Хабарингиз бор, хозир пахтакор районларда текшир-текшир кетяпти. Кўшиб ёзганлар, пора олганлар фош этиляпти. Отам, бу тўлқин бизнинг районга ҳам албатта келади, дейди. Райқўмнинг учириклариданам бу маълум эмиш. Шунинг учун ғалва бошланиб қолмасдан олдини олиш керак, дейди отам.

– Нима, отангнинг ҳам қаллоблиги бораканми? – деб ўсмоқчилади Аликул.

– Э, тоға, – деди Холмат қизишиб, – буни ҳамма билади-ку. Ким ҳалол бажаряпти планди. Юз бош совлиқдан юз эллик, юз олтмиш кўзи олиб бўладими, ўзингиз ўйланг. Гўшт, сут, жун планиям неччи йилдан бери қоғозда бажарилади-ку.

– Нимага шундай қилади? Қилмасин эди!

– Оббо! – Холматнинг жаҳли чиқиб кетди. – Битта менинг отам қиляптими? Ҳамма жойда аҳвол шу. Пахтакор хўжаликларда бўлган ишларни эшитсангиз оғзингиз очилиб қолади. Ҳалиям, бизнинг районларда инсоф бор экан, дейсиз... Энг ёмони отам геройликдан қолди-да, эски райқўм тайёрлаётган эди.

Аликулнинг энсаси қотди. Индамай чой хўплади.

– Ўзингни ишинг нима бўлди? Тинчидими? – деди бир оздан сўнг.

– Ҳали қаёқда тинчийди. Шуниям гаплашаман-да, Саъдулла билан.

Бир ҳафта бурун Холмат маст ҳолда машина ҳайдаб келаётиб ҳамсоя кишлокдан бир болани уриб юборган. Шўрлик бола касалхонада: ота-онаси бошида эзилиб, юрак ютиб ўтирибди. Бола тузалиб кетса-ку, хўп-хўп, иши сал енгиллашар, аммо фалокат босиб бир гап бўлса борми – Холматга бу ерларда юриш ортиқчалик қилади.

Алиқул оғир ўйга толиб, жим қолди. У нигоҳини бир нуқтадан узмай чой хўпларди. «Отасини айтяпти-ю, асли мақсади – ўзининг дарди. Бўлмаса Тошкентга бориб ҳам ўтирмасди. Биров учун жон куйдирадиганлардан эмас бу. Отасиям бир пул бу учун... Ўзининг ишини тинчитиш...»

Зарбуви овқат келтириб, ўзи ҳам бир чеккага ўтирди.

– Суҳбатга халақит бермайманми? – деди у эрига юзланиб.

– Ўтиравер, нимасига халақит берасан. Қани, Холмат, овқатдан ол-чи.

Холмат косани олдига яқинроқ сурди-да, қошиқ билан бир кўзғаб кўйди: шўрва экан.

– Саъдулла билан бир маслаҳатлашиб келсам, дейман-да. Қани, нима дейди. Ҳар ҳолда унинг суд-пудлардан таниши кўп, қолаверса, қайнатаси катта одам.

Укаси номини эшитиб Зарбувининг кулоғи диккайдди. Аммо одоб юзасидан орага суқилмади.

– Сув келмасдан кулокни боғлаб кўяйлик. Эҳтиёт шарт яхши-да, – деди Холмат овқатдан хўплаб.

– Ихтиёринг. Лекин шартмикан? Ҳали боланинг ота-онаси нима дейди.

– Э, уларни билмайсиз, тоға. Арзимаган нарса учун оламга жар солади.

Алиқулнинг жаҳли чикди.

– Бу арзимаган нарсами?! Боласини босиб кетсанг, у шўрлик ана кетди-мана кетди бўлиб ётса... Сенингча бу арзимаган нарсами? Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса бошқага... Боланинг отаси ўрнига ўзингни кўйиб кўрчи. Сени ўғлингни биров машинасида уриб кетсин-чи... Ҳалиям улар индамаяпти. Фикри-ёди боласининг омон қолишида... Арзимаган нарса дейди-я...

– Мени қамаб кўйишса хурсанд бўласизми? – деди Холмат жаҳл билан.

– Бировнинг ёмон кунидан куладиган аблахлардан эмасман! Сен-ку ҳали жигаримсан...

Зарбуви чидаёлмади:

– Нима гап ўзи?

Холмат воқеани қисқача баён қилиб берди. Зарбуви унинг сўзларини тинглар экан, Саъдулла билан бундан бир неча йил олдинги суҳбатни эслади. Салима берган рўмолчани Саъдулла оловга ташлайман деганида, ўзи олиб кўйгани ёдига тушди. Ўша рўмолча ҳозир ҳам турибди. Бундан Холмат беҳабар. Хўш, борди-ю, у Салима билан Саъдулла ўртасидаги муносабатдан вокиф бўлганида нима ўзгарарди? Зарбуви бу саволга аниқ жавоб тополмади.

– Шунга сизлар билан бир маслаҳатлашай, деб келувдим, янга, – деди Холмат жимликни бузиб.

– Мен нима дейман, – Зарбуви ер сузди. – Борсангиз борарсиз, лекин унинг қўлидан нима келади, билмайман.

«Кўйинг, қаллоб ишларингизга укамни аралаштириб, бошини котирманг. Ўзи диссертацияси чўзилиб хуноб бўлиб юрибди», демокни ўйлади Зарбуви, бироқ юз меҳри иссиқ – айтолмади. Аксинча индамай туриб кетди. Аликул сездики, Холматнинг муддаоси Зарбувига ёкмади. Унинг одати шунақа: суҳбатдоши ар-

зи-ҳолини хушламаса ади-бади айтишиб ўтирмайди-ю, жимгина жўнаб қолади.

– Бир бориб кўрай-чи, – деди Холмат, – иложини топса ёрдам берар, бўлмаса йўк-да. Манзилини биласизми, тоға.

– Мен яхши билмайман, ҳозир янгангдан сўраймиз.

Алиқул хотинини чақириб, манзил сўради. Зарбуви манзилни билмайман ҳам демади, борманглар ҳам дея олмади.

– Келинингизни ҳам олиб борсамми деяпман, янга. Баҳонада бир томоша қилиб келсин. Ҳеч қаёққа олиб бормайсиз деб, кулоқ-мияни егани еган.

«Ўзи бировнинг ҳовлисида сиғиндига ўхшаб ўтирса... Булар тўзишиб борса, қаерга жойлаштиради. Тағин устига ёш бола...»

– Келинни бошқа сафар олиб борсангиз тузукми? – деди Зарбуви охири. – Ҳозир бунақа ташвишлар билан томоша юракка сиғадими.

– Ташвиш бўлиб нима кипти, камалиб кетаяпманми, юрагимга ҳеч нарса сиғмаса. Ҳам дам олганинг, ҳам беда ўрганинг дегандай, баҳонада айланиб келамиз-да. Яна ким олиб боради дейсиз уни Тошкентга...

* * *

Ана-мана дегунча Улуғбек бир ёшга тўлди. Феруза шундан бери кеча-ю кундуз ўғли атрофида парвона. Саъдулла ҳам гўдаккинага боғланиб қолган: ишдан юраги сиқилиб келган кунлари шу билан овунади, унинг беозор кулгиларини эшитиб, барча ташвишларини унутади.

Фарзанд туғилса ота-онам билан муносабатимиз изга тушиб кетар, деб ўйлаганди Феруза. Йўк, аксинча, муносабатлар тори баттар таранглашса таранглаш-

дики, аммо сира бўшамади. Феруза ана шу торнинг узилиб кетишидан жуда чўчийди, ҳатто бу ходиса кечалари тушига кириб чиқади. Ахир ота-онадан кечиб бўладими? Аслида на Феруза, на Саъдулла ундай фикрни хаёлига келтиради. Иккови ҳам иложи борича муносабатларни яхшилашга, фарзандлик бурчларини бекаму кўст адо этишга интилади. Лекин қарс икки кўлдан чиқаркан-да!

Бир куни – кутилмаганда Муаззам опа кириб келди. Очиги, бу ташрифдан Саъдулла у ёкда турсин, Ферузанинг ўзи ҳам таажжубга тушди. Чунки Феруза кўз ёрди, ўғли мана икки-уч ойлик бўлди, Муаззам опа ёлчитиб келгани, холинг қалай, деб астойдил сўраб-йўклагани йўқ. Ҳаммаси юзаки. Ёлғон бўлмасин, Саъдулланинг онаси шу ердалик пайтларида бир-икки келди (Феруза туғурукхонага кетиши билан Саъдулла қишлоқдан онасини олиб келди, чакалоқнинг чилласи чиккунча кампир улар билан бирга турди, чакалоқни қандай йўргаклаш, канака килиб белаш лозим, чўмилтирганда қандай ушлаш керак – ҳаммасини Ферузага ўргатди). Шундаям қабулида одам тўпланиб қоладигандай бир соат-ярим соат ўтириб кетарди. Бу ҳам етмагандай, Феруза ҳовлига чиқиши билан қудасига уни ёмонларди. (Қайси она ўз кизини қайнонасига ёмонлайди!) Қудаси эса «Кўйинг, куда, хафа бўлманг, ишқилиб иккови кўша қарисин. Сиз билан менга шуниси кифоя», деб кўяди. Бунинг сабаблари бор. Олдинги машмашалар устига яна машмаша кўшилди. «Туғурукхонадан чиқиб тўғри уйга кел», деди Муаззам опа. Феруза олдинига кўнди ҳам. Лекин яна ўйлади: «Ҳар нарсани ўргатавериб, танбеҳ беравериб одамнинг юрагини қон килиб юборади». Шу фикрдан кейин у ойисининг уйига боришни рад этдию туғурук-

хонадан тўғри кампирнинг ховлисига келди. Бу Муаззам опага ҳам, Олим Акбаровичга ҳам алам қилди. «Одам деган ҳам шунақа ўжар, бир сўзли бўладими?»

Бугунги ташриф маъноси не?

Муаззам опа кизидан, куёвидан ҳол-аҳвол сўради, неварасини олиб суйди. Очилиб-сочилиб ўтирди, чой ичди, канд-курсдан эрмак қилди.

Ёз куни чарақлаб турган куёш юзини қора булут қоплаб ёмғир куйиб берса қандай хайратга тушасиз. Ҳозир дафъатан шундай ҳол рўй берди. Бир қоп ёнғокдай шалдираб ўтирган Муаззам опа бир зумда ўзгарди-қолди. Қовоклари осилиб, лаблари буришди. Саъдулла билан Феруза гаранг: нима бўлди?

– Уй деганга сал қараш ҳам керак-да, – деди Муаззам опа даб-дурустдан, – ўзи моховнинг кафтидай ҳовлию шуниям супуриб-сидириб ўтиролмайсанми? Манави пиёлангни қара, одам чой ичишга ҳазар қилди.

– Нима қипти пиёлага? – дея олди Феруза.

– Нима қипти эмиш!?

Ниҳоят, Феруза англади, у ойисига лаби учган пиёлада чой куйиб берган экан. Қизаринкираб узр сўради, бошқа мик этолмади.

– Ёш бола билан ўралашиб вақтида супуриб-сидиролмаяпти-да, опа. Аста-секин ҳаммаси яхши бўп кетади, – деди Саъдулла.

– Қачон?! Қачон яхши бўлади?

Лаби учган пиёла ҳақидаги гап аслида Саъдуллага қаратилган эди. Нишонга устакорлик билан отилган кесатик замирида жуда кўп маъно яширинганини Саъдулла билди. Лекин уйига келганни ит қопмас дегандек, индаёлмади, тишини-тишига босди. Муаззам опа эса овозини янада баландлатди.

– Қанақа эркаксиз, ўзи, куёв? Эр деган хотинини сал кўлга олиши керак-да. Аммамнинг бузоғига ўхшаб лаллайманг. Ҳа, айтинг, манави ойимчага, сал-пал одамлик сиёғи бордир ахир, у ёқ-бу ёқни йиғиштириб ўтирсин. Қачон карасанг кўлидан китоб тушмайди. Шунча ўкиганиям етар. Жа ўқиб шаҳар олиб берарми-ди сизга!

Ажабо, бу таъна-дашном оқаваси қаёққа кетяпти? Мақсад нима ўзи? Нега энди қизини куёвига ёмонлаб қолди? Бу калаванинг учи қаерда?

Ҳар қалай Саъдулла писанда савилни кўтаролмайди. Бунга одатланмаган. Ахир ҳақ-ноҳақ қошингда бидирлайверишса, у энг яқин кишинг бўлган тақдирда ҳам, ёқмайди-да! Қолаверса, одамни тўғри изга соладиган панду дашномнинг йўриғи бўлак...

– Ойи! – деди Феруза кескин. – Нима демокчисиз ўзи?! Куёвингизга чакиб мени уриштирмоқчимисиз? Келган бўлсангиз – хуш келибсиз, олдингизга кўйганимни еб-ичиб кетаверинг-да. Нима қиласиз тирнок остидан кир кидириб. Бизни тинч турмушимиз сизга ёқмайдами? Баъзиларга ўхшаб ҳафта-ўн кунда олдингизга йиғлаб борсам, кўнглингиз жойига тушадими? Муддаонгиз нима ўзи? Кўйинг ахир бизни ўз холимизга! Шукур, энди ўғлимиз бор.

– Сенга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Муаззам опа жаҳл билан ўрнидан турди.

– Кўрдингизми, куёв, – деди Саъдуллага. – Сиз бунинг совунига кир ювганингиз йўқ, билмайсиз буни. Ҳали кўрасиз, сизниям роса обориб-опкелади.

Ё, алҳазар! Она ўз қизини куёвига ёмонлаб турса – бу қандай савдо? Кўз кўриб, кулок эшитмаган воқеа. Ёки бу бир йўлимикан? Қизини чиқариб олиш мақсадида қилинаётган хийламикан?

Ичи тирналаётган бўлса ҳам Саъдулла ўзини босди, иложи борича вазмин муомала қилишга интилни.

– Кўйинг, опа, сиз кўп куюнаверманг. Ҳаммаси изга тушиб кетади. Ростини, сиздай ақлли хотиннинг кизи аҳмоқ бўлишига ишонмайман. Аста-секин ақли кириб қолар, ҳали ёш-да.

Саъдулла мўлжални аниқ олган эди. Тошиб кетаётган кайнона пича ҳовридан тушди. Хусусан, «Сиздай ақлли хотиннинг кизи аҳмоқ бўлишига ишонмайман», деган илиқ эътироф оғзига қулф каби тушдики, тагин жазава қилгани ботинмади.

У нима мақсадда келди, нега бундай қилиб кетди – бунга на Ферузанинг, на Саъдулланинг ақли етди.

Шу-шу Муаззам опа қизиникига бошқа йўламади...

Эртага Улуғбек туғилган кун, Феруза тайёргарлик кўрмоқда. Тўрхалта кўтариб Саъдулла келди. Дарвоза олдидаги стулчада сигарет тутатиб ўтирган кампир гап ташлади:

– Келдингизми, отам, келиним бечора эрталабдан бери тингани йўқ, кечкурун меҳмон келадими дейман, а, отам?

Саъдулла индамай уйга кириб кетди. У нимадан-дир безовта эканлигини Феруза сизди.

– Тинчликми? – деди хавотир олиб Феруза. – Яна кафедрада жанжалми? Шу диссертациядан воз кечиб кўя қолсангиз нима қилади? Нима зарил сизга шунча асаббузарлик? Кандидат бўлмасангиз кунимиз ўтмай қоладими?

Қарийб бир йилдирки, Саъдулланинг диссертацияси устида мунозара боради. Кафедрадагилар ўз-ўзидан икки гуруҳга бўлиниб қолган. Саъдулланинг илмий раҳбари кўпни кўрган, ўз соҳасининг билимдон олимларидан. Айни вақтда принципиал, ҳар қандай

шароитда ҳам адолат тарафида турадиган одам. Кўпчилик уни, мен тўғри – таёқ тўғри, дейдиганлардан, деб орқасидан масхара қилиб юради. Шу феъли туфайли докторлик диссертацияси ҳам икки марта қайтган. Лекин ушлаган жойини кесиб оладиганлардан эканлигини чиндан исботлади, бошлаган ишини охирига етказмай қўймади. Уч йил олдин диссертациясини учинчи марта ҳимояга қўйди ва бу сафар ниятига етди. Шунда кўпчилик унинг иродасига, матонатига тан берди. Ҳатто уни кўролмай юрган, олдинги ҳимояларда оёғидан чалганлар ҳам бу гал мум тишлаб қолишди.

Кафедра ўқитувчиларининг бир гуруҳи шу одам тарафида, бошқа гуруҳи эса кафедра мудири – доим кулиб турадиган, ҳеч кимга ҳеч нарсада йўқ демайдиган, лекин бирон-бир ишни бажармайдиган, натижада «ваъдабоз» деб ном олган профессор томонида. Қургур профессор шундай устамонки, ҳар канақа одамнинг у енгидан кириб бунисидан чиқиб кетади. Раҳбарман деганнинг кўнглига йўл топишда ҳеч ким унинг олди-га тушолмайди. Шу хислати туфайли у университет казозолари билан, вазирликдаги катта-кичиклар билан, ҳатто, гарчи бошқа соҳада ишласа-да, Олим Акбарович билан ҳам оғиз-бурун ўпишиб юради.

Саъдулланинг диссертацияси бир неча бор муҳокама қилинди. Ҳар гал ўша кафедра мудири ҳали хом, пишитиш керак, деган фикрни айтаверди. Дастлаб унинг ёнини икки-уч киши олганди, аста-секин уларнинг сафи кенгайди. Саъдуллани ҳимоя қиладиганлар озчиликни ташкил этиб қолди. Бундан Саъдулланинг юраги сикилар, демак ҳимоя қилолмас эканман-да, деб эзиларди. Домласи таскин берар, парво қилма, ўғлим, яхши иш барибир кадрили топади, фақат руҳан туш-

ма, ўзимдан киёс, деб уни овуларди. Шогирдини овуларди-ю, ўзи ичидан зил кетар, кафедра мудирининг бахиллигидан жаҳли чиқар эди.

Можародан Ферузанинг ҳам хабари бор. Ҳозир ўшанга ишора қилган эди.

– Йўк, – деди Саъдулла, – кафедрада тинчлик. Лекин ойингиз сизни бир келиб кетсин, депти. Кафедрага телефон қипти.

– Нима гап экан? – Ферузанинг кўнглига хавотир тушди. Чакириш у ёқда турсин ўзи борса ҳам унчаллик рўйхушлик бермайдиган ойиси нега йўқлади экан? Ҳойнаҳой бекорга эмасдир. – Ойимнинг ўзи кўнгирик қиптиларми? Ким гаплашипти?

– Ҳа, ойингизни ўзи телефон қипти. Завкафедра айтди менга.

– Бўлмаса... иш ўлгур ҳам... яхшиси кўнгирик қиламан. Улуғбек уйғонса, овутиб турарсиз.

Феруза апил-тапил кийинди-да, чиқиб кетди. Ҳамон сигарет чекиб ўтирган кампир «Ҳа, онам, кеч тушганда йўл бўлсин», деганича қолди.

Саъдулла кийимини алмаштирди, ҳовлига чиқиб, водопроводда ювинди. «Хотинингиз қаерга кетди, отам?» деди кампир. Нима иши бор экан қаерга кетгани билан. «Ҳозир келади», деб қўя қолди. Кейин овқат сузиб келиб ичди. Косани ошхонага элтиб қўйиб энди чой дамлаётган эди, дарвоза тақиллади. Кампир ўтирган жойидан бақирди.

– Саъдуллахон, отам, дарвоза тақилляпти, қаранг-чи, ким келди.

Саъдулла дарвозани очдию ҳанг-манг бўлиб қолди. Остонада Холмат, унинг ёнида бола кўтарган Салима турар эди.

– Кутмовдингми?

Рост, кутмаган эди. Лекин бу гапни қайси ўзбек меҳмонга айтади?!

– Нега, энди, марҳамат, – деди Саъдулла. – Сени атай кутишим шартми, қачон хоҳласанг келавер, эшигимиз очик.

Холмат кучоғини очди, Саъдулла ҳам уни нокулай ахволда қолдирмаслик учун қулочини ёзди. Салима билан кўл олиб кўришишди.

– Қани, киринглар ичкарига.

Меҳмонларга дивандан жой кўрсатди-да, ўзи стулга ўтирди. Ҳол-ахвол сўрашишгач:

– Айбга буюрмайсизлар, ҳаммаёқ тўзиб ётипти, – деди Саъдулла.

– Келин қаёқда, кўринмайди?

– Ҳозир кеп қолади, бир зарур иш билан чикувди.

Шу маҳал Улуғбек уйғонди. Саъдулла аравагани тебратди, лекин қани энди у тинчиса, баттар йиғлайди, Салима боласини диванга ётқизди-да, бориб Улуғбекни кўтариб олди. «Таги хўл бўпти», деди уялиб-тортишиб. Саъдулла унга шкафнинг бир токчасини кўрсатди.

– Мана шу ерни каранг, кийимлари бўлиши керак. Ўзимам яхши билмайман.

Улуғбекнинг кийимларини Салима алмаштирди – у жимиб қолди. Салима Улуғбекни ўйнатар экан, унинг кош-кўзларига термилди: худди отасининг ўзи, пешонасининг кенглигиам, оғзининг катталигиам – ҳамма-хаммаси отасининг ўзгинаси, шундай узиб олиб ёпиштириб кўйгандай. «Демак, хотини Саъдулла акани жудаям яхши кўрар экан-да».

Саъдулла дастурхон ёзди, чой кўйди. «Ҳозир Феруза келиб қолади», деб овкатга тегмади. Ўзи бир йўлини қилмаса, унинг кўлидан нима келарди.

Энди бир пиёладан чой қуювди Феруза келди. Юзида ташвиш аломати зоҳир. Меҳмонларни кўрган-дан сўнг сал чиройи тетиклашди.

– Нимага ҳеч нарса қўймай, қурук чой билан алдаб ўтирибсиз меҳмонларни, – деди Саъдуллага гинаомуз. Ўзи дарров ишга тушиб кетди, колбаса, пишлок кесиб келди, сариёғ қўйди, турли конфетлардан олди. Кейин бир оз ўтириб хол-аҳвол сўрашди. «Сизлар гаплашиб туринглар, мен ҳозир», дедию ошхонага чикиб кетди. Бир оздан сўнг унинг орқасидан Саъдулла келди.

– Тинчликмикан? – деди Саъдулла.

– Билмадим, очик айтмади. Телефонда бўлмасмиш. Феруза чуқур ух тортди

– Меҳмонлар қачон келишди? Холмат деган ўртоғингизми? Хотинини қаердадир кўргандайман.

– Кўргансиз, – деди Саъдулла, – хув бултур Самарканддан қишлоққача йўловчи машинада биз билан бирга кетувди.

– Ҳа, эсимга тушди, оти Салимамиди?

– Ҳа... Овқатни тезлаштиринг, мен меҳмонларнинг олдига борай. Зерикиб қолишмасин.

Йўқ, меҳмонлар зерикмапти. Кампир кириб ҳангомалашиб ўтирибди. У сигаретини буркситиб тутатганча, қаёқдаги олди-қочдиларни худди ўзи кўргандай қилиб келиштириб сўзларди. Саъдуллани кўриб ўрнидан турди.

– Келдингизми, отам, меҳмонлар билан ҳасратлашиб ўтирибмиз-да. Майли, энди ман бориб бир оз чўзилай, чарчаб кетаман, денг, отам.

– Қаричилик-да, – деди Холмат.

– Ким билади дейсиз, отам. Аслида ҳали унча қариганим ҳам йўқ. Энди етмишга бордим. Ёшлигимда морожнийхонада ишлаганман-да, катта-катта музлар-

ни елкамда таширдим. Шуларнинг таъсири энди билиняпти, денг, отам.

Кампир армонини Саъдулла мингинчи марта эши-таётган бўлса ажаб эмас. Ким келса шуни айтиб беради, биров ундан ёшлигингизда нима иш қилгансиз, деб сўрайдим-йўқми – барибир салом-аликдан сўнг дийдиёсини бошлайди.

Кампир чиқиб кетгандан сўнг Саъдулла билан Холмат у ёқ-бу ёқдан маромида гурунглашди. Болалигини эслаб, гоҳ завқланиб, гоҳ маъюсланиб ўтиришганда Феруза овқат келтирди.. Меҳмон ҳурмати учун Саъдулла бир шиша ароқ кўйди. Ҳазил-ҳазил билан шишани бўшатишди.

– Қачон уй оласан энди?

Томдан тараша тушгандай берилган савол Саъдуллани гангитиб кўйди. Негаки, у дўстидан ҳар канака ҳазил, кесатик ёки таънани кутган, айнан шу дилўртар сўрокни эса кутмаган эди.

– Бериб қолар, мендан олдин ишга келганлар бор ҳали, – деди у ниҳоят, алланечук бўзариб.

Холмат сигарет тутатди:

– Квартирами? – деди у нописандлик оҳангида; Саъдулла бош ирғади. – Квартирани нима қиласан? Ҳовли олиб кўя қолмайсанми?

Дангал, лекин ичида тоши бўлган бу гапдан Саъдулла билан Феруза зўр-базўр кулди. Ҳали ночорлик чангалидан тамом кутулиб олишгани йўғ-у, участка ҳақида ўйлашлари кулгили-да, яхши ҳам эртага Улуғбекнинг туғилган куни бўлгани учун битта-яримга йўқлаб келиб қолиши мумкин, деб у-бу нарса келтириб кўйишган эди. Йўқса, мана бу колбасаю пишлок, анави киммат-баҳо конфетлар, ҳатто ҳозир Холматни сайратиб турган мана шу шиша бўлиш-бўлмаслиги худога маълум эди.

– Ҳовлига пул қаёқда дейсан, жўра, – илжайди Саъдулла. – Эсон-омон битта квартира ололсак ҳам катта гап.

Холмат кулди.

– Йўлини топган унисиниям олади, бунисиниям. Нима, ўзинг домла, қайнотанг амалдор. Агар менда шундай имкониятлар бўлса борми, ўзим билардим нима қилишни.

«Ношудсан, деб устимдан куляптими? Шу максадда келганми олдимга? Мен унинг ишларига аралашмайман-ку, у нима қилади менинг турмушимга бурнини тикиб».

– Ҳар кимнинг ўз йўли, ўз қараши бор, Холмат, – деди хаёлдан чалғиб Саъдулла. – Шунинг учун институтда домла борки, ҳаммаси порахўр деган фикр нотўғри. Қайнотам эса ўз йўлига.

Ҳамма оғзига талкон солгандай жим колди.

– Чой ичиб ўтиринглар, – орадан ўнғайсизликни кўтаришга уринди Феруза. – Олинг, сиз буларди гапига эътибор берманг, чой ичинг, манавилардан олиб ўтиринг. – Салима кулиб қўйди. Феруза Саъдуллага юзланди: – Қўйинг шунақа машмашани, меҳмонга лекция ўқиманг, ундан кўра...

– Ҳа, нима уришган одамлардай хўмрайиб ўтирайликми, – деди кулиб Саъдулла. – Сухбат-да... Ҳа, бўпти, кани, Холмат, ол, у-бу нарсалардан эрмак қилиб ўтир.

Саъдулла чой хўплаб қанд тишлади-да, зимдан Салимага разм солди. У на чой ичар, на гапирар, ким сўзласа шунинг оғзига термилиб ўтирарди. Зимдан Саъдуллани, кўпроқ Ферузани кузатарди. «У нимани ўйляпти экан? Эҳтимол менга тегмаганига шукур қилаётгандир. Тўғри-да, номи улуғ – супраси курук эрни

бошига урадими. Холматларнинг ҳовлиси қаёқда-ю, мана бу кулба қаёқда. Тагида машина. Менга ўхшаб автобусга осилиб юрмайди». Саъдулла шуларни хаёлидан ўтказар экан, бир лаҳза Салимадан кўзини ололмади қолди. «Шундай эса нимага чехрасида маҳзунлик бор? Олдингидай шўх-шаддод эмас, бир гапириб ўн кулмайди. Юзлари сўлгин, бокишлари ғамгин. Нега? Сабаби нима экан? Ўзиям қаримсик бўп қопти. Ёки бола-чақа ташвиши, уй-рўзғор юмушлари шу кўйга солиб кўйдими?! Бу ёқда Холматнинг инжикликлари, бир томонда қайнона-қайнота дегандай... Шўрлик ҳаловатни билмаса. Қишлоқ шароити шу-да. У раиснинг келиними, ишчиникими – барибир. Сўфи азон айтмай ўрнидан туришга мажбур, бу ёғи ярим тунгача ғимир-ғимир. Ҳовли супур, сигир соғ, чой дамла, овқат пишир, кир юв... Бу ҳам етмагандай даланинг иши. Шўрлик аёллар! Яна биз уларни гўзаллик рамзи деб, жар соламиз. Қани уларнинг асл гўзаллиги?! Ҳар кун – йил-ўн икки ой шу аҳвол. На дам олишни, на бирор жойга бориб айланиб келишни билишади: курорт, санатория деган гаплар-ку тушига ҳам эришмайди. Албатта қаримсик бўлиб қолади-да. Лоақал ўзига қарашга вақт тополмаса. Яна, эркаклар билан ҳуқуқимиз тенг, деб оғзи қулоғида...»

Анча узок чўзилган ўнғайсизликдан сўнг жўрлар яна суҳбатга берилишди: бозору дўкондаги нархнаво осмонга сапчигани, мева билан сабзавотнинг тори тортилиб қолгани, қишлоқда мол боқиш имкони қолмаётгани, хуллас, шунақа икир-чикирларни қолдирмай эзғилашди. Бахсга, айниқса Холмат дадилроқ шўнғиди. Ичида дарди кўп экан. Ҳатто анча кизишди ҳам, лекин олис йўлдан ичида олиб келган муддаосини сиртига чиқаришга шошилмади.

Эртаси куни Саъдулла ишга бормади. Нонуштадан кейин бозорга тушиб чиқиши зарурлигини орага қистирди. Холмат ҳам бирга бормоқчи бўлувди Саъдулла билан Феруза рад этди. «Сен Салимани томоша қилдир, Тошкентга биринчи келиши ахир, у ёқ-бу ёқни кўрсин-да. Феруза олиб юрарди-ю, бугун Улуғбекнинг туғилган куни, битта-яримта кеп қолиши мумкин», деди Саъдулла.

– Э, шундайми, табриклаймиз, умри узок бўлсин! – деди Холмат. Кечга томон улар хориб-чарчаб кириб келишди.

– Қалай. Тошкент ёқдими? – деб сўради Феруза Салимадан.

– Ҳа, – деди Салима, – одам чарчаб кетди-ей.

У сумкасини очиб чиройли кўйлакча, жемпер олди-да, Ферузага узатди:

– Манави Улуғбекжонга, туғилган кунида биздан эсдалик.

– Нима қилардингиз овора бўлиб, – деди Феруза хижолатомуз. Стол ясатилган, ноз-неъматларга тўла эди.

– Меҳмонлар қани?

Холмат зимдан кесатди, шу маҳалгача қайнотанг келмадими, демокчи эди аслида. Эрталаб у ёрилмоқчи эди. Улуғбек туғилган куни ҳақидаги хабарни эшитгандан кейин режасини дарҳол ўзгартирди. Хурсандчиликка буваси билан бувиси албатта келади, баҳонада улар билан яқинроқдан танишиб оламан, кейин дардимни айтишим ҳам осонроқ кечади, деб ўйлади.

– Ферузанинг бир-иккита ўртоқлари келиб кетишди, – деди Саъдулла. – Бошқа ким ҳам келарди. Ҳеч ким билмайдиам бунинг туғилган куни қачонлигини. Қани, ўтиринглар бу ёққа, меҳмон мана сизлар-да. Феруза, овкатынгизни олиб келинг, булар шаҳар айланиб очқаб кетгандир.

Феруза билан Саъдулланинг иккита курсдоши келди. Узок ўтиришмади улар ҳам. Холматнинг хаёли Олим Акбаровичда эди, рости, бу аломат меҳмонни уй эгаларидан ҳам кўра у кўпроқ кутди. Нахотки, неварасининг туғилган кунида келмаса?

Холмат бўғилди, ичи сидирилди. Начора, соат тўққиздан ошди ҳамки, Олим Акбаровичдан дарак бўлмади. Бундан Феруза ҳам ҳайрон. Балки эсида йўқдир. Кеча айтмапманам...»

Соат ўн бирларда Холмат билан Саъдулла чекиш баҳонасида ҳовлига чиқишди. Тўғрироғи, бу таклифни Холмат киритди. Ахири у Саъдулла билан ёлғиз ва очикчасига суҳбатлашишга қасд қилган эди. Водопровод олдида тик турганча сигарет тутатишди.

– Қайната-қайнананг келмайдими? – деди Холмат гапни узокдан бошлаб. – Нима бало, уришиб қолган-мисизлар ё?

– Нега уришар эканмиз. Келса ана, келмаса ихтиёри. Иши кўп, вақти йўқдир-да.

Алланечук тоқатсизланган Холмат сигарет охири-ни босиб-босиб тортди-да, ирғитди. Номаълум ёққа маҳзун тикилганча сукутга толди, оғир хўрсинди. Пешонасига тушган тугунни кўриб қолди Саъдулла.

– Бир маслаҳатли иш борийди – у гўлдиради ниҳоят.

– Нимайкан? – деди Саъдулла ажабланиш билан дўстининг юзига термиларкан. Бандаси хом сут эмганда, «хотини билан ўртамизда ўтган гапни эшитиб қолдимикан?» деган фикр ўтди хаёлидан...

Холмат тутила-тутила дардини айтди.

Саъдулла донг қотди: ажабо, ҳушими, тушими? Унча-мунча одамни назарига илмайдиган раиснинг ўғли унинг олдида ёрдам сўраб келса-я?!

– Мен... нима қилишим керак?

– Юристардан танишинг кўп, биламан. Ундан ташқари, қайнатанг замминистр, бир оғиз фалон колхозга тегманглар, деб қўйса, тамом, кимнинг хадди сиғади текширишга.

Саъдулланинг энсаси котди. Бирор маънили гап кутаётган Холмат хафаланди.

– Жаҳлинг чикмасин, Холмат, лекин гапларинг кулгили-да. Ахир ҳали текшириш бошланмаган, бу нарса бўладими-йўкми – номаълум экан, кимга нима деб айтаман. Менинг юристардан қанақа танишим бор? Курсдошларимни биламан, холос. Улардан биронтасиниям бизнинг районга даҳли йўк. Қайнотамга келсак, сен мени тўғри тушун, Холмат, у одамдан мен ҳали ҳеч нарса илтимос қилмаганман, илтимос қилиш ниятим ҳам йўк... Бош эгишни ёқтирмайман, биласан-ку одатимни.

– Бу бош эгишмас-ку. Одам одамдан илтимос қилади-да, бегона бўлмаса.

– Шу ишдан мени озод қил, жон жўра. Хоҳласанг ана ўзинг бор, шундаям менинг жўрам эканлигингни айтма, акс ҳолда ишинг тесқари томонга айланиб кетиши мумкин. Ундан кейин у одамнинг қўлидан шунча иш келишига кўзим етмайди. Ҳозир бошқа соҳада.

Холмат яна сигарет тутатди. Ҳафсаласи пир бўлган эди.

– Бошқа соҳада ишлаган билан ҳамма юристарни таниркан, кўпи унинг шогирди экан, суриштириб билдим-ку... Истаса қиладикуя...

Бир зум жим қолишди. Сукунатни Холмат бузди.

– Хўп, хўжалик масаласида ҳали вақт бор десак, ўзимнинг ишим-чи? Бунисига ёрдамнинг тегар ахир. Арзимаган нарса деб, худо кўрсатмасин, камалиб кетмайин.

Саъдулла ғазабланди. «Бировнинг боласи ўлим тўшагида ётса-ю, бунинг учун арзимаган нарса бўлса... Бу қанака тошбағирлик...»

– Кўзингга қараб ҳайдасанг нима қилади, яна ичган экансан...

– Қизиксан-а, – деди Холмат тишларини ғижирлатиб, – жўрттага қилганим йўқ-ку.

– Бу масалада бир нима дейиш қийин, Холмат. Ҳали боланинг тақдири нима кечади... – Саъдулла иложи борича ўзини қўлга олиб гапирди. – Ўша ердаги милиция, терговчию прокурор масалани ўрганиб чиқиб бир нарса дер.

Совуқ жаранглаган кейинги сўзларни эшитиб Холматнинг эти жимирлаб кетди. Гўё ҳозир кела-сола кўлини орқасига боғлаб олиб кетишадигандай туюлди. Ялинганнамо деди:

– Қайнатангдан илтимос қилмасак бўлмайди, жўра. Ҳар ҳолда олдини олиш керак.

«Тавба, без экан-ку тоза! Мен унга гапирдимми, деворгами? Кулоқ солишни истамайди-я... Билганини қилавермайдимми!..»

– Ихтиёр ўзингда, Холмат. Бораман десанг бора-вер, мен қарши эмасман. Менинг фикрим шу... Қани, юр уйга энди. Хотинлар зерикиб қолмасин.

– Менга қара, Саъдулла, – деди Холмат унинг билагидан ушлаб. – Ҳалиям бир гаплашиб кўр, қанча деса бераман. Бир томони ўзинг ҳам қуруқ қолмайсан.

Ҳалиги ҳолат неча чандон даҳшатлироқ тарзда такрорланди: қок тепасида гумбурлаган гулдирак ёмон чалди, шундай чалдики, гўё чор тарафга тариг янглиғ титилаб кетди.

– Шунақами? – деди у зўрға ҳушини ўнглаб. – Қанча берасан?

– Қанча десанг... Холматнинг гапи оғзида қолди.

– Ўчир овозингни, аблаҳ!.. Афсуски уйимда меҳмонсан...

– Ўзингни бос...

– Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Мен бу ерда шунинг учун юрибманми?! Биринчи келдинг, аммо иккинчи қорангни кўрмайин. Мен аҳмоқ жўрам кепти мендан хол-аҳвол сўрагани, деб суюниб ўтирибман-а.

Дағал-дағал эшитила бошлаган овозлардан хавотир олиб олдин Феруза, кейин Салима ташқари чиқди.

– Ҳа, тинчликми? Уйга кирмай, ҳовлида нима қилиб ўтирибсизлар? – деди Феруза.

– Менга кара, Феруза, – деди Саъдулла жаҳл билан. – Боя манави бойвачча Улуғбекка олиб келган кийимларини hozирок қайтариб бер. Мен бировнинг садақасига зор эмасман!

– Нималар деяпсиз, Саъдулла ака!

Салима йиғламоқдан ўзини базўр тийиб гапирди. Унга қарши Саъдулла ҳеч нарса демади. Индамай уйга кириб кетди. Орқасидан Феруза кирди. Нима гап бўлганини суриштирди. Кейин, кейин айтаман, деди Саъдулла. Сўнг ўйга толди: «Ҳар ҳолда яхши иш бўлмади, кўнглини кабартирдим. Ётиғи билан тушунтириш лозим эди. Эрта юзига қандай қарайман?»

Тун бўйи ажирик устида ётгандай у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ухлаёлмаган Саъдулла азонга бориб кўзи илинди. Улуғбекнинг чинқириб йиғлаганидан уйғониб кетди. Дархол соатига қаради: саккиздан ошибди. Ў-хў, кеч бўп кетипти-ку. Ирғиб ўрнидан турди, апил-тапил кийинди. Нариги хонада ҳеч кимнинг овози эшитилмади. Феруза Улуғбекнинг кийимини алмаштиряпти чоғи, ҳа-ҳа, мана-мана, бўлди-бўлди, деб қўяди. Саъдулла ҳорғин товуш билан сўради.

– Мехмонлар кани?

– Ҳайдадингиз-ку. Хотини бечора бир ажойиб жувон экан, йиғлаб эси кетди. Эриниям роса карғади. Ҳаммаси сиздан ўтди, дейди. Саъдулла индамади. Ўзига караб беозор илжаяётган ўғлини олди-да бир-икки осмонга отиб ўйнатди. Кейин уни яна жойига ётқизиб қўйиб, ювингани ҳовлига чиқди... Феруза ўйланиб колди... «Ҳозир айтайми? Олдига ташлайми ўртоғи бериб кетган нарсани? Йўқ. Жаҳл устида турибди ҳозир. Кейин, сал ховридан тушсин, айтаман». Шу андиша билан индамади.

Кечкурун Саъдулла ишдан қайтгандан сўнг жуда чарчадим, деб эрта ётди. Ферузанинг кўнглидаги гапи очилмай колди. У тун бўйи ўйлади: «Эрталаб айтаман, чўзмасдан ҳал қилиш керак. Бечорага ёрдам берса берипти-да, нима қипти. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат, дегандай унгаям яхши, ўзимизам бир нималик бўлиб қоламиз. Қадрдон ўртоғи экан-ку бировга айтиб юрмас.

– Сизам баъзан жуда ҳадингиздан ошиб кетасизда, – деди Феруза нонушта чоғи. Саъдулла нима гап ўзи, дегандай савол назари билан хотинига каради. – Рост-да, тўғрисўзлик ҳам эви билан-да. Битта-иккита одам шунақа бўлса экан, ҳамма шунақа, замон шунақа.

Туш кўряптими ёки ўнгими – Саъдулланинг ақли-ҳуши етмай колди. Эсида, курсларида бир тўпориқ йигит бор эди. Бир баҳона билан йўқ ердаги тўполонни, жанжални, ғиди-бидини бошлар эди-ю, аммо ўзи оппок бўлиб қолаверарди, сира сиртига сув юқтирмас, шу сабаб унга «Ўрдак» деб лақаб қўйишган эди. Бу лақабни унга Феруза қўйганди. Мана шу Феруза топган эди ўшанда! Энди эса... Йўқ, йўқ, Саъдулла кўзларига, кулоқларига ишонмайди. Нахотки, ҳозирги сўзларни Феруза, ўз муттаҳамлигингни замон пардаси билан ниқоблама, деб мунофиқларнинг юзига шарт-

та гапириб юрган Феруза айтяпти?! Унга нима бўлди? Қаёқдан келди унинг хаёлига бу фикрлар?!

– Ҳа, – деди Феруза, – мунча тикилиб колдингиз? Биринчи марта кўряписизми?

– Биринчи марта кўрганимда ҳам бунақа эмасдинг. Умуман танимаяпман, ўзингмисан ёки бошка хотин ўтириптими олдимда.

– Қўйсангиз-чи, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Синфдош дўстингиз, хотини кишлокдошингиз экан...

– Нима қилишим керак эди? – деб кесатди Саъдулла.

– Суриштириб кўринг эди, Самарқандда ҳам курсдошларимиздан бор-ку. Улардан ташқари Эрмат ака бор, жуда кадрдон ака-ука эдинглар.

Саъдулла шалвиради, бўзарди, бунга нима бўлди ўзи? Ўша Ферузами ёки... Нахотки? Саъдулла ҳеч нарсани идрок қилолмай колди, мияси карахт эди.

– Гапларингга тушунмаяпман, Феруза?

– Нимасига тушунмайсиз, – деди Феруза бир оз жаҳл билан. – Аввало одамгарчилик деган гап бор, қолаверса, қачонгача танга санаб ўтамиз...

Саъдулланинг ичида гўё нимадир чирт этиб узилди, мияси кизиби, кўз олди қоронғилашди. Кафтларини икки чаккасига босди. Кўзини юмди, қаттиқроқ юмди. Умрида биринчи марта Ферузани – ўзи севиб, яхши кўриб олгани, жуфти ҳалоли Ферузани кўришни истамади. Ҳозир кўзига хотини қоши-қиприги попуқдай, бир оз қийик кўзлари юлдуз каби порлаб турган, қулишлари юракни ўртаб юборадиган истараси иссиқ, гўзал жувон эмас, йўқ, аксинча бадбашара, хунукдан хунук, овозлари совук – аниқроғи, «Фарход ва Ширин»даги Ёсуман сингари кўриниб кетди. Ё атҳазар! Одам боласи бунчалар тез ўзгармаса!

Феруза эрининг олдига қоғозга ўроғлик нарса қўйди.

– Мана, – деди у, – ўртоғингиз ташлаб кетди. Саъдулла илқис юзига совук сув сепилгандай сесканди.

– Нима бу?

– Кўринг...

– Йўқот!

– Намунча...

Алланечук оғринган, ўксинган Феруза коғознинг бир четидан ушлаб тортди. Ўрам очилиб кетди. Бир тахлам эллик сўмлик! Бехос унга Саъдулланинг нигоҳи тушиб кўпчиди, жони оғзига тикилди, аламли бир ўксиниш билан сўради:

– Нега, нега олиб қолдинг?

– Ман олиб қолганим йўқ, ўзи ташлаб кетди. Бир гаплашиб кўрсин, деди, яна қанча керак бўлса, айтаверсин, деди.

Саъдулла пешонасига шап эткизиб урди:

– Эҳ, пешанам курсин. Балиқ деб ушлаганим илон бўлиб чиқди-ку! – Кейин Ферузага ўқрайди. – Менга қара, Феруза, нима гап ўзи? Тўғриси айт, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

Феруза пинак бузмади.

– Ҳеч нарса, нима қипти?

– У холда нега даданг билан ойингнинг айтганларига хўп демадинг? Нима учун улар билан бирга яшашга кўнмадинг? Қийналмасдик, танга санаб юрмасдик...

– У бошқа масала...

– Бошқа эмас! – деди Саъдулла кескин. – Ҳаммасининг мағзи бир!

– Ким билиб ўтирипти бунни олганингизни!

– Ҳазилингми ёки чинингми? Балки мени синаётгандирсан? Ахир ўзинг ойингдан ранжиб юрасан-ку.

– Ойим ногўғри қиладила. Сабаби, аввало болаларнинг ҳақини емаслик керак, ундан кейин шу ишни қилишга ойимда эҳтиёж йўқ. Бизда эса...

– Бас! – деди Саъдулла.– Эшитишни истамайман! Қазисан-қартасан ахир наслингга тортасан, деганлари рост экан.

Нечундир паст тушишни истамаётган, андиша деган савилни унутиб қўйган Феруза кутилмаган кесатикни ҳазм қилолмай овозини тағин бир парда кўтарди.

– Бу нима деганингиз?

Саъдулла ҳам энди ўзини ортиқ босиб туролмади:

– Бу деганим ўғрининг боласи – ўғри, порахўрнинг боласи – порахўр бўлади, деганим.

Феруза йиғлаб юборди.

– Сиз учун шунча азобларга чидаб, охири эшитганим шуми?

– Чидаб келганинг учун раҳмат! Минг раҳмат! Аммо ҳаммасини аввалдан билар эдинг. Мен сенга суянар эдим, ўзимга бир мададкор, деб билардим! Афсус...

– Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор! Мана, боламиз бирга кирди. Ҳамон турмушимиз ўша-ўша – студентчиликдан фарқи йўқ. Биз тенгилар данғиллама участкада ўтирипти, тагида машина...

Феруза орага яна шунга ўхшаш ғийбатларни тикиштирди. Саъдулла эшитмади, эшитишни истамади. Фақат талваса ичида қўл силтагани, «Йўқол, кўзимга кўринма!» деб бақирганини билади.

Бир маҳал ўзига келса диванда чўзилиб ётипти. Оғир дардга чалинган одамдай базўр ўрнидан турди. Ўртада каккайганча зилдай бошини қашлаб, атрофга кўз югуртирди. Столда нон, чойнак-пиёлалар, дастурхон йиғиштирилмаган. Бир томонда Ферузанинг кийимлари, бир томонда Улуғбекнинг кўйлак-иштончалари...

Бўғзига аччиқ нарса кадалди. Гандираклаб ташқарига юрди. Кампир одатига кўра стулчасини олча тагига кўйиб сигарет буркситиб ўтирарди. Ҳамма балодан хабари бор шекилли, Саъдуллага маъноли каради. У ҳеч нарса билмаган каби кампирга салом бериб, водопровод томонга ўтди.

– Ҳа, отам, тинчликми? – деди кампир Саъдулланинг саломига алик оларкан. – Хотинингиз сахар-мардондан ковок-тумшуғи осилиб жўнаб қолди?

Саъдулла аввалига индамади. Кейин астагина «билмадим...» деб кўйди. Водопровод жўмрагини бураркан, ўйлади: «Кампирнинг олдида ҳам уят... Бировнинг эшигида сиғинди бўлиб юрган одамга бунақа ғалваларни ким кўйипти...»

Кампир баланд овозда насиҳатини бошлади:

– Ҳозирги ёшларгаям ҳеч тушунолмаيمان, отам. Сал нарсага эру хотин ғижиллашади... Қанча квартир турди ҳовлимда. Шуларам ғиди-биди қилверарди. Мен айтардим, отам, хей, манга кара, нимага бунақа қилсанлар? Бу кунларам ўтиб кетади. Бир умр бировнинг эшигида яшамайсанлар. Одамзодга сал сабр-бардош керак. Қаёқда дейсиз, отам, бирови кўнади, бирови қулогига олмайди. Аммо-лекин ҳаммаси уй олиб чиқиб кетишди. Маникида квартир турганларнинг биронтасиям ёмон бўлмади, отам. Ўзи бу жойнинг фариштаси бор... Бир хиллари кейин ҳам келиб, мандан хол-аҳвол сўраб туради. Ўзингизам кўргансиз-ку. Қорасини кўрсатмай бадар кетганлариям бор... Майли, отам, ишқилиб, ҳаммаси ўз кунига омон бўлишсин.

Муздай сув чиройини очгандай туюлди. Артиниб, нима қиларини билмай қолди: уйга кириб кетаверай деса – кампирнинг гапи тугагани йўқ, кирмай деса – ҳозир бунақа панду хасратни эшитишга токати бор-

ми. Аммо кампиршо дийдиёсини охиригача тингламай жўнавориш ҳам осон эмас: кейин бир умр боши маломатдан чикмайди.

– Сиз кўп куюнаверманг, отам. Бу кунларам ўтади-кетеди. Кейин бир вайсақи ойим бор эди, деб эслаб юрасизлар. – Кампир чуқур уҳ тортди. – Эслаб юрсаларинг шунинг ўзи кифоя, отам.

Аста-аста кампирнинг товушига махзунлик қоришди. «Бу шўрликнинг ҳам ичи тўла ҳасрат», деб ўйлади Саъдулла. Шу даргоҳга келганидан бери кампирга биринчи мартаба ачиниш билан термилди. Ажабо, ҳозир рўпарасида арзимаган нарсаларни вайсайверадиган, эрта-кеч тинмай асабга тегаверадиган жохил кампир эмас, йўқ, мунис, меҳрибон бир онахон турарди. Кўнгли бир хил бўлганча сўри зинасига аста ўтирди.

– Кўнглингизга олманг, отам, қайнанангиз сал олифтарок аёлми, дейман-да. Қизига гап ўргатади манимча. Бўлмаса, хотинингиз яхши жувон, эсли-хушли, одоблик. Ҳар на чикса, онасидан чиқади, отам.

Одатича, кампир яхши-ёмонни жавради, у эса мик этмай тинглади, сўнгра унинг оппоқ сочлари, ажин босган юзларига термилиб онасини эслади. Эсладию кўнгли орзиқиб кетди. Аста ўрнидан турди.

– Чой дамлаб берайми, отам?

– Йўқ, ойи, раҳмат, чой ичгим келмаяпти.

– Сиз бундай килманг, отам. Хотинларди нимаси кўп – гиди-бидиси кўп. Юрагингизга олаверманг. Йигит деган унча-мунча гапни елкаси оша иргитиши керак. Раҳматли чолим шундай дердилар.

– Раҳмат ойи, минг раҳмат сизга.

Уйга кириб каравотга чўзилди. Боши кўрғошин қуйилгандай оғир. Эрталабки жанжал тушимми-ўнгимми, деб иккиланди. Кейин қатъий хулоса қилди:

туш эмас! Кампирнинг гаплари хаёлига келди: «Хотинингиз яхши жувон, эсли-хушли, одобли. Ҳар на чикса, онасидан чиқади...» Бугунги иддаоларичи, уларниям онаси ўргатганми? Эсли-хушли бўлса нега онасининг йўриғига юради?

Феруза! Нега бунчалар ўзгариб қолди? Бунинг сабаби нима? Ахир унинг феъл-атворида бунақа одатлар йўқ эди-ку... Йўқмиди? Балки Саъдулла сезмагандир, этибор бермагандир. Ўзи шунақа бўлади – одам бировни севса, унинг камчиликларини кўрмайди, ёмон одатларини пайкамайди. Аксинча, ёқтирмаса – яхши томонлари кўзига кўринмайди, фазилати ҳам қусур каби туюлаверади. Эҳтимол Саъдулла ҳам шу кўйга тушгандир.

Ундай деса, нега Саъдулла билан дўст тутинди? Охир-оқибат нега уни яхши кўриб қолди? Қанча-қанча бойваччалардан совчилар келганда рад этди? Нега? Наҳотки, Феруза ҳам ҳаётнинг мазмунини яхши кийинишу қимматбаҳо тақинчокларда, деб билса? Йўқ, бу мумкин эмас! Феруза унақа қизларданмас! Ундай эса бугунги пичинглари, ҳаракатларини қандай тушунмоқ керак?

ХII

Феруза Улуғбекни кўтариб чиқиб кетганига бир ҳафта бўлди. Шундан бери Саъдулла кампирнинг товуқ катагидеккина ҳовлисига соядай кириб, соядай чиқади. Бир ҳафтадирки, бу ҳовлида на бировнинг кулгиси эшитилади, на йиғиси. Бир зум осудаликни орзу қилган ёки бирон нарса ёзиб-чизаман деган кезлари олдига кириб жонидан безор қиладиган кампир ҳам йўқ ҳозир. Икки кун олдин остона ҳатловди. Шу чиққанича бадар кетди. Саъдулла-ку жағига суяниб қолган кампиршонинг «сухбатини» жуда кўмсаб ётга-

ни йўк, унинг дийдиёсига кўзи учаётгани ҳам йўк, лекин мана бу хувиллаб ётган ховлининг бир чеккасида одам овози эшитилиб тургани тузук экан-да.

У жойидан эриниб турди. Худди ухламагандек. Кўнгли ғаш. Дераза тагидаги олчага кўнган олашақшакнинг хунук овози дилини баттар хижил қилди. Дарпардани очди-да, киш, йўқол, деб олашақшакни ҳайдади...

Зинада кафедра мудирига дуч келди. У қайгадир шошиб кетаётган шекилли, бир соатлардан кейин олдимга киринг, гап бор, деб ховликканча кўчага чиқиб кетди.

Шу топда ҳар қанақа калима кулоғига ёкмайди. Ишиям, диссертациясиям, аспирантурасиям – ҳаммаси кўзига адлақандай майда-чуйда, арзимасдай кўришиб. кўли ишга бормай юрибди. Энди аксига олиб мудирнинг нима зарур гапи чиқиб қолди экан? Кирмасинми ё олдига? Йўк, кириш керак. Нима бўлганда ҳам кафедра мудирини. Ҳозирча, унинг қўл остида ишлаб турибди. Беодоблик қилса – тузукмас. Қани айтсин гапини, ёкса хўп дейди, ёкмаса йўк-да. Нима, бўйнидан гиппа бўғиб олармиди. Ёки ишдан ҳайдаб юборармиди. Ҳайдаганда нима? Ҳозир унга барибир, ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган.

Бугун дарси ҳам йўк – ховлида паришон айланганча сигарет тутатди. Недир таскинга, бир оғиз илиқ сўзга интиқ... Бир кўнгли домласининг олдига бормокни ўйлади. Яна фикридан қайтди: аввал мудирга учрашсин-чи, қани муддаоси нимайкан, подадан олдин чанг чиқариб нима қилади.

Минг хил ўй-гумон, андишага берилганча юкори қаватга кўтарилди. Эшикни очмоқчи бўлиб туткичга қўл узатган эди, ичкаридан қаттиқ-қаттиқ овоз келди. Ким биландир гаплашяпти, шекилли, деб сабр қилди. Овоз

сира тинмайди. Кутди. Ўн дақиқа, ўн беш, йигирма дақиқа... Овоз тинмас, аксинча, худди сухандонникидай бир маромда янграрди. У ажабланди, ўзида журъат туйганча, таваккал деди-да, эшикни секин тортди. Хонада мудирдан бўлак ҳеч ким йўқ, у бурнини столга теккизгудай энгашиб, товушининг борича ниманидир ўкиб ўтирарди. Машғулотиға шу қадар берилиб кетганидан ҳатто эшик очилганини ҳам пайқамасди.

– Мумкинми, домла? – деди Саъдулла. Лекин мудир ўз овозига кўмилиб унинг сўровини эшитмади. Саъдулла сал дадиллашди: – Домла, кирсам майлими?

Худди магнитофон лентаси узилиб қолгандай, мудирнинг овози бирдан ўчди. У бошини қоғоздан кўтариб эшик томонга қаради-да, Саъдуллани кўрди.

– Ҳа, келинг, келинг, – дея мулозамат қилди. Саъдулла рўпарадаги курсига бориб ўтирди.

– Хўш, ука, ишлар қалай? – деди мудир салмоқлаб. – Уйлар тинчми, илмий ишларни битказай деб қолдингизми?

Саъдулла хайрон: мудир бунчалик сертакаллуф бўпқопти. Умрида бировдан тузукроқ ҳол-аҳвол сўрамаган, саломдан аввал кафедрада тикилиб ётган ишни суриштирадиган бу одам... Қуёш қаёқдан чикди бугун?

– Биласиз, Саъдуллажон, ман сизни жуда ҳурмат қиламан. Истеъдодингизни тан оламан. Муҳокаманингизда баъзи мулоҳазаларни айтганим сизнинг фойдангиз учун. Иш бошидан пишиқ бўлсин, эрта ҳимоя пайтида дўст-душман олдида у-бу гаплар кўпайиб қолмасин, деган ниятда айтганман. Ўйлайманки, сиз бу йўриғимни тўғри тушунасиз, – мудир томоқ кириб олди, қиска сукутдан сўнг, янаям юмшоклик билан давом этди: – Кеча деканимиз бир хабарни сизга айтиб кўйишимни тайинладилар.

– Нима экан? – деди тоқати тоқ бўлган Саъдулла. – Айтаверинг, домла.

– Биласизми, Саъдуллажон, деканнинг айтишича, штатлар кискарармишми-ей, хуллас, факультетдан бирикки кишини...

Саъдулла энди барини тушунди.

– Демак, ариза ёзишим керак, ўз ихтиёрим билан. Шундайми?

– Умуман, шундай десаям...

Саъдулла кизишиб мудирнинг гапини кесди:

– Сиз кўп қийналманг, домла. Мақсадингизни англадим. Мен кетаман, бу факультетда ишламайман. Лекин сиз ҳам билиб қўйинг, деканга ҳам айтингки, мен ариза ёзмайман. Штат кискарса, мен шу кискаришга тушсам бўшатиб юбораверинглар. Ҳар ҳолда кўчада қолмаслигимни биламан, майда, арзимас одамлар билан ади-бади айтишиб ўтиришни эп кўрмайман.

Орага бир дакикалик сукунат чўкди. Ҳозиргина майин, юшоқ муомала қилаётган мудир тўнини тескари кийдики, авзойи тамом ўзгарди. Қовоғини солди, калта, йўғон бўйни, дум-думалок семиз юзи кизариб кетди.

– Демак, сизнингча факультетдаги ҳамма ўқитувчилар майда, арзимас одамлар экан-да.

– Гапни айлангириб нима қиласиз, домла. Ахир факультетдаги ҳамма ўқитувчилар ёки барча раҳбарлар менга ариза ёз дегани йўқ-ку. Ҳатто декан айтганигаям ишонмайман.

Бундай зарбани кутмаган мудир ёрилган шардек шалвираб қолди.

– Ҳаддингиздан ошяпсиз, ўртоқ Примов! – деди ниҳоят столга муштларини тираб.

– Қизишманг, домла. Менинг гапим тамом. Хайр, омон бўлинг. У шундай дея ирғиб ўрнидан турди-да, тарс-тарс юриб чикиб кетди.

Гавжум кўчада ўзини жуда ғариб сезди. Умри мазмунсиз, мақсадсиз ўтаётгандай туюлди. Бу ерларда нима қилиб тентираб, саргардон юрибсан, деган савол миясига урилди. Чиндан ҳам бу ерда энди унинг нимаси бор, кими қолди? Хотини ташлаб кетди, диссертациядан дарак йўқ, мана энди ишдан ҳам қувилди. Талабалик йиллари шоир жўралари «Бу ерларда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдир», деган шеърни кўп ўқишарди. Ҳозир Саъдулла айнаи ўша саёҳатни тусаб қолди. Аммо бу ҳам тағ-замини йўқ орзу, назарида энди бу ерларда ҳеч қанака умиди қолмаган, барча эшиклар унинг учун ёпик эди. Гўё ҳамма қўлини бигиз қилиб: «Ана хотини ташлаб кетган, ўзи ишдан ҳайдалган, икки йилдан бери диссертациясини лоакал муҳокамадан ўтказиб ололмаган ношуд, нотавон», деб кўрсатаётгандай эди...

Саъдулла уйга келиб у-бу нарсаларини сумкасига жойлади. Холмат ташлаб кетган пулни ҳам солди. Эшикни бекитиб автобекат томон йўл олди.

* * *

Қишлоққа хуфтонда кириб борди. Бемаҳалда келиши ота-онасини ажаблантирди. Тағин дам олиш куни ҳам эмас. Одатда – у қишлоққа шанба ёки якшанба кунлари борар эди.

– Бахайрми, болам? – деди онаси ҳол-аҳвол сўрашгач. – Кечроқ йўлга чикибсанми?

– Ҳа, тинчлик, эна. Мошин бўлмаёй шаҳарда бир оз туриб қолдим.

– Келин, неварам яхшими, ишқилиб, қудаларим эсон-омон юришиптими?

– Ҳаммаси яхши, – деди Саъдулла ўзини хотиржам кўрсатиб. – Ҳаммаси соғ-саломат, икки-уч кун дам олишим бор эди, шунга бир айланиб келай, сизларди

кўриб кетай, деб келдим. Самарқандда бир оз ишим ҳам бор.

Кампир сал ўзига келди. Тўрда соқолини силаб ўтирган отаси маънодор килиб томоғини қириб қўйди.

– Ундай бўлса майлига-куя, кеч қолганингга кўркиб кетдим-да, болам.

Саъдулла ўзини қанчалар бепарволикка урмасин, кўнгли тинч эмаслигини, нимадандир безовталигини отаси сездди. Иккови ёлғиз қолганда оҳиста салмоқлаб савол ташлади.

– Менга қара, Саъдулла, ишларинг жойидами, уйинг тинчми?

Саъдулла ялт этиб отасига қаради. Отаси донишманд одам, паст-баландни яхши билади, мана ҳозир унинг дарди-ташвишини ҳам сезганга ўхшайди, йўқса бунақа ўсмоқчиламасди. Шаксиз, у ўнғайсиз ҳолга тушди, беихтиёр нигоҳини олиб қочди.

– Ҳа, жойида, ҳаммаси тинч, – деди ботинмай. – Нима эди, ота?

– Кўнглим сезиб турипти, болам, нимадандир хавотирдасан нимадандир тинч эмассан.

Саъдулла миқ этолмай қолди, дабдурустдан тили калимага келмади. Отаси яна маънодор оҳангда йўталди-да, ўғлини хижолатдан ўзи қутқазди.

– Майли, болам, ҳаёт шундай. Йигитнинг бошидан не савдолар ўтмайди. Фақат одам ўзини йўқотмаслиги, доим қўлга ола билиши керак. Айтишни лозим топмасанг айтма, мен қистамайман.

Эҳтиёткор ота шундай мулойимлик билан унинг ичига қармоқ ташлади. Лекин барибир у ўзини қаттиқликка урди – ёрилмади. Ҳар нарсага мулоҳазакорлик билан ёндошадиган отасидан ҳам кўра онаизорини хафа килиб қўйишни истамади.

– Йўқ, ота, жа унчалик эмас...

Онаси кириб суҳбат узилди. Шу кўйи бу ҳақда на отаси, на унинг ўзи бошқа сўз очди...

Эрталаб Саъдулла Зарбуви опасининг уйига йўл олди. Холматни кўришни, орада кечган мунозарани такрорлаб асабини бузишни истамади. Аликул поччасига ҳамма гапни айтиб, пулни бериб келаверади.

Хайрият поччаси уйда экан. Ҳол-аҳвол сўрашиб ховлидаги сўрида суҳбатлашиб ўтирди.

– Почча, – деди охири Саъдулла мақсадга ўтиб, – сизга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор.

– Тинчликми? – деди Аликул нимадандир хавотирланиб.

– Тинчлик, почча. Лекин, биласизми, асли Холмат билан... Бироқ уни қидириб юришга вақтим йўқ.

– Қидирганингиз билан уни тополмайсиз, – Аликулнинг овози синик чиқди.

– Нимага? – деди Саъдулла бирдан.

– Жўрангиз камалиб колди...

– Қачон? Ахир яқиндагина у менинг олдимга борувди-ку.

– Хабарим бор. Ўша ёқдан келган кунининг эртасига олиб кетишди.

– Бола ўлдими?

Аликул хомуш бош ирғади.

– Оббо!..

Беихтиёр Саъдулла бошини солинтирди. «Чаток бўпти-ку... Яна арзимаган иш дейди-я... Бир бечоранинг гулдай боласи ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўлиб кетаверсин, бу бойвачча эса ялло қилиб юраверсин. Мен унга шундай имконият яратай. Қани инсоф, адолат?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Мутлако!» Холмат яқин жўраси эканидан, шу маҳалгача у билан ошначилик ки-

либ юрганидан ижирғанди, эзилди. Шунча йиллардан бери у ҳақда маълум хулоса чиқармаганидан, борди-келдига чек қўймаганидан кўнгли ўксиди. Иродасизлик қилдим, қатъиятим етмади, деб ўзидан ранжиди. Опасининг гапларидан кейинок Холмат билан муносабатини узиши мумкин эди-ку. Нега шундай қилмади?.. Бироқ буларнинг ҳаммаси айтишга осон. Қишлоқчилик, ўзбекчилик...

Майли, гарчи кеч эса-да, энди борди-келдини узди. Қайсидир даражада Холматга ичи ачиса ҳам унга шафқат қила олмайди. Жиноят қилдими, кимлигидан қатъи назар жазосини олсин. Агар у Холматни ҳимоя қилса, ўзи ҳам жиноятчи ҳисобланади. Аслида энг катта хатоларимиздан бири ҳам шу эмасми? Қанча-қанча бойваччалар, кимларнингдир эркатойлари не-не жиноятларини, қабих ишларини ёпти-ёпти қилиб юришипти. Қачонгача давом этади бу ҳол ахир?!

– Оғир бўпти... Барибир, сизга арз қилмасам виждоним азобда қолади. – У борини поччасига лўнда қилиб айтиб берди. Сўнг киссасидан коғозга ўроғлик ўша бир тахлам эллик сўмликни чиқариб қўйди. – Воқеа бундай тус олиб кетган экан, демак пул жудаям зарур. Шунини бериб қўйинг, сиздан илтимос, почча. Алиқул индамади. Пулни олиб уйга кириб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб чикди-да, деди:

– Сал сабр қилинг. Ҳадемай опангиз келади. Кўрмай кетиб қолсангиз ўпкаси узилиб тушади. Мен ишхонага бирров кириб чиқай. Тез қайтаман. Алиқул чиқиб кетди. Саъдулла опасини кутишга қарор қилди. Шошиб ҳам қаерга борар эди? Йўлига интиқ хотини, қолиб кетаётган иши бўлмаса...

– У ёстикқа ёнбошлаб кўзини юмди. Кўз олдида турли воқеалар жонланди. Негадир болалигини, мактабда ўқиб юрган чоғларини эслади. У пайтлар жуда

тотли, ширин туюлди. Қани ўша дамларнинг лоакал бир куни қайтиб келса. Эҳ-хе-е!..

Кимдир Зарбуви опасини чақирди. Хаёли бўлинди.

– Ким у, келаверинг, – деди тирсагини ёстикдан кўтариб. Чакирувчи сўри томонга юрди. Ора чамаси ўн метрча қолганда у олдини илон кесиб ўтган каби илкис тўхтади.

– Салима! – деди у кўзлари чакнаб.

– Вой, Саъдулла ака, қачон келдингиз?

– Бугун... Қалай, ўзинглар яхшимисизлар?

Салима сўри томон секин юрди... Бир чеккасида оҳиста ўтирди... – Шўрим қуриб қолди, Саъдулла ака, – деди у ердан кўз олмай. – Камбағални туянинг устидаям ит копади, деганлари рост экан. Шунча йил турмуш қуриб нима кўрдим. Буям етмагандай энди... – У ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Саъдулла «Кўйинг, Салима, йиғламанг», деб таскин бермоқчи бўлар, аммо унинг ўзи ҳам эплаб гапиролмасди. – Мени... мен... Саъдулла ака, севгининг қарғишига қолдим...

Саъдулланинг эти жимирлаб кетди. «Билар эканда... Мени зор қакшатганини билар эканда... Йўк, йўк, мен унга ёмошлик истаганим йўк, истамайман ҳам... Менинг ўзим-чи? Менинг аҳволим ҳозир уникидан яхшими. Хайриятки, буни Салима билмайди...»

– Ундай гапларни кўйинг, Салима. Ўтган гап ўтди, энди қайтиб келмайди. Бу ёғига Холматни ўйланг, болаларингизни ўйланг. Ҳаммаси яхши бўлади, ишонинг, яхши бўлади. Ўзингизни дадил тутинг, қўлга олинг. Дўст-душман олдида сир бермаслик керак.

– Сири қолдими, – деди Салима ҳамон пик-пик йиғлаб. – Эл-юрт олдида шармандамиз чикди-ку.

– Кўйинг, ундай деманг, битта-яримта кўриб-эшитиб қолса уят қилади. Дадил бўлинг, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Салима бир оздан сўнг ўрнидан турди.

– Мени кечиринг, Саъдулла ака, сизнинг ҳам кўнглингизни хира қилдим... Майли, мен борай, Зарбуви опа йўқлар шекилли, – деди ёнокларини артиб.

– Мактабда экан, мен ҳам кутиб ўтирибман.

– Майли, янгамга салом айтинг, Улуғбекжонни ўпиб кўйинг, хайр.

Салима худди илтижо оҳангида сўзлади. Ўкинчи ва маҳзун товуши Саъдулланинг юрагини ўртаб юборди. Нақ ер билан битта бўлаёзди-я! Во ажабо, не сиру синоатки унинг қошида ҳамон мана шундай забун, ҳамон мана шундай афтода – болага ўхшаб ўзини йўқотиб кўяверади.

Кўзларида жикка ёш билан Салима жўнади. Елкасидан оғир юк босгандай Саъдулла ўтирган жойида чўкиб қолди...

ХШ

Овқатни эплаб пиширолмадингми – ўзинг еявер!

Одатларимизда шафқатсиз жиҳатлар кўп. Таом яхши бўлса, кўпинча ким пиширганини суриштириш шартмас. Наридан борса, кўли дард кўрмасин, деб кўя қолиш кифоя. Борди-ю, бемазарок чикса, кўраверасиз кайси кўлинг сингур пиширди, фалончими, у ўзи асли шунақа ҳеч бало кўлидан келмайди, масалликни увол кипти...

Майли, ҳозир гап бу ҳақда эмас, оила хусусида. Агар бир йигит ота-онасига фалончи кизга уйланаман, деса ва уйланса ёхуд бир киз бирон йигитни ўзи танлаб тегса, аммо кейинчалик турмуши нотинч бўлса, шунда ота-она ўғлига ёки кизига нима дейди? Ўзинг пиширган ош – ўзинг ичавер! Хўш, нега энди шундай? Ахир улар ҳам бир чеккада томоша қилиб

Ўтирмаган-ку! Йигитнинг ёлғиз ўзи бориб етаклаб келмаган-ку кизни. Ёки киз ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўк уйдан чикиб кетмайди-ку. Келин ёки куёв яхши, одобли бўлса ва тотув яшашса-чи? Ў, ота-онанинг оғзидан мой томади: ўғлимга шундай келин олиб бердим, кизимнинг бахти бор экан, ажойиб куёв топдик... Энди айтинг, шу адолатданми?..

Феруза ўғлини кўтариб кириб келганда на дадасига, на ойисига айтди Саъдулла билан ғиди-бидига бориб қолганини. Ўзи-ку дадаси билан ойиси уни чакиб олишга баҳона тополмай юришипти. Ҳозир дардини сал ёрса борми – тимсоҳнинг олдига куён тапшлагандай гап, хап этиб ютади-кўяди. Онасининг айтадигани маълум: «Баттар бўл! Танлаб-танлаб тозисига учрадинг, Ўзингдан кўр. Ажаб бўпти, ўзинг пиширган ош – ичавер энди. Қанча жаврадим вақтида, йўк, кўзингга олтин бўлиб кўринди. Мана, оқибати...» Дадасининг пичинглари ҳам бундан қолишмайди.

Иддао, таъна эшитишга Ферузада тоқат қани? Ҳамма дард-аламларини, изтиробларини ичига ютса ютади, аммо ҳеч бир кимса олдига дастурхон қилиб ёзмайди.

– Келардинг-да, – деди Муаззам опа Ферузани кўриши билан. – Ўзинг-ку ойлаб қорангни кўрсатмайсан, чақирсаям уч кундан кейин келасан-а. Ота-она керакми ўзи сенга? Ё ўша ўзим кал – кўнглим нозигинг ҳамманинг ўрнига ўтадимми? Бу ахволда ўлиб қолсамма икки кундан сўнг келасан шекилли.

– Сизга телефон қилиб уйга борсам, Самарқанддан меҳмонлар келишипти. Бугун эрталаб кетишди. – Феруза бир оз гина оҳангида гапирди. – Неварангизнинг туғилган кунига бориб қоласизларми, деб ўйладим.

Муаззам опа қизининг гинасига эътибор бермаган каби гапни бошқа томонга бурди:

– Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, – у шундай деб ўтирган жойида бир кимирлаб кўйди.

Феруза онасига разм солди. Негадир унинг шашти паст эди. Доимо коп-қора бўлиб ёниб турадиган кўзларига бугун арабий сурма тортилмаган, қошларида ҳам уч кун олдинги ўсманинг излари. Упа-эликнинг кутиси ҳам очилмапти. Феруза онасини бу аҳволда биринчи марта кўриши. У эсини танибдики, Муаззам опа пардоз-андоз қилиб юради. Ҳар куни ўрнидан туриши ҳамоно, араб хотинларига ўхшаб, аввал тошойна олдига ўтиради.

Шу одатини тарк этибдими, демак, бир нохушлик бор. Ферузани ҳам бу гал бекорга чакирмаган кўринади. Ўтириши, ранг-рўйи ҳам бўлакча. Ўша куни телефонда сўзлашганда Феруза масала бу қадар жиддий эканлигини хаёлига келтирмаган, ойимнинг навбатдаги ваҳималаридан биридир-да, деб ўйлаганди. Бинобарин, олдин ҳам бир неча марта ҳовлиқиб кизини чакиртирган, Феруза келгач, тайинли бир гап йўк, сани шунчалик кўргим келди, шунга йўқловдим, деб ҳазил қилган эди.

– Нима гап ўзи, ойи? У куни телефонда айтмадингиз...

– Ҳаммаси жойида, – деди Муаззам опа энсаси қотиб. Йўк, ҳаммаси жойида эмас.

Ўтган куни Муаззам опа ишдан қайтаётганда дарвоза олдида икки йигит йўлини тўсди. Ўзи ва тарбиячи жувон инқиллаб-синқиллаб кўтариб келаётган катта-катта сумкаларни очишни талаб қилди халигилар. Ростки, бу ҳол ақлга сиғмасди, бориб турган йўлтўсарлик! Шубҳасиз, опа жиғибийрон бўлди, баланддан келди: «Нима ҳақларинг бор сумкамни текширишга? Безорилар, йўлимдан қочинглар!» Йигитлар хужжат кўрсатишди. Ана шундан сўнг Муаззам опа бўшашиб қолди. Гўё сахнада роль ўйнаётган артист каби муома-

ласини ўзгартирди: «Кўйинглар, укажонлар, мани овора қилиш нима зарил санларга. Мен нима олардим...» Йигитлар унинг на дўк-пўписасига, на ялинишига эътибор беришди. Ими-жимиди акт тузишди.

Феруза онасининг бош-охирини йўқ дарду хасратини эшитаркан, хаёлига ҳозиргина Саъдулла билан ўзи ўртасида ўтган машаққат келаверди. Гўё ўша икки йигит уларнинг ҳам уйини текширадигандай, Саъдуллани порахўр деб, айблайдигандай туюлаверди... «Демак, шунинг учун боришмаган экан-да...»

– Ҳа, мунча бўзариб қолдинг! – деди Муаззам опа жаҳл билан. – Энди ойим камалиб кетади, деб ўйлаясанми?!

Феруза оғринди, лекин сездирмади.

– Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи, ойи. Ким шунақа, деб ўйлаяпти?

Муаззам опа хўмрайди. Кейин билмасдан нордон нарса еб кўйган одамдай афтини буриштириб, ўзича гўлдиради.

– От билан туя опманми... Не-не одамлар бор – туяни ютса думи кўринмайди... Шу иккита мишиқ боланинг кўлидан нима келарди. Унаканинг ўнтасини ишга маржон қилиб тизиб кўяман. Аданг бор – нима ғамим бор?!

Муаззам опа бўйин бермасликка тиришган сари Феруза ҳам кўнглимдагини ойим билиб қолмасин, деб ўзини вазмин, хотиржам тутишга ҳаракат қилди.

– Сизга нима зарил эди шу, ойи? – деди Феруза. – Арзимаган нарсалар учун ўзингизни хор қилиб кимларнингдир олдида ялиниб... Ҳеч тушунмайман сизга...

– Сан нимани тушунардинг... – Муаззам опа қизишди. – Фарзанд кўрдинг, лекин ўзинг ҳалиям боласан. Дунёнинг борди-келдисини ўйламайсан. Ўзингга ўхшаган ўжар бир эрни топиб олгансан, гўё икко-

вингдан бошқа ҳалол одам йўк бу дунёда. Сани тўғри-лигингни биров бир тийинга олса экан кошки. Санга ўхшаганларнинг устидан ҳамма кулади-ку. Кўпини кўрганмиз. Замон шундай бўлгандан кейин кўлингдан нима келарди.

Булар охори тўкилган гаплар. Феруза учун янгилик эмас – кайта-кайта эшитган. Шунинг учун ҳеч нарса демади. Юз гапир, минг гапир – барибир ўзиникини маъқуллайди. Қолаверса, ҳозир Феруза бу ҳақда тортишиб ўтирадиган ҳолатда эмас. Ҳар қанақа пандни эшитса баттар асаби кўзиб, кайфияти хиралашади.

У ўғлини ухлатиш баҳонасида бошқа хонага ўтди.

Бу хона шинам, жиҳози ўзгача: деразаларига духоба пардалар осилган, юмшоқ диван, креслолар қўйилган, полга гиламлар тўшалган, деворларга, шифтга дид билан гул солинган. Одам ўтирмагани учунми, куёш тарафда бўлса-да, унча иссиқ эмас, ҳавоси тоза, ҳарорати мўътадил эди.

Феруза ўғлини диванга ётқизди-да, ўзи креслога чўкди. Бошини орқага ташлаб кўзини юмди. Бир зум бўлса-да, ҳаммани, ҳамма нарсани унутишга қарор қилди. Лекин... Кошки бунинг иложини топа олса. У кимники камроқ ўйлай деса, ўша кўпроқ эсига тушар, ниманики мутлақо унутай деса, ўша воқеа хаёлидан жилмас эди. Ҳозиргина Саъдулла билан бўлган можарони умуман эсламасликка интилди. Қаёқда, кўз олдидан Саъдулланинг киёфаси, кулоқларидан эса бири-бирига айтган аччиқ-тизиқ гаплар кетмасди.

Унга нима бўлди ўзи? Нега унақа қилди? Саъдуллани нима учун ранжитди? Пул керак бўп қолдими? Бир вақтлар дадаси билан ойиси кўлига даста-даста пуллар берганида олдига кайтариб отар эди-ку. Энди шу пулларга зорми?..

Йўк, бундай эмас! У ҳеч қачон пулга ўч бўлмаган, мол-дунё, тақинчоклар, жимжима кийим-кечаклар уни кизиктирмаган... Нега унақада бугунги жанжал кўпди? Пулдан чикди-ку ҳаммаси. Ёки эрингни синамоқ-чимидинг? Ҳазилмиди? Э, ўлсин, ҳазил ҳам шунақа бўлса... Ҳозир Саъдулла бечора нима килиб ўтирибди экан? Ўзи-ку шўрликнинг иши юришмай хуноби ошиб юрибди. Бу ёқда сен ҳам ғиринглаб асабига тегиб турсанг... Ахир у ҳам одам, унинг ҳам асаби бор, ор-номуси бор, виждони бор. Нега уни сан, севимли хотини қадрламайсан, унинг туйғуларини оёқ ости қиласан?!

Эҳ, Феруза, Феруза! У сени қанчалар севишини билсайдинг!..

Мен-чи, мен севмайманми? Нега энди севмас эканман. Ахир у мен истаган йигит-ку. Камчиликлари бордир, нима кипти. Кимнинг камчилиги йўк?

Эҳ, каллаварам, хом сут эмган банда. Қаёқданам ўша пулни кўрдинг. Нега олиб қолдинг? Холматга қайтариб бермадинг? Нега? У билан Саъдулла ғижиллашиб қолганини кўрувдинг-ку. Кутилмаган биргина шу қилиғинг билан Саъдулланинг ёнига кириш ўрнига, унинг оёғига болта урганингни биласанми?!

Бир таҳлам пул! Сидирға эллик сўмлик! Ў, савил-а! Шунчалар қудратлими? Наҳотки уни ҳам йўлдан урди ўша иблис – пул! Наҳотки, у ҳамма нарсадан – эътиқоддан, эрдан, оиладан устун бўлса?!

Феруза креслода ястанганча узок ўйлади, лекин мулоҳазалари тумтарак, беадад эди. Шуурининг аллақайси бўшлиғида ўзи эътиқод кўйган, ханузгача ардоқлаб келган ҳақиқат нури порлаб кўрингандай бўлди. Дафъатан мажолсизланди. Аъзойи баданидан совуқ тер чикиб кетди.

– Йўк! – овозининг борича қичкириб юборди. – Йўк! Менга пул ҳам, мол-дунё ҳам сариқ чақа! Кўнг-

лимни тушунадиган бирдан-бир одамимни... Қандай кўргилик, қандай?!

Назарида ҳеч қачон ювиб бўлмайдиган гуноҳи азимга қўл ургандек эди, энди бу айби оиласига ҳам каср қилади, оқибат, рўзғори бузилади, дунёдаги энг ардоқли кишисидан бир умрга айрилади. Бунга ўзи сабабчи, фақат ўзи! Қийинчиликка дош беролмади, ахири ожизлик қилди, ожизлик! У ингранди, қарғанди. Бир пайт ноласидан Улуғбек чўчиб уйғонди ва хархаша қила бошлади. Бора-сола ўғлини кўтариб бағрига босди.

– Менга сен кераксан, болажоним! Сани етим қилишни, отангдан айиришни истамайман. Садқаи санинг кўз ёшларинг кетсин! Садқаи дадангниң ранжишлари кетсин!.. Ман аҳмоқ нима қилиб қўйдим, болажон! Қайси шайтон йўлдан урди мани? Кечир, болажоним, кечир! – У ўғлининг юз-кўзига термилиб Саъдуллани кўргандай бўлди. – Мани кечиринг, дадажониси. Кўнглингизга озор бергунча ҳар нарса бўлай! Кечиринг!..

Феруза хўнграб юборди. Овозини онаси эшитиб қолмаслиги учун ўгли кўкрагига юзини бекитганча тўйиб-тўйиб йиғлади, йиғлади...

* * *

Олим Акбарович кизига дастлабки кунлар унчалик эътибор бермади, онасидан хабар олгани келгандир-да, деб қўя қолди. Аммо орадан икки кун, уч кун ўтяпти хамки, Феруза кетай демайди, унинг устига ранг-рўйи ҳам бир аҳволда. Илгарилари келганида икки-уч соат ўтириб, кетаманга тушиб қолар эди.

Бу ҳол, табиийки, Олим Акбаровични таажжубга солди. Тўртинчи кунга ўтганда, шубҳасини хотинига сездирди. Аллақандай гумонлар Муаззам опанинг ҳам миясида чарх урар, бироқ буларни эрига айтол-

май доғда эди. Олим Акбарович ўзи гап очгандан сўнг Муаззам опа ҳам ёрилди:

– Ман ҳам хайронман, адаси. Сўрасам, ҳеч нарса демайди. Ишларингиз бир ёкли бўлгунча ёнингизда турай, куёвингиз қишлоғига кетган, дейди.

Қизи билан куёвидан бир қадар совиган бўлса ҳам, барибир энди Олим Акбарович ташвишланди. «Бир гап бор бу ерда. Бекордан-бекорга иккови икки томонга кетмаган...»

– Ҳай, майли, – деди Олим Акбарович вазмин охангда, – ундай бўлса тузук. Лекин ҳар ҳолда кизингнинг кўнглига яна бир кўл солиб кўр. Негадир шу гапга менинг унча ишонгим келмаяпти... Эртага менам факультетдан бир суриштириб кўраман...

Муаззам опа Ферузанинг кўнглига бир эмас, бир неча марта кўл солиб кўрди, аммо ниятига етолмади. Хўш, Феруза, нима дейди? Саъдулла билан ўртасида кечган гапни оёисига ёки дадасига қандай айтади? Йўк, йўк! У айтмайди, айтолмайди!

Бу кунларнинг ҳар соати Феруза учун ойдай узун, қаҳратон қиш кунлари каби рутубатли. Майли, ундан баттар бўлсин, лекин ҳеч кимга кўнглини очмайди. Аммо қачонгача? Ахир, барибир, пайти етганда сир очилади-ку!

У бўш колди дегунча ўзи билан ўзи фикран олишади, тортишади, ўзини ўзи инкор қилади, маъқуллайди, кам ўйловликда айблайди. «Бечора Саъдулла, не азобларда юрибди экан?.. Эртага кетаман! Ундан узр сўрайман...»

Ҳар тун шу фикр хаёлини банд этади, тонг отганда иккиланиб қолади. «Ўзи келсин... Лоакал телефон қилсин, кейин бораман...»

– Манга кара, Феруза, – деди бир куни Муаззам опа, – ростини айт, тинчликми ўзи? Келганингга ҳам

бир ҳафтадан ошди, олдинлари келмасингдан кетаман, деб турардинг...

– Малол келяпманми? – деди Феруза ўзига бегона товушда тўнғиллаб. – Кўп ташвиш чекаверманг, кетаман ҳалиям. Манавинақа гаплар чиқиб қолгани учунгина ёнингизда турайдим-да.

– Мани тўғри тушун, кизим. Сани келганинг малол келмайди, фақат хавотир оляпман, холос. Айтмоқчи, эринг ишидан бўшапти...

Феруза ялт этиб ойисига қаради.

– Кимдан эшитдингиз?

– Адангдан. Аданг декан биланми, завкафедраси биланми гаплашипти, шу ердами, деб суриштирипти...

Феруза индамай ўрнидан турди-да, беҳоллик билан ичкарига йўналди. Миясини турли саволлар – аёвсиз ўярди: «Нега кетди ишдан? Сабаби нима экан? Кимнинг қўли бор бу ерда? Наҳотки, адам... Наҳотки, шу даражага борсалар... Ёки ҳамма нарсадан воз кечдимиз? Ахир у бу қадар иродасиз эмас эди-ку...»

Ўйлайвериб бошига оғрик кирди, чакка томирлари зиркираб кетди. Бутун куч-қуввати, иродасини тўплаб ўзини қўлга олди. Қош қорайиб қолганига қарамай, нарсаларини сумкасига жойлади-да, Улуғбекни кўтариб йўлга тушди. Ойисининг энди кеч бўлди, эрталаб борарсан, деган таваллосини эшитишни хохламади.

* * *

Ҳануз Саъдулла тушунуксиз жоду исқанжасида... Ох, Салима қаршисида мунғайиб туришлари... Ҳалиги эътирофи юрагинигина эмас, бутун тани-жонини эзди, ўртади, ёндирди. Отаси-онаси ва қариндош-уруғлари билан паришонҳол хайрлашаркан, Самарқандга келиб, ғамга ботганча самолётга чиқаркан, бирон дақиқа ҳам хаёли-

дан Салима ўқинч билан айтган гаплар кўтарилмади. «Мен севгининг қарғишига қолдим...» Ростми шу гап? Ростми? Унда мен-чи? Мени ҳам севги қарғадими? Ахир мен ҳеч кимни зор қашатганим йўқ-ку. Нега бундай бўлди? Феруза билан айтишиб қолганимизга ҳеч ақлим етмайди. Ҳар доим майда-чуйдаларни четлаб ўтишга одатланган Феруза нега энди бирданига бунақа қилди? Эҳтимол, унинг куюнишида ҳам жон бордир. Рост-да, қачонгача танга санаб, ўн тийинни ҳам ҳисоб-китоб қилиб юрамиз. У ҳам бошқа аёлларга ўхшаб кийингиси, ўйнаб-кулгиси келади. Қолаверса, яхши еб, яхши кийинишни тусайди, ўрганган. Айтишича, хаёлидан кийимим эскирди, энди нима қиламан, деган фикр кечмаган сира. Мен билан турмуш қуриб нима кўрди? Истаган нарса-сини еб-ичиб, хоҳлаган кийимини кийиб юриш у ёқда турсин, эркин, бемалол яшай олмаяпти-ку. Анов эзма кампирнинг қош-қовоғига қараб чарчаб кетди бечора. Хўш, айби, гуноҳи нима? Мени яхши кўрганми? Оила кам-кўстини бутлаш эркакнинг иши-да. Оғир-енгилни бўйнингта олиб уйландингми бу ёғини эпла! Рўзғор тебратиш кўлингдан келмас экан, уйланмагин эди. Кўрпангта қараб оёқ узат! Ҳалиям Феруза шунча чидади. Бошқа киз бўлгандами – бир ой ҳам турмасди...

Ҳаммаси тўғри, лекин сабр қилиш керакми ёки сал нарсага... Ким тўқисликка бирдан эришибдики, булар эришади? Аста-секин бўлади-да. Қолаверса, нега энди нопок йўл кидириш керак? Ҳаром пулга рўзғор боқадими, яъни ўғлини нонга, сутга тўйдирадими? Ўша ҳисобдан меҳмон олдига ош-сув кўядими?! Йўқ, ҳаром-харишга берилгандан кўра оч ва юпун яшагани минг марта афзал!

Феруза ҳам шу фикрда эди-ку. Нега энди у айниб қолди? Сабр-тоқати етмадими? Нахотки? Йўқ, Саъдул-

ланинг ишонгиси келмайди – Феруза бу қадар енгил эмас, бу одат унга бегона...

Самолёт Тошкент кўналғасига кўнганини деярли сезмади. Миясини турфа хаёллар тинимсиз пармаларди. Гоҳ бу фикри тўғридай туюлар, гоҳ унисини маъқул кўрарди. Ҳушини йиғиб туйнукчадан ташқарига қаради: самолёт теп-текис йўлакдан визиллаб кетиб борар, чеккадаги тўсинлар ва ёритгичларни кўз зўрға илғарди...

Кўча бошида таксидан тушди. Уйга қандай кириб боришни ўйлади. Юраги зиркиради. Ҳеч ким йўқ – ҳувиллаб ётгандир. Ҳойнаҳой кампир ҳам келмаган. Бир жиҳатдан шуниси маъқул. Шундоқ ҳам юраги сиқилиб турганда олди-қочди гаплари билан баттар асабини бузади. Қани энди ўша можаро бирдан тушга айлансаю ҳозир дарвозани очиши билан Феруза кутиб олса, ўгли унга қараб талпиниб турса. Йўқ, афсуски, унақа эмас – бари ўнгида юз берган.

Ҳозир Феруза қаерда, нима қилаяпти экан?

Хаёл сурганча бир-бир босиб бораркан, кимдир жангалаган товуш билан отини тутиб чақирди. Чўчиб тушди. Илкис қаради:

– Чори!..

Ҳозир шу ҳолатда шу ерда Чорини учратиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Бир-бирлари билан узок кўришмаган ака-укалардек, ўпка-гина, ҳазил-мутойиба қила-қила, чексиз қувонч аралаш қайта-қайта кучоклашдилар.

Университетни битиргандан сўнг Чори Сурхондарё сари қанот қокқан, қайсидир туманда муқим ўрнашган, на иложки аввал хат билан алоқа боғлаб туришди, кейин эса... Негадир буни ҳам худо кўп кўрди.

– Юрибмиз сояни давлатингизда, – деди Чори. – Шаҳрингизга бир кеп қолувдик. Ўзларини зиёрат қи-

лайлик, деб изласак йўқлар. Дарвоза берк. Бошқа жойга кўчиб кетган бўсаларинг керак, деб ўйладим,

– Э, каёқда дейсиз, Чори. Ҳалиям шу ахвол. Мен кишлокка кетувдим. Феруза онасиникида бўлиши керак.

– Кишлоқлар тинчлик эканми? Ота-энангиз яхши юришиптими? – Раҳмат.

– Кани эса кетдик, – деди Чори гапни кесиб. – Бирон жойга бориб пича отамлашамиз. Барибир уйда ҳеч ким йўқ, ёлғиз экансиз. Феруза келгунча зерикиб ўтирасизми?

Саъдулла эътироз билдиrolмади. Бормай деса ўзи жўраси суҳбатини истаяпти, уйга таклиф килай деса, ахвол бунака. Кўнди.

Саъдулла нарсаларини уйга ташлаб чикди.

Чори такси тўхтатди-да «Зарафшон» ресторанига хайдашни буюрди. Дархол ўзини орка эшикка урди. Изидан Саъдулла кирди. Курғур Чори дадил, дангал. Бундай феъл унда илгари ҳам бор эди, энди яна ҳам бўртибди.

Ресторанда узок ўтиришди. Э-ҳе, нималар хусусида гаплашишмади. Студентлик ҳангомалари ҳам эсланди, пахтадаги ғалвалар ҳам қолмади. Гурунг айлана-айлана Саъдуллаларнинг тўйига такалди. Тўй шу ерда ўтганини Чори ҳавас билан эслади.

– Хўш, Феруза қалай? – деди Чори. – Қайнота-қайнонангиз тузукми? Ҳалиям замминистрми?

Арокнинг таъсирими ёки Чорининг бу саволлариданми, Саъдулланинг кўнгли сиркираб кетди. Кўз олда Феруза жонланди, унинг «Қачонгача танга санаб юрамиз?» деган таънаси кулоклари остида жаранглади. Чуқур хўрсинди. Маъюс тортди. Хушёрликни кўлдан бермайдиган Чори ненидир сизди. Аммо индамади, нима гап, деб сўрамади. Асли бунга ҳожат йўқ эди.

Саъдулла кўнгли тўлиб, тошай деб тургандики, ҳеч қанака турткисиз дардларини тўкиб солишга тайёр эди. Шундай қилди: Босиб-босиб сигарет тортаркан, омади юришмай қолганини – Феруза билан сану манга боргани, факультетга сиғишмаётганини оқизмай-томизмай сўзлади. Борай деса ери йўқ, ётай деса гўри йўқ бир ғарибман, деди хўрсиниб.

– Э, кўйсангиз-чи, – деди Чори унинг кўнглини кўтариш ниятида ўзини хушчакчак тутиб, – студентликдаги инжиклигингиз ҳаляям қолмаптида-а. Қайси оилادا гиди-биди бўлмайди? Шунгаям ота гўри козихонами?

– Бу майда-чуйда эмас-да, Чори. Келиб-келиб Ферузадан шу гапни эшитсам...

Чори уни қайирди:

– Э, Саъдулла, одам деган сал феълини кенгрок қилиши керак. Ҳаммаси чепуха, ўтади-кетади. Феруза унақа қизлардан эмас, тушунади. Бир хаёл билан айтган-қўйган-да. Ҳар на қилсаям аёл, у-буга кўнгли кетади. Сизу биз тугул, не-не корчалонларнинг уйидаям ўтади бунақа машмашалар. Парво қилманг. Феруза тушунади. Ана, мени айтди дейсиз, келади ўзи. Пушаймон қилиб юргандир. Мен ишонаман, Феруза келади, сиздан узр сўрайди... Одам сал ўзини қўлга олиши керак. Хаёл суриб, дарвешлик қилиб юраверган билан иш битмайди. Чори шишанинг тагида қолган арокни қадахларга қуйди. Қани, олинг жўра, саломатлик бўлсин, оилангизга тинчлик-тотувлик, кут-барака тилайман. Ишларингизга омад берсин. – Ичишди. – Хоҳласангиз ҳозир чиқиб ўзим Ферузага кўнғироқ қиламан. Дарров уйга етиб келинг, дейман.

– Кўйсангиз-чи, – деди Саъдулла.

Улар ресторандан чиқишганда соат ўндан ошган эди. Саъдулла шунча қистамасин Чори уларникига

бормади. «Эрталаб аэропортга чиқаман. Меҳмонхонага борай, нарсаларимни тайёрлаб қўймасам улгуролмай қоламан. Иш кўп, жўра. Республика прокуратурасига бир зарур иш билан келувдим. Сизни кўрмай кетсам гуноҳга ботардим. Ўзингиз боринг Сурхондарёга», деб хайрлашди...

Саъдулла коронғи тор кўчадан уйга судралиб бормоқда.

– Феруза! Нахотки, у энди қайтиб келмаса? Ёки Чори айтганидай тушунармикин?.. Эҳ, Феруза, Феруза!..

Дарвозага шошилмай яқинлашди. Қараса, ховлида чироқ ёниқ. «Кампир шу ерда экан-да...» Ичкарига кирди. Кампир турадиган уй эшиги дарвоза рўпарасида. Саъдулла ҳовлига кадам босиши билан ўша эшикка кўз ташлади: ёпиқ. «Ие, кампирни нима жин урди, эшигини ёпиб ўтирипти», у ҳали бирон марта кампир эшигини бекитиб қўйганини кўрмаган эди. Қиш кунлари ноилж ёпар, ўшанда ҳам сал кун йилтилласа дарров эшигини очиб юборарди. «Юрагим сиқилиб кетди, отам. Ёруғ жаҳонни кўриб турай», дерди.

Индамай ўз кулбалари томонга йўналди. Не саодату не кувонч бу – эшик очик. Юраги шувиллаб кетди: Феруза келдими? Остонадан ичкарига бир кадам қўйиши билан дунёдаги энг азиз, энг суюмли кишисига дуч келди.

Феруза!..

У гангиб қолди: тушими ёки ўнги?

Соғинч, беҳудуд соғинч аксланган, интизорлик, тотли интизорлик билан тўлган нигоҳлар тўкнашди. Худди лаҳза кутган, орзу қилган интиқ, маъсум нигоҳлар.

Бир маҳал ўзига келса Феруза оғушида. Ким аввал отди ўзини – Ферузами, Саъдуллами – иккови ҳам билмайди. Жимгина ўпишишди, сўнг яна нигоҳлар учрашуви, чуқур-чуқур энтиқишлар.

Феруза йиғлаб юборди. Саъдулланинг ҳам ўпкаси тўлиб кетди. Ҳеч қачон – энг ташвишли кунларда ҳам бу қадар хўрлиги келмаган эди. Томоғига нимадир тикилди, ожизлигини билдирмаслик учун уни тағин ўпа кетди, ўпди. Қайноқ бўсалар Ферузани аллақачон сархуш қилиб қўйган, у Саъдулладан келаётган арок хидига ҳам эътибор бермас эди. Суюклиги оғушида ўзи сезмаган ҳолда нозланар эди.

XIV

Кафедра мудири мужмаллик билан масалани ҳалигидай кўндаланг қўйгандан сўнг Саъдулла ўқитувчилик билан хайрлашган, домласи аралашуви билангина аспирантурада базўр қолган эди.

Ўшанга ҳам ярим йилдан ошди. Аспирантура муддати тугаяпти. Демак, тезрок ёклаши керак. Бирок илмий иши ҳали на муҳокама қилинган, на таржима. Шу вақт давомида кафедра мудири олдига бирон марта ҳам бормади. Нима дейишини ўзи билади. Ишдан ҳайдаган, иложини топса аспирантурадан ҳам қувишни мўлжаллаган одам энди унинг диссертациясини муҳокама қилармиди. Муҳокамага қўйган тақдирда ҳам оқибати маълум-ку.

Домласи маслаҳати билан индамай ишини қилиб юраверди. «Думни бунақа қилпиллатишлар вақтинча, ўғлим, – деди бир куни домласи. – Кафедра мудири ҳам, бошқалар ҳам ҳадеб қариллагани билан узоққа боришолмайди. Ҳамма нарсанинг охири бор. Сенга ўхшаганларга албатта йўл очилади...» «Лекин қачон, домла? – деди Саъдулла. – Ахир унгача бизнинг ўзимиз тамом бўламиз-ку». «Гапинг тўғри, – деди кекса профессор, – гапинг тўғри, ўғлим. Бирок шош-

машошарлик кетмайди. Одам ҳар бир ишни ўйлаб, шошилмай бажариши керак. Токи кейин пушаймонда қолмасин. Кўриб турибсан, ҳамма жойда ўзгариш кетяпти. Адолат, ҳақиқат юзага чиқяпти. Шу тўлқиндан биз ҳам четда қолмасмиз... Шунинг учун майда-чуйдаларга эътибор бермай илмингни пухта қил, диссертациянгни яна кўр, қайта-қайта таҳрир қил. Кейин русчага таржимасини ўйлаш керак. Лозим бўлса, Москвага олиб бораман, ўша ерда ҳимоя қиласан. Битта-иккитанинг бузғунчилиги билан яхши бир иш йўқка чикмайди. Бир оз сабр қилайлик-чи, агар натижа кўринмаса ўзим вазирликка бораман. – Сўнг гўё эсига бир нарса тушгандай профессор ўйланиб қолди, шогирдига синчков тикилди. – Менга қара, бир нарсани очик-ойдин, яширмай айт. Бу қайнотанг билан ораларинг нега бузилган?» Саъдулла ўйланиб қолди. «Бузилмаган орамиз, домла. У киши билан орамиз нега бузилиши керак? У катта одам – замминистр, мен эса...» Профессор сал жаҳлланди: «Кўп латтачайнарлик қилма. Биласан, унака одамларни жиним суймайди. Менга шапшап дегунча шафтоли де. Чайналасдан бор гапни айт-қўй-да». «Домла, – деди Саъдулла, – мен ҳам ҳеч кимга, хусусан, сизга сира ёлғон гапиролмайман. Ростини, у киши билан орамиз бузуклигининг сабаби – мен у кишининг йўлига юрмадим, айтганларини қилмадим. Ҳатто хотиним, яъни у кишининг қизи ҳам мен тарафда. У одамнинг айтганларига кўниш учун мен виждонимни, ор-номусимни, йиғитлик шаънимни оёқ ости қилишим, сотишим керак эди...» Профессор кулди: «Шундай қилганингда аллақачон фан кандидати, эхтимол доцент ҳам бўлардинг». Саъдулла қизишиб кетди: «Тупурдим мен ундай кандидатликка!» Профессор унинг елкасига қў-

лини ташлади: «Раҳмат, ўғлим! Сени шогирдликка олиб янглишмаган эканман. Унака йўллар билан диссертация ёклаганларнинг кўпини кўрганман. Чўнтагида дипломи бор, калласида эса алиф ҳам йўқ. Фақат чўнтагини ўйлаб «олим» бўладиганлардан ҳазар қиламан. Ундан кўра бошқа иш қилиш керак. Ахир тирикчилик ўтказишнинг йўллари кўп-ку. Мени кечиргин-у, ўғлим, сенинг қайнотанг ҳам ўшанақа «олимлар» тоифасидан. Уни яхши биламан. Талабалигиданок мансабга ўч эди. Қандай қилиб кандидат бўлди – ақлим етмайди... – Профессор бир зум жим қолди, кейин секин Саъдулла томонга энгашди: – Энди бир сирни айтай. Фақат орамизда қолсин. Бўптими? Сенинг ишларинг «юришмаётган»ига, кафедрадан кетганингга ким сабабчи, биласанми? Билмайсан! Энди айтай, қайнотанг! Нима учун дейсанми? Эшит. Аввало, мана ўзинг айтдинг, сен билан муносабати яхши эмасакан. Тўғрими? Бундан ташқари ва энг асосийси, сен менинг аспирантимсан. Олим Акбарович докторлик диссертациясини ёклаганида мен қарши чикувдим. Чунки, ўғлим, яна мени ичи қора одам экан, деб ўйлама, у диссертация эмасди. Ҳатто кандидатликка ҳам арзимас эди. Мансабдор бўлгани учун ҳамма кўтар-кўтар қилди, оламда ҳали бунчалар катта кашфиёт яратилмаган деб жар солганлар ҳам топилди... Шундан бери менга адовати бор. Бўлмаса, унча-мунча домланинг ҳадди борми Олим Акбарович куёвининг диссертациясини муҳокамадан ўтказмасликка, ҳатто уни ишдан бўшатиб юборишга... – Профессор чуқур хўрсинди. – Ҳа-е, ўғлим, шунака даҳмазалар... Алжирамоқчи эмасдим, гийбат мендай қарияга ярашмайди. Лекин сени азбаройи яхши кўрганимдан, ҳасратлашгим келди. Майли, хабардор бўлиб қўй, бун-

дан кейин кадамингни ўйлаб босгин, деган маънода юрагимдагини айтдим, токи аллақандай мунофиқ ва худбин одамларнинг оёғи остида эзилиб, хор бўлиб кетмагин».

Профессор билан суҳбатга берилган Саъдулла кайнотасининг пичингларини эслади. Ҳатто бир марта сал айтишиб колишганда, Олим Акбарович уялмай-нетмай «Бу гапларни сизга устозингиз, ўша ичи қора профессор ўргатган. Биламан, у доим сизни манга кайраб солади. Аммо у қари чол чучварани хом санапти. Мен билан олишишга ожизлик қилади. Не-не забардастлар ман билан курашаман, деб бели чикиб кетган. Шарти кетиб, парти қолган чолга йўл бўлсин», деб керилган эди. Куракда турмайдиган пўписалардан Саъдулланинг ғазаби қайнаб, «Профессорни тинч кўйинг! Қолаверса, мен бузоқ эмасман, ким қаёққа етакласа индамай эргашиб кетаверадиган» деб қатъий жавоб берганди. Қайнотаси билан орасида кечган хуш-нохуш баҳсларни шаксиз профессорга айтмаган. Бугунги суҳбатдан сўнг масала Саъдулла учун янада ойдинлашди. Бир ўқинди, бир ғазабланди. Наҳотки, одам шунчалик тубанликка борса?

Саъдулла кафедрадан кетгандан сўнг Феруза ўғлини боғчага жойлаштириб, ишга кирди. Ҳарна-да, арғамчи-га қил – қувват. Саъдулла оладиган арзимас стипендия билан тирикчилик ўтадимми?! Саъдулла ҳам ишга жойлашмоқчи бўлди. Феруза кўнмади. Ҳозирча ман ишлайман, сиз диссертациянгни эзинг, деб гапни кескин қилди.

Бир куни Саъдулла уйга кеч қайтди. Сездик, Ферузанинг таъби хира, ковоклари солинган.

– Тинчликми? – деди хавотир билан. Нечундир Феруза жавдиради, жавоб қилмади, тўрсайганча дераза-

га ўгирилиб олди. Баттар ташвишга тушган Саъдулла аста елкасидан ушлаб, уни ўзига қаратди ва саволини такрорлади.

– Адамлани ишдан бўшатишипти, – деди ниҳоят Феруза пиқиллаб.

– Шунчаки бўшатишиптими, бошқаси тинчликми ишкилиб?

– Ҳали номаълум эмиш. Текшириш давом этаётганмиш. Кимлардир адамни сотган эмиш. Ишкилиб, охири бахайр бўлсин-да...

Саъдулла кўнглини алланечук ачиниш ҳисси чулғадди, Ферузага тасалли берди.

– Кўйинг, эзилаверманг. Дадангиз ишдан бўшаса ҳеч нарса эмас. Энг муҳими, бошқа овора қилишмаса бас. – Тергов дейишга тили бормади, Феруза не кўйга тушишини ўйлади. Ўзи ҳозир қизиб турибди. Бордию оғзидан ҳалиги сўз чиқиб кетса, бечора куйиб кетиши тайин. – Бир бориб келамизми ё?

– Бугун кеч бўлди. Эртага борармиз, – Феруза кўзларини ишқалаб ошхонага чиқиб кетди. – Ўтиринг, овқатингизни олиб келаман.

Дастурхон устида ҳам, кейин ҳам уларнинг гурунглари қовушмади. Чамаси қовушиш учун нимадир етишмасди, лекин шу нарса нима – иккови ҳам билмасди.

Эрталаб ўрnidан бирмунча ланжланиб турган Саъдулла ўзича аввал алғов-далғов тушларини муҳокама қилди. Сўнг домлага учрашиш кераклигини эслади, нонушта қилиб факультетга жўнаркан, хотинига тайинлади:

– Сиз ишдан кейин Улуғбекни олиб ўтаверинг. Мен ишимни битказиб тўғри шу ёққа бораман.

– Сени кўрганим жуда яхши бўлди, ўғлим, – деди профессор. – Табриклайман!

– Нима билан, домла? – деди Саъдулла бўшашиб.

– Ҳали эшитмадингми? – Профессор уни бир чеккага бошлади. – Янгиликдан орқада қопсан, ўғлим. Кафедра мудирингни ишдан олиб ташлашди-ку.

– Нега?

Таажжуб аралаш берилган савол профессорга ғалати таъсир қилди чоғи, дафъатан унинг куюк, оппоқ қошлари уйрилиб, кичкина кўзларини бекитди.

– Емоқнинг қусмоғи бор, деган мақолни эшитганмисан? Демак, уларнинг қусадиган пайти кепти. Биласанми, ким мудир бўлди?

– Йўқ.

– Собиржон, – деди профессор мамнун ҳолда.

Собир Жамиловни Саъдулла яхши танийди. У ҳам шу профессорнинг шогирди. Бир йил олдин докторлик диссертациясини ёклаган. Осонликча бўлмаганини ўшанда профессордан эшитганди. «Кўрдингми, ўз сўзида, ахдида қаттиқ турди. Илм дегани – машаққат, ўз қарашларинг ва фикрингни исботлаб химоя қила олмасанг, яхшиси илм йўлига кирмай кўя қол», деганди ўшанди профессор.

Кейинча у Собиржон билан профессорнинг уйида бир неча марта учрашишган, суҳбатлашганди.

– Бошқа гапдан хабарингиз йўқми, домла? – деди Саъдулла.

– Нима гап экан, бўтам?

– Олим Акбаровични ишдан олишипти.

Профессор оғир бурилиб қаради: Таги жуда бакуват эди-ку.

– Анчадан бери текширишаётган эди...

Профессор одатига кўра Саъдулланинг елкасига кўлини ташлади.

– Хафа бўлма, ўғлим. Ишдан кетган битта сенинг қайнотанг эмас. Замон талаби шундай. Энг муҳими, сен шуларнинг йўлига юрмагансан. Ўз эътиқодингда собит тургансан. Бундан кейин ҳам шундай қил. Бу гапларни кўй. Ишингни тезлаштир...

– Яхши, домла.

– Хайр, омон бўл! – Профессор шундай деб кўл чўзди. Саъдулла у билан хайрлашиб, юкори каватга кўтарилди. Коридордан шахдам қадамлар билан бораётган эди, рўпарасидан Собир Жамилов чиқиб қолди.

– Салом, Собиржон ака... Табриклайман, ҳозиргина домладан эшитдим.

– Ие, Саъдуллахон, яхшимисиз? Раҳмат. Қаёқларда юрибсиз, ҳеч кўринмайсиз. Қани, бу ёққа юринг-чи.

Саъдулла янги мудир билан бирон соат суҳбатлашди. Хонадан чиққанда кайфияти чоғ, ўзини қушдай енгил ҳис қилар эди. Бир мўъжиза рўй бериб икки елкасига иккита қанот битса-ю, осмону фалакка учиб кетса...

У зиналардан югуриб тушаркан, кейинги икки-уч йил мобайнида ҳозиргидек хурсанд бўлган пайтини эслай олмади.

Кўчага чикди. Энди қилиши лозим бўлган ишларини хаёлидан ўтказди. Ҳуш-фикри қайнотасининг уйига оғганда яна кўнгли хижил тортди. Бормаса бўлмайди, борай деса яна кош-қовоғи, димоқ-финоқ... Ёки энди унақа қилмасмикан? Қаёқда, ўрганиб қолган, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди...

Барибир боради. Лоақал Феруза учун...

МУҚАДДИМАНИНГ ДАВОМИ ёки ХОТИМА

...Беш-олти зина тушгандан сўнг кутилмаганда рўпараси ёриша бошлади. Саъдулла тўхтади. Атрофга аланглади. Бу нур, бу ёруғ қаердан келяпти?

Ё тавба! Ҳозиргина у юқоридан пастга тушиб келаётган эди. Зинанинг охири кўринмасди. Назарида у ер остига кириб кетганди. Энди эса у пастга тушмайди, юқорига кўтарилиб боради. Ажабланиб орқасига ўгирилди, во ажабо, ҳали ўзи тушиб келган зина тескари туриб колдимикин? Йўк, ундай эмас – орқа томонда ҳеч қанақа зина йўк. Ўша ўзи тушиб келаётган зина уни юқорига бошлаб турибди. Бу не ҳол? Ҳозиргина зимистон эди бу жойлар, энди эса оҳиста ёришиб бормоқда.

Аста-аста одимлади. Яна бир кадам, яна... Юқорига кўтарилиб бораверди. Қадам олишлари ҳам енгил, чарчамайди, хансирамайди.

Энг юқорига чикди. Қараса, рўпарада – қандайдир эшик. Ҳалиям шуни учратувди. Очмоқ истагида итарганди, ёпик экан, очилмовди, У яна қандай қилиб қаршисида пайдо бўлди? Энди қаерга боради? Бу эшик ёпик! Яна орқага қайтиб пастга тушиб кетадими?

Ўзига ўзи савол бериб, иккиланиб турганди, рўпарадаги эшик шарақлаб очилди. Кимдир келаётгандир, деб Саъдулла ўзини четга олди. Лекин ҳеч ким кўринмади. Ҳайрон қолди, Бу не ҳол, не синоат? Эшикни ким очди?

Кимнингдир овози янгради: «Юр! Олдинга юр! Нимага қараб турибсан. Эшиклар очилди-ку!»

Чўчиб тушди. Аланг-жалаңг қилиб атрофни кузатди. Шовур сезилмади. Бу кимнинг овози? Про-

фессорникими ёки Собир Жамиловники? Йўқ, Ферузанинг овозига ўхшайди. Қўйсангчи, эркак киши садо берди-ку! Ҳа, топдим – отам! Э, тавба, сал бўлмаса қиблагоҳимнинг овозини танитай қолаёзипман-а! Тағин аста илгарилади. Яқин борса эшик ёпилиб қолишидан кўркди. Йўқ, ундай бўлмади. Остонадан хатлади, не, қаерга келиб қолди? Бир томони факультет ҳовлиси шекилли, бир тарафи кампирнинг торгина жойи-жалолини эслатади, ана у боғлар, тоқзорлар эса худди қишлоғи манзаралари. Ҳов анови олмайю анорларни қачонлардир отаси билан ўзи экканди.

Қизик, энди қаршида бир нечта катта-кичик эшиклар ярқиради. Очилаверди, очилаверди...

У қулочини қериб, тўйиб-тўйиб нафас олди. Олисдан, жуда олисдан нидо келди:


– Эшиклар очик!!! О-о-чи-к!

Дубулта – Тошкент

1986 йил



ҲИКОЯЛАР



СЕВГИ СОЗИ

Ва шаббода курғур илк сахар
Олиб кетти гулнинг тотини.

Ҳамид Олимжон

Келишилган вақтдан ҳам ўн беш дақиқа ўтди. Нега келмаяпти? Узоқ эмас, ана ишхонаси.

Нигоранинг юраги ғашлана бошлади. Бекатнинг одам камроқ томонига ўтди. Кулокнинг пардасини йиртгудек момақалдирик гумбурлади. Ҳозиргина чараклаб турган қуёш юзини булут қоплади. Нигора соатига қаради: олти ярим. Унинг кўксидан нимадир узилгандай чим этди. Юрак уриши тезлашди. Бир жойда туролмади, секин у ёқдан бу ёққа юра бошлади. “Ишхонасига кириб чиқсаммикан. Тинчликмикан ишқилиб?.. Икки соатча бурун ўзи телефон қилди-ку. Тўй масаласини гаплашиб оламиз, деди. Энди эса... қўнғирок қиламан...” У телефон автомат томон юрди.

– Алло, Фарҳод ака...

– “Нима”?

– Нега чикмаяпсиз?

– “Вақт йўқ!”.

– Вақт йўқ? Нега ахир...

– “Вой мунча чўздингиз гапни. Вақт йўқ, дедим-ку. Ўртоқларим кеп қолишди”.

– Шунини шундоқ чиқиб айтиб қўйсангиз бўларди-ку. Бугун тўй масаласини...

– “Хотин зотини эзмалигини ёқтирмайман-да. Бунча ҳовликмасангиз! Бир кун бўлади-да шу тўй. Тўйсираб қолмасангиз бунча!.. Бошқа кун гаплашамиз, хайр!”.

Телефон дастагини илгакка осдими-йўкми – билмайди. Унинг хаёллари пардай тўзғиди. Сумкасини кўлтиғига қисганча бир-бир кадам босиб борар, қаёкка кетаётганини ўзи ҳам билмас эди.

Чакмоқ чакди. Нигора чўчиб тушди. Бирдан ён-атрофига аланглади, хаёлини йиғиштириб олди. “Қаёққа кетаяпман, кимнинг олдига бораяпман?” Хиёбон четидаги ўриндикқа ўтирди. Ҳозиргина рўй берган воқеалар тушидами-ўнгидами кечганини бир лаҳза англай олмай қолди. Еру осмон қоп-қора тус олди. Нигора ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо туролмади, узок ётган бемордек ҳолсиз, мадорсиз эди. Наҳотки, уларнинг ҳаммаси энди ўтмишга айланса! Унинг шунча гаплари, шунча ваъдалари ёлғонми? Одамзод шунчалар субутсиз бўладими? Яна йигит киши-я! Наҳотки? Ҳар гал учрашганимизда хаёл қиладиган орзуларимиз, ниятларимиз пучмиди? Шунча орзу-ҳавасларни, ваъдаларни фақат ўзининг қабих ниятига етиш учун қилганмиди? Шу қадар пастликка, тубанликка борадими? Ёки ўзим шунчалар гўл, овсарманми? Унинг сўзлари ёлғон, ваъдалари пуч эканига ақлим етмадими, лакка тушдимми? Бу мумкин эмас! Фарход ака унакамас... У ҳолда бугун нега унақа қилди? Ўзи чакириб, ўзи чиқмади. Ўртоқлари келса нима кипти. Учрашадиган жойимиз шундоқ бурнининг остида эди-ку. Чикиб шунақа бўп қолди, деса ёқасидан олармидим... Неччи ойдан бери ана совчи боради, мана совчи боради, деб келади. Йўк, бу ерда бир гап бор... “Хотинларнинг эзмалигини ёмон кўраман, бунча тўйсираб қолдингиз...” Нима дегани бу? Хотин! Ахир мени... У ўкириб йиғлаб юборди, ўзини тутолмади. Юз-кўзларини рўмолчаси билан беркитиб йиғлар, бутун вужуди қалт-қалт титрар эди. Йиғлаган

сари ичидан алам, ўртаниш бостириб келар, бу туйғулар кўз ёшларини айланиб сизиб чиқар эди...

Январнинг ўрталари. Ҳали кўчалардан, трамвай-троллейбуслардан янги йил шиорлари олинмаган. Дўконларнинг ойналаридаги совға кўтарган Қорбобо расмига болалар ҳавас билан термилишади. Одамларнинг кайфиятини ҳам байрам руҳи тарк этгани йўқ.

Нигора учрашувга сал кечикиб келди.

– Қизларнинг одати йигитларни куттириш экан-да, – деди Фарход жилмайиб. – Яна бир оз келмасангиз музлаб қолардим.

– Ҳечқиси йўқ. Сиз анча-мунчага музламайсиз. Борди-ю музласангиз, ўзим эритиб оламан.

– Мени эритишга нафасингиз етармикан?

Нигора ҳам бўш келмади.

– Шу қадар қаттиқ эмасдирсиз.

Кулишди.

– Йўқ, унчалик қаттиқ эмасман, мана эриб келдим.

– Нима ҳаракат?

– Биласизми, Нигорахон, бир таклиф бор. Йўқ деманг.

– Қани аввал эшитайлик.

– Совукни кўриб турибсиз. Бу совукда киноям унча ёқмайди. Хўп десангиз бир жойга борамиз.

– Қаерга, билсак бўладими?

– Менинг бир ўртоғим бор...

– Туғилган кунгами?

– Бердисини айтгунча уриб ўлдирманг. Ўша ўртоғим уйининг калитини менга бериб кетган. Ҳар замонда хабар олиб турарсан, деб. Ўзи Москвага кетган, иш билан. Ҳеч ким йўқ, икковимиз гаплашиб ўтирамиз. Мусиқа кўямиз. Майда-чуйда олганман, сиз овқат пиширасиз. Қани кўрайлик-чи, канақа пазанда экансиз.

Нигора майин жилмайди:

– Мени синаб кўрмоқчимисиз?

– Синовмас-ку, ҳар ҳолда...

– Менимча бу синовингиздан қийналмай ўтсам керак.

– Кетдикми?

– Қандай бўлар экан?

– Қандайи борми, жуда яхши бўлади-да, иссиққина уйда суҳбатлашиб ўтирганга нима етсин.

– Негадир оёғим тортмаяпти.

Фарҳод унинг қўлтиғидан олди.

– Қўйсангиз-чи, шунака эски гапларни. Ким айтади сизни замонавий қиз деб.

– Бировнинг уйига бориб ўтириш... Эгаси йўқ...қандайдир ғалати-да.

– Юринг-юринг, – деди Фарҳод уни олдинга бошлаб, – биров эмас, ўз уйимдек гап. Бўлмаса менга калитини ишониб бериб кетармиди. Ёки гапимга ишонмаяпсизми? – У чўнтагидан калитни олиб кўрсатди.

– Мана...

Ўртоғининг уйи Қорақамишда эди. Тўртинчи қаватда, уч хонали. Жихозлар, буюмлар чет элники, қимматбаҳо, хоналар ҳашамдор.

– Ўртоғингиз яхши турар экан. Бирга ишлайсизларми?

– Узумини енгу боғини сўраманг, Нигорахон, – Фарҳод тўрхалтадаги нарсаларни олиб столга қўя бошлади. – Бошқа жойда ишлайди. Бизнинг маошларга қаноат қиладиганлардан эмас у...

Нигора уйни кўздан кечираркан сўради:

– Бола-чақаси каерга кетган?

– Қизиксиз-а, Нигорахон. Унинг бола-чақаси... йўқ, чақаси бор, боласи йўқ.

– Нега? – хайрон қолди Нигора. – Уч хонали уйда ёлғиз ўзи турадими?

– Оббо, сизни боғчада тарбиячи десам, туппа-тузук терговчи ҳам экансиз-ку. Болалари бор эди, хозир йўк. Хотини кетиб қолган. Ундан кейин, йўлини топган одам битта ўзи уч хонали эмас, тўрт хонали уй ҳам олаверади. Оғайним ана шунақа йўлини биладиганлардан.

Нигоранинг юрагига аллақандай шубҳа соя ташлади. “Сен дўстинг кимлигини айт, мен сени кимлигингни айтиб бераман. Наҳотки? Йўғ-э, ундай бўлиши мумкин эмас...” У зимдан Фарҳодни кузатди. Йигит чакқонлик билан масаллиқ тайёрлар эди.

– Хўш, Нигорахон, нима овқат ясаймиз? Тергов тугади шекилли...

Нигора индамади. Оҳиста бориб радиоприёмник кулоғини буради. Концерт бўлаётган экан:

Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо килма...

Иккови биргалашиб димлама пиширишди. Фарҳод коньякни очди.

– Мен ичмайман, Фарҳод ака.

– Озгина-озгинадан.

– Барибир.

– Ҳув анави куни ичувдингиз-ку.

– Унда туғилган кунингиз бўлгани учун озгина ичувдим.

– Бугун ҳам жиндаккина, кўп эмас. Бусиз ғалати, нимадир етишмаётгандай кўринади. – Коньяк тўлдирилган биллур қадахни Нигорага узатди. – Қани, олинг. Сизнинг соғлигингиз учун!..

Аста-секин кадахлар бўшади. Гап-гапга ковушди, кулфи диллар очилди. Юзлар лола рангини олди. Қайнок бўсалар газак ўрнига ўтди. Бир-биридан ширин орзулар, хаёллар. Уларнинг чеки-чегараси йўқ. Тўйдан кейинги саёхатлар... Улар ҳозир бетон уйнинг тўртинчи кавати эмас, осмону фалакда, парку булутлар устида, турфа орзулар оғушида эдилар.

Дунёда улардан бахтли, улардан шод одам йўқ эди гўё...

Нигора ўрнидан туриб сочларини тўғрилади. У йигитга қарай олмасди. Фарҳод ичкилик, севгидан сархуш.

– Энди нима бўлади? – Нигоранинг овози титраб чиқди. Йигит индамади. Қиз аста ортига ўтирилиб, унга қаради. Фарҳод нигоҳини бир нуқтага кадаганча миқ этмай ётарди. Унинг бу қадар бамайлихотирлиги қизнинг дилига шубҳа солди. У саволини яна такрорлади.

– Нима бўлади энди?

Фарҳод жойидан туриб ўтирди:

– Ҳеч нарса. – Негадир унинг товуши ҳиссиз, туйғусиз эшитилди. – Эртами-кечми, барибир бир кун бўладиган иш-да.

– Лекин ҳар ишнинг вақти-соати бор.

– Вақти-соати бугун экан-да, – деди Фарҳод илжайиб.

– Бугун эмас эди...

– Нима, менга ишонмайсизми? Бўлмаса нега рози...

Нигора ялт этиб Фарҳодга қаради. Унинг бу қарашда ҳайрат, ажабланиш, савол, айни чоғда нафрат мужассам эди.

– Фарҳод ака?!

Фарҳод қизнинг сочлари ёйилиб турган елкасидан кучди.

– Ҳазиллашаяпман, жоним.

Қиз турган кўйи:

– Бу ерга олиб келишдан мақсадингиз шумиди?!

Юрагим бир балони сезган эди-я.

– Қалбингга кулок сол, деб бекорга айтишмаган-да.

Қиз йигитнинг қўлларини силтаб ташлади:

– Уялмайсизми?

– Асабийлашманг, азизим. Бу гаплар ҳазил. Сал кунлар илисин, совчилар боришади. Баҳорда тўй қиламиз. Хавотир олманг, ҳаммаси изига тушади.

Ўша гапга ҳам тўрт ой бўлди. Ҳамон совчилардан дарак йўқ. Қайтанга муомаласи ўзгариб бормокда. Баъзан учрашувга ҳам келмайди, кейин турли баҳоналар топади. Олдинги ширинсуханлик йўқ, орзу қилишлар, хаёл суришлар камайган. Нигора Фарҳод билан ўтказган дамларини бирма-бир таҳлил қила бошлади. Унинг ҳар бир ҳаракатидан, гап-сўзларидан сунъийлик, ясамалик кидира кетди. Нега шу пайтгача эътибор бермадим? Одамнинг боши тошга теккандан сўнг кўзи очилар экан-да... Бугун бунақа муомала. Муддаоси нима? Наҳотки, мени лақиллатиб юрган бўлса?

Нигора ўзи билан ўзи олишар, томчилаётган ёмғирга ҳам эътибор бермас эди.

Оғир хўрсиниб ўрнидан турди. Ҳали вақт эрта эса-да, ҳаво айнигани учун коронги тушиб колди. Нега боя индамадим? Шартта олдига кириб бориб, очик-равшан гаплашиб олсам бўларди-ку. Ниятингиз нима, деб сўрасам еб кўярмиди. Ўзим ўлгудек ланж, кўнглим бўш-да.

Ёмғир кучайди. Ҳаш-паш дегунча усти хўл бўлди. – “Тезроқ уйга қайтиш керак...” Бекатнинг соябони остида ёмғирдан паналади. Совуқданми, аламданми

дағ-дағ титради. Икки кўзи автобус йўлида, лекин онда-сонда ўтиб қоладиган енгил машиналарни хисобга олмаганда, кўча жимжит. Ҳатто кўркинчли. Нигора нима киларини билмай колди. “Нариги кўчага ўтай-чи, балки у ерда такси-пакси топилар”.

Кўчани кесиб ўтаётган эди, бир машина олдига келиб қаттиқ тормоз берди. Ғилдиракларининг чийиллаганидан у кўркиб кетди. Ҳайдовчи ойнадан бошини чиқариб бақирди:

– Ҳой, таъвия, кўзингга караб юрсанг ўласанми?! Ёмғирда базўр тўхтатиб қолдим. Акс ҳолда, дабдаланг чиқарди. Сен-ку гўрга, аммо менинг бешта боламни Ойша холанг боқадими.

У сўкина-сўкина машинасини юргизиб кетди. “Бугун нима жин урди мени... Эсон-омон уйга етиб олсам майли эди...”

Такси бекатига борди. Уч-тўрт киши навбат кутиб турибди. Такси йўқ. Тезроқ кела қолсайди, деб ичини ит тирнайди. Бир томондан совкотиб кетди, иккинчи томондан, акаси бир тишини арра, бир тишини бўлта қилиб ўтиргандир. Мўлжалдан сал кеч қолса, ўша куни Нигора сўроғу маломатдан қутулмайди. Фарҳод билан муносабатини акаси билмайди. Шу боис Нигора учрашувга кам чиқади. Унда ҳам кундузи. Акасига ўртоғимникига бориб келаман, дейди. Ота-онаси унчалик тергамайди, қайтанга акасини сал босиб туришади. Бироқ акаси на отасию, на онасининг гапига кулок солади. Ҳадеб Нигорани суриштиргани-суриштирган. Қаерга бординг, қачон бординг, қанча ўтирдинг, қачон келдинг... “Бугунам акамдан эшитадиганимни эшитаман...”

Ниҳоят, унинг навбати келди. Такси бир оз юргач, пулини тайёрлаб кўймоқ ниятида, сумкасини очди.

У ёғини титкилади, бу ёғини титкилади. Пул йўк. “Кундузи бор эди-ку... Тушликда мен тўламадим... Ҳа, дарвоқе, Ҳалима қарз олувди. Расво бўпти-ку. Энди нима қиламан?” У сездирмай ҳайдовчига назар солди. Ёшгина, келишган йигит. Тўғриси айтса кўнар. Уйдан олиб бераман, дейди-да.

– Кечирасиз, – деди Нигора тутилиб. – Пулимни йўкотиб кўйибман. Уйдан олиб чиқиб берман.

Ҳайдовчи унга савол назари билан қаради-да, индамай йўлида давом этди.

Йўл четида турган икки йигит кўл кўтарди. Машина тўхтади.

– Юнусободгача...

– Чиқинглар.

Машина жилди. Кабинани бир зумда ароқ хиди тутди.

– Уф, хайрият-эй, – деди йигитлардан бири, – ётгунча одамни тоза хуноб килди-да.

– Қаердан олиб келдингиз? – деб сўради ёшроғи.

– Ишхонасидан. Роса ичди ўзиям. Оёқда туролмайдиган бўлиб қолди. Базўр таксига солиб келдим.

– Фарход ака ўзи кейинги пайтда кўп ичадиган бўлиб қолди-да, – деди ёш йигит.

Фарход номини эшитиб Нигоранинг эти жимирлаб кетди. “Нахотки, ўша бўлса, Фарход аканинг ўртоқларимикан?” У индамай йигитларнинг гапига кулоқ осди.

– Бир неча марта айтдим, мунча ичиш нима зарил сенга, дедим. Қаёқда, кулоқ солмайди, дардим кўп, билмайсан, дейди.

– Нима дарди бор экан?

– Э, гап-да, ўзи соғ-саломат, бола-чакаси эсон-омон... – Нигора устидан бир пақир совуқ сув куй-

гандай сизди ўзини. “Хотини, бола-чақаси... Наҳотки, мени алдаб юрган бўлса...йўк, булар бошқа одам ҳақида гапираяпти. Фарход ака унақалардан эмас...”

– Боя нима дейди-я, бир қизни яхши кўраман, шунга уйланмоқчиман, дейди. Эсингни йиғ, дедим, учта болангни ўйласангчи, дедим. Ичиб олиб роса эзмалик қилди. Ҳозиргина кўнғирок қилди, тўй масаласини гаплашамиз, чикинг деди, чикмадим, дейди. Ичавериб мияси айниб қолганми нима бало. Қайси аҳмоқ қиз қараб турган экан бу кишимга тегаман деб...

Нигоранинг кулоқлари чиппа битди. Кўзлари кўрмай қолди. Еру осмон чирпирак мисоли айланиб кетди. Таксида кетаётганини ҳам унутди. Инграб юборди. Ҳайдовчи сизди, сизди-ю, совқотган шекилли, деб ўйлади. Нигора иродасини қўлга олди. Бутун кучини тўплади. Бегоналар олдида сирини фош қилишдан ўзини тийди, тия олди. Лекин шу лаҳзада унинг кўзига жамики эркак зоти ёмон кўриниб кетди. Орқада ўтирган икки йигит ҳам, ҳатто мана шу таксичи ҳам худбин, ёлғончи, мунофиқ. Булар ҳам кимнидир алдаган, бадном қилган... Нигоранинг назарида бутун ер юзини алдамчилик, разиллик, шахсий манфаат, шахсий хузур-ҳаловат ташвиши қоплаб олгандай эди.

Такси трамвай йўлидан ўнгга бурилди.

– Шу ерда бизни туширинг, – деди ёшроқ йигит. Улар тушиб кетишди.

Нигора миқ этмас, миясида турфа фикрлар ғужғон ўйнарди. “Нима қилиб юрибман ўзи? Нега у ёк-бу ёкка карамадим? Шунчалар ҳам лақма бўладими одам деган! Бола-чақаси бор эркак билан... Унинг хотини, болалари олдидаям гуноҳкорман... Эҳ, каллаварам... Мана сенга севги. Мана сенга тўй! Тўй эмиш, аза де, аза! Рост-да, бу кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасми!”

У ўзи билан ўзи олишар, аммо овозини чиқаришнинг, дардини тўкиб солишнинг иложи йўқ эди.

Келажак, ширин орзулар ҳақида эмас, ёши бир жойга борган кампирлар каби ўтмиши, яқин ўтмиши борасида ўй сурарди. Бу ўйлар орасидан нурли тарафини тополмас, бир-биридан баттар дилини хуфтон этарди. Ўйлаган сари бир ҳақиқатга ишончи комил бўлиб борарди: ғишт қолипдан кўчган, кўнгил пиёласи дарз кетган. Синик пиёла кимга керак!

Ҳайдовчи йигитга каради. У икки кўзи йўлда, чапдастлик билан рулни бошқариб борарди.

– Уйланганмисиз?

Бу савол оғзидан қандай чиқиб кетганини Нигоранинг ўзи ҳам сезмай қолди. Томдан тараша тушгандай берилган бу сўроқдан ҳайдовчи ҳам гангиб қолди. Ялт этиб Нигорага каради.

– Йўқ, нимади?

Нигора ўзининг саволидан ўзи хижолат чекди.

– Шунчаки ўзим... Севган кизингиз борми?

– Бор, – деди ҳайдовчи йигит астагина.

– Чиройлими?

– Қайсидир китобда ўқиганман, ҳар кимнинг севгани ўзига энг чиройли кўринаркан.

Нигора индамай қолди. Бир оздан сўнг яна деди:

– Астойдил яхши кўрасизми?

– Саволингиз кизик бўлди-ку.

– Менинг гапларимга ажабланманг, лекин сиздан илтимос, севган кизингизни бир умр севинг, ардоқланг. Ахир одам боласи, айниқса, йигит умрида лоақал бир одамни бахтиёр қилиши керак-ку. Бировни бахтсиз, бадном қилиш осон, бу ҳар қандай аҳмоқнинг ҳам кўлидан келади. Аммо ўзгаларга бахт ато этиш,

буни ҳаммаям эплаёлмайди... – Унинг лаблари титраб кетди, йиғлаб юборди.

Ҳайдовчи Нигоранинг гапларидан, ҳолатидан хайрон. “Кўринишдан ёш кизга ўхшайди. Гаплари бунақа... Ким ўзи бу? Пулим йўк, дейди. Ўзи сувга тушган мушукдек шалвираб копти... Йиғлайди... Қаёқдан келаяпти...”

Машина тор кўчага кирди. Рўпарадаги кўк дарвоза олдида бир киши сигарет чекиб турарди. Таксининг чироғи тўғри унга тушди.

– Ана, акам туриптилар, – деди Нигора. – Ҳозир пулингизни олиб бераман.

– Керак эмас, – деди хайдовчи. Тезроқ ундан қутулиб кетишни ўйларди.

Нигора таксидан тушиши билан акаси бақира кетди:

– Шу маҳалгача қаерда санғиб юрибсан, ярамас?!

– Ака, шошманг, пулимни йўқотиб кўйдим. Таксига пулини беринг.

– Тушиб қолган пулим йўк. У машинасини буриб олаётган таксичига ўдағайлаб кетди. – Ҳали одамларни текинга ташийдиган бўлиб қолдингизми? Шунақа олижанобман денг. Сиз ҳам шу ернинг одамимисиз ёки осмондан тушганмисиз? Ер юзида бунақа саховатли одамни кўрганим йўк ҳали.

– Менга нима дейсиз, ака. Оддий таксичи бўлсам, вазифамни бажардим...

Нигора зор қакшаб акасига ёпишди:

– Ака, ахир бу йигитга нега бақирасиз? Бу бечора менга яхшилик қилди.

– Ўчир овозингни! Уйга кир! Уйда гаплашаман сен билан. – Таксичига юзланди. – Йўқол бу ердан! Иккинчи қорангни кўрмайин бу маҳаллада.

Нигора пик-пик йиғлаганча дарвозадан ичкарига кирди. Ҳайдовчи ҳеч нарсага тушунолмай таксининг бошини катта кўча томонга бурди: “Ғалати одам экан-ку. Ҳа, майли, ҳар хил одам бор-да, бу дунёда. Ҳали синглиси шўрлик ҳам эшитадиганини эшитади...”

У машинасига каттик газ берди. Катта кўчага чиккунча таксининг орқа чироқлари тор йўлакни кизғиш нурлари билан ёритиб кетди...

Ёмғир тинган, майин шамол эсар, у булутлар галасини ҳайдар эди. Кўшни кўчадан карнай-сурнай наво-си эшитилди. Орқасидан йигитларнинг шодон қийкириғи осмонга кўтарилди.

Булар таксичи йигитга севги сози каби туюлди. Шу тобда у севган кизини кўргиси, унинг сўзларини эшиттиси келди... Машина рулини ўша киз яшайдиган маҳалла томонга бурди...

1984 йил.

СУЛТОН БИЛАН МАЛИКА

Султон кириб келганда купеда ёлғиз бир киз ўтирарди.

– Йигирма олтинчи жой шуми? – У кизнинг жавобини кутмай дераза олдидаги кичкина столчага портфелини кўйди.

– Бир ўзингизми? – сўради киз.

– Ҳа, сиз-чи? – Ҳозирча бир ўзим эдим, энди икковимиз, – кулди киз.

“Шўхакан-ку”, хаёлидан кечирди Султон. Зимдан кизга разм солди. Унинг кошлари кўғирчокларникидек ингичка, кўнғир кўзларида ажиб бир дадиллик ва қувноклик барқ уриб турарди. Кўнғирок малла сочлари

елкаси аралаш яғринига тушган, оч-сарик юзининг ярмини тўсиб олган эди. “Истараси иссик экан”. Султон қизга гап котди:

– Демак, бир купеда икковимиз?

– Ёмонми? – шарақлаб кулди қиз. – Унинг кулгисида аъло кайфият, бахтиёрлик аломати мавжуд эди.

– Тошкентга борасизми?

– Худди шундай, – деди қиз, – янглишмасам ўзлариям...

– Топдингиз.

– О, гапнинг “бердисини” айтмай туриб мақсадни англаб оларкансиз-а. Мабодо журналистмасмисиз?

Султон кулиб юборди. Унинг кулиши жуда ёқимли эди. Бу ажойиб кулгини ҳозирги суҳбатдоши ҳам пайкамай қолмади, албатта.

“Келишган йигит экан” деб ўйлаб қўйди қиз.

– Қип-қизил авлиё экансиз-ку!

– Демак, топдим, шундайми? Биласизми, нега тўғри топдим?

– Мен журналистлар билан кўп муомалада бўлганман.

– Нима, Қахрамонмисиз?

– Йўғ-э, жуда ошириб юбордингиз. Мен хаваскор мухбир эдим. Мактабда ўқиб юрган кезларим тез-тез таҳририятга бориб турардим. Хабарларим, баъзан шеърларим ҳам чиқарди газетада.

– Ҳозир ҳам ёзиб турасизми?

– Вакт йўқ. Институтга кирганимдан кейин ҳам бир-икки бордим таҳририятга, кейин дарслар, имтиҳонлар кўпайиб кетди. Хуллас, журналистларнинг характерини анча-мунча биламан-да. Уларни ярим психолог дейиш мумкин. Муомалага жуда уста бў-

лишади. Қизлар билан гаплашишга қолганда-ку, асти кўяверасиз, мутлако суяги йўқ.

– Ўзингиз ҳам муомалада журналистлардан қолишмас экансиз, – деди Султон кизнинг тагдор гапларига ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, энди, “яхшиларга эргашдим топмадим зиён дерман”.

Султон кулди. Қизнинг гапга бу қадар чечанлигидан, ҳозиржавоблигидан лол қолди. Унинг аскиясига аския билан жавоб бермоқчи бўлди:

– Аслида “қозонга яқин юрсанг қораси юқади”, демоқчи эдингиз-а.

– Акли бор одамнинг садақаси кетсанг арзийди.

Иккаласи баравар кулишди. Проводникнинг овози уларнинг кулгисини ҳам, суҳбатини ҳам кесди.

– Билетларингни кўрсатинглар, – у билетларни кўриб берди-ю, – кўрпа-ёстик керак бўлса марҳамат, – деди. Купедан чикиб туриб кизга ишора қилиб Султонга кўзини қисиб қўйди.

– Менга қаранг, – деди Султон, – шунча суҳбатлашдигу танишмабмиз-а. – У кизга қўлини узатди:

– Султон.

– О, қаернинг султонисиз?

– Мана шу купенинг. – Бу гапни қандай айтиб юборди Султоннинг ўзи ҳам билмай қолди.

– Яхши, – деди киз, – исмингиз жисмингизга монанд экан. Менинг исмим Малика.

– Оббо, хўп топишибмиз-ку! Купенинг султониман деб бекорга айтмаган эканман-да.

– Журналистсиз-да... Мая десангиз ҳам бўлаверади. Ўртоқларим, мамашкам, таниш йиғитлар ҳам шундай деб чакиришади, фақат папашкам Малика дейдилар.

– Иккаласи ҳам чиройли исм, – деди Султон. Аммо “таниш йигитлар” деганида негадир кўнгли ғалати бўлиб кетди. – Ҳа, айтгандай, қайси институтда ўқийсиз?

– ТошМИда, генеколог бўлмокчиман.

– Журналистикага қизиқар экансиз, шеърлар ёзаркансиз, нега университетга кирмадингиз?

– Шунақа бўп қолди... Ундан кейин, журналист бўлиш ёки шеър ёзиш учун албатта университетда ўқиш шартми? Масалан, Чингиз Айтматов кишлоқ хўжалик институтини битирган, Вознесенский архитектура институтини ёки Чеховни олайлик.

– Чеховга ўхшаган врач-ёзувчи бўлмокчиман денг.

– Йўқ, ундай эмас. Бундан кейин мен ҳеч нарса ёзмайман. Фақат врачлик қиламан.

– Қизик-ку.

– Нега энди? Киши битта қайикни ушлаши керак. Икки қайикқа қўл чўзган одам ўртага ғарк бўлади. Ғарк бўлмаслик учун буюқ талант бўлиш керак.

Маликанинг мазмундор, мулоҳазали суҳбати Султонда унга нисбатан ҳурмат уйғотди.

– Менимча, сиз ғарк бўладиганлардан эмассиз.

– Ғарк бўлмаслигим мумкин, – деди Малика. – Аммо иккала қайикни баравар бошқариб ҳам кетолмайман. – Қиз икки қўли билан сочини орқасига селпиб ташлади. Пуштиранг кофтасини ечди. – Вагон исиб кетди. – Гулдор кремплин кўйлаги нозик, ихчам гавдасини сиқиб турарди. Бўртиб турган кўкраклари, кенг ёқасидан кўриниб турган оппок сийнаси Султоннинг дилига ғулу солди. У бир тамшаниб кўйди. – Костюмингизни ечинг, кизимадингизми? Ғалстугингиз мунча чиройли?! Дидингиз чакки эмас!

Султон костюминини ечиб, илгакка осиб кўйди. Сўнгра кўрпа-тўшак олиб келгани чиқиб кетди. Мали-

ка латта сумкасидан қимматбаҳо атир олиб, кулоқларининг оркасига, бўйнига, бурнининг икки қирғоғига сурди. Стаканнинг оғзидек келадиган ойначага қараб сочларини тўғрилади.

Султон тўшакларни ўзи ўтирган жойга қўйди. Малика ўрnidан туриб табассум қилди. Унинг сарвдек тик қомаги йигитни лоқайд қолдирмади. Маънодор йўталиб қўйди. Султон Маликага ўрин солиб бермокчи бўлди. Кўнглида у барибир рад этади, аксинча, менинг ўрнимни ҳам ўзи тузатиб берса керак, деб ўйлади. Бироқ Султоннинг ўйи сароб бўлиб чикди. Унинг таклифига жавобан Малика:

– Марҳамат, қани кўрайлик-чи, бунақа ишларга қанчалик эвингиз келаркан, – деди.

Султон ўзининг таклифидан ўзи пушаймон чекди.

“Олифтагарчилик қилмай ўзингни жойингни солиб ётавермайсанми, баттол”. У жой солиш, кўрпа йиғиш ишларига қовушмас, ётоқхонада ҳам каравотини нардан-бери тузатиб кўярди. У амаллаб аввал Маликага, сўнгра ўзига ўрин солди. Хижолатдан пешонасини тер босди. Дастрўмоли билан терини артаркан:

– Жуда исиб кетди-да, деразани сал очиб кўяйми? – деди.

– Кўйсангиз-чи, баҳор бўлгани билан ташқари совуқ. Ўрин солишга уста экансиз, тажрибангиз зўрга ўхшайди. – Малика атир-упаларини сумкага жойлади. – Энди мен ётаман. Тесқари қараб туринг, ечиниб олай.

У тор кўйлагини бошидан чиқара бошлади. Сочлари юзига тўзиб тушди, аммо кўйлаги тоза ечилмади.

– Вой, кўйлак бўлмайд ўл-а. Иккаласиям ечилиб кетяпти-я.

Султон унинг гапини эшитмаганга олди. У тесқари томон ёнбошлаб китоб ўқирди.

Малика тик турганча шошилмай сочини тузатди, кўйлагини тахлаб, сумкаси устига ташлади. Сўнгра ўрнига чўзилиб, крахмалланган оппок рўйжони кўкрагигача тортди. Икки кўлини занжир қилиб, боши остига кўйди. Султон ҳамон унга қарамас, китобга термиларди. Уч-тўрт саҳифага кўз югуртирди, аммо биронта ҳам сўз миясида қолмади. “Нега бу киз ўзини бунчалик эркин тутади? Мени биринчи марта кўраётган бўлса. Ҳалиги гапларидан ғоят мулоҳазали, андишали кўринган эди. Бу қилиқлари нимаси?”

Қиз Султон томонга ўтирилиб олди. Аммо кўзлар учрашмади. У ўйларди: “Бу қанақа йигит. Журналист ҳам шунақа ландовур бўладими? Мен таниган журналистлар жуда бало эди-ку. Қандай қилиб эриб, қучоғига кириб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолардим. Бу бўлса... Ўлгудай тупой экан-да. Бу бола ё ҳали бунақа нарсаларнинг мазасини билмайди, ёки яқинда уйланган”.

У мириқиб керишди. Оёқлари рўйжони қорнигача тушириб юборди. У қайта тортиб олмади. Чуқур нафас олди, кўнгли ниманидир истарди. Аммо истаган нарсаси йўғлигидан дили ғашланар, юраги гупиллаб урарди.

“Журналистларнинг ҳам ҳаммаси бир хилда ҳароратли бўлмасакан-да. Манавига ўхшаган хиссизлариям тикилиб ётгандир. Мен бўлсам ўртоқларимга эрга тегсанг журналистга тег, деб юрибман-а”. Қиз ўрнидан турди. Оппок, силлик оёқларини осилтириб ўтирди. Ич кўйлақда унинг қомати жуда хушбичим, гўзал кўринарди. Қалин сочини яланғоч елкаси узра кўли билан тараб кўйди.

– Менга қаранг, Султон.

Йигитнинг хаёли бўлиниб, ялт этиб кизга қаради. Кўз ўнгида тасодифан бир пари пайдо бўлгандек туюлди.

– Газетада ишлайсизми, журналда?

– Журналда, – деди Султон беихтиёр унинг қўш-ҳандалакдек кўкрагига термилиб.

– Яхши, – деди Малика. Бошқа гапирмасдан яна ўрнига чўзилди. Султон ҳам индамади, китобга тутинди. – Султон, нега ётмаяпсиз, тулинг, ечинмайсизми, кўйлақда исиб кетмаяпсизми?

– Мен бир оз китоб ўқимоқчиман. Ҳали эрта-кувакт.

– Китобни уйда ўқийверасиз. Ётиб дам олсангизчи. Қаранг, поезднинг юришини, худди аллалаётганга ўхшайди. Ҳа, айтгандай, уйланганмисиз?

– Йўғ-э, – кулди Султон.

– Юрадиган қизингиз бордир?

– Йўқ десам ҳам бўлади.

– Нега мужмал гапирасиз, конкрет айтинг.

– Очиғини айтсам, бир қиз билан бир-икки марта кино-пинога тушдик. Сўнгра учрашмай қўйдик.

– Нега? – сўради Малика. Ўзича ўйлади: “Туришинг шу бўлса қайси аҳмок қиз сен билан юрарди”.

Султон нима деб жавоб беришини билмади. Чунки бунинг аниқ сабаби йўқ эди.

– Билмадим. Кечирасиз, мен бир чекиб келай.

– Ие, чекасизми, – деди қиз ўрнидан сакраб туриб.

– Вактлироқ айтмайсизми шуни. Олинг сигаретдан. Бирга чекамиз. Султон сигарет узатди. – Охо “ВТ”ку. Келинг шу ерда чекаверамиз.

– Жуда тутаб кетмасмикин? Проводник билиб қолса гапириши мумкин.

– Э, кизикмисиз, проводник қотиб қолди аллақачон, кечаси билан ўтирармиди. Купеда иккаламиздан бошқа ҳеч ким бўлмаса, тутаса нима қипти. Деразани сал очиб юборамиз, олам гулистон.

Султон ноилож ўтирди. Чекишди. Малика йигитнинг жундор, кенг кўкрагига, бакувват елкаларига суқ билан тикилди. У Султоннинг катта кўзларини, бир-бирига туташ коп-кора қошини синчиклаб кузатди. Йигитга термилган сари унинг ичида ғалати бир туйғу хуруж қиларди. Гўё ана шу туйғуни босиш учун чекаётгандек сигарет тутунини чуқур-чуқур тортарди. Султон эса кизга карамасликка ҳаракат қилар, унинг нотаниш йигит олдида ийманмай ички кийимда ўтиришидан ҳайрон бўларди. Иккаласи ҳам миқ этмади. Султон сигарет колдигини деразадан улоқтираркан:

– Шамоллаб колмасайдингиз, елкангизга бирон нарса оласизми, – деди. Султон аслида Маликанинг совқотишини ўйлагани йўқ, балки кизнинг бундай ўтириши унга жуда эриш туюлар, сира ҳазм қилолмасди.

– Кўяверинг, шамолламайман. Негадир бутун вужудим ёниб кетяпти.

Султон ёстикқа ёнбошлаб, яна китоб ўқишга киришди. Малика сигарет колдигини ташлаш баҳонасида ўрнидан турди. Купе эшигига ўрнатилган ойнага ўзини солди. Сочини тузатди, кўлларини кўтариб, гавдасини орқага ташлаб, узок керишди. Йигит унинг ҳаракатларини сезиб турса-да карамади. Малика устини ҳам ёпмасдан, ўзини жойга ташлади. Чуқур уҳ тортди.

– Чирокни ўчириб, ётсангиз-чи, энди.

Султон, “эхтимол чирокни ўчирмаганимга уйқуси келмаётгандир”, деб китобни ёпди. Туриб, кўйлагини ечди. Қиз эса киприклари орасидан унинг ҳаракатларини кузатарди. Султон кизнинг ақиқдай товланиб ётганини кўриб, вужуди ғалати бўлиб кетди. Қизга ҳазил қилмокчи бўлди.

– Мая, – деди биринчи марта. Бу сўз қизнинг кулоғига ёғдай ёқиб тушди. – Жудаям чиройли экансиз.

Мана шу бир оғиз сўз Маяни етмиш икки томирига қон бўлиб кирди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Лекин йигитнинг гапига жавобан ҳеч нарса демади. Кўзини ҳам очмади. “Энди ўзига келяпти шекилли. Йигит киши ҳам шунақа совуққон бўладими”. У Султоннинг яна бирон нарса дейишини кутди. Аниқроғи, ёнимга келади, ҳазиллашади, деб ўйлади. Бироқ Султон бошка бир оғиз ҳам гапирмади. Индамай ўрнига чўзилди. Чойшабга боши билан бурканиб олди.

Маликанинг ҳафсаласи пир бўлди. У бир-икки марта у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Йўталди, ух тортди, томоғини қокди. Султон ётган жойидан қайта турмади. Аксинча, йигирма минутлардан кейин унинг майин, беозор хурраги эшитилди. Буни қиз ўзига нисбатан ҳақорат, деб тушунди. “Мени менсимасди чоғи. Э, менсимаса ундан нари, мен ҳам зормасман шу лапашангга. Келгани билан кўлимни ҳам ушлатмасдим”. Шу аламли хаёллар билан ухлаб қолди.

* * *

У кўзини очганда тонг отган, вагон деразасидан куёш нури тушиб турарди. Султон столчага суянганча китоб ўқиб ўтирарди. Малика ўтирган ҳолатда кўйлагини кийди, сочини тузатди, сочикни елкасига ташлаб чиқиб кетди. У ювиниб қайтиб кирганида Султон ўрнини тахларди. Сумкасидан пардоз анжомларини олиб ишга киришди. Султон сочику чойшабларни бир чеккага йиғиштириб қўйди. Галстугини олиб, ойнага карамай боғлади.

– Қалай, яхши дам олдингизми? – сўради киздан. Малика юзига упа суриб туриб, “рахмат”, деди. Унинг бугунги ҳолати кечаги Маликага сира ўхшамасди. Кеча ёқимли, майин гапираётган кизнинг сўзи бугун негадир терс эшитилди.

– Мана, Тошкентга ҳам яқинлашиб қолдик, – деди Султон. – Адрес алмашсак, балки бундан кейин ҳам кўришиб турармиз. Анча дўстлашиб қолдик.

– Ҳожати йўқ, – деди кескин.

Султон кулди. Қизнинг ҳаракатларини кузатиб, яна сўради:

– Нега энди?

– Сизда юрак йўқ. Мен қалбсиз одамлар билан гаплашмайман.

Йигит кизнинг пичингини тушунди, аммо ўзини гўлликка солди.

– Юраксиз одам тирик юра оладими?

– Мен биологик юракни айтаётганим йўқ. Унақа юрак чумчуқда ҳам бор.

Қизнинг бу гапи Султоннинг етмиш икки томири-ни тикондек зиркиратди. Ўзини тиёлмади.

– Юрак бор, деб кўрганга очиб ташлайверадими? Инсон хамиша яширин нарсага ўч бўлган. Илгари йигитлар кизларнинг юзини кўриш учун ойлаб орқасидан юришган. Ҳозир эса кизлар йигитларнинг олдида ички кийимда ҳам ўтираверади.

– Нима бўпти? Замон шунақа.

– Балки буни таракқиёт дерсиз, маданият дерсиз?

– Бўлмасам-чи?

– Кечирасиз, бу таракқиёт ҳам, маданият ҳам эмас. Қолаверса, буни замонга тўнкаш ҳам нотўғри. Замонни баъзи бетаъсирлар бузаяпти.

– Нима, менга шама қияпсизми?!

– Ўзингизга нам тортманг. Ибтидоий жамиятда одамлар бир-бирига сиз айтгандай муносабатда бўлишган. Шарм-хаё деган нарса бўлмаган. Улар маданиятлимиди? – Султон қизишиб кетди. Гарчи, одатига қарши бўлса-да, сигарет тутатди. У ҳеч маҳал нонушта қилмай чекмасди. – Маданият деганда нафосат, гўзаллик, хаё – ҳаммаси жамулжам бўлади. Сизнинг мана бу гапларингиз, бегона йигит олдида ички кийимда ўтиришингиз маданиятми? Тараққиётнинг белгиларими?

– Мен билан ишингиз бўлмасин. Ўргилдим сиздақа насихатгўйдан, – жеркиб берди Малика. Кейин ўзича тўнғиллади. – Ёшини сўрасанг йигирмадан энди ошибди-ю, гапини қаранглар, чолга ўхшайди. Яна журналист эмиш.

Султон индамади. Босиб-босиб сигарет чекди. Қиз деразага ўгирилиб ўтирди.

– Қани пастелларни топширинглар, – деди проводник келиб. – Ў-хў, ҳаммаёкни тутатиб юборибсиз-ку, ука.

Малика деразадан нигоҳини узмай гапга аралашди:

– Бу киши маданиятнинг энг учига чиққанлар. Шунинг учун купеда ҳам чекаверадилар.

Проводник “нима гап, тинчликми?” дегандек, Султонга қошини учирди. У елка қисди. Проводник хайрон бўлганича чиқиб кетди. Шу тобда Маликанинг жуда ҳам чеккиси келар, аммо Султондан сигарет сўрашга юзи чидамасди. Бир нарса эсига тушгандек, шарт ўгирилиб сумкасини очди, чет элдан келтирилган резинка сақичини олиб, оғзига солди. Султон чойшабларни топширгани чиқиб кетди. Мая эса деразадан эрталабки куёш нурида чараклаб турган далага қараганича жаҳл билан сақич чайнайверди.

1977 йил.

ЧЎЛИ ИРОҚ

Муҳаббат эрини уйғотмоқчи бўлиб уйга кирди-ю, мирикиб ухлаётганини кўриб фикридан қайтди. Ширин уйқусини бузгиси келмади. Астагина стулга ўтирди. Бахтиёр худди ёш боладек пиш-пиш қилиб беозор ухларди. Унинг ораси очик қалин қошлари пирпираб кўяди. Муҳаббат эрининг қошларига термилиб, ўйлади: “Мунча ораси очик. Эскиларнинг гапида ҳикмат кўп. Қошларининг ораси очик йигитлар узокдан уйланади, уларнинг кўнгли ҳам очик бўлади, деганлари рост экан. Бўлмаса, бу киши қаёқда эдию, мен қаёқда эдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган... У-чи? У ўйлаб-дими менга уйланишни?”

Уларнинг тўйи ўтганига эндигина бир ой бўлди. Тўйдан олдин бир-бирига жуда яқин, сирдош эдилар, ҳатто тортинмас, унча-мунча гапларни бемалол айтишарди. Никоҳ кундан бошлаб иккаласининг ҳам кўнгида ғалати бир кайфият туғилди. Бир-бирига кўринмас иплар билан чамбарчас боғланганини ҳис қилганлари сари уялиш, тортиниш туйғулари жўш урарди. Ёлғиз қолган кезлари куёвнинг ҳам, келиннинг ҳам тилига сўз келмас, гўё бир-бировини энди кўраётгандай жим ўтиришади. Онда-сонда айтиладиган гаплари ўзларига ҳам эриш туюлади. Қизик, нега шундай экан? Тўйдан олдин иккови икки ёқда қачон бирга бўлишни, мирикиб суҳбатлашишни, бир-бирининг дийдорига қонишни орзу қиларди. Висол онларида бири қўйиб, иккинчиси гапга тушарди. “Севасизми?”. “Севаман”. “Сиз-чи?”. “Мен ҳам”. Шу каби бир хил сўзлар кайта-қайта такрорланар, аммо на йигитнинг, на қизнинг ғашига тегмас, аксинча, яна эшитгиси, яна сўрагиси, яна эшитгиси келарди.

Энди-чи? Қизик, нега энди бунака? Йўк, улар бир-бирига тўйиб қолгани йўк! Ошиқ-маъшуклик йўриғи бўлак экан. Унда бирга бўлишларига қанчалик ишонсалар-да, барибир ҳали амалга ошмаган ширин орзу эди бу. “Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон”, деган гап бор. Никоҳ бу гапни уларнинг кўнгилларидан чиқариб ташлади. Йўк, ўзаро қандайдир “ётсираб” қолиши бунданмас. Улар ҳамон бир-бирига ташна, ҳамон интиқ. Фақат эндигиси бўлакча... Никоҳ ҳар кимнинг ҳам ҳаётини бошқа изга соларкан. Негадир одам ўзини салобатли, вазмин сезиб қоларкан. Олдинги шўхликлар, ҳазил-хузуллар энди...

Муҳаббат эрининг юзларини, сочини оҳиста силай бошлади. Бахтиёр кўзини очди. Юзлари сутга чайилгандай оппок, шунданми, кош-кўзлари яна ҳам қорароқ кўринган фариштасифат Муҳаббат ўтирипти. Унинг ипакдек майин кўллари Бахтиёрнинг силлик юзларини силади. Бир тутам куёш ёғдуси сахнадаги балеринани қувлаб юрган прожектор нуриддек унинг юзига тушиб турибди. Келин-куёв бир-бирига унсиз узок термилди. Кейин кўзлар бир-бирига яқинлашди, яна ва яна яқинлашди...

Муҳаббат оҳиста бошини кўтарди. Унинг юзлари лоладек қизариб кетган. Эрининг кўзларидан кўзини олиб қочиб, унинг юзига астагина шапатилади. Бу шапатининг таъсирини на куёв сизди, на келин.

– Ёмонсиз, – деди Муҳаббат.

– Сен яхшисан, – деди Бахтиёр.

Иккаласи ҳам унсиз жилмайишди.

– Турмайсизми энди.

– Ҳали вақтли шекилли... Бугун дам олиш-ку.

– Шундай бўлсаям-да... Битта-яримта келиб қолиши мумкин.

– Ким ҳам келарди? Ҳамма ўз иши билан овора ҳозир.

– Билиб бўладими? Ахир ҳар якшанба кимдир келади-ку, эсингиздан чиқдимиди, – деди Муҳаббат кулиб. Чиндан ҳам тўйларидан кейин уларникига ҳар дам олишда биров келарди. Гоҳ келиннинг уруғларидан, гоҳ куёвнинг қариндошларидан, ёки уларнинг тўйига келолмаган дўстлари муборакбод этгани келишарди. Шунга улар кўникиб қолишган, бирор якшанба меҳмон келмаса, нимадир етишмаётгандай туюларди.

– Ҳа-я, рост айтасан. Саккиз яримнинг концерти-ми? Ёз қизик-да, соат саккизда чошгоҳ бўлиб кетгандек кўринади. Қишда шу пайтда тонг отмаган бўларди ҳали.

“Энди Турғун Алиматов ижросида сатода “Чўли ирок”ни тингланг”. Сухандоннинг эълони Муҳаббатнинг диққатини тортди.

– Тўхтаг, Бахтиёр ака, эшитайлик шу куйни. Жуда яхши чалади-да.

Сато тилга кирди. Бахтиёр шифтга термилиб ётар, Муҳаббат эрининг найзадек ўткир, узун ва қалин киприклари қуршаб олган жуда тиник, ҳаётидан мамнунлик сезилиб турган чакноқ кўзларидан нигоҳини узмайди, аммо ҳаёли паришон. Сато торлари инграр, гоҳ ҳазин, гоҳ баланд пардада нола қиларди. Гоҳо нафаси етмай қолиб, дами ичига тушиб кетгандай, бир сония жим бўлиб қолар, лекин орқада – худди тоғлар акс-садо қайтаргандай унинг ноласи зириллаб турарди. Мусиқа гўё аста-секин киши юрагига кириб борар, унинг пардасини ҳозир... ҳозир йиртиб юборгудай бўларди.

Муҳаббат ўзини тамоман йўқотиб қўйган, юраги ёниб адо бўлаётган шам мисоли титраётганини сезмасди. У ҳали умрида ҳеч кўрмаган жойларни ҳозир шу тобда ҳаёл кўзлари билан яққол кўриб турарди: Ана,

поёнсиз сахро, кум, кум... Иссиқдан оёқ куяди. Карвон кетидан бораётган ўн етти яшар соҳибжамол кизнинг мадори куриган. Тили танглайига ёпишади. У бор кучини тўплаб “сув” демокчи бўлади, лекин тили айланмайди, у жуда оғир, худди шишиб кетгандай. Атрофда бирон жонзот йўқ. Олдинда кетаётган нортуя бўйнидаги қўнғирокнинг майин, юракни эзувчи саси келади кулокка. Сахро – нон ёпишдан олдин оқартирилган тандир. Бу тандирга бордию илоҳий кудрат бир томчи сув ташласа, киприк қоккунча ўтган фурсатда куриб қолади. Туя арқонига боғланганича бораётган гўзалнинг юзлари иссиқнинг зўридан бўғриқиб кетган, тўқ жигарранг тусга кирган. Энди лоақал кўзини очишга ҳам қуввати етмайди.

Тонг шабнамидек беғубор бу гўзални тақдир қаёқларга олиб кетмоқда? Уни кимларнинг шафқатсиз панжаси остига ташлайди. Буни ким билади? Ҳеч ким! Ҳеч ким!

О, шўрлик киз! Не кўргиликлар бор сенинг бошингда! Қандай жафолар кутмоқда сени. Мадорсизлик, ташналик кизнинг хаёлларини алғов-далғов қилиб юборди. “Қачон етамиз? Қаерга борамиз? Муштипар онам, дасти калта отам! Қайларда қолдингиз?” Лекин буни ҳеч ким билмайди, унинг қисмати оғир, йўли йироқ. Жуда йироқ... кум, кум, кум...

Куй ўтмишдаги ана шу ғам-ғусса ҳақида сўзламоқчи бўлади, лекин гапиролмай йиғлайди. Бу ғамни ҳатто сато торлари ҳам кўтаролмай ўпкаси тўлиб кетади. Инграб, эзилиб йиғлайди, йиғлайди. Бахтиёрнинг юзига иссиқ бир томчи тушди. У шарт хотинига каради.

Муҳаббатнинг хиёл қисик, аммо ҳар қандай юракни бир кўришдаёқ ўртовчи тимқора кўзларига ёш тўлган, киприклари орасидан сизиб чиқарди.

– Сенга нима бўлди, Муҳаббат?

Муҳаббат ёшли кўзларини жавдиратиб эрига термилди-ю, индамади, гапирмади.

– Сенга айтаяпман? Нима гап ўзи? – Бу сафар Бахтиёрнинг овозида бир ўктамлик зоҳир эди.

Муҳаббат чуқур хўрсинди.

– Куйи шундай бўлса гамнинг ўзига

Қандай чидай олган экан одамзод?!

– Кўйсанг-чи, азизам, ҳар куй эшитганигда бунақа эзилаверсанг, ўзингни ўзинг адо қиласан-ку.

– Йўк, Бахтиёр ака, – Муҳаббат эрининг сочларини меҳр билан силади, – ҳамма куйга ҳам йиғлайвермайман. Биласиз-ку, “Чўли ирок”ни яхши кўраман. Шу куйни эшитишга ўзимнинг ҳам юрагим йўк, безиллаб қолганман, аммо эшитмай туриб кетолмайман, журъатим етмайди.

– Бўлди! – Бахтиёр чаккон сакраб турди ўрнидан. – Одам деган бунақа пессимист бўлмайди. Ярашмайди! Қани, чой-пойингни олиб кел!

Бу – Бахтиёрнинг хотинига бошқа эркаклар каби буйруқ оҳангида илк гапириши. Буни Муҳаббат ҳам сезди, лекин у қадар эътибор бермади. Қачондир, бир кун шундай бўлишини биларди.

Ўша кун кечгача Бахтиёрнинг чиройи очилмади, кўнгли ғаш бўлиб юрди. Муҳаббатнинг йиғлагани сабабини ўзича таҳлил қилар, турли хаёлларга борарди. “Нега бунча эзилди у? Йиғидан ўзини тутолмади. Нега? Хўш, куйни яхши кўрса нима бўлибди? Мен ёмон кўраманми? Ёки шунчалик тошбағирманми? Йўк! Куйни яхши кўрган одамнинг ҳаммасиям йиғлайвермайди-ку. Бирон сабаб борки, йиғлайди, эзилади шунчалик. Эҳтимол, шу куй билан боғлиқ бир гап бордир? Албатта, менга айтармиди...” У ўйлаган

сари хаёлига турфа фикрлар келар, гўё излаган нарсасини ҳозир топадигандек туюларди: “Балки ҳув анави гапи бекоргамасдир: “Қандайдир бир ашулачими-ей, созандами-ей менга уйланмоқчи бўлиб юрарди. Лекин ота-онам унга икки дунёда ҳам бермасди. Ўзим-ку ўлдирса ҳам тегмасдим.” Эҳтимол, бу билан кўркқан олдин мушт кўтарар қилгандир. Ҳаркалай бир гап бор. Ўзи эрталаб ўрнимдан турмасимдан келиб эркаланишидан юрагим шиғилловди-я. Хотин киши ё ёмон туш кўриб чикса, ёки ҳаром йўлга қадам кўйса, ҳеч бўлмаса олдинги жазманини ўйлаб юраги сиқилса, эрини эркалашга, унга суйкалишга тушади, дейишарди. Шу гап ростга ўхшайди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди. Одамлар минг йиллик тажрибаларидан кейин бир хулосага келадилар.

Бу фикрлар Бахтиёрнинг ичини сичқондек кемирар, юраги гупиллаб урарди. “Хотин зотининг энг соддаси ҳам айёрликда тулкига дарс беради”. Буларни ўйлаган сари кайсидир ўртоғидан эшитган ана шу гап ёдига келар ва унга ўзини ўзи ишонтирарди.

Бахтиёр вазоҳатини босолмади. Ҳозир хотинини чакириб, очик-ойдин гаплашиб олмоқчи бўлди. “Темирни қизиғида босган маъкул”.

– Муҳаббат!

Ошхонадан Муҳаббатнинг овози эшитилди.

– Лаббай.

– Менга кара... Буёкка кел!

Муҳаббат кирди. У пешбанд тутиб олган, қия қилиб ўралган ялтироқ рўмоли ярашиб турарди. Муҳаббатнинг ёноклари иссиқдан қизариб кетган, кайрилма қошлари қалдирғоч қанотидек ингичка, куралай кўзлари ўтдек ёниб турарди. Рўмоли остидан тошиб чикқан коп-қора сочлари оппоқ бўйнида эркаланиб ётарди.

Қоронғи жойдан бирдан ёрукка чикса одамнинг кўзи камашади. Бахтиёр ҳам шундай ҳолга тушди. У ҳозиргина ўтин чўғидек ёниб, куйиб турувди. Муҳаббат билан юзма-юз бўлди-ю, кўзи жимирлаб, дами ичига тушиб кетди.

О, гўзаллик! Сенинг олдингда кимлар тиз чўкмаган! Не-не баҳодир-у пахлавонларни лол қолдирмагансан?! Сенинг меҳру сеҳрингга не-не азаматлар асир бўлмаган!

– Чақирдингизми? – Муҳаббатнинг табассуми Бахтиёр қалбидаги алангага сув сепди. У хотинига қараб туриб симобдек эриб кетди.

– Ҳа, чакирувдим. Гугурт борми?

– Гугурт, ҳа, бор. Мана, – у пешбандининг чўнтагидан олиб берди.

– Раҳмат...

* * *

– Бахтиёр уйга келса, Муҳаббат йиғлаб ўтирибди. .

– Яна нима бўлди?

– Ҳеч нима. Ўзим шундай.

– Яширма мендан, барибир билиб оламан. Кейин хафа бўласан.

– Нимани яшираман сиздан, Бахтиёр ака. Эшитяпсизми, мусиқа, “Чўли ирок”.

Бахтиёр баттар тутоқди.

– Эшитяпман. Шунинг учун сўраяпман. Хўш, “Чўли ирок”ни яхши кўрсанг нима бўпти? Шунга йиғлайсанми? Ахир бир марта бўлмаса, икки марта бўлмаса... Ҳар доим шу аҳвол. Турмуш қурганимизга бир йил бўляпти-ю ҳамон ўша куйни эшитсанг йиғлайсан. Бўлди-да энди.

– Турмуш қуришимизнинг нима алоқаси бор бунга. Илгари ҳам шунақа эди. Бундан кейин ҳам...

– Демак... куй замирида кимдир бор. Уни эшитганинда ўшани эслайсан... “Чўли ирок” яхши куй эмиш. Билдик яхшилигини...

– Бахтиёр ака! Нималар деяпсиз? Наҳотки... наҳотки мени...

Муҳаббат ўзини Бахтиёрнинг кўксига отди.

– Алдама мени. Лақиллатаман деб ўйлама. Сен ўйлаган лакмалардан эмасман.

Муҳаббат кўзларида ғилт-ғилт ёш билан эрига термилди.

– Ўтинаман сиздан, бунақа фикрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Ахир бу мен учун ҳақорат-ку. Сиздан бўлак бирон киши ақалли кўлимни ушлаган бўлса, тил тортмай ўлай!

– Қасам ичма!

– Ишонмасангиз нима қилай ахир? Ҳеч нарсани, ҳеч кимни эсламайман. Билмадим, нимага ундай? Шу куйни эшитсам юрагим сиқилиб, йиғлагим келаверади...

– Бўлди. Бас кил куй-пуйингни.

Муҳаббат пик-пик йиғлар, ўзини босмоқчи бўлгани сари баттар ўпкаси тўлиб келарди. Бахтиёр айвонга чикди-да, сигарет тутатди.

Куй билан Бахтиёрнинг кайфияти бўлмади. Юраги хижил, кўнгли хира. Бошлиғидан эшитган дашноми ярага туз сепгандай бўлди. Ишхонадан эртароқ чикди-да, буфетга бурилди. Одатига қарши у ердан бир стакан ароқ олиб ичди. Газак ҳам қилмади.

Уйга келса, хотини ҳали ишдан қайтмабди. Қоронғи тушиш палласини – ғира-ширани ёқтирмасди у, юраги сиқилиб кетади. Шунинг учун ҳовлида ўтирол-

мади. Ичкари кириб ечинмасданок каравотга чўзилди. Ётган жойида сигарет тутатди.

Радиода концерт бўляпти. “Энди “Чўли ирок”ни тингланг”. Бахтиёр радиони ўчирмоқчи, суғуриб олиб ховлига ирғитмоқчи бўлди. Лекин кандайдир куч, ирода уни бу фикридан қайтарди. “Радиога, куйда нима айб. Ўчирганим билан...” Сигаретни босиб-босиб тутатаркан, куйнинг сеҳрли тўрига илиниб қолганини – берилиб тинглаётганини ўзи ҳам сезмасди. Сатодан таралаётган мунгли куйни сигарет тутунига қўшиб ичига ютаётгандай, бу оҳанг юрак пардаларини зириллатаётгандай бўлди. Энди куй садолари ичидан эшитилаётгандай туюлди.

О, сеҳрли куй! Неча асрлардан буён қанча-қанча одамларнинг юрагини зирқиратасан? Не-не тошбағирларни мумдай эритмадинг! О, буюк халқ! Она халким! Сенинг бетимсол даҳонга таъзим! Минг бор тасанно! Шу куйларинг, шу сеҳркор мўъжизаларинг бўлмаганда, фарзандларинг ҳам шу қадар мулойим, одамохун, бағри кенг бўлармиди! Минг бор қуллуқ сенга, она халким!

Куйнинг кўз илғамас тўри Бахтиёрни маҳкамрок сиқиб борарди. У нигоҳини бир нуктадан олмай тубсиз ўйга ғарк бўлди. Китобларда ўқигани, киноларда кўргани, раҳматлик бувисидан эшитганлари – ўтмиш, ғамли, аламли ўтмиш кўз олдига келди. Куй ўша узок мозий ҳақида, унинг юракларни силкитувчи дардлари ҳақида йиғлаб, фарёд солиб хикоя қиларди. Олисдан, жуда олисдан кимнингдир нолакор, аммо шиддатли, исёнкор, мардона овози чалинди қулоғига:

Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,
Кийди мотам тўнинию, бўлди қадди ҳам дуто.

Эшик карс очилиб Муҳаббат кирди. Чирокни ёкди. У эрининг бу аҳволда ётганини кўриб кўркиб кетди.

– Сизга нима бўлди?

Бахтиёр гапирмади. Фақат “жим” дегандек кўлини кўтарди-да, радиога ишора қилди. Шундагина Муҳаббат куйни эшитди. У эрига қаради. Қаради-ю унинг кўзларида чирок нурида ялтираб турган ёш томчиларини кўрди. Бу ҳол уни хайкалдек котириб кўйди. Куй тинди.

– Сизга ярашмас экан, – деди Муҳаббат оғир тин олиб.

Бахтиёр индамай ўрнидан турди. Секин келиб хотинини кучоқлади. Юз-кўзларидан ўпди. Бу бўсалар Муҳаббатга ҳаммасидан – тўйдан олдинги ўғринча бўсалардан ҳам қайноқроқ, меҳрлироқ туюлди.

1977 йил.

ИҚРОР

Алмат ака маориф бўлиmidан кўнгли кўтарилиб чикди. Оғир бир юк, атрофни қуршаб олган мана шу оксоч тоғлардай залворли ташвиш анчадан бери унинг елкасидан қаттиқ босиб турар эди. Энди у ўзини кушдай енгил ҳис қилди.

Истироҳат боғи томонга юрди. Бир нафас ёлғиз қолгиси, ўзи билан ўзи суҳбатлашгиси келди. Кекса чинор тагидаги скамейкага ўтирди. Чинорнинг сарғайган барглари “ширт” етиб узилди-да, пирпираб ерга учади. Шапалоқдай барг Алмат аканинг ёнгинасига тушди. У баргни кўлига олди: сап-сарик. “Ҳаёт конуни... Шу барг баҳорда тангадай япроқ ёзади. Ўшанда одамнинг дилини яйратади. Энди бўлса... Ҳеч ким эътибор бермайди.

Балки босиб, эзгилаб ўтади. Инсон ҳаёти ҳам шунга ўхшаш. Умрининг кузи... Уни пайқаганлар бор, пайкамаганлар бор. Қай бири маъкул?”

Барг бандидан ушлаб юзига сийпалади. Нигоҳи ҳамон чинор шохларида. Чети йиртилган сап-сарик барг унинг диққатини тортди. У нима учундир дириллар эди. Қизиқ... Нега титраяпти? Яшаш учун курашиш керак, дегани шуми? Наҳотки? Балки тўғридир? Мен-чи? Бўйин бердимми? Умр кузини эрта тан олдимми? Бўлмаса нега ариза ёздим?

Алмат аканинг хаёли ҳозиргина район маориф бўлими мудир билан бўлган суҳбатга кўчди. Мудир Алмат аканинг аризасини ўқимади. Бу масалада олдин ҳам бир неча марта келган, ҳар гал “ўйлашиб кўрамиз”, деб қайтариб юборган.

Мудир Алмат аканинг озгин, ажин босган юзларига, маънос кўзларига боқди. Бу кўзларда зиғирнинг гулича бўлса-да, сохталик сезмади. Алмат аканинг қайси гапида, қайси ишида ғайритабиийлик кўрган?

– Хўш, сабаби нима ўзи, домла? Очиғини айтинг-чи? Ёки бирор гап ўтдимми? – деди мудир.

Алмат ака ўтирган жойида бир кўзғалиб кўйди.

– Нимага ундай дейсиз. Ҳеч гап ўтгани йўқ. Жамоамиз яхши, ҳамма ҳурмат қилади.

– Шундай бўлса ишлайвермайсизми? Мактабга сиздай одамнинг бош бўлиб турганига нима етсин. Ўқувчиларгаям, ўқитувчиларгаям, айниқса, ёш муаллимларга сизнинг тажрибангиз, маслаҳатингиз жуда зарур-ку.

– Қобилиятли ёшлар бор. Биз энди кексайиб қолдик.

– Биринчидан, ҳали бакуватсиз, иккинчидан, қари билганни пари билмас, дейдилар. Сизнинг мактабга

келиб-кетиб, у-бу ишларга бош бўлиб туришингиз жамоанинг бахти-ку...

Алмат ака кўлидаги баргни икки бармоғи орасида айлантирди. “Бахт. Уни ким қандай тушунади? Мендай кекса ўқитувчи, бунинг устига мактаб директоридан саволига жавоб ололмаган ўқувчи нима деб ўйлайди?..”

Дарсдан кейин савол-жавоб бўлди. Сухбат адабиётнинг бугунги ахволи, ҳозирги ёш шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида борди. Ўқувчилар кўп янги номларни санашди. Уларнинг шеърларидан ўкиб беришди, китоблари хусусида фикрларини айтдилар. Очиғи, Алмат ака бироз довдираб қолди. Бу ёшларнинг кўпини эшитган, у-бу нарсасини ўкиган бўлса-да, тан олиш керак, ижодини тўлик билмас эди. Шунинг учун ўқувчиларнинг саволларига аниқ жавоб беролмади, чайнади қолди.

Ўша куни дарсдан жуда ҳорғин чиқди. У бугун муаллимлик фаолиятида кўп кийинчиликларни бошидан кечирди, оғир йилларда, кийин шароитларда дарс берди. Лекин бирон марта чарчаганини, руҳи тушганини эслаётмайди. Бугун жуда эзилди. Умрида биринчи марта ўзини ожиз сизди. “Демак, бизнинг давримиз ўтибди-да...” Хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. “Ўқувчиларнинг саволига жавоб беролмаган, лоақал улар билган нарсани билмаган ўқитувчи ўқитувчими? Дарсликдаги гапларни ўкиб бериш билан иш битмайди”.

Ўз устида ишламайдиган, билимини ошириб, янгиликлардан хабардор бўлиб бормайдиган ўқитувчиларни Алмат ака кечирмас, буни сира яширмай, уларнинг юзига айтар эди.

Бугун эса ўзи... “Қачондан бери шундай бўлиб қолдим? Балки анча бўлгандир, сезмагандирман?! Нега энди ўсиб келаётган авлоднинг фикрини ўтмаслашти-

рамиз?! Уларнинг мулоҳазасини нима учун ўз қолипимизга солишимиз керак? Ўқувчиларнинг келажаги, тақдири менга, менга ўхшаганларга боғлиқ-ку. Йўк, энди тамом! Ҳар кимнинг ўз даври бўлади. Аммо бу давр мутлак эмас! Буни тушуниш, англаш даркор. Кимки буни ўз вақтида тушунса, ҳаётнинг шиддатли оқими билан барабар сузишга қудрати етмаганлигини пайкаб, ўзини кирғоққа олса – шунинг ўзи бахт!..”

Директор шулар ҳақида ўй суриб ўтирганди, эшик тақиллади. Дарҳол ўзини қўлга олди, костюмини, галстугини тўғрилади.

– Мумкинми, домла?

Уч йил бурун университетни битириб келган ёш адабиёт муаллими эшикни очди.

– Келинг.

Ёш ўқитувчилар орасида Алмат аканинг собиқ ўқувчилари анчагина. Директор уларнинг ҳаммасига бир устоз каби меҳрибонлик қилар, зарур маслаҳат ва кенгашини аямасди. Мана бу йигитга эса унинг ҳурмати ўзгача. Бу ҳам адабиётчи бўлгани учунми, камтар, ишчанлиги туфайлими – ҳар қалай Алмат аканик сабабини билмайди – лекин алоҳида бир меҳр билан яхши кўради. Ҳозир юраги сиқилиб, ўзи билан ўзи баҳслашиб турганда севимли шогирдининг кириб келиши унинг айни кўнглидаги иш бўлди. У ўрнидан туриб, шогирдига пешвоз юрди.

– Бир маслаҳат бор эди, домла.

– Ўтиринг-чи. Хўш нима экан?

– Районимизга бир-иккита ёш шоирлар келишипти. Уларни мактабимизга чакириб учрашув ўтказсак. Баҳонада адабиётимизнинг бугунги аҳволи билан яқинроқ танишар эдик. Улардан кўп нарса сўраб-билиш мумкин. Ўқувчиларимизга ҳам нафи тегади.

Синфдаги савол-жавоб Алмат аканинг ёдига тушди. Лекин буни шогирдига сездирмади.

– Майли, – деди локайдлик билан. Кейин кўшимча қилди: – Кимлар экан?

Муаллим районга келган ёш шоирларни айтди. Алмат ака бармоқларини стол устида ўйнатар экан, “О, жуда яхши! Зўр шоирлар. Улар билан учрашув ўтказиш керак, жуда яхши...” деди. Аслида уларнинг биронтасини ҳам тузукрок билмас эди.

– Бўпти, гаплашиб келинг, – деди. ≠ Қачон ўтказмоқчисиз учрашувни?

– Эртага чақирсам девдим.

– Майли. Мени эртага бошқармага чақиришган. Завучга тайинлайман, биргаликда уюштиринглар. Агар уларнинг ёнида китобидан бўлса, кутубхонамиз учун дастхат ёздириб олинг.

Ёш муаллим бир оз бўшашди.

– Сиз катнашмасангиз қандай бўлади?

– Зарари йўқ. Нима кипти? Мен бормасам бўлмайди-да. Индинга ўтказайлик десам, уларнинг вақти борми-йўқми, балки кетиб қолишадими...

– Бошқармага бир кун кейин борсангиз-чи? Ўзингиз иштирок этганингизда яхши бўлар эди-да. Ҳам директор, ҳам тажрибали адабиёт ўқитувчиси. У шоирларни яхши биласиз...

Ёш муаллимнинг охириги сўзлари Алмат акага киноя каби эшитилди. “Шоирларни яхши биласиз”. У ҳозир овозини борича “Йўқ, мен ҳеч кимни, ҳеч нарсани билмайман! Меннинг даврим ўтди!” деб бакиргиси, шу билан кўнглини сал бўшатгиси келди. Бирок Алмат ака... Алмат Муродов учун бундай қилиш ярашмас, ярашмайдигина эмас, умуман ақлга сиғмайдиган бир гап эди. Унинг кучли иродаси, кенг мулоҳазаси, катта ҳаётий

тажрибаси ҳар доимгидек, бу сафар ҳам бир лаҳзалик энгил ҳиссиётдан устун чикди. Ўрнидан оғир турди-да, шогирдининг ёнига келиб, елкасига қўлини қўйди.

– Тушунаман, ўғлим, – деди у оталарча вазминлик билан, – лекин сиз ҳам мени тушунинг: мен учрашувда қатнашолмайман. Бунинг учун мен эртага облонога бориш-бормаслигимнинг аҳамияти йўқ!.. Сабабини сўраманг. Мавриди келса айтарман.

Бу гапдан ёш муаллим хайратга тушди. “Нима гап ўзи? Бу гапларни Алмат ака айтяптими?” Қулоқларига ишонмади. Рўпарасида турган одам ўша – ўзига илк бор ҳарф ўргатган, калбида адабиётга иштиёқ уйғотган, қанча-қанча ёшларга устозлик қилган, шаҳарчада етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма домла, деб ҳурмат қиладиган Алмат Муродов турганига шубҳа қилгандек унга синчковлик ила тикилди.

Буни Алмат ака сизди. У ҳам шогирдининг жавдираб турган кўзларига каради-да:

– Шундай, ўғлим! – деди.

...Алмат ака чуқур хўрсинди. Чинорнинг кўм-кўк баргига термилди. “Хўш, ўша ёш муаллим қандай тушунади бу бахтни? Бахт эмиш. Юз меҳри – иссиқ қабелида индамай юришганини, юзига солмаётганини бахт, деб ўйлаш керакми?..”

Балки шундайдир. Лекин мен учун бундай бахтни кўтариш оғир. Ўйинга ярамай қолганини сезиб ўзини четга олиш, ёшларга ўрин бериш даркор. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб, кўзга чикқан говмижжадай хунук кўриниб юриш наҳоки бахт бўлса?”

Мудир ўйланиб қолди. Алмат акага синовчан разм солди. У нигоҳини бир нуқтага қадаб, индамай ўтирар эди. Мудир охириги марта Алмат аканинг қўйнига қўл солди.

– Мен сиздан буни кутмаган эдим, – деди ранжиган оҳангда, – Сизни сираям шунака одам, деб ўйламовдим.

Алмат ака ялт этиб мудирга каради. Унинг бу қарашда “Мен канака одам эканман? Нима демокчисиз?” деган кескин савол зоҳир эди. Мудир буни сезмаган каби ўсмоқчилади. – Наҳотки, шу қадар шахсиятпараст бўлсангиз?

Алмат ака аввал оқарди, кейин уят иш қилиб кўйган боладай қизариб кетди. Илкис нима дейишини билмай колди.

– Бу нима деганингиз? – деди ниҳоят.

Мудир иложи борича ўзини жиддий тутишга, ҳазилини сездирмасликка ҳаракат қилди. Гапириш оҳангини ҳам ўзгартирмади.

– Тўғри-да! Шахсий ҳаловатингизни ўйлаб ҳаммасидан воз кечяпсиз. Жамият манфаатидан ўзингизни олиб қочяпсиз. Бошқа мактабларда шундай ўқитувчилар борки, пенсияга чиққанига бир неча йил бўлганига карамай, ишламасликни хаёлига ҳам келтирмайди. “Кўп йиллик ҳалол хизматларингиз эвазига энди ҳордик олинглар”, деб қанча айтдик. Аммо улар “Танамда жоним бор экан, жамият учун, халқ учун хизмат қиламан! Майли, мурдам чиқсин мактабдан”, дейишадди. Уларни ҳақиқий педагог, жамият учун, халқ учун умрини бахшида қилган фидойилар деса бўлади. Сиз ўшалардан ёшсиз, лекин “Кексайдим, чарчадим, соғлигим ёмон, ишдан бўшатинг” дейсиз.

Мудир кимларни назарда тутаётганини Алмат ака биллади. Туманда беш-олтита кекса ўқитувчи бор. Ўқитувчилар етишмаслиги туфайли бир вақтлар муаллим бўлиб олган. Лекин буни ўзлари тан олмайди. Бу ҳақда сўз кетдими, “биз ёшлигимизда...” деб гапни узокдан бошлашади. Ўқувчиларнинг масҳара қилиши ҳам,

мажлислардаги дашномлар ҳам, кизим сенга айтаман, келиним сен эшит қабилидаги учуриқлар ҳам уларга таъсир этмайди...

Ўзини ўшаларга менгзагани учун Алмат ака мудирдан ранжиди. Вужуди жимирлаб, бошига иссик қон югурди, икки чаккаси кизишиб кетди.

– Менга қаранг, ҳурматли мудир, – деди салмоқлаб. – Борди-ю, ҳазил қилаётган бўлсангиз, сиздан қаттиқ илтимос, иккинчи бунақа ҳазилни йиғиштиринг, агар рост айтаётган бўлсангиз...

У гапиролмай қолди. Ҳазили қалтис чиққанини мудир сизди. Стаканга сув қуйиб, Алмат акага узатди.

– Домла, домла... Кўйинг-э, наҳотки, ҳазилни тушунмасангиз. Мен сизнинг кимлигингизни билмайманми?!

Алмат ака бир култум сув ичиб, бошини кафтлари орасига олди. Тирсақларини столга тираганча узоқ жим қолди. Мудир саросимага тушиб, кўркиб кетди. “Ҳе, шу ҳазилни чиқарганининг падарига лаънат!” Алмат акага яқин борди.

– Доктор чақирайми, домла?

Алмат ака “йўқ” деган маънода бош ирғади. Бир оздан кейин кўлларини туширди. Ожизлик билан мудирга қаради.

– Кечиринг, домла. Ҳазиллашаман, деб...

– Ўша ватанпарварлар, жамиятга жонини фидо қилган фидойилар билан ишлайверинг-да, – деди Алмат ака жуда синиқ товушда. – Мендек шахсиятпараст, худбин одамни нима қиласиз. Ундан кўра аризамга тезроқ кўл қуйиб, тезроқ кутулмайсизми! – У энди ўзига ўзи гапирар эди. – Шахсиятпараст эмишман. Салкам эллик йил муаллимлик қилиб, ҳеч кимдан бундай гапни эшитмовдим. Ёшим бир жойга борган-

да шахсиятпарастлик киламанми? Бўшатишлар, қувватим етмаяпти, ҳозирги болаларга ақлим, билимим ожизлик қилиб қолди, энди ёшлар ишласин, десам худбинлик бўладими... Нега бир-биримизни тўғри тушунмаймиз? Ҳайронман, ёлғон гапга дарров ишонмашади-ю, рост сўзингга қулоқ солишмайди!

У бир лаҳза жим қолди. Нафасини ростлади. Кейин мудирга юзланди:

– Жамият тараккиётига қўшилиш, бу тараккиёт билан барабар юриш қўлимиздан келмагач, ортиқча чиранишнинг нима кераги бор? Борди-ю, мен шуни сезган бўлсам, шуни тан олиб турсам – бу айбми? Олдин ҳам неча марта келдим хузурингизга. Ҳар гал пайсалга соласиз. Ҳурматингизни қилдим, индамай қайтиб кетавердим. Энди эса...

Алмат аканинг мактаби тумандаги энг илғор, ҳар томондан намунали. У директорликни топширса, мактабнинг обрўси нима бўлади? Янги директор бу обрўни сақлаб қола оладими? Ахир, мактаб бутун туманининг фахри-ку!

Мудирнинг ташвиши бу ёқда эди. Директорнинг аризасига қўл қўймай галга солишининг боиси ҳам шу.

Алмат ака уни ишонтирди: Мактабнинг обрўсини сақлаб қола оладиган, шуҳратини яна ҳам ошириш қўлидан келадиган ёшлар бор...

Бу гапдан мудирнинг кўнгли ўрнига тушди...

Алмат ака аввал қўлидаги баргнинг томирларига, сўнг ўзининг қўл томирларига разм солди. Озгин қўлларига бўртиб турган томирлар ҳали унча-мунча ишни писанд қилмаётгандек туюлди. У ички бир қониқиб, қандайдир хурсандлик ҳиссини туйди... “Директорликдан бўшаганим билан қиладиган ишларим қўп ҳали... Ўғил-қизларим, невараларим...”

– Ассалому алайкум, домла.

Алмат аканинг хаёли бўлинди. Қаршисида шогирди – ёш адабиёт муаллими турарди.

– Ёлғиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?

Алмат ака унга ёнидан жой кўрсатди.

– Ўтиринг. Шошилмаяпсизми? Қаерга кетяпсиз?

– Йўқ. Кинофикациядаги ўртоғимнинг олдига бораётган эдим. Янги фильм келганмиш. Ўқитувчилар хаётдан экан. Гаплашиб кўрай, мактабимизга олиб бориб кўрсатса, яхши бўларди.

“Директорликка бунинг номзодини кўрсатиб чакки қилмадим. Жуда куйди-пишди йигит. Ўз фанини, умуман мактабни, болаларни яхши кўради. Ана шундайлар директор бўлгани тузук”.

– Ҳозир сизни ўйлаб ўтиргандим.

– Мени? Қизиқ-ку!

– Ҳа, сизни, – деди Алмат ака шогирдига синовчан тикилиб. – Биласизми, мен ҳозир районо мудирининг олдидан келяпман...

Алмат ака бўлган гапнинг ҳаммасини айтиб берди.

– Бундан бир ойча илгари ёш шоирлар билан учрашув ўтказмоқчи бўлганингизда мен катнашолмайман, деганим эсингиздами? Сабабини энди билдингизми?

– Кўйинг домла, биз адабиётни сизчалик тушунишимизга ҳали анча бор.

– Йўқ, ўғлим. Гапларимни сохта камтарлик, деб ўйламаанг. Бори шу. Сизга айтадиган муҳим гапим бор. Менинг аризамга кўл кўйди.

Муаллим ўрнидан сапчиб туриб кетди.

– Нималар деяпсиз, домла?! Мактабнинг холи не кечади?

– Хавотир олманг. Ҳаммаси яхши бўлади... Майли, ҳозир йўлдан қолманг. Бошқа гапларни эртага мажлисда гаплашамиз. Хайр, омон бўлинг...

...Улар ота-болалардай хайрлашди. Алмат ака шогирдининг орқасидан қараб қолди. Унинг юришида қандайдир вазминлик, салобат бор эди. “Уялтирмайди...Ишонаман...”

1982 йил.

УКА

Акмал Москвага олдин ҳам келган. Унда шунчаки, томоша қилиб кетган эди. Бу гал иш билан юрибди – семинарда катнашяпти. Ҳар кун эртадан-кечгача лекция, сира тиним йўқ.

Бугун жуда хуноби ошди. Бор-е, деб Самаркандга қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Метро вагончаларининг бир маромдаги шак-шукига қулоқ солиб борар экан, миясида турли-туман фикрлар ғужғон ўйнарди. “Шунча йўлдан овора бўлиб келдим. Бир ҳафтадан бери тентираб юрибман. Энди, нима бўлса ҳам охиригача чидай. Шу ҳолда қайтиб борсам директор ҳам ранжийди...”

У меҳмонхонага шалвираб кириб келди. Ҳамхонаси йўқ, ҳали қайтмабди. Қават навбатчисидан чой илтимос қилди. Юмшоқ креслога ўтириб иссиқ чойдан ҳўплади.

Эшик тақиллади. Акмал хаёлини йиғиштириб олди:

– Ким, у? – деди.

Эшик яна тақиллади. У ўтирган жойидан турмади. Эринди. “Ким бўлди экан? Манави бўлса индамай кириб келаверар эди...”

– Кираверинг!

Эшик секин очилди. Бир киши аста мўралади. Акмалга таниш қиёфа. У қўлидаги стаканни столга қўйди-да, ўрнидан сакраб турди.

– Нормат!

– Салом, ака... – деди Нормат.

Ака-ука кучоклашиб кўришди...

* * *

Акмал оилада тўнғич фарзанд. У ўрта мактабни битириб, Самарканддаги меъморчилик институтига ўқишга кирди. Нормат ўрта мактабни Акмалдан икки йил кейин битирди.

Отаси: “Сен ҳам шаҳарга ўқишга борасанми, ўғлим?” – деди бир куни Норматга. У отасининг ажин босган юзларига, негадир бир оз ғамгин чехрасига тикилди. Отаси жуда қариб қолгандай туюлди. Ҳозирги саволида ўзига нисбатан илтижо, ялиниш оҳангини сизди. Бунинг боиси бор.

Ҳайит ака нисбатан кечроқ фарзанд кўрди. У ўттиздан ошганда Акмал туғилди. Бунинг устига, ёшлигида кўп кийинчилик кўргани учунми, тез қариди. Йўқ, қариганда у куч-қувватдан қолмади. Ҳозир ҳам билагидики кучи, юрагида ўти бор. Фақат шашти пастдай кўринадди. Акмалнинг қўлидан энди иш келиб, оғирини енгил қиламан, деганда ўқишга кириб кетди. Оила-рўзғор ишлари яна Ҳайит аканинг ўзига қолди.

Нормат вояга етди. Эрта-индин у ҳам ўқишга жўнаса... Кейин нима бўлади? Ҳовлидаги тоқларни чопиш, суғориш, баҳорда очиб, кузда кўмиш яна Ҳайит аканинг гарданига тушадими?

Ҳайит ака Норматдан бояги саволни бекорга сўрамади. Савол замирида чуқур маъно, бир-бирига боғ-

лиқ саволлар бор. Нормат буларни билади. Билгани учун ҳам отасининг нуроний чехрасига узок термилди.

– Нимайди, ота? → деди у ниҳоят.

Ҳайит ака оқ оралаган соколини оҳиста силади. Норматга карамай, узок-узокларга, тоғнинг куёш тегай-тегай деб турган чўккисига термилганча, хаёлчан бир аҳволда деди:

– Ўзим... Шунчаки, сўраяпман-да, ўғлим. Мактаб-ниям битирдинг. Қайси ўқишга бормокчисан, деб сўраяпман-да.

Ҳайит ака ўғлига қандайдир ҳам маънодор, ҳам савол назари билан каради.

– Акам ўқишда бўлса... Мен ҳам кетсам, уйнинг ишларини ким қилади? Ёлғиз ўзингиз куймаланиб юрасизми? Одамлар нима дейди? Икки ўғил ўстириб кўрган роҳати шуми, демайдимми?

Ўғлининг ақл-фаросатидан Ҳайит аканинг кўнгли ёришди. Аммо дилида кечган мамнунликни тилига чиқармади. Ҳайит аканинг одати шундай: ўғил-кизларидан хурсанд бўлса ҳам, ранжиса ҳам ўзини тия олади. Ортикча суюб, эркаламайди, шовкин-сурон солиб, бакирмайди. Факат унинг юз ифодаси, гапириш оҳанги дилида кечаётган ўйларни аён килиб кўяди. Ё ўйчан, камгап бўлиб қолади, ё чиройи очилиб, ёш боладай ҳазил-хузул қилади.

– Иш қочиб кетмас, – деди Ҳайит ака салмоқлаб. – Лекин сен ўқишинг керак. Бир вақти келиб: “Отам мени институтга юбормаганлар”, деб хафа бўлиб юрсанг яхши эмас-да.

– Вақти-соати келса, ўқиб оларман. Лекин ҳозир бормайман. Ундан кўра бир ишнинг бошини тутай. Акам битириб келсин. Кейин бир гап бўлар.

Нормат айтганини қилди. Тракторнинг рулини тутди. Уй ишларини тамоман ўз елкасига олди.

...Баҳорда Ургут тоғлари ям-яшил либос кияди. Лолалар зангор гиламдаги кип-қизил гулларни эслатади. Атрофга қараб кишининг кўзи тўймайди. Ҳавонинг тозалигини айтинг.

Акмал икки ўртоғи билан кишлоғига келди. Меҳмонлар бироз дам олишгандан кейин Нормат акасини секин четга имлаб чақирди:

– Меҳмонларни уйда димиқтириб олиб ўтиравермайлик. Токқа олиб чиқайлик. Айланиб, дам олиб келишади.

– Яхши бўларди. Машинагда чиқамизми? – деди Акмал.

– Албатта-да. Шундай кунда минмасак қачон минамиз. Яхши кунларимизга ярасин, деб яхши ният билан олганман.

Улар Омонқўтоя тоғига чиқишди. Нормат учун Омонқўтондан гўзалроқ жой йўқ. Ўртадан шаркираб сой оқади. Суви тип-тиник, муздай. Тошдан-тошга урилиб оқишига термилиб ўтиришнинг ўзи кишига завқ бағишлайди. Икки томон баланд тоғ – кўм-кўк ўрмон. Шаҳардан келган меҳмонлар жаннатга тушгандай бўлиб қолдилар. Арча ўтинида пиширилган тандир кабоб, кийик ўт тўғралган кўйнинг қатиғи.

Нормат бир-иккита жўраси билан кабоб елпияпти.

– Акмал, укангиз нима иш қилади? – деб сўради меҳмонлардан бири.

– Трактор хайдайди.

– Бирон-бир раҳбарларданми, деб ўйлабман, – деди иккинчиси. – Бунча зиёфат қилиш учун...

Акмал кулиб кўйди. Аслида унинг ўзи ҳам укасига тан бераётган, қойил қолаётган эди. Қасрга бормасин

ҳамма у билан қуюқ кўришади, хизматда бўлайлик, деб кўлини кўксига кўяди. Нормат: “Раҳмат, раҳмат, кейинги сафар”, деб ўтиб кетади. Шунча обрў-эътибор, иззат-ҳурмат...

Меҳмонлар уч кун туришди. Уч кун ичида Нормат уларни қаерларга олиб бормади, нималар билан меҳмон қилмади. Охири машинасида Самарқандга элтиб кўйди. Хайрлашаётганида меҳмонлардан бири Норматнинг кўлини қаттиқ сиқар экан:

– Уканг бўлса шундай бўлса-да. Кўз тегмасин. Омадингни берсин, ука, – деди.

Нормат акасини ётоқхонага олиб борди. Акмал машинадан тушаётганда Нормат унга қоғозга ўроғлик нарса узатди.

– Нима бу? – деди Акмал.

– Олиб кўйинг, ака. Керак бўлади.

Акмалнинг вужуди жимирлаб кетди: “Нахотки? Ука акага пул берса! Нега энди! Аслида бу ишни мен қилишим керак эди-ку!” Аканинг бурчи, вазифаси эмасми?! Укам менга ёрдам беряпти... У жуда уялди. Хижолат чекди.

– Нормат... Керак эмас, ҳаммаси етарли, – деди ниҳоят.

Нормат кулди. Акасининг хаёлидан кечган фикрларни уққандай эди.

– Борида олаверинг, ака. Хижолат тортманг. Эргиндин катта меъмор бўлиб кетсангиз сиз менга ёрдам берасиз.

– Қачон уйга борсам тинмай хизмат қиласан, – деди Акмал. – Ҳозир жўраларимга шунча зиёфат бердинг. Шунинг ўзи бас, ахир. Мени хижолат қилма. Ака бўлиб нима қилиб кўйдим сенга.

– Айтдим-ку, ҳозир сиз олиб туринг, вақти келса мен оларман.

Ўшандан кейин Акмал анча пайт кишлоғига бормади. У Норматга кўринишдан уялди... “Унинг кўзига қандай қарайман? Мени деб ўқишга кирмади. Менинг ўрнимга уй ишларини қиляпти. Ота-онамга қараяпти. Бу ҳам етмагандай менга ёрдам беради. Қайси ука шундай қилади? Акалар, ҳатто оталар-чи?!”

...Ёзнинг жазирама кунлари. Имтиҳонлар тугаган. Акмал диплом ишининг ташвиши билан юрибди. Бир кун иссиқдан бўшашиб қайтди. Ётоқхона эшиги олдида турган кизил “Москвич” кўзига таниш кўринди. Номерига қаради. “Ие, Норматнинг машинаси-ку! Тинчликмикан?” Шу хаёллар билан машина эшигини тортди: кулф. Қаерга кетди экан? Ётоқхона томонга бурилиши билан ичкаридан Нормат чиқди.

– Ҳа, Нормат? Тинчликми?

– Тинчлик, – деди Нормат салом бериб. – Ўзингиздан сўрасак? Соғ-саломатмисиз? Уйга бормайсиз ҳам.

“Чолу кампир хавотир олишган. Ҳар ҳафтада боришимга ўрганиб қолишган-да”.

– Отам билан энам ишдан қолдиришибди-да, сени, – деди Акмал ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

– Нимага?

– Нимага бўларди, бир ой бормаганимга хавотир олиб сени жўнатишибди-ку.

– Йўк, улар билишмайди. Ҳаяллаб кетганингизга бир бориб ўзим хабар олиб келай-чи, деб келдим. Отамгаям, энамгаям айтганим йўк. У куни энам “Акангдан дарак бўлмапти-я, болам”, дедилар. “Кеп қолар, иши кўпайиб кетгандир-да”, дедим. Энам алағда бўлмасинлар дедим-у ўзим турли хаёлларга бордим. Кейин уларга билдирмай бу ёққа жўнадим.

– Бекор овора бўлсан. Нима, мен ёш боламидим. Диплом ишлари билан югуриб юрибман. Бугун бу ерини тузатаман, эрта у ерини.

– Қачон химоя қиласиз?

– Кейинги ҳафта, жума куни.

– Бўпти, мен кетдим. Ўша куни келаман.

– Келишингни нима ҳожати бор. Ишдан қолиб юрасанми.

Нормат индамай машинага ўтирди. Акмал унинг орқасидан ҳавас билан термилиб қолди.

Жума куни диплом химоясидан сўнг терлаб-пишиб коридорга чиқди. Эшик олдида кўлида бир даста гул билан Нормат кутиб олди. У гулни акасига тутқазиб, уни маҳкам кучоқлади.

– Табриклайман, ака! Отам билан энам ҳам табрик-лаб юборишди.

Акмал севинчини яширолмади.

– Раҳмат, ука...

У бошқа гапирмади, гапиролмади.

Акмалнинг бир дўсти югуриб келиб Нормат билан кўришди. Нормат уни таниди. Баҳорда кишлоғига борган, тоққа чиққан йигитлардан бири эди.

– Ётоқхонага борамизми? – деди ҳалиги йигит.

– Ҳа, – деди Акмал, Норматга: – Сен ҳам юр. Беш-олтита жўраларим боради. Бирпас ўтирамыз.

Ўн чоғли йигит-қиз Акмалнинг хонасига келишди. Улар стол атрофига ўтириши билан Нормат ишга тушиб кетди. Бир зумда столнинг усти турли ноз-неъматлар билан лик тўлди. Пиширилган гўшт, тандир кабоб, катпатир, мева-чева... Акмалнинг оғзи очилиб қолди.

– Оҳо, зўр-ку, – дейишди меҳмонлар. – Бу ҳақиқий банкет-ку.

Йигит-қизларнинг бири кўйиб, иккинчиси сўз олди. Ҳаммаси Акмалнинг таланти юксаклигини, диплом иши сифатида тақдим этган лойиҳаси юқори баҳоланганлигини, келажакда ундан катта меъмор чиқишини қайта-қайта таъкидлашди.

Нормат бир чеккада уларнинг сўзини тинглаб ўтирар, шундай истеъдодли акаси борлигидан ғурурланар, сўз айтувчилар Акмални мактаётганида “Бу менинг акам, кўриб кўйинглар!” деб овозининг борича хайқиргиси келар эди...

Йиллар ўтди. Бу орада Акмал ҳам, Нормат ҳам уйланди. Бола-чақали бўлди. Ҳар иккала тўйнинг оғирини Нормат кўтарди. Лекин буни ҳеч ким билгани йўқ. Одамлар: “Ҳайит ака ўғилларининг тўйини жуда яхши ўтказиб берди”, – деб гапириб юришди. Бу гапни эшитган Нормат астойдил севинди. “Отамнинг шаънига одамлар яхши сўз айтишса бас. Менга шунинг ўзи кифоя”.

Тақдирнинг тақозоси билан Акмал шаҳарда яшаб қолди. Дўстлари башорат қилганидек, у катта меъмор бўлиб етишди. Унинг лойиҳаси бўйича бинолар, майдонлар, хиёбонлар қурилди. Буларнинг ҳар бири давлат комиссияси томонидан қабул қилинганда, тантанали очилиш маросимларида Нормат акасининг ёнида бўлади. Кимдан эшитиб, қаердан билиб келади – бунга Акмалнинг акли етмайди. Сўраса – билдим-да, деб гапни қисқа қилади. Акмалнинг номига мактов сўзлар айтилганда Норматнинг кўкси тоғдай кўтарилади.

Дўстлари, бошқа жойлардан келган жўралари билан шаҳарга тушиб қолса, атбатта Акмалнинг лойиҳаси бўйича ишланган биноларни кўрсатади. Майдонларни айланиб, хиёбонларда бир нафас бўлса-да, ўтириб ҳордиқ чиқаради. “Мана шу бинонинг лойиҳасини

менинг акам ишлаган. Мана бу майдонни, хиёбонни ҳам. Қаранглар, қандай чиройли, ажойиб. Ҳаммаси жой-жойида. Меъмор чизиб чикмаса бунақа баланд иморатларни куриб бўлмайди”. Одамларга ана шундай деб мақтанишни яхши кўради.

Бу севинчларини, мақтанишларини Акмалга айтмайди. Бироқ Акмалнинг ўзи сезади. Сезиб укасидан хурсанд бўлади. “Менинг ижодимга шунчалик кизиқади, шунчалар жон куйдиради-я...”

Норматнинг ўқиши учун “вақти-соати” келмади. Бугун бу деди, эрта у. Бир ишни тугатса иккинчиси чиқиб турди. Оилалик бўлгандан кейин иш қайнагандан қайнади. Йил ўтган сари ота-онаси қариб, оғир ишларга ярамай қолаверди. “Иқтисодий жиҳатдан сал ўзимни ўнглаб олсам, кейин ўқийман” деб хаёл қилган эди, йўқ, аксинча бўлди. “Иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглади”, аммо оилавий шароит тобора мураккаблашиб бораверди. Бирин-кетин сингилларини турмушга узатди. Ота-онасининг ёнида ёлғиз ўзи қолди. Энди уларни ўз ҳолига ташлаб кетолмайди.

Ота-онасининг соғ-саломат юрганидан, сингиллари бахтини топиб, уй-жойли бўлганидан кўнгли тўқ. Кўшни кишлоқларда бирон-бир тўйми, таъзиями бўлиб қолса, ота-онасини машинасида олиб боради. Фақат ота-онасини эмас, бошқа қарияларни ҳам олиб кетади. Шунда чолу кампирлар уни алқайди: “Умрингдан барака топ, болам. Бизнинг ёшимизга етиб юр. Омадингни берсин. Бола-чақангнинг хузурини кўр”.

Ана шундай кезларда у ўқиёлмай қолганидан кўнгли ўксимайди, пушаймон қилмайди. “Тўртта одамнинг кўнглини олсам – шунинг ўзи бас-да. Такдирда бор

экан, ўқиёлмадим. Лекин кимдан камчилигим бор. Ўқишни битириб, номи улуғ, супраси куруқ бўлиб юрганлар ҳам бор-ку!” Шуларни ўйласа, хаёлига “лоп” этиб акаси келади. “Ўйк, менинг акам унакалардан эмас! Тўғри, унинг тагида машинаси, кассада минг-минг пули ўйк. Аммо акамни ҳамма ҳурмат килади. Меъмор Ҳайитов, деб гапиради. Радиодан, телевизордан акам курган биноларни мактайди. Акам машҳур одам. Кўп пул топиш осон, лекин машҳур одам бўлиш қийин. Қани, кимнинг акаси шунақа машҳур? Кимсан, Акмал Ҳайитов! Меъмор Ҳайитов! Ана шу одам менинг акам бўлади! Биз у билан бир қориндан талашиб тушганмиз”.

Болалигида Акмал билан Норматнинг гавдаси бир хил эди. Танимаганлар уларни эгизак, деб ўйларди. Бирининг кийимини иккинчиси кийиб кочар, шундан икковининг ўртасида тез-тез жанжал чиқиб турар эди. Отаси ёки онаси Акмалга иш буюрса, у Норматга айтади, Нормат эса ўзинг кил, дейди.

Бир марта қизиқ бўлган. Ўшанда Акмал ўн тўртда, Нормат ўн икки ёшда эди. Ҳайит ака Акмалга: “Ариқдан сув боғлаб кел, ҳовлидаги тоқларни суғорамиз”, деди. Акмал отасига индамади-ю, ташқарига чиқиб, Норматга: “Ариқдан сув боғлаб келаркансан. Отам айтдилар, тоқларни суғорар эканмиз” деди. Нормат: “Алдама, ўзингга айтган. Бор ўзинг.” Униси у деди, буниси бу. Машмашани Ҳайит ака эшитиб қолди. Ўғилларига мик этмади. Кетмонни елкасига ташлаб ариқ томонга чиқиб кетди. Ака-ука отасининг мақсадини тушуниб, орқасидан эргашди. Ҳайит ака ўғиллари ортидан келаётганини сизди. Сизди-ю, билмаганга олиб кетаверди. Акмал чопиб бориб: “Ота, кетмонни беринг. Ўзим боғлаб келаман”, деди. Ҳайит

ака бамайлихотир ҳолда: “Қўй, ўғлим! Сенларга бир ишни айтгунча, тинчгина ўзим қилиб қўя қолганим маъкул”, деди.

Бу гапдан Акмал ҳам, унинг орқасидан бурнини тортиб эргашиб бораётган Нормат ҳам изза бўлди. Ака-ука бир-бирига қаради. Бу қарашда “уялмайсанми?” деган маъно бор эди...

...Нормат етилиб, юзлари тўлишиб қолди. Оғир-вазмин йигит. Офтоб тиғида қорайган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб турибди. Анча улуғсифат кўринади. Билмаганлар уни Акмалнинг акаси, деб ўйлайди. Акмал чуваккина бўлиб қолди: рангрўйи бир аҳволда. Ёнғоқ соясида қолган ниҳолдай нимжон. Нормат буни акасининг кўп ишлашидан, иши оғир ва диққинафас эканлигидан, деб билади. Қачон унинг уйига борса, Акмал катта оқ қоғозга термилиб, учи игнадай қилиб очилган турли қаламлар, ҳар хил жазварлар билан нималарнидир ўлчаб, чизиб ўтирган бўлади. “Меъморлик ҳам кийин иш экан-да”. Акасига раҳми келиб кетади. “Ака, ҳадеб хонага қамалиб олиб чизма-чизик қилавермай, ҳар замонда қишлоқ томонларга бориб бир айланиб келинг. Ҳаво алмаштирасиз. Соғлигингизга ҳам фойда” дейди. Акмал сигаретни буркситиб тутатади-да, укасининг меҳрибон кўзларига термилади.” Хўп, мана шу ишимни тугатай. Кейин албатта бораман. Токқа олиб чиқасанми?” “Албатта, олиб чиқаман”. Қажда, у иш тугар-тугамас яна бир иш топилади. Шундай қилиб, баҳор ўтади, ёз ўтади, куз кетидан киш келади. Акмал эса катта оқ қоғоз устига игнадай учли қаламлар билан одам акли етмайдиган чизиклар тортишдан на бўшайди, на чарчайди...

* * *

– Нима қилиб юрибсан буёқларда? – деди Акмал укасини кучоғидан кўйиб юбормай. – Бирон иш билан келдингми? Менинг бу ердалигимни қаердан билдинг?

– Ўзим, шундай, томоша қилгани келдим.

Ака-ука иккита креслога қарама-қарши ўтиришди. Акмал Норматга чой узатди.

– Ҳар ҳолда бекорга келмагандирсан?

Нормат кулди. Акаси узатган илик чойдан бир хўлаб, Акмалга маъноли каради.

– Нимага ундай деб ўйлайсиз? Москвага фақат сиз келаверасизми? Бизлар ҳам томоша қилайлик-да Москвани. – Стаканни Акмалга узатаркан, кулимсиради. – Кўргазмага келувдик.

– Шунака дегин, – деди Акмал. – Кўпчиликмисизлар? Қачон келдиларинг?

– Анча киши бор. Кеча кечкурун келдик.

– Хўш, менинг бу ердалигимни кимдан эшитдинг? Қандай топиб келдинг?

– Нима, бизни жуда саводсиз, деб ўйлайсизми? Сўраб-сўраб топиб келдим-да.

Норматнинг “бизни саводсиз, деб ўйлайсизми” деган гапи Акмалнинг юрагига санчилди. У ҳамиша укасининг ўқимай қолгани учун ўзини гуноҳкор санаб юрар эди. Лекин бу ҳақда Нормат бирон марта бир оғиз гапирмаган... Акмал гап очса ҳам: “Бу гапларни кўйинг, ака”, деб мавзуни бошқа томонга бурарди. Бугун билибми-билмайми, шуни айтди. Яна қаерда, уйдан, ота-онасидан, бола-чақасидан узокда. “Барибир кўнглида бор экан-да...”

Акасининг индамай қолгани Норматни ҳайратга солди. Акмал хомуш тортиб, сигарет тутатди.

– Сизга нима бўлди, ака? – деди Нормат ҳайрат ва ҳаяжон билан.

Акмал сигарет тутунини ичига тортаркан, ўйчан деди:

– Мени кечир, Нормат. Ишимга берилиб кетиб сенинг ўқишинг билан шуғулланолмадим.

Норматнинг эсига лоп этиб боя айтган гапи тушди. “Эх, каллаварам! Нималар дединг ўзи? Нима учун келдинг-у, нима қилиб қўйдинг?!”

– Ака, – деди айтган сўзидан пушаймон бўлиб. – Бемаъни гапим учун мени кечиринг. Гап бу томонга айланиб кетишини ўйлаганим йўқ. Хурсандчилигимдан сизга ҳазиллашдим, деб қовун тушириб қўйибман-ку.

– Йўқ, тўғри гап, – деди Акмал ўйчан.

Нормат ўрнидан ирғиб турди. Акмалнинг рўпарасига келди.

– Ака! Агар мени укам десангиз шу гапни хаёлингиздан чиқариб ташланг! Бу ҳақда шу пайтгача ўйлаган бўлсам ёки энди ўйласам... сафарда турибман...

– Бас! – Акмал ҳам ўрнидан турди.

Ака-ука тик турганча бир зум бир-бирларига термилиб қолишди.

– Мен нима учун бу ерга келдим? Биласизми? – деди Нормат жимликни бузиб. Акмал “Билмайман”, деган мазмунда елка қисди. Нормат акасининг кўзларига термилди. – Ахир бугун туғилган кунингиз-ку!

Ака-ука беихтиёр бир-бирининг кучоғига ўзини отди. Улар узок вақт шу алпозда туришди... Акмалнинг елкаси силкинди. Буни Нормат сизди. Сездю... Ўзининг ҳам елкаси титраганини билмай қолди...

ТЎҚАЙДА

Мингбулок – тоғ этагидаги кишлок. Унинг табиати жуда гўзал – бир ёнда одам кундузи юрса кўркадиган даражада тўқайзор, бир тарафда боғ-роғ. Бу ерда жамики мевадан бор десак, лоф эмас, яна бир ёнда токзор – унга оралаган одам қора кишмишу ок кишмиш, ҳусайнию тойифи, султонию қора жанжал, даройию сурхок – хуллас, бир неча хил узумни топади. Токзорнинг юқори тарафида заяк бор. Рустам билан Даврон мана шу ерда кўйларини боқишади. Асосан қора дўланадан иборат тўқайзорнинг ўти шу қадар бўлиқки, одамнинг белига уради. Рустам билан Даврон баъзан шу томонга ҳам ҳайдашади кўйларини.

Улар тўқайзорга киришни яна бир жиҳатдан ёқтиришади. У ерда ёввойи куён, тулки, тустовук, яна қандайдир ҳайвону паррандалар юради. Неча марта ёввойи куёнларни қувлашган...

Рустам билан Даврон синфдош, бу йил олтинчини битиришди. Аммо танимаган одам уларнинг синфдошлигига ишонмайди. Чунки Рустам баланд бўйли, юзлари коп-қора, кўринишидан ўн беш-ўн олти ёшларга борганга ўхшайди, Даврон эса аксинча, пакана, юзлариям сап-сарик, ёшига нисбатан бир-икки ёш кичик кўринади. Шу боис аввалига уларни орқаворотдан узун-кискалар деб масхара килувчилар ҳам топилди. Бу гап Рустам билан Давроннинг ҳам қулоғига етиб келган, бироқ уларнинг иккови ҳам эътибор бермади. Аксинча, бунга сари иккови кўпроқ бирга юрди, дарсга ҳам бирга бориб, бирга қайтди, олдинлари иккови бошқа-бошқа ўтирарди, шу гап-сўзлардан кейин бир партада ўтирадиган бўлди. Бора-бора уларнинг бу одатига ҳамма кўникди, ҳеч ким эътибор ҳам бермай

қўйди, қайтанга, ё Рустамни, ёки Давронни ёлғиз кўрса ажабланадиган бўлишди. Ҳасан-Ҳусанлар ҳам булар каби бир-бирига яқин, кўникиб қолишмаса керак.

Таътил кунлари ҳам иккови бирга ўйнайди, сойдаги сув омборига чўмилгани биргаликда боришади. Рустамда ҳам, Давронда ҳам тўрттадан кўй бор. Ҳар йили эрта баҳордан тўрттадан кўзичокни етаклаб, кеч кузгача боқишади. Бу улар учун одат бўлиб қолган. Ёзги таътилни улар шу кўзиларни боқиш, дарёга олиб бориб чўмилтириш билан ўтказишади.

Икки ўрток бу йил ҳам шу одатни тарк этмаган. Ёзги таътилга чиққанига ўн кундан ошди. Ҳар кун тонг саҳарлаб иккови икки тарафдан тўрттадан саккизта кўйни хайдаб юкорида таърифлаганимиз боққа келишади. Бир кун заякда, бир кун тўқайзорда, бир кун тоқзорнинг уватларида кўйларини боқади. Кун исигач, тоғ этагидаги катта булоқдан келадиган арикнинг муздай сувидан кўйларини суғориб, қайрағочнинг соясига боғлайди. Кейин ўзлари ҳам соянинг қалинини топиб чўзилиб ётади. Бу пайтда икки жўра ё латифа айтишади, ё китоб ўқишади, баъзида ҳаммасидан зерикиб, иккови икки тарафда кўм-кўк ўт устида ухлаб қолади.

Ҳар кунги одати бўйича бугун ҳам эрта тонгда келишди. Кун чиққунча кўйларини ўтлатди. Вақт пешинга яқинлашганда ариқдан кўйларни суғориб, қайрағочнинг соясига боғлади. Ўзлари эса кўйларига рўпара турган оқ ўриққа томон юришди. Ўрик тепаликда бўлиб, у ердан чор атроф, хатто тўқайзор ҳам кўриниб турар эди. Жўраларнинг мақсади – аввало ўрик олиш, қолаверса, боғлардаги мева-чеваларга кўз-қулоқ бўлиб туриш.

Дарвоқе, шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш лозим. Бу боғлар, тоқзорлар аслида хўжалиқники, аммо

уни одамларга бўлиб беришган. Кимгадир ярим гектар, кимгадир кўпроқ ё озроқ, хуллас, ҳар бир оиланинг имкониятига қараб тақсимланган. Ўша боғу тоқзорларга ҳар оиланинг ўзи қарайди – эрта баҳорда тоқларни очади, чопади, кесади, суғоради – кискаси, нима иш бўлса оила аъзолари билан ўзлари бажаришади. Мевалар, тоқлар ҳосил туккандан кейин колхоз фаолларидан иборат комиссия келиб, ҳосилни чамалаб кўради-да, шунча узум, шунча олма, ёнғоқ, ўрик берасиз, дейди. Боғнинг эгаси кўнса рози бўлади, йўкса камайтиринглар, дейди, тортишади. Охири икки тарафнинг келишувидан кейин шартнома тузилади. Мева-чевалар, узум пишгандан кейин ўша шартномадаги ҳосил колхоз хирмонига топширилади. Қолгани ўша оиланинг ихтиёрида – хоҳласа сотади, истаса қуришиб олади. Шу боис ҳар бир оила ўзига ажратилган бокқа эътибор билан қарайди, дарахтларни, тоқларни парваришлайди, чопиғинию очиш-кўмишни вақтида бажаради. Ёзда мевани қушга ҳайвонлар еб кетмасин, деб кеча-кундуз қорувуллик қилишади.

Рустам билан Давронларнинг боғи ёнма-ён. Улар ҳам қўй боқишади, ҳам бокқа қарашади...

Икки жўра оқ ўрикнинг офтобрўя тарафига ўтиб пишган-пишганидан уч-тўрттадан олишди. Энди биттадан ўрик ейишувди ҳамки, тўқай томондан милтик овози эшитилди. Икки ошна бир-бирига ялт этиб қаради.

– Ким бўлди бу? – деди Даврон сергақланиб.

Рустамнинг ҳам кўзлари ўйнаб кетди:

– Ҳайронман... Шу пайтда ким ов қилиши мумкин?

Даврон ўрнидан турди-да, милтик овози келган тарафга бўйнини чўзиб қаради.

– Бу атрофнинг одами бўлмаса керак, – деди Даврон тўқай томондан нигоҳини олмай. – Ўзимизди

одамлар ҳозир ўқ отиш мумкин эмаслигини билишадди-ку.

– Кўрдингми кимлигини? – деб сўради Рустам.

– Қаёқдан кўраман... Тўқайзордан кўринармиди.

Рустам ҳам жойидан турди.

– Борамизми ўша ёққа?

– Борамиз.

Тўқайзорга олиб борадиган ёлғизоёқ йўлдан олдин Рустам, ортидан Даврон югуриб кетди.

Улар тўқайга боғ тарафдан келишди. У ёқ-бу ёққа аланглади, ҳеч ким кўринмади. Иккови ҳанг-манг бўлиб, бир жойда қотиб қолди. Шу маҳал тўқайнинг нариги тарафидан яна ўқ овози эшитилди. Қулоқлари динг бўлиб турган жўралар қутилмаган гумбурлашдан чўчиб тушди. Даврон кўйлагининг ёқасини очиб туф-туф, деди.

– Юракданам боракан-ку, – деди Рустам кулиб.

– Ўзинг-чи, – деди Даврон. – Рангингни кара, докадай бўп кетипти.

Иккови бир-бирининг холидан кулиб кўйди.

– Майли, бўлари бўлди, Даврон, – деди Рустам. – Юр, кетдик, ўқ товуши келган тарафга борамиз. Кимдир тустовукми, куёнми отаяпти чамамда.

Даврон унинг орқасидан эргашди.

– Купта-кундузи милтик отгани кўркишмайди-ми-а... Бола-чақалар ўйнаб юрган бўлиши мумкин демайдими.

– Маст бўлса керак, – деди Рустам тўқайзор оралаб илдам борар экан. – Соғ одам ҳозир ов қилмайди... Овоз берайлик. Яна палакат босиб...

Даврон унинг гапини тасдиқлади.

– Рост айтасан. Ким билади улар кимлар...

Рустам тўхтади.

– Кел, бир бакириб кўрайлик-чи.

Иккови бараварига бакирди:

– Ҳо-ой! Ким у-у?

Ҳар иккаласи бутун вужудини кулокка айлантириб, атрофга кулок тутди. Лекин ҳеч қандай сас-садо чикмади. Яна бакиришди. Бу гал жим туриб кулок солишди. Шунда тўқайнинг бир бурчагидан икки-уч кишининг секин гаплашган овози кулокка чалинди. Рустам эшитдингми, дегандек, Давронга каради. Жўралар қарашлариданок бир-бирининг фикрини англадилар.

– Кетдик!

– Кетдик!

Тўқайнинг қишлоқдан келавериш тарафида каттарок ҳовузнинг ўрнича келадиган очиқ майдон бор. Жўралар ҳозир шу майдонни мўлжаллаб боришарди. Бинобарин, ўқ овози ҳам шу ёқдан эшитилганди. Улар майдонга тахминан яқинлашиб қолганларида яна ўқ овози эшитилди. Сўнгра икки-уч кишининг қувноқ кийкириғи жаранглади. Буларнинг ҳаммаси Рустам билан Давроннинг шундоқ бурнининг остида рўй берди гўё. Шунинг учун ҳам аввал Рустам, орқасидан Даврон бакирди:

– Ким у милтик отаётган?

– Ҳозир милиция чакираман!

Улар майдонга чиқди.

Икки дўст адашмаган эди. “Овчилар”нинг лаш-луши шу майдонда экан. Уларнинг кийимлари ёнида битта қуён, битта тустовуқ ётарди. Лекин ҳеч ким кўринмади.

– Ана, – деди Даврон шошиб. – Қуён, тустовуқ отишипти. Ўзлари қаерда экан.

– Ҳозир келади шу ерга, – Рустам катталардай салмоқлаб гапирди. – Бир оз сабр қилиб турайлик.

Иккови майдоннинг қарама-қарши тарафида, буталар панасида чўнқайиб ўтирди. Бир пиёла чой ичгулик фурсат ўтар-ўтмас уч киши тўқай ичидан чикиб келди. Улардан бирининг қўлида кип-кизил тустовук.

– Ие, Камол дўхтир-ку, – деди Рустам.

Камол дўхтир кўшни қишлоқлик врач. У мактабга ҳам тез-тез келиб туради. Ҳамма болалар уни яхши танийди. Бу йил Камол дўхтирнинг ўғли мактабни битирди. У ҳали ўқиш тугамасдан “мединститутга кираман, отам аллақачон гаплашиб қўйган”, деб ҳаммага мактаниб юрарди. Бу гапларни, табиийки, Рустам билан Даврон ҳам эшитган.

– Ёнидагилар ким бўлди экан? – деди ажабланиб Даврон.

Рустам жўрасига синовчан назар ташлади.

– Мени синаб кўрмоқчимисан? Ёки...

Даврон ҳайрон бўлиб Рустамга юзланди.

– Нимага ундай дейсан?

– Билмаяпсанми кимлигини? – деди Рустам тагдор қилиб.

– Қаёқдан билай.

Рустам Камол дўхтирнинг ўғли айтиб юрган гапни эслатди.

– Институтнинг домлаларими шулар? – деди негадир ҳафсаласи пир бўлган Даврон.

– Нима, сенингча институт домлаларининг шохи борми? Уларам ҳаммага ўхшаган одам-да.

Негадир Давроннинг ҳамон ишонгиси келмасди.

– Қаердан биласан булар кимлигини? Балки домламас, бошқа одамлардир.

Давроннинг гаплари Рустамни ажаблантирди.

– Эҳтимол бошқадир... Лекин нима учундир мен шунақа деб ўйлаяпман... – Бирдан Рустам сергак торт-

ди. Ялт этиб жўрасига қаради. – Менга қара, Даврон, ким бўлса бўлар, бизга барибир. Аммо нима учун куппа-кундузи бу ерга келиб ов қилади улар? Ахир ҳозир на куёну на тустовукни отиш мумкин эмас-ку.

– Ким билади дейсан...

Икки жўра ўзаро гаплашардию кўзлари “овчилар”нинг ҳаракатини кузатарди. “Овчилар” ўлжаларини тўрвага сола бошлади.

– Кетдик, уларни ушлаймиз, – деди Рустам.

– Кетдик. Нима ҳақи бор бу ердан ов қилишга.

Иккаласи баравар “овчилар” томонга югурди. Буларни кўриб Камол дўхтир ҳам, меҳмонлар ҳам ҳангманг бўлиб қолди.

– Ҳа, болалар, тинчликми? Нимага бақирасилар? – деди Камол дўхтир.

Олдинма-кейин югуриб келган жўралар “овчилар”нинг олдида такқа қотди.

– Нимага отасизлар?

Рустамнинг кескин айтилган бу гапи “овчилар”ни бир зум саросимага солиб қўйди. Меҳмонларнинг бири ўзбек, иккинчиси рус бўлиб, иккови ҳам башанг кийинган, силлик юзлари куннинг иссиғида қизариб кетган эди. Рус киши Камол дўхтирга:

– Кто они такие? – деди болаларга ишора қилиб.

Камол дўхтир унга нималардир деб тушунтирди. Бу суҳбат жўраларнинг баттар гашига тегди. Даврон Камол дўхтирга яқинроқ бориб хезланди:

– Камол ака, ўзингиз дўхтир бўлсангиз, ҳозир ов қилиш мумкинмаслигини биласиз, яна нимага куппа-кундузи буларни отасиз? – деди тустовуғу куёнларни кўрсатиб.

Камол дўхтир аввалига нима дейишини билмай қаловлаб қолди. Бироқ дарҳол ўзини қўлга олиб, баланддан кела бошлади:

– Жа ақлли бўп кетибсиларми, болалар. Сизлар билган нарсани бизам биламиз. Лекин меҳмонди кўнглига қараш керакми?!

Жўралар бўш келмади:

– Бу ерда тўқай борлигини, унинг ичида қуёну тустовуқлар юришини меҳмонлар қаёқдан билишади?

Меҳмонлар ўзаро бир-бирига нимадир деди. Рустамнинг гапини рус меҳмонга таржима қилиб берди чамаси. Сўнгра иккала меҳмон Камол дўхтирга маънодор қаради. Аслида бу қарашнинг замирида чуқур маъно мужассам эди.

Рустам айтгандай Камол дўхтир ўғлини мединститутга киритиш ниятида домлалар билан гаплашган, шу сабаб уларни уйига меҳмонга таклиф этган эди. Улар анча ўтиришди, еб-ичишди. Бир оз кайф қилишгандан кейин Камол дўхтир мактанди: “Жуда ажойиб жойларимиз бор. Шундай тўқайзорлар борки, ўрмондан қолишмайди. У ерда тулки дейсизми, ёввойи қуён, қирғовул дейсизми, ҳамма нарса бор. Бир бориб ов қилиб, айланиб келайлик.” Бу гапга меҳмонлар аввалига кўнмади. “Ҳозир ов қилиш мумкин эмас-ку”, деб унамади. Аммо нима қилиб бўлса ҳам меҳмонларнинг кўнглини олиш илинжида бўлган Камол дўхтир уларни бир амаллаб кўндирди. Тўқайга келиб меҳмонларнинг оғзи очилиб қолди. У ёк-бу ёкни бир оз айланишганди гоҳ қуён чопиб кетади, гоҳ парт этиб тустовуқ учади – хуллас, кўрикхона мисоли. Бу ҳолатни кўрган меҳмонлар бир зумда овга берилиб кетди.

Ҳозир болаларнинг дашномидан сал ўзларига келишди-ю, аммо ов завқи устунлик қиларди. Камол дўхтир эса зумрашадай болалардан дакки эшитаётгани учун меҳмонлар олдида изза бўлди. Шунинг учун на Камол дўхтир, на меҳмонлар паст келди.

– Мунча ақл ўргатдинг менга! – деди Камол дўхтир Рустамга. – Бор ишингни қил. Хўжайинликни ким кўйибди сенларга.

Рустам унинг кўзларига тик қаради:

– Мактабдаги учрашувларда, суҳбатларда ўзингиз табиатни асраш керак, ҳайвонот оламини авайлаш зарур, деб канча гапирасиз. Яна ўзингиз... Домланинг айтганини қилу қилганини қилма экан-да.

Гапга меҳмон аралашди:

– Ўзинг ҳаммасини билар экансан-ку, жиян, гапириб нима киласан.

– Мен шундай деган бўлсам, – деди Камол дўхтир, – тўғри айтганман. Табиат бизнинг бойлигимиз, тўғри. Лекин ҳамма нарса инсон учун. Инсондан азиз нарса йўқ.

Унинг гапини Даврон илиб кетди:

– Инсондан азиз нарса йўқ, деб, ҳамма нарсани бир чеккадан кириб ташлаш ҳам инсофдан эмас-да.

Бу гапдан дўхтирнинг жаҳли чикди:

– Ким ҳамма нарсани кириб ташлаяпти?! Бунча бидирлайсан сен жинқарча. Олдинам бирон марта кўрувдингни мени бу ерда?

– Сиз бир марта келсангиз, бу киши бир марта, яна кимдир, ишқилиб ҳамма бир мартадан келиб ов қилаверса, бу ерда жонивор қоладими?

Меҳмонларнинг олдида ўсал бўлганиданми ёки кайф таъсиридами, Камол дўхтир Рустамга кўл кўтарди. Бирок меҳмон унинг кўлидан шартта ушлади.

– Кўйинг, яхшимас, болага кўл кўтарманг.

– Кўрмаяпсизми бу тирранчаларни, – деди Камол дўхтир ўз қилиғидан ўзи қизариб. – Мунча ақл ўргатади одамга. – Кейин Рустамга ўқрайиб қаради. – Йўқол кўзимдан!

Рустам бир қадам орқага тисарилди. Аммо ҳамон паст тушмасди.

– Оғзингизга қараб гапиринг. Ҳозир бригадирни чакириб келаман. Штраф қилади, кейин кўрасиз.

– Ундан каттасини чакирмайсанми? – деди дўхтир овозини баландлатиб. Меҳмонларга қаради. – Қани, милтиқни олинглар, шу зумрашалар билан ади-бади айтишиб ўтираммизми. Яна бир-иккита тустовук отайлик, кейин кетамиз.

Улар болаларнинг бор-йўғлигига ҳам парво қилмай тўқайзорга оралаб кетишди. Бу жўраларнинг иззат-нафсига тегди. Бир зум нима қилиш кераклигини маслаҳатлашиб олди. Бири у деди, бири бу, деди. Охири Рустам баҳсга яқун ясади.

– Мен шу ерда тураман, буларнинг қаёққа боришини кузатаман. Иложи бўлса бир амаллаб шу ерда ушлаб тураман. Сен ғизиллаб бориб бригадирни чакириб кел. Бир жазосини берсин буларди.

Даврон қишлоққа югуриб кетди. Рустам пана бир жойга ўтиб ўтирди. “Ишқилиб Даврон бригадирни топсин-да... Тезроқ келишса яхши бўларди. Бўлмаса булар анча нарсани отиб олишади.” Ҳа деганда Даврон кўринмас, вақт ўтган сари Рустамнинг юраги сиқиларди. Бу орада икки марта ўқ овози гумбурлади. Бунга сари Рустам эзилар, тезроқ бригадир кела қолсайди, деб ичкарди.

Ниҳоят, Даврон билан бригадир кўринди. Рустам югуриб уларга пешвоз чиқди. Салом-алиқни ҳам унутиб, бригадирга бўлган воқеани айтиб берди.

– Эшитдим, эшитдим, – деди бригадир бамайлихотир, – Даврон айтди. Қаёққа кетди улар?

– Ичкарига кириб кетишгани бўйича ҳали йўқ, – деди Рустам.

– Кийимлари, отган нарсалари турипти лекин. Хув ана.

Шу маҳал буларнинг келишини пойлаб тургандай тўқайдан “овчилар” чиқиб келди. Малла сочли меҳмон бир куённинг қулоғидан ушлаб олган, учаласининг ҳам кайфияти чоғ, оғзи қулоғида.

– Ҳорманглар, – деди бригадир, – нима ҳаракат?

Камол дўхтир салом-алик қилди-да, бригадирни бир чеккага тортди. Нималарнидир куйиб-пишиб тушунтирди. Бригадир маъқул деган оҳангда бош ирғарди тинмай. Сўнг бригадир болаларга яқин келди.

– Майли, болалар, қўйинглар, азиз меҳмонлар экан, – деди овозини пасайтириб. – Ҳозир кетишади, бошқа отишмайди. Институтнинг домлалари экан. Бир келиб қолишипти. Унинг устига Камол дўхтирниям ўзига яраша ҳурмат-иззати бор. Буларди олдида у кишига бирон нарса десак, одобдан бўлмайди. Қани боринглар, қўйларингта қаранглар.

Бу гап болаларнинг тарвузини қўлтиғидан туширди. Шундай экан, бригадир кишлоқдан нима учун келди бу ерга? Келаётганда важоҳати бошқача эди-ку. Дўхтир билан гаплашиб бирдан сувга тушган бўлка нондай бўшашиб қолди. Нима гап ўзи?

Болалар бу саволларга жавоб тополмай гаранг эди. Аммо улар хўп деб кета олмади.

– Милисани айтиб келиш керак, – деди Рустам, – Югур, Даврон, бориб айт. Иложи бўлса шу ерга тез етиб келсин.

– Унгача булар кетиб қолишмайдимми?

– Сен тез югур. Мен буларди гапга солиб тураман. Милисанинг матасекили бор. Бирпасда етиб келади.

Даврон милицияхонага югурди. Гап нимада эканини билмаган “овчилар” ҳам, бригадир ҳам ҳайрон бўлиб Рустамга қарашди.

– Жўранг қаёққа кетди? – деди бригадир.

Рустам ўзини билмаганга солди.

– Билмадим. Қўйларини олдига кетди чоғи.

– Ўзингни гўлликка солма, – деди Камол дўхтир. – Жўранг қаёққа кетганини билмайсанми?

Рустам ўзини хотиржам тутар, нима қилиб бўлса ҳам вақтни чўзишни истар эди.

– Сизга барибир эмасми, Камол ака. Сиз на бригадирдан, на ундан каттасидан – ҳеч кимдан кўркмай-сиз-ку.

Дўхтир рўмолча билан юзу бўйинларининг терини артаркан деди:

– Кўркмайман, ха, кўркмайман. Билдингми. Менга деса райком секретарини бошлаб келмайсанми.

Унинг бу гапи бригадирнинг иззат-нафсига тегди чоғи, дўхтирга бежо қараб кўйди, лекин ҳеч нарса демасди.

Шу пайт қишлоқ тарафдан мотоциклнинг патиллаган овози эшитилди. Унга дастлаб Рустамдан бўлак ҳеч ким эътибор бермади. Овоз тобора яқинлаша бошлади. Бу Рустамнинг кўнглини кўтарар, ич-ичдан суюнар эди.

Ҳаш-паш дегунча Давронни мингаштирган милиционер етиб келди. У честь бериб, ўзини “овчилар”га таништирди. Ҳозир ов қилиш мавсуми эмаслигини, фалон конуннинг фалон моддасига кўра шунча сўм жарима тўлаши лозимлигини ва отилган ўлжалар мусодара қилинажagini айтди. Милицияни кўриб “овчилар” довдираб, ов гашти тарқаб кетди. Лекин Камол дўхтир бўш келмади.

– Сизам эринмаган одам экансиз-да, ўртоқ капитан, – деди дўхтир. – Ёш боланинг гапига ишониб шунча йўлдан овора бўлиб келиб ўтирибсиз-а.

Милиционер жиддий қиёфада:

– Аввало бу бизнинг ишимиз. Қаерда шунака воқеани эшитсак етиб борамиз. Ундан кейин, болалар ёлгон гапирмайди. Мана, ўзим кўриб турибман. – У шундай деб чарм папкасини очиб, қоғоз-ручка ола бошлади. – Қани, исм-шарифларингизни айтинглар.

Бу гаплар болаларни қанчалар севинтирса, Камол дўхтиру меҳмонларни шунча ташвишга сола бошлади. Дўхтир нима қиларини билмай довдираб қолди, умидворлик билан бригадирга термилди, у билмадим, деган оҳангда елка қисди. Қараса, милиционер бўш келадиганга ўхшамайди, дўхтир дадил ишга киришди. Шартта милиционернинг тирсагидан олди-да, четга тортди. Бригадирга нималарни уқтирган бўлса, бунга ҳам шуларни гапира бошлади. Уларни кузатиб турган болалар бир-бирига шивирлади: “Бу милиса жуда қаттиқ, Камол дўхтирди гапига кўнмайди. Барибир штраф солади.”

Йўк, болалар янглишган эди. Милиционер ҳам худди бригадирдай аввалига йўк деди, қаттиқ-қаттиқ гапирди. Кейин юзига кулгу югуриб, оғзи илжайди. Камол дўхтир билан қўл ташлашди. Бу гал суҳбатга меҳмонлар ҳам қўшилди. Улар ҳам милиционер билан қўл ташлашди.

– Жонкуярлигинглар учун раҳмат, укалар, – деди милиционер болаларга яқин келиб. – Сизларга мен раҳматнома эълон қиламан. Ҳар доим шундай хушёр бўлинглар. Аммо бу галча буларга тегмайлик. Азиз меҳмонлар экан. Обрўли домлаларни беҳурмат қилсак яхши эмас. Улар иккинчи марта бундай иш қилмайди. Яхши отга бир қамчи дегандай, шу огохлантиришнинг ўзи етарли уларга. Хўп, хайр, болалар, раҳмат сизларга.

У шундай деб мотоциклига ўтирди-да, париллатиб ҳайдаб кетди. Рустам билан Даврон ҳеч нарсага тушунмай гаранг бўлиб қолди. Уларни кузатиб турган Камол дўхтир:

– Тустовукдан биттасини берайми, болалар? – деди.

Бу гапдан “овчилар” кулиб юборишди, бригадир ҳам кўшилди.

Рустам билан Даврон энсаси қотиб, бу воқеаларга акли етмай оғир қадамлар билан кўйлари томонга йўл олди. Улар ўзаро турли фикрларга борди, ҳар хил тахминлар қилди. Бироқ бир нарсани – бригадирнинг ҳам, милиционернинг ҳам ўғли медицина институтига кириш илинжида юрганини, бугунги ов баҳонасида фақат Камол дўхтирнинг эмас, бригадир билан милиционернинг ҳам мушқули осон бўлганини, уларга ўзлари билиб-билмай яхшилик қилиб кўйганини мана бу жонкуяр болалар билмас эди.

Бу воқеага йигирма йилдан ошди. Рустам билан Даврон мактабни битирди. Камол дўхтир ва унинг меҳмонлари билан қўл ташлашмаса-да, иккови ҳам медицина институтига ўқишга кирди.

Ҳозир у боғлару тўқайзорлар йўқ. Ёввойи куёну тустовукларни Мингбулоқ болалари ҳатто танимайди. Икки жўра болалик йилларини эслаб қолишганда ўша воқеа дам-бадам ёдига тушаверади. Боғ-роғлар, тоқзорлар, тўқайзорлар йўқ бўлиб, ҳайвонлару паррандалар кирилиб кетишига ўша Камол дўхтир, бригадиру милиционер, шуларга ўхшаш кимсалар сабабчи бўлиб кўринаверади уларга.

Яна ким билади дейсиз...

1993 йил.

ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизлик ҳасратин кўрсатма, тақдир,
Ёлғизлик инсонга ўлим-ку ахир...

Абдулла Орипов

Икки кун эзиб ёққан ёмғир пайшанба куни эрталаб тинди. Еру кўкдан намчил ҳид келади. Эндигина ниш урган майсалар, ҳали куртак чиқаришга улгурмаган дарахтлар зах ҳавода совкотган боладек қунишади.

Қишлоқ этагидан ўтадиган дарёга сел келган. Тоғ сойларининг суви шу дарёга йиғилган. Ҳозир у тўлиб, қирғокларидан тошиб оқмоқда. Хас-чўплар билан тўлган дарё қоп-қора, бўтана. Сел кун ботиш томондан шиддат билан йўл четидаги жарликка келиб урилади-да, яна чапга бурилиб кетади. Аждаходек вишил-лаб оқаётган селнинг зарбидан дам-бадам жарнинг бир парчаси шалоп-шалоп этиб кулаб тушади.

Жоникул ота жар ёқасига келиб селни томоша қилиб ўтирибди. “Тавба, умр оқар сув деганлари шу-да. Окишини қара. Не-не одамлар ўтиб кетди-я. Манави жар-чи. Йўлга етишига оз қолибди. Илгари дарё хув анави ердан оқарди”. Ўзича дарёнинг нариги қирғоғини мўлжаллади. “Шунча жойни ювиб кетди-я. Ҳар йили сел келаверса, жарни ювиб бораверса, охири нима бўлади? Йўлни ҳам олиб кетади-ку”.

– Марайим аканикига савоби жанозага-а...

Жоникул отанинг хаёли бўлинди. Тош йўлдан от чоптириб келаётган йигитга каради. Чопонининг устидан белини боғлаб олган йигит – отага яқин келди-да, отини секинлатди.

– Ассалому алайкум, бова.

– Ваалайкум ассалом. Бу, Марайимнинг кими қазо қипти, бўтам?

– Ўғли. Тракторчи ўғли бор эди-ку, ўша.

Ота алланималарни пичирлаб юзига фотиҳа тортди.

– Нима қипти? Қайси кунигина соппа-соғ юрувди-ку?

– Ажал экан-да, бова. Кеча кирдаги кўтонга хашак олиб бораётган экан, тракторнинг ғилдираги лойга то-йиб кетиб, авария бўпти. Тракторнинг тагида қопти ўзи.

– Ё оллоҳ, ё оллоҳ! Бу қандай кўрғилик бўлди? Шу колхоз катталарига неча марта айтдим-а, кўтоннинг йўлини тузатинглар, тош-пош ташланглар, дедим. Қи-шин-ёзин бориб турасизлар, бир палакат бўлмасин, деб канча жаврадим-а. Ҳа, ёшлар-а. Кўнглим ўлгур сезувди-я ўзи. Бировга айтишдан кўрқардим лекин.

– Майли, бова, мен борай бўлмаса, жали айтадиган жойлар кўп.

Йигит отини жадаллатиб кетди. Ярим чақирим жойга бормасидан яна унинг овози эшитилди:

– Марайим аканикига савоби жанозага-а...

– Эрталабдан бу нохуш хабарни эшитган отанинг дили хуфтон бўлди. “Нимага бундай бўлаяпти? Фақат ёшлар-а. Эй оллоҳи карим! Бу нима кўрғилик! Олдин келганлар олдин кетса бўлмайдими? Фалак тегирмон тоши деганлари шуми? Ундай бўлса навбати кани? Ишқилиб яхшиликка кўринсин-да”.

Ота оғир-вазмин хаёллар билан орқасига қайтди. Кўз ўнгидан Марайим аканинг ўғли кетмасди. Жуда оқил, одобли бола эди-да. Қўллари доим қора мой бў-либ юрадиган бу йигитнинг юзидан кулги аримасди. Кўзлари кулиб турарди. Бировга ёмон гапирганини, оғзидан сен деган сўз чиққанини биров эшитмаган.

Жоникул ота уни охирги марта кўрганини эсла-ди. Ўн кунлар бўлди. Баҳор келиб ҳамма гимирлаб

колган. Ота одатига кўра дарвоза олдидаги супачага кичкина пўстакни солиб, офтобда исиниб ўтирарди. Марайим аканинг ўғли “ДТ-28” тракторини елдириб келиб қолди. У отани кўрди-ю трактордан сакраб тушиб кўришди. Соғлиғини сўради. “Бардам бўлинг ота, худо хоҳласа, баҳорга ҳам чикиб олдик. Энди буёғи рўйи-кўклам. Одамнинг дилини яйратадиган кунлар келди”, деганди раҳматлик. “Иншоолло, – деди Жоникул ота, – аммо-лекин бу баҳор деганинг бизга ўхшаганларни тентиратиб кўяди. Илик узилган пайт-да”. “Йўғон чўзилиб, ингичка узилар вақт денг”. “Шундай, шундай, бўтам”. “Бўшашманг отахон. Ҳалиям бўлса, сизга ўхшаганлар бардам. Иликларингиз ёққа тўлган-да”. Кулди шўрлик. Кейин чакконлик билан тракторга чикди. Ота унинг ортидан хавас билан термилиб қолди: “Ишкилиб, худо сенларга қувват берсин. Умри-жонларингни узок қилсин”.

Ана шу учрашув Жоникул отанинг кўз олдидан нари кетмас, ўйлагани сари йигитнинг сиймоси ёркин-роқ кўринар, отанинг юраги баттар эзиларди. “Ҳалиям бўлса, сизга ўхшаганлар бардам. Иликларингиз ёққа тўлган-да”. Йигитнинг бу гапи ҳозир отанинг юрак-бағрини пармадек ўйиб борарди...

Жоникул ота Тоштепа кишлоғидагина эмас, колхоз бўйича энг кекса ҳисобланади. Уч йил олдин унинг тенгқурларидан кўшни кишлоклик Эшонкул бобо қазо қилди. Шундан бери Жоникул отанинг чиройи очилмайди, олдинги ҳазил-хузуллари ҳам йўқ. “Ҳалиям шунчалик юриптилар. Бу кишидан ёшларам у ёқ бу ёққа боролмайдиган бўлиб қолган-ку”. Аслида отага кексалик ҳали ҳукмини тўла ўтказмаган, ўзининг айтишича, “етти мучаси соғ”. Тиним билмайди. Молларга жодида беда майдалаб солади, оғилхонанинг, кўчалар-

нинг қорини курайди. Ёзда эса кўлидан ўроқ билан ток қайчи тушмайди. Ўғиллари, неваралари “уриниб нима қиласиз, дамингизни олиб ётинг”, деб неча марта айтишди. Ота бу гапларга индамай кулиб кўяди.

Бир куни жазирама ёз ойларида Жоникул ота йўл четидаги бедапояда ўт ўрарди. Сутранг “Жигули” келиб тўхтади. Ундан отанинг агроном невараси тупшди.

– Ота, – деди у бувасига яқин келаркан, – сиз ўрмасангиз қолиб кетадими шу беда?

Ота ўроқни билагига ташладию, неварасига қараб жилмайди. У шахзодалардек салласи печининг учини чиқариб, қантариб кўйган, юзлари, кош-киприклари, соқол-мўйлови чангда яна ҳам окроқ кўринарди.

– Нима зарил сизга, ота? Йўл усти бўлса яна. Кўрганлар нима дейди? Бир гилам ўрнича жой-у, шуниям ўзлари ўрмай, кекса одамга ўрдириб ўтиришипти дейишмайдими?

Ота неварасининг билагидан олди-да, бир даста бедани кўрсатиб “ўтир” дегандай имо қилди. Ўзи ҳам чордана курди.

– Мана бунга кара, ўғлим, – деди ота ишлатилавериб яраклаб кетган ўроқни неварасига кўрсатиб, – бу бир ўроқ, темир. Шуюм ишлатилгани учун ярқираб, очилиб турипти. Бир жойда тураверса, занг босиб кетади. Одам ҳам шундай. Қимирлаб, ҳаракат қилиб турмаса бўлмайди. Занглаб қолади. Жонсиз темирники ишлатиб туриш лозим бўлгандан кейин, одамни кўявер. Меҳнат қилиш учун яралган-ку одамзод. Бир жойда тек турса, ҳамма нарса айнийди. Кўлмак сувни кара, сасиб кетади, хатто мол ҳам ичмайди. Шунинг учун сен ҳар кимнинг гапига қулоқ солаверма. Мен шу ўт ўрилмай қолиб кетади деганим йўқ. Ўрилади. Лекин индамай, кўзли кесак бўлиб ётолмайман. Шол бўлмасам, қўл-оёғим бут бўлса...

– Сиз шундай дейсиз-да, ота. Ҳаммаям тўғри тушунавермайди-да.

– Гапирган гапираверсин. Бу дунёда кўринган одамнинг гапига кулоқ солаверсанг, қилар ишингни билмай қоласан, болам.

Агроном бошқа гапирмади. “Ке, қўй, яна кайфиятини бузиб қўймай. Шу билан ўзини овунтирса овунтирар”.

– Бўпти, мен кетдим...

– Шошма. Гапингни ўйлаб гапиряпсанми? – деди ота. – Кетдим деганинг нимаси? Кетдим демайди, “мен борай”, дейиш керак.

– Э, шунақа майда-чуйда гапларга парво қилаверманг, ота.

– Бу майда-чуйдамас. Ўзинг-ку одамларнинг олди-қочди гапини кўнглингга олиб юрибсан. Аслида ўша гаплар майда-чуйда.

– Бўпти, бундан кейин айтмайман. Борай-чи, бугдойга комбайн келмоқчийди. Хабар олай.

– Ҳа, ёшлар-а, – дея кулимсираб, яна ўт ўришга қиришди ота.

* * *

Кеч кузга бориб Жоникул ота бетоб бўлиб қолди. Унинг олдидан одам узилмайди. Каттаю кичик келиб, ҳол-аҳвол сўраб кетади. Ота касал бўлгандан бери деярли ҳар окшом ўғил-қизлари, неваралари, қўни-қўшнилар унинг олдида гурунглашиб ўтиради. Отани зериктириб қўймаслик пайида бўлади. Улар ҳар хил масалалардан сўз очади. Ота индамай уларнинг гапига кулоқ солиб ётади.

Шундай окшомлардан бирида Жоникул ота оҳиста гап бошлади:

– Болаларим, энди менинг ризқим тугаб, куним битганга ўхшайди. Шунинг учун...

Ҳамма ялт этиб, бетоб бўлса-да, ранг-рўйини унчалик олдирмаган отага қаради. Агроном невараси отага яқинрок сурилиб ўтирди.

– Нималар деяпсиз, ота? Ҳали бардамсиз, тузалиб кетасиз, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб.

– Сиззи шундай юришингиз биз учун катта давлат. Тоғдай суяб турибсиз-ку бизларди, – деди ўғилларидан бири. – Унақа гапларни кўйинг ҳали. Юз йил ҳеч нарса бўлмай колди ҳозирги вақтда.

Ота болаларининг сўзига индамай кулоқ солди-да, сўнг бир қизик гап эсига тушгандай жилмайиб кўйди.

– Тўғри, болаларим. Ҳаёт яхши, жон ширин. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор, вақти-соати бор. – Ота бир оз жим колди. – Энди мен сизларга бир нарсани айтай. Бу дунёнинг завқиям, лаззатиям ўз тенгқурларинг, бўйинсаларинг билан тотли. Бусиз ҳеч ниманинг қизиғи йўқ. Раҳматли Эшонқул кетдию мен учун ёруғ дунёда ҳеч ким қолмагандай туюлди. Шундай пайтда билинаркан инсонди кадр-киммати. Одамзоднинг кадрига тириклигида етиш керак, болаларим. Нимаики иззат-икром бўлса, кўзи очиклигида қилиш лозим. Ўлгандан кейин минг эслаш, хотирлаш – ҳаммаси бир пул. Эшонқул билан кадрдонлигимиз, бир-биримизга ҳазил-ҳузулқилиб юрганимиз учунгина эмас. Унинг ўлими билан биз каторилар тугади. Тенгдошларидан айрилиб, яккамихдай серрайиб қолиш ҳам яхшиликка товин эмас-да, болаларим. Билмадим, шунчалик кўп эканми гуноҳим?

– Сизни биров хафа қилдимми?

– Эй, ўғлим, ким хафа қилади мени. Қайтанга бутун иззат-ҳурматдаман-ку. Кўнгилларинг ҳар ёкка кетмасин. Менинг ёшимга борганда чақасизлар бу гапларди мағзини. Дарахтнинг ҳам қуриганини, қурт

еганини, чириганини кесадилар-ку. Ёш ниҳолни кесиш канчалик увол, ахир.

– Кўлимиздан нима келади, – деди маъюсланиб кимдир.

Ота чукур хўрсинди-да, юкорирок сурилиб ётди.

– Ҳа, кўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Иложимиз йўқ. Мана шунга куяман-да, болаларим. Неварам, ҳатто эварам тенгиларнинг таъзиясига бориб юрибман-а. Бу қандай кўргилик, ахир?! Ота-она ўлмоғи – мерос. Фарзанд доғини худо кўрсатмасин.

– Кўйинг, ота, бунақа гапларни. Чарчайсиз, бироз дам олинг, – деди невараси.

– Йўқ, ўғлим, чарчаган эмасман. Менга таскин бераман дема. Отангни дунёдан безипти дебам ўйлама. Биласизлар, менинг бошимдан не-не машаққатлар, қийинчиликлар ўтган. Шу азоблардан кутулиб, энди оёқни узатиб хордик чиқараман деганда, сўққабош бўлиб қолсанг, алам қилмайдими? Одамзод қариганда факат ўтмишни эслайди. У яхшими, ёмонми – барибир. Унинг эртаси, ширин-шакар нияти, орзулари йўқ. Аммо ўша ўтган кунларини бирга эслаш учун улфат бўлиши керакми? Мен кимга айтаман дардимни, ким тушунади? Уч йилдан бери шу ахволдаман. Эшонкул билан дардлашардик, ҳазиллашардик, ўтган-кетган ҳақида эслашиб ўтирардик. Энди йўқ у гаплар. Ҳаммаси тугади...

– Кўйинг, ота, кўп кийнаманг бизларди, – деди агроном. – Ахир бизни яшашга, ҳаётдан завқланишга ўзингиз ўргатгансиз-ку. Нима бўлди энди сизга, бунча тушкунликка тушиб қолдингиз?

– Хафа қилганим учун мени кечиринглар... Ёлғиз яшаш оғир бўларкан. Ёлғизлик Оллоҳга ярашади, деб бекорга айтишмаган-да. Худога шукур, сенлардай эсли-хушли, ақли болаларим бор. Бундан нолимайман.

Аммо тенгқурларнинг ўрни бўлакча, улардан айрилишнинг дарди ҳам оғир. Устун синса, устунга зўр келади. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди, аммо ҳамма устунларнинг юкини кўтариш ҳам осон эмас-да. – Ота оғир тин олди. Ўтирганларга бирма-бир зехн солиб чиқди. – Мана, болам, сен агрономсан, ўзингга яраша ошна-оғайнинг, улфатларинг бор. Шулар билан яйрайсан, очилиб гурунглашасан. Ўғлингнинг жўралари билан ўз ошналарингдай ёйилиб суҳбат қуролмайсан-ку, тўғри-ми... Унинг устига катта энанг раҳматли ҳам эрта кунда йўлга туша қолди. Умри қиска экан худо раҳматини...

Отанинг гапини ҳамма сукут билан тинглар, елкасидан оғир бир юк босгандай бошини ҳам қилиб ўтиришар, бирон бир сўз дейишга ҳеч кимнинг қуввати, мадори етмасди.

* * *

Қишлоқ қариялари тўпланиб Жоникул отанинг олдига келишди.

– Ота, бўлинг, – деди оқсоқоллардан бири. – Жанозага айтишди. Бориб келайлик.

Отанинг ковоқлари солинган, жуда хомуш, гапиргиси ҳам келмасди.

– Нимага пакарсиз, ота? Мазангиз йўқми?

– Ҳа, тобим йўқ, оғрияпти, дилим оғрияпти. Бу қандай гап, ахир йигит-а. Бир йил ичида учта навкирон кетди-я. Бирини машина босган, бирови тракторнинг тагида қолган... Бунга чидаб бўладими? Бу йил жуда оғир келди-да.

– Илон йили оғир бўлади дейсиз-ку, ўзингиз.

– Лекин бунчаликмас-да. Нима бало, илон думи билан тушганмикан сувга-я?

– Буям Оллонинг иродаси-да. Қани, бўла қолинг, тезроқ борайлик.

Отанинг кўллари қалтирар, ўзини босолмасди.

– Қандай бораман, қайси юз билан?

– Сизда нима айб? Қайси юз билан деганингиз нимаси?

– Қайси куни кўрувдим-а, раҳматликни. Мана шу ерда, деразада. Йўк, мен бормай кўя қолай...

Оқсоқоллар отани ҳол-жонига кўйишмади:

– Кексайиб жуда ваҳимачи бўлиб қопсиз ўзи. Ҳадеб уйда ўтираверса хаёл ҳар қаёққа олиб кетаверди. Юринг, бундай одамларга аралашинг, кўнглингиз ёзилади... Ажал-да, ёш-қарига қарайдими. Куни битган одам эртами-кечми кетавераркан-да... Бўлинг, мошина кутиб қолди...

Ўша куни таъзиядан қайтаётиб Жоникул отанинг эти увушди. Қаттиқ намгарчилик таъсир қилдими, уйга келиб ётиб қолди. Отанинг аъзои-бадани олов бўлиб ёнарди. Бироқ ота буни ҳеч кимга билдирмас, тишини тишига босиб жим ётарди. Хуфтонга бориб кўзи илинди. Туш кўрди. Қадрдони Эшонкул уни қидириб-қидириб, охири топиб олганмиш. “Э, жўра, қаёқларда қолдинг ёлғиз ўзинг”, дермиш. Жоникул ота бўлса “Нимага ёлғиз дейсан? Болаларим-чи, невараларим, қишлоқ одамлари-чи?” – депти ҳайрон бўлиб. “Э, уларни кўй. Сенга ҳамроҳ бўлармиди улар. Ёшлар ўз кунини кўрсин. Уларнинг йўриғи бўлак, бизники бўлак. Қани, юр кетдик”, деб Жоникул отани қаёққадир етаклаб кетганмиш. “Ҳой, тўхта, мен болаларимга айтмай, кейин қидириб юришмасин”, деса ҳам қулоқ солмасмиш.

Ота уйқусида кўп алахсиради. Бошида ўтирган болалари иссиғи кўтарилганидан, деб ўйлашди. Ота чўчиб уйғонди-ю, атрофга аланглади.

– Қани? Қаёққа кетди?

Бош томонида ўтирган катта ўғли отасининг пешонасига қўлини қўйди. Иссик!

– Ким? Ҳозир келади, ҳозир.

Ота бир дам вассажуфт шифтга қараб хаёл суриб қолди. Кейин аста ўғлига юзланди.


– Энди ётинглар, болаларим. Дам олинглар. Эртага чарчайсизлар хали. Вақтлирок туринглар. – деди. Унинг товуши жуда хаста, синик чикди.

...Азонда Жоникул отанинг уйдан эшитилган “Отам-эй, отам-эй”, деган овоз сукунат қаъридан юракларни тилка-пора килиб, қишлоқ узра ёйилди...

1979 йил.



ТАРЖИМАЛАР



ДАНТЕНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Қисса

Юсуф САМАД ўзлига
бағиштайман

- Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча...
- Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча...
- Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча...
- Йўк, йўк, йўк!

Томоша зали бўм-бўш ва қоронғи. Залнинг ўртасида икки киши – режиссёр ва рассом ўтирипти; рассом режиссёрнинг елкаси оша саҳнага қарайди.

Режиссёрнинг олдидаги кичкинагина стол устини хира лампа ёритиб турипти. Столда лампадан ташқари сочилиб ётган қоғозлар, қалам, кулдон, дискасиз қора телефон, бир шиша “Бодомли” суви ва стакан бор эди.

Машқ борарди.

Режиссёр ўрнидан сапчиб турди-да, илдам қадамлар билан саҳна томон юрди. Чап томондаги чироклар ёритиб турган саҳнада гримсиз икки актёр турарди. Уларнинг эғнида ўзларининг кундалик кийимлари. Режиссёр чакқонлик билан ҳатлаб саҳнага чиқди ва олдинда турган қорамағиз ўрта яшар актёрнинг олдига борди.

– Файзулла, азизим, жон биродар, – у иложи бори-ча хотиржам ва юмшоқлик билан гапиришга ҳаракат қиларди. – Ўзингга ичинг ачимаса ҳам бизга раҳминг келсин. Эрталаб тўққиздан бери шу ердаман, хали туз тотганим йўк. Жоним сенга қурбон, инсоф кил, азизим, ахир биз ҳам одаммиз-ку!.. Бутун асар давомида атиги уч оғиз сўзинг бор, шуни ҳам айтолмайсан-а.

Тавба, уч оғиз сўзни аниқ айтишнинг нимаси қийин?!
Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча... Вассалом!

Файзулла кир бўлиб кетган дастрўмолини олиб тер босган юзини, бўйнини тинмай артарди.

– Ҳозир, ҳозир, – дея режиссёрни тинчлантирмокчи бўлди у. – Ҳозир айтаман... Кўнглингдагидай қилиб айтаман. Шошма... Ҳозир... кўп сиқилаверма...

Режиссёр сигаретини лабига қистирди.

– Қани, гапир-чи.

– Ҳозир, ҳозир...

Режиссёр гугурт чакиб сигаретини тутатди, орқага карамасдан нарироқда турган актёрга деди:

– Аликром, бошла!

Орқада турган актёр Файзуллага мурожаат қилди:

– Хўш, қани?

– Бу кеча, бу кўкча, бу кўча, – деди Файзулла жон жаҳди билан.

– Тфу! Э сени... – Режиссёр ўзини босолмади, жаҳли чиқиб тутоқиб кетди. Саҳнадан пастга тушиб, ўзи ўтирган жойга борди. Сигаретини кулдонга босиб, эзгилаб ўчирди. Кўкрак чўнтагидан дори олиб, биттасини оғзига отди-да, стаканга сув қуйиб ичиб юборди. Кейин ҳорғинлик билан ўзини креслога ташлади.

Файзулла ночор бир кайфиятда режиссёрга ёлворарди:

– Асабийлашма. Азизим, асабийлашма. Бир оз сабр қилгин, ҳозир айтаман, сен истагандай қилиб айтаман. Ҳайронман, менга бугун нима бўлди-я, ҳеч ўзимга келолмаяпман.

Режиссёр рассомга ўтирилиб шивирлади:

– Худди бошқа кунлари қотириб ўйнайдигандек гапиради-я.

– Бўлдимми? – деб сўради Файзулла.

Режиссёр жавоб бермади, фақат калласини қимирлатиб кўйди.

– Бу кеча! Бу кўкча! Бу кўча! – деди-да, режиссёрга боқди Файзулла.

Режиссёрнинг юзида ҳеч бир ифода йўқ эди. У сахна чеккасига маъносиз термилганча нигоҳини бир нуқтадан узмасди. Гўё қотиб қолгандай ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмасди.

Файзулла сўзларни чўзиб, бошқа оҳангда гапирди:

– Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча...

Режиссёр ҳамон ўша алпозда мик этмай ўтирарди. Файзулла сўзларни учинчи марта такрорлади:

– Бу кеча... Бу кўкча... Бу кўча.

Режиссёр илон чакқандай ўрнидан ирғиб турди.

– Ҳей инсон, биродар, ҳамшаҳар, мусулмон, армани, мўлтони! Одам боласимисан ўзи! Эй сени... – дея бирдан кафти билан оғзини беркитиб ўтириб қолди. Ҳамма актёрлар унинг бу қилиғини яхши билишарди: жаҳли чиқиб асабийлашганда ҳақоратловчи сўз айтиб юбормаслик учун у шундай қиларди. Рассом унинг елкасига қўлини қўйди:

– Сиёвуш, хой Сиёвуш... Ўзингни бос...

Режиссёр жаҳл билан “Бодомли” сувини олиб, шишасидан ича бошлади. Кейин бироз ховуридан тушиб рассомга юзланди:

– Кўраяпсан-ку, кўраяпсан-ку ўзинг, менинг аҳволимни?! Яна сен Брехт, Мейрхольд дейсан! Ахир ўзинг ўйла, мана шу маҳлук билан Брехт асарини кўйиб бўладими? Эрталабдан бери уч оғиз сўзни одамдай айттиролмайман. Кўраяпсан-ку! Мен аҳмоқ бўлсам, мана шу Файзулла Кабирлинскийга ўхшаганлар билан буюк санъат яратаман, деб юрибман-а! – Асабий равишда титраётган қўллари билан сигарет олиб тутатди, режиссёр жаҳл билан босиб-босиб тортди. Сўнг Файзуллага қараб деди:

– Ҳой инсон, билиб кўй, сендан яхши этикдўз, чойхоначи, ошпаз чиқади... Яна билмадим нима хунар қолди... Айтайлик ҳаммомчи, мурдашов чиқиши мумкин дир, лекин икки дунёдаям сендан актёр чикмайди! Билиб кўй, сендан актёр чикмайди, чикмайди! Актёрлик – бу санъат! Эй, мусулмонлар, икки қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинглар! Санъат бу! Эшитдингларми! Санъат! Ижод! Яратиш! Ҳа, яратиш – бу ижод! Бу – санъат! Ҳиссиёт, ҳарорат керак бу ерда! Лекин ўттиз олтию, олти ҳарорат билан санъат яратиб бўлмайди! Аввало ўзинг кийнашлишинг, ёнишинг, яратишинг, ижод қилишинг керак! Тани-жонинг, вужудинг билан ёнишинг, ковурилишинг, қайнаб тошишинг лозим. Қурук овозга зўр берган билан санъат яратолмайсан, эй инсон! Қурук қичкириш билан образ яратиб бўлмайди. Овозинг ўткир бўлса мачитга бор, азон айт! Лекин актёрлик қилма! Тушундингми? Эшитдингми, эй биродари азиз! Муаззин бўл!

Файзулла сахнада лом-мим деёлмай қотиб қолганди. Уятдан, хижолатдан чўғдай қизариб кетганди. Унинг юзидан тер қуйиларди. Қирк йилдан бери сахнада у, шу йиллар давомида қанча-қанча режиссёрлардан, актёрлардан не-не таъналар, ҳақоратлар эшитмади. Аммо уларнинг ҳеч қайсиси мана бу режиссёрдай – Сиёвушдай ҳақорат қилмаганди! Улардан биронтаси муаззин, мурдашов, азон, мачит деган сўзларни тилга олмаганди. Театрда ҳамма, Сиёвуш ҳам, Аликром ҳам Файзулла руҳоний оиласидан эканини, отаси муфти бўлганини билишади. Буни эҳтимол анави ёш рассом эшитмагандир, чунки у театрга яқиндагина келган.

Рассом пичирлади:

– Эй, Сиёвуш, сал ўзингни қўлга олсанг-чи. Бечорани мунча қийнаб нима қиласан? Пичоксиз бўғизладинг-ку, шўрликни. Қўлидан келгани шу бўлса нима қилсин.

– Хўш, мен аҳмоқ нима қилай бўлмаса? – портлаб кетди Сиёвуш. – Менинг нима гуноҳим борки, умримни манави галварслар билан тортишиб хазон қилсам?! Хўш, айбим нима? Мана, бу зот икки сўзни бир-бирига қовуштириб гапиролмайди-ю, яна сахнага чиқиб олади!..

Рассом унинг сўзини бўлди:

– Айб бўлади, Сиёвуш, сал ҳурмат керак, отанг тенги одам-а...

– Отам тенги... – ижирғанди режиссёр. – Менинг отам аллақачон нариги дунёга равона бўлган. Мана бу жонли тош эса мени ҳам, сени ҳам тамом қилади. Хафа бўлма. Булар юз йил яшайди. Нега энди яшамасин? Нима дарди, қандай гами бор бунинг? Унга минг бақир, минг ҳақорат қил, кичқир, ўзингни ўзинг еб адо қил – парвойи фалак, бошини эгиб молдай бақрайиб тура-веради. Эҳтимол, ичида менинг устимдан кулиши ҳам мумкин: анави аҳмоқни кара, арзимаган нарсага бўғилиб, асабини бузиб, жиннидай кичқиряпти деб. Қарагин-а унга, пинагини бузмайди. Ахир бундай холда қанақа театр, қанақа санъат ҳақида қайғуриш мумкин?! Бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас! Қирк йилдан буён сахнада бор-йўғи уч оғиз сўз айтади-да, маошини олиб бепарво уйига жўнайди. Яна қирк йил умр кўрса, худди шундай яшайди. Бирон-бир ўзгариш бўлмайди. Биз аҳмоқлар эса қаёқдаги санъат, янгилик, тараккиёт деган бемаъни гаплар билан бошимизни оғритиб, лақиллаб юрамиз! Буларнинг ҳаммаси кимга керак ахир, Зайнал?! Йўқ, йўқ ҳаммаси бекорчи гаплар. Аслида дунё мана шуларники, Файзуллага ўхшаганларники, яшашни, давр суришни мана шуларга чиқарган!

Режиссёр юрагини бўшатиб, сал енгил тортди. Сигарет тутатди, бир-икки босиб-босиб тортди-да, сахнага қаради. Файзулла мункайганича, хайкалдек қотиб

турарди. У режиссёрга шундай итоаткорона, кўзлари мўлтираб жавдирардики, Сиёвуш ўзини кулгидан тўхтата олмади. Аввал бир оз тиржайди, сўнг бирдан шарақлаб кулиб юборди.

– Илтимос сендан Кабирлинский, сўзингни кулги учун бўлсаям яна бир қайтар.

Файзулла режиссёрнинг кулгисига жавобан жилмайди, ҳатто бемалол кулди ҳам, лекин нима қилишини билмай қолди. Режиссёр жиддий гапираяптими ёки ҳазиллашаяптими? Машқни давом эттираяптими, ё кўнгилхушликми бу? Кабирлинский сўзларини қай оҳангда айтишни билмасди: аввалгидай айтсинми? Ундай деса, у режиссёрга ёкмаганди. Кейинги сафар талаб қилгандай гапирсинми? Ёки охиргидай?.. У ҳам режиссёрнинг дидига ўтирмовди... Ё бўлмаса мутлақо бошқача оҳангда айтсамикин-а?.. Балки ҳазил тарзида гапириш керакдир? “Йўқ, ҳазилни қўй. Ўзи ҳазиллашаверсин... Ҳазил қиляпман деб бошимга бало орттириб олмай тагин... Ким билади, у қандай қабул қилади, тушунадими-йўқми?”

Кабирлинский бутун қувваи-хофизасини, тажрибасини жамлаб, дадил бир оҳангда деди:

Бу кеча! Бу кўкча! Бу кўча!

Режиссёрнинг қаҳ-қаҳасидан сесканиб кетди:

– Браво, Кабирлинский! Офарин! Қойилман! Эркак кишининг сўзи битта бўлади. Ниҳоят, уч соатлик машқимиз бекорга кетмади. Офарин, қойилман!

Сиёвуш кулгидан тўхтаб жиддийлашди. У ғоят ҳориб-чарчагани шундок сезилиб турарди. Ҳалиги эҳтиросли гап-сўзлар, бир қадар сунъий ҳаракатлар – буларнинг барчаси кийим-бош одам танасини кучиб тургандай уни ҳам қаттиқ, дадил ушлаб турганди. Энди бу “кийимлар”ни бир чеккага иткитиб ташлади. Улар ожиз, буришиқ ва беҳол кўринарди.

Сиёвуш ниҳоятда толикқан эди. У ҳорғинлик билан оҳиста деди:

Яхши, кетаверинглар. Машқ тамом.

* * *

Файзулла театрдан Аликром билан бирга чикди.

– Бугун мунча жини кўзиди, даҳомизнинг, а? – деди Аликром жилмайиб. – Ундан бошқа режиссёр зотини кўрмовдикми? Театримизга Сиёвушга ўхшаган режиссёрлардан қанчаси келиб-кетган. Бошимиздаги сочимиз толасидай кўп-ку уларнинг уруғи.

– Аликром, бундай ўхшатиш қилганингга яраша бошингда лоақал бир дона тукинг бўлсаям майли эди-я, – деб ҳазиллашди Файзулла. Аммо бу ҳазилга на ўзи кулди, на Аликром. Бир муддат лом-мим демай кетишди.

– Бозорга борасанми? – деб сўради Аликром Файзулладан.

– Йўқ.

– Нега?

– Ишим бор.

– Нима ишинг бор?

“Оббо! Ишим бор, деб ўз оғзимдан илиндим”, ўйлади Файзулла. Киностудияга бораман, дубляжим бор, деб Аликромга айтишни исламади. Буни эшитса Аликром ҳасад қилишини биларди. Аммо бошқа баҳона тополмади. Умуман, у ёлғон гапирмасди, бирон гапни тезда бошқа томонга буриб юборишининг эвидан чиқолмасди. Бунга кувваи-хофизаси етишмасди. Файзулланинг бу хислатини тажрибали артистлар билишар, шунинг учун ҳам уни кўпинча ёш боладай лақиллатишарди.

– Хўш, қанақа ишинг бор? – ўсмоқчилади Аликром.

– Шунчаки, – Файзулла чалғитмокчи бўлди уни.

Аммо Аликром сўзида туриб олди, ёпишган жойини узиб оладиганлар хилидан эди у.

– Тўғрисини айта қолсанг-чи, нима ишинг бор?

– Киностудияга кираман, дубляжим бор, – деди Файзулла.

Аликром бошини сарак-сарак қилди:

– Менга қара, бунча пулни қайга кўясан? Битта сандикка сигмаса керак, а?

– Ҳазилингни қўйсангчи, Аликром. Бўпти, омон бўл. Менинг автобусим келди.

Автобус уларга рўпарама-рўпара тўхтади. Унинг орқа эшиги очилмади. Автобусда чиптачи йўқ эди. Шунинг учун ҳайдовчи йўловчиларнинг чиптасини текшириб, олдинги эшикдан туширарди. Йўловчилар тушиб бўлгач, автобуснинг орқа эшиги ҳам очилди. Файзулла тикилинч автобусга уриниб-суриниб чикиб олди.

– Оч ўтирсам ўтираман, лекин дубляжга бормайман, – деди Аликром унинг ортидан. – Чинакам актёр учун дубляж – ҳалтура. – Бироқ унинг сўзларини Файзулла эшитмади. Аслида бу гапни ўзини овутиш учун айтганди, чунки анчадан буён уни дубляжга чақирмай қўйишганди.

Эрталабдан бери тик оёқда туриб машқ ўтказди, туғма яссиоёқ бўлганлиги сабабли ҳозир Файзулланинг оёқлари зиркираб оғриётганди. Аммо автобусда ўтиришга бўш жой йўқ эди. Сунъий чарм, қизиган мотор, тер хиди анкирди ён-атрофидан. Бу ҳидлар Файзуллага уруш йилларини эслатиб юборди. Туғма яссиоёқлиги учун уни фронтга олишмади.

Театрнинг кўпгина ходимлари, шу жумладан, Файзулла қискартишга тушганди. Ҳа, ҳа, нима учун автобусдаги хид уруш йилларини ёдига туширганини энди билди. Уруш даврида у роппа-роса уч йил трам-

вайда чиптачи бўлиб ишлаганди. Уруш тамом бўлгандан сўнг яна театрга қайтганди.

Автобус киностудияга яқинлашиб борган сари йўловчилар камайиб қолди. Файзулла ўтирди. Икки бекат ҳузур килиб борди.

Киностудия биносига кириб, лифтга чиқди-да, тўртинчи қаватнинг тугмасини босди. Лифтнинг эшиги очилгач, бугунги дубляж режиссёри Оғамеҳди Файзуллани кўриб қолди.

– Кабирлинский, Кабирлинский, – дея пешвоз келди у.

Оғамеҳдиннинг ёнида Файзуллага нотаниш гўзал рус жувони бор эди. Файзулланинг димоғига атирнинг ўткир хиди урилди. “Москвадан келган актриса шу бўлса керак”, дея хаёл қилди Файзулла. Оғамеҳди:

– Кабирлинский, дубляжни эртага қолдирдик. Жавод бугун келолмас экан, – деди-да, сўнг ёнидаги актрисага юзланиб: – Мен сизга ҳозиргина гапириб турган актёр шу бўлади, – дея таништирди.

Актриса кулимсиради. Унинг табассуми жуда чиройли эди.

– Танишганимдан хурсандман, – деди актриса назокат билан ва кўлини Кабирлинскийга узатди. – Лена.

Файзулла довдираб қолди. У Ленанинг бармоқлари учидан қисди-да, дарҳол кўлини тортиб олди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб юзини арта бошлади.

Оғамеҳди жилмайди:

– Рўмолча эмас, ноёб ёдгорлик экан. Сотадиган бўлсанг биз беҳабар қолмайлик.

Оғамеҳдиннинг кайфияти жуда баланд эди. Актриса гап нима ҳақида кетаётганини англади шекилли, Файзулланинг рўмолчасига қараб пикиллиб қолди.

– Дездемонанинг рўмолчаси, – деди Оғамеҳди актрисага қараб, ҳар икковлари яна қолди.

Файзулла баттар хижолат тортиб, рўмолчасини тезда чўнтагига солиб кўйди. Вазиятдан кутулиш учун:

– Демак, дубляж эртага, шундайми? – сўради.

– Ҳа, – тасдиқлади Оғамехди, – соат иккида. Келоласанми?

– Иккида?

Файзулла ён дафтарчасини олиб каради. Сўнгги йилларда у хотирасига ишонмай кўйганди. Унинг кичкина, кўримсизгина қора ён дафтарчаси бўлиб, қачон, қайси соатда нима иш қилиши лозимлигини араб алифбосида шунга қайд қилиб борарди.

Оғамехди актрисанинг кўлтиғидан олиб пастга туша бошлади. Орқасига ўгирилиб Кабирлинскийга деди:

– Келолмасанг зарари йўқ, бошқа биронтани топиб ёзарман. Ўзингни уринтириб юрма.

Файзулла дафтарчасини ёпиб режиссёрнинг орқасидан кичқирди:

– Йўқ, келаман! Бўшман!

– Жуда яхши. Бўш бўлсанг, кел, – деди Оғамехди. У актрисанинг қулоғига нимадир деб шивирлади, иккаласи ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулдилар. Файзулла актрисанинг сўзларини аниқ эшитди:

– Сиз бўлсангиз, типаж кидириб юрибсиз. Мана таппа-тайёр типаж. Бундан ортиғи бўладими?

Кабирлинский вазмин кадамлар билан зинадан тушаркан, киностудия телефонларидан ранжиди: “Бу ерга уч кун бетиним кўнғироқ қилсанг ҳам – тушолмайсан. Агар шу ярамас телефонлар тузуккина ишласайди, театрдан кўнғироқ қилиб, дубляж эртага қолдирилганини билиб олган бўлардим. Шунча йўлга бекорга келиб юрмасдим... Бугун негадир ҳамма иш тескарига кетяпти. Чап ёним билан турмовдим чоғи... Қани радиога борай-чи, у ёқда ҳали нима гап экан...”

У радиого соат учда бориши керак эди, ҳозир икки ярим бўпти. Демак, уйига бориб келишга улгурмайди. Яхшиси, радиодан чиқиб, бамайлихотир боради уйига. Хотини бугун бозбош¹ пишираман деяётгандай бўлувди. Шундай бўлса қанийди! Бозбошдан лаззатлироқ таом борми? Бозбош шоша-пиша ейдиган овқат эмас! Бунинг учун бемалол ўтириш керак. Шошилмасдан ликопчага нон тўғрайсан, картошка ва гўштни яхшилаб эзасан, устидан озгина шўрвасини қуясан-да, пиёз билан ейсан. Бай, бай, бай, бай.

Бу хаёлдан Файзулланинг сўлак безлари ишлаб, оғзи сув очиб кетди. У киностудия буфетига кириб, нон ва колбаса олди-да, нафсига сал ором берди.

Радио биносининг ёнига келгач, автобусдан тушди. Юқорига қараб кетган йўлдан бориб, бинога кирди. Зиналардан кўтарилиб бораркан, нафасини ростлаб олиш учун тўхтади, терлаб кетган юзларини, бўйнини артди.

Бир неча йилдирки, ҳар ҳафтанинг мана шу куни, шу соатида Файзулла овоз ёздирдиш учун радиого келади. У ҳар якшанба бериладиган болалар эшиттиришидаги тулки ролининг доимий ижрочиси.

Редакцияга кириб, салом берди:

– Салом, гўзал қизлар, ботир ўғлонлар! Мана, мен хузурингиздаман!

Бу унинг анъанавий саломи эди.

Бурчакда ўтирган паст бўйли, тикмачокдан келган йигит – Мажид деди:

– Тулки оғамизга саломлар бўлсин! Мاستон мушук қани?

¹ Б о з б о ш – озарбайжонларнинг миллий таоми.

– Келади, ҳозир келади, – деди Файзулла. – Парво килма. Машинанинг олдида унча-мунча йўл ҳеч гапмас, каерда бўлсаям етиб келади.

Мастон мушук ролининг муқим ижрочиси бўлган актёр Жавод Жабборов саҳна санъатининг порлоқ юлдузларидан. У саҳнада Ҳамлет, Элхон, Отелло ролларини ўйнаса-да, радиода кичкинтойларнинг севимли қахрамони бўлмиш Мастон мушук ролини ижро этишдан ор қилмасди. Овозини ёздириш учун ҳамиша вақтида келар, радио ходимлари Мастон мушук деб чакирганларидан сира хафа бўлмас, аксинча, бу унга бир қадар хуш ёқарди.

Эшиттириш муҳаррири Сафура Файзуллани кўриб безовталаниб қолди.

– Тулки оға, – деди Мажид, – Сафура хоним сизга бир нима демоқчи, аммо уяляпти.

– Нега уялади? Нима, мен бегонаманми сизларга?

Сафура ўрнидан турди:

– Унинг гапига қулоқ солманг, Файзулла домла, ўзим айтаман сизга ҳаммасини. Гап шундаки... – У тугилиб қолди. – Қандок тушунтиришнинг билмаяпман...

Файзулланинг юраги увушиб кетди. “Тавба нима бўлди ўзи, бугун ҳеч ишим юришмади. Иш бир чаппасига кетса, кетаверар экан-да! Овозим кимга ёкмай қолди экан?”

– Хўш, гапир кизим, нима гап? Тортинмай гапиравер.

– Биласизми, Файзулла домла, бу эшиттиришнинг текстини янги бир муаллиф ёзган эди. У бизнинг ишимиздан мутлақо беҳабар одам. Шунинг учун тулки ролини... хотин кишига мўлжаллаб ёзипти, сира ўзгартириб бўлмаяпти. Бутун сюжет шунга қурилган.

Файзулланинг оғзи курукшаб, бадани увушиб кетди.

– Бу қанакаси?.. Демак, бундан буён тулки ролини аёл артист ижро этадими? – деди бўшашиб.

– Йўк, йўк, йўк, – Сафура уни тинчлантиришга уринди. – Бунака бўлмайди. Биз бунга йўл қўймаймиз... Фақат бугун, биргина мана шу эшиттиришда... Навбатдаги эшиттиришдан бошлаб яна ўзингиз ижро этаверасиз.

Мажид аския қилди:

– Бу сафарги тулки урғочи бўлиб қопти, янаги ҳафтагача эркакка айлантириб олишади.

Сафура унга қараб “уят бўлади” деган маънода калласини кимирлатиб қўйди. Файзулла оғир хўрсиниб стулга ўтирди:

– Нима ҳам қилардик... Сал нафасимни ростлаб олай, бу тепаликка чиқиб келгунимча ўпкам оғзимга тикилиб қолди. Сиз ёшларга билинмаслиги мумкин...

Мажид яна аскияга ўтди:

– Тулки, тулки, тулкивой,

Энди эса ҳолинг вой!

Сафура жойига бориб ўтирди. У оғир юкдан халос бўлгандай ҳис этди ўзини. Файзулла оғир-оғир нафас олар, пешанаси, бурни, лаб-лунжлари коп-кора терга ботганди. Рўмолчасини олиб терларини арта бошлади.

Коридорда тиниқ жарангдор овоз эшитилди:

– Салом, азизим, салом! Ишлар қалай, гўзал қиз! Сени кўрганимдан хурсандман, барно йигит! Қалайсан? Омон бўл! Ёшингга ёш қўшилсин!

Сафуранинг кўзлари чараклади:

– Келди, келди! – деди севинчдан яшнаб.

Эшик катта очилиб, баланд бўйли, барваста, алпкоматли йигит кирди. Унинг сочлари, бир-бирига туташиб кетган кошлари ва нозиккина мўйлаби қорамтир, кўзлари эса оч кулранг эди. Бу мутаносиблик ёқимтой чехрасида ғалати бир ифода акс эттирарди: у бир вақтнинг ўзида ҳам димоғдор, ҳам очиккўнгил, ҳам тажрибали, ҳам келишган қоматли эди. Кийимлари ғоят башанг: қизғиш

куртка ва қордай оппоқ кўйлак кийган, кумуш ранг тўгноғич қадалган қизил галстук такқан. Ялттираб турган сочлари ҳамишагидек орқага таралган. Бармоғидаги олтин узукнинг йирик кўзи ял-ял товланади.

– Аҳли мажлисга оташин саломлар, – деди Жавод. – Хусусан, Сафура хонимга! Салом Кабирлинский! Мажид, салют!

Мажид ҳозиржавоблик билан:

– Салом, Мастон мушук! – деди.

– Келдингизми, – деди Сафура. – Пойлайвериб кўзимиз тўрт бўлди-ку! Жавод унга караб:

– Қасам ичаман, машинани шунақаям тез ҳайдадимки!.. Бир ажойиб даврада ўтирувдим. Лекин сизнинг даврангизга етадигани йўқ. Ҳаммасидан воз кечиб, бу ёкка караб йўл олдим. “Кетма, ўтир”, деб илтимос қилдилар, ёлвордилар. Мен: “Йўқ, Жавод Жабборов ҳозир сиз билан ўтирган эди. Лекин ҳар ҳафтанинг мана шу куни, мана шу соатида у Мастон мушукка айланади. Валломати келсаям, шу соатда мени бу ерда олиб қололмайди. Эшикни беркитсангиз деразадан сакраб тушиб кетаман. Радиога, албатта, боришим керак”, дедим.

Ҳамма кулиб юборди.

– Мастон мушук, – деди Мажид. – Анчадан бери йўқсиз, хонамизда сичқонлар пайдо бўлиб қолди.

Жавод кутилмаган бир оҳангда:

– Уни қара-я! Нега сен сарик мушук тутиб еб кўя қолмадинг?! – деди. Гурра кулги кўтарилди. Жавод ҳаммани кулгидан тўхтатиб деди:

– Бўпти, Сафура хоним. Менинг атиги ярим соат вақтим бор. Ўғлим ҳаққи қасам ичаман. Бугун киностудияда дубляжим бор эди, азбаройи сени хафа қилмаслик учун эртага қолдирдим.

– Тўғри айтаяпти, Сафурахоним, – деб тасдиқлади Кабирлинский. – Худо ҳақки, ўзим шоҳидман.

– Ана кўрдингми, Сафурахоним, ёлғончининг гувоҳи доим ёнида бўлади. Қани, азизларим, тезроқ бўлақолинглар. Мен ҳали мактабга боришим керак – учрашувга таклиф қилинганман.

– Ҳозир ёзамиз, – деди Сафура. – Ўн минутдан сўнг студия бизнинг ихтиёримизда бўлади. Унгача мана бу текст билан танишиб туринг.

Жавод текстни олиб тезда биринчи саҳифасига кўз югуртириб чиқди. Кейин иккинчисига, учинчисига...

Сафура оҳиста:

– Биласизми, Жавод... Бу ерда ҳар хил гап-сўзлар юрипти, – деди.

Жавод унинг кўзига тик қараб:

– Қанақа гап-сўзлар? – дея сўради.

– Қаёқдан билай мен. Ўзингиз яхши билсангиз керак. Зарифа билан...

– Ё тавбангдан кетай, – деди Жавод қоғозларини бир чеккага суриб кўйиб. – Бу нима деганингиз! Ўз уйингдан бир қадам силжимасанг-да, одамлар бемаъни гапларни тарқатишса. Худо ҳақки, мен жинниманми, хотинимни, болаларимни ташлаб... Гапимга ишонасизми Сафура, касам ичаман, – у янаям паст овозда давом этди: – Кеча оқшом телевизор кўриб ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Хотиним бориб трубкани олди, бир маҳал қарасам гапиролмай лаблари титраяпти. “Сенга нима бўлди, ази-зам?” десам, “Трубкани олиб ўзингиз гаплашинг”, дейди. Кулоқ солсам қандайдир хотин гапираяпти. Қисқаси, қимдир кўнғирок қилиб, хотинимни кўрkitмокчи бўпти. “Билиб кўй, эржонинг менинг ёнимда, кайф қилиб ўтирибмиз, кўнғил очаяпмиз, сени бўлса аҳмоқ қилиб уйда ўтказиб кўйипти”, деб. Мен хотинимга: “Ана кўр-

дингми? Одамларнинг қандай бемаъни ишлар қилишига энди ишондингми? Мен уйда сенинг ёнингдаман-у, анави ярамас нималар деяпти? Эсингдан чиқарма. Шунинг учун ҳар хил олди-кочди гаплару таъна-ю, дашномларга ишонма дедим”. Лекин аёл зотини бирон нарсага ишонтириб бўладими?! Менинг хотиним ҳам аёл-да. Бир дунё гапни тўкиб ташлади. “Бир гап бўлмаса, одамлар бекорга шунча гап-сўз чиқаришармиди?! Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Сен кўрми, карми, чўлокми бўлсанг эканки, ҳеч нарсани ўйламай, бамайлихотир яшасам... Умрим дўзах азобида ўтадиган бўлса, менга унақа Жан Маренинг нима кераги бор?!” – деди. Шунақа гаплар, Сафурахоним... – Жавод текстни кўлига олди. – Майли, бунақа гапларни кўяйлик, кетдик тезроқ ёзайлик, текст билан танишиб чиқдим.

– Кетдик, – деди Сафура.

Коридордан боришаркан:

– Кабирлинский кани? – деб сўради Жавод.

Сафура бўлган гапни унга айтди. Жавод дабдурустдан тўхтади:

– Яхши бўлмабди, Сафурахоним. Шундоғам бечора хафа, омади чопмаган инсон у, сизлар ҳам ўлганнинг устига тепган қилманглар-да. Ёши бир ерга бориб қолган, ўлар-тириларига қарамай югургани-югурган...

– Хўш, мен нима қилай, бу сафар унга роль йўқ бўлса.

Улар яна бир оз юришгач, Жавод шартта тўхтади-да, ортига ўгирилиб:

– Кабирлинский! Ҳой, Кабирлинский! – деб чакирди.

Кабирлинский улар томонга қаради. Сафура:

– Ие, унинг роли йўқ, дедим-ку!

Жавод текст ёзилган қоғозларга кўз югуртираркан, чўнтагидан ручка олди.

– Бу ёққа келинг, Кабирлинский! Менга қаранг, ҳозир бир фокус қиламан. Тулки эмас, шоколад бўласиз, бўптими? Барибир эмасми? Пул ёзилса бўлди-да. Нима дедингиз! Қанча олардингиз!

– Етти сўм.

– Етти сўм? Зарари йўқ. Етти сўм ҳам пул. Шоколад ролига қалайсиз?

– Қандай шоколад?

– Ҳар доим тулки бўлиб ўйнардингиз, бутун шоколад бўласиз! – Жавод хохолаб кулди. – Қалай, маъкулми?

Кабирлинский ҳам кулди:

– Тўғри-ю, лекин...

– Лекин-пекини йўқ. Ҳиҷолат бўлмаг. – Жавод матнга тузатиш киритди. – Қаранг, мана бу ерда тулки: “О, шоколад, сен ҳам шу ерда экансан-да”, деса, шоколад унга: “Ҳа, ҳа, тулқижон, мен ҳам шу ердаман, ҳа, ҳа”, – дейди.

Жавод шоколаднинг овозига ўхшатиб бир оҳангда гапирди. Сафура унга ўпкалагандай қаради:

– Жавод, борди-ю, муаллиф бирон нима деб қолса...

– Нима дерди муаллифинг, – унинг сўзини бўлди Жавод. – Барча масъулиятни ўз зиммамга оламан, қани муаллифинг мик этиб кўрсин-чи. Айтиб қўйинглар, унга мен, Жавод Жабборов, шу асарда шоколад образи зарур, деб топдим. Вассалом. Тушунарлими? Ҳўш... Қани, ўша жойи? Э-ҳа, мана... Тулки: “Кетдик”. Шоколад: ... – Жавод ручкасини бир-икки силқитиб ташлади-да, ёза бошлади – демак, бундай... Шоколад “Сиз кетасизми? Мен ҳам кетаман сиз билан”... Ҳўш... Мана бу ерда ҳам энг охирида “хайр, хайр” дейсиз. Булардан ташқари, вақти-вақтида ўрни билан “ҳа, йўқ, шундай, яшанг” деб бизнинг гапимизга қўшилиб турасиз. Энг муҳими, овозингиз эшитилса, бас. Ҳўш, қалай? Дурустми? Ҳе, занғар... Вой, вой кечикаяпман! Кетдик, олға! Кўрдингизми, Кабирлинский,

хозир мен сизга етти сўм ишлаб бердим десам бўлади. Сиз эса кадримни билмайсиз. Яхшилаб бир эрийдиган бўлдингиз-да. Ҳа-ҳа-ҳа. Қани кетдик!

Улар студияга киришди. Сафура пайтдан фойдаланиб, Мажиднинг кулоғига шивирлади:

– Бало Жавод... Ўзи жанжалкаш бўлсаям, кўнгли бўш. Одамгарчиликниям ўрнига кўяди. Бало.

– Мен Элдорнинг олдига кетдим, бу хушхабарни айтиб, ундан суюнчи оламан.

* * *

Элдор радиода режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Отаси овоз ёзишга келган кунлари у ҳеч кимнинг кўзига кўринмайди. Бунинг сабабини ҳамма билади. Элдор отасидан, тўғрироғи, отаси ижро этадиган – овоз берадиган роллардан уялади, хижолат чекади. Элдор ўн тўққиз ёшга кирган. У кундузи ишлаб, окшом театр техникумида ўқийди. У кадди-комати расо, кўркам йигит. Бирок сал оксоқ, чап оёғини судраб босади. У топган пулини кийим-кечакка сарфлайди. Қизларни кинога таклиф қилишга кўпинча пули бўлмайди. Лекин кийинишни ўрнига кўяди, ҳеч кимдан қолишмайди, бир сўз билан айтганда, арчилган тухумдай бўлиб юради. Юзида ёшига ярашмаган бир жиддийлик намоён, ҳатто бир оз хўмрайиб юрадигандек кўринади киши кўзига. Отасини таниганлар: “Тавба, ўғлинг худди Насриддин шохнинг ўғлидай юради-я. Ким айтади уни Кабирлинскийнинг боласи, деб, такаббурлик ҳам эви билан-да”, дейдилар.

Аммо Элдор такаббур ҳам, манман ҳам эмас. Доимо ўзига қараб юришни яхши кўрадиган йигит, холос. У ҳеч ким билан дўстлашмас, ҳеч ким билан дилдан суҳбатлашмас, ҳеч кимга кўнглини очмасди. Ишхонасида унинг ягона кадрдони, ҳамфикри Ойдин. Бошқа

хамма унинг устидан куладигандай, масхара киладигандай туюлади. Шуларга тайёрлаб юради ўзини. Бунинг асосий сабабчиси отаси, албатта. Элдорнинг нозик жойини билган аскиячилар, ғаламислар, чунончи Мажид, доимо ярасига туз сепишни хуш кўришади.

Ҳозир ҳам Мажид Элдор ўтирган хонага кириб келди-да:

– Табриклаймиз Элдор! Суюнчини каттароқ чўз! – деди ишшайиб.

Элдор гап охангидан гап нимадалигини тушуниб, хижолат бўлганидан асаблари созланган тор симларидай таранглашди.

– Нима бўлди? – деди ковоғини уйиб.

Мажиднинг сап-сарик башарасини кўрди дегунча, гарчи у бирон сўз демаса-да, Элдорнинг кайфияти бузиларди. Мажид жиддий ҳолда деди:

– Мен сенга ажойиб хушxabар айтгани келдим, отангни кўтаришди. Чинакамига ўсаяпти отанг, камол топяпти. Авваллари тулки ролини ижро этган бўлса, мана энди унга ишониб шоқол ролини беришди.

Элдор ўтирган жойидан ирғиб турди-ю, Мажидга ташланди, лекин Мажид эпчиллик бидан қочиб қолишга улгурди. Хонадаги кизлар пикиллашиб кулишди. Аммо Элдорнинг вазохатини кўриб, дархол ўзларини кулгидан тийдилар.

– Шу ярамаснинг гапига нега аччиғинг чиқади? – деди Ойдин. – У одаммидики?.. Пов этиб ёнишингни кўриб шундай килади. Эътибор берма унга.

Элдор ғижиниб:

– Ҳечкиси йўк. Кўрсатиб кўяман унга, – деди.

Файзулла ролини ёздиргач, пул қоғозига имзо чекиб, коридорга чиқди. Мажид югуриб унинг олдига келди:

– Менга каранг, Кабирлинский, ўғлингиз менга кун бермайди, кўз очиргани кўймайди.

– Нима килди у сенга?

– Доимо менга дўк уради, дўппосламокчи бўлади. Кўриб турибсизки, бир нимжон боламан. Ўғлингиз эса тфу, тфу, кўз тегмасин, девдай бакуват йигит.

– Бунга ўзинг айбдордирсан балки, жағинг тинмайди сира, валдираганинг валдираган, яна арз киласан-а!

– Нима дебман унга? Ёмон гап гапирдимми? Фақат нега отангинг фамилияси бошка-ю, сенинг фамилиянг бошка, деб сўрадим, холос. Шунгаям уриш керакми?

Файзулла бир лаҳза ўйланиб колди-да, кейин батафсил, шошилмай тушунтира бошлади.

– Мен сенга айтсам, Элдор билан икковимизнинг фамилиямиз бир – Алескеров, Кабирлинский – бу менинг тахаллусим.

– Ана энди ҳаммаси ойнадай равшан бўлди-колди. Одамга ўхшаб тушунтирса бўлар экан-ку.

Шу тоб дахлизда Элдор кўринди, улар томон кетаётганди, Мажид Файзулланинг орқасига бекинмоқчи бўлди.

– Айтинг унга, менга тегмасин! Бўлмаса, билиб кўйинг, қаерга арз килишни жуда яхши биламан, – деди.

Элдор индамади. У Мажидга еб кўйгудек бўлиб қаради, аммо отаси ва бошқаларнинг олдида унга тегишни ўзига лозим топмади.

– Қараб тур... Сен билан гаплашишнинг вақти келади, – тишларини гижирлатди Элдор.

– Кўрдингизми, дўк килишини. Ҳой Элдор, мана, отангдан фамилияларинг хақида сўрасам, ҳаммасини тушунтириб берди. Сен бўлсанг кизишиб, жаҳлинг чикиб кетади. Файзулла домла... – Элдорнинг олдида отасини “Файзулла домла” деб чақирарди у; Мажиднинг домла дейишида киноя ҳам бор эди. – Файзулла

домла, мен бир нарсага ҳайрон бўлиб юраман, артистлар ўзларига қаёқдаги Араблинский, Кабирлинский деган тахаллуслар кўйиб олишади, бу нима одат-а?..

Мажид коса тагида ним коса ила гапирар, лабла-рида жилмайишдан асар кўринмасди, фақат кўз қорачиклари айёрона йилтирарди. У масхара қилаётганини Элдор тушунди. Шунинг учун Мажиднинг башарасини, бутун қиёфасини – малла сочлари-ю, барок сарик қошлари, баликнинг кўзидек киприксиз дум-думалок, ўйноқи кўзларини, бужмайган юзларидаги сийрак сарик тукларни, оғзидаги учта тилло тиши-ю, кун кўри-най деб турган юпка шалпанг қулоғини, калта ва йўғон бармоқларию, сержун кўлларини кўришга кўзи йўк эди. Мажиднинг яғири чиқиб кетган ёқасига кўзи тушиши билан Элдорнинг кўнгли айниди.

Файзулла очик кўнгиллик билан шундай деди:

– Қачонлардир ҳар ким ўзига тахаллус кўйиши одат тусига кирган.

Мажиднинг ўйноқи кўзлари баъзан Элдорнинг нигоҳи билан тўкнашиб қоларди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам рақибни нима ҳақда ўйлаётганини, нимани ҳис қилаётганини сезарди. Аламдан Элдорнинг ичини ит тирнарди. Мажид эса анчадан буён бунчалик лаззатланмаганди: у Кабирлинскийни ўғлининг олдида очикдан-очик масхара қиларди. Очиғи, Файзулла соддалиги, тўпорилиги билан Элдорнинг душмани олдида ўзини ерга урмоқда эди. Бундан Мажид беҳад завқланар, Элдор эса ер ёрилса, ерга киргудек ўсал бўларди.

Вазиятнинг қалтислигини англамаган Файзулла эзмаланарди:

– Шундай, ҳар ким ўзига бир тахаллус олган. Араблинский, Ағдамский, Сарабский деганларидай...

– Кабирлинский, – деди Мажид шивирлаб.

– Кабирлинский, Кабирлинский деб нима демокчисан!– жаҳл билан деди Элдор ўзини тутолмай. – Оғзингни йиртиб ташлайман ҳозир. Кейин биласан...

Файзулла таажжуб билан ўғлига қаради:

– Ҳой ўғлим, сенга нима бўлди? Нега ундай деясан? Ахир ёмон гап гапирмади-ку.

– Нима деди деяпсизми? Ойдан тушганмисиз? Наҳотки унинг масхара қилаётганини тушунмаётган бўлсангиз?!

– Йў-ўк ундай дема, ўғлим.

– Наҳотки фаҳмламаётган бўлсангиз, – деди-да, Элдор кўлини силтаб, хонасига кириб кетди.

Студиядан Жавод чиқди.

– Хайр, саломат бўлинглар, мен кетдим.

– Азизим Жавод, қайси томонга кетасан? – деди Файзулла. – Балки мени ҳам олиб кетарсан?

– Жудаям шошаяпман, бўлмаса жоним билан олиб кетган бўлардим... – У бир-икки кадам босгач, тўхтади. – Яхши, юрақолинг, йўлда метрога ташлаб кетаман.

– Раҳмат, азизим. У ёғига ўзим аста етиб оламан...

– Улар йўлга тушганларида кимдир:

– Кабирлинский! Кабирлинский! – деб чинкириб қолди.

– Файзулла ўгирилиб қаради. Телестудияда режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлайдиган Мамед у томон югуриб келарди. Жавод билан саломлашди-да, Файзулланинг кўлтиғидан олди.

– Сизни худонинг ўзи етказди бизга, Кабирлинский! Окшом бўшмисиз?

– Йўк, нимаиди?

– Спектаклингиз борми?

– Йўк, спектакль йўк, лекин бошқа ишим бор...

– Мамед унинг сўзини бўлди:

– Демак, гап бундай... Ишингизни эртага қолдиринг. Кечкурун бизда спектакль бор. Содик бетоб бўлиб қолипти. Унинг ўрнига одам керак.

– Йўқ, иложим йўқ. Ахир...

– Ахир-пахирингизни билмайман. Келасиз, та-мом-вассалом! Бўлмаса калламни олишади.

– Мамед, биласан-ку мен сени жуда хурмат қиламан. Лекин оқшомда тўгарак машғулотим бор.

– Неччида?

– Соат еттида.

– Демак, бундай... Соат саккизда сизга жавоб бераман. Машғулотингизни бир соат орқага сурсангиз, осмон узилиб ерга тушмайди.

Ташқаридан Жаводнинг овози эшитилди:

– Кабирлинский, кетасизми? Кутишга вақтим йўқ. Кеч қоляпман.

– Ҳозир, ҳозир! – қичқирди Файзулла, сўнг Мамедга: – Бўпти Мамед, сенинг сўзингни қайтаролмайман. Лекин мен тайёрланишим керак. Катта ролми?

– Эй, қизиқсиз-а, қанақасига катта роль?! Бор-йўғи битта гапи бор. Демак, бундай... Сиз почтачисиз, хонага кирасиз-да: “Сизга хат келтирдим”, дейсиз. Вассалом! Шунинг нимасига тайёргарлик керак? Худоба шуқр, қирқ йилдан бери артистлик қиласиз. Фақат ўтиниб сўрайман, Кабирлинский, мени шарманда қилманг. Акс ҳолда калламни олишади-я. Демак, бундай... Соат роппа-роса олтида кутаман.

– Хўп, ташвиш чекма, Мамед. Сўз бердимми – албатта келаман.

– Офарин! Тенги йўқ инсонсиз-да. Агар шеригингиз бўлганда, аравага ҳам қўшган бўлардик. Ҳа-ха-ха!.. Хафа бўлманг, Кабирлинский, ҳазил бу. Сизни жуда

хурмат қиламан, кадрлайман, биласиз-ку. Сиз бизнинг шарафимизсиз-да!

– Соғ бўл! Раҳмат!

Файзулла бинодан югуриб чиқиб кетди.

Жавод аллақачон машинани кўчага тўғирлаб олганди. Кабирлинский унга қўл силкитди.

– Тўхта, ҳой Жавод...

– Югуриб бориб Жаводнинг ёнига ўтирди. Жавод гап қотди:

– Балосиз-а Кабирлинский, кундузи радиога, кечкурун телевизорга чопасиз. Ҳаммасига улгурасиз. Қойилман.

– Эй, Жавод... Сен гапирмасанг ҳам бўлади.

У Жаводга қараб кўзини кисиб, мийиғида жилмайиб қўйди. Жавод Кабирлинскийга ўгирилиб қаради. Қора кўзойнаги орқали боқишлари маъносини Кабирлинский англаёлмади.

Жавод қисқагина сигнал берди-да, троллейбусни қувиб ўтиб машинасини елдек учуриб кетди.

– Жавод, – деди Файзулла орадаги жимликни бузиб. – Сени ўғлимдай кўраман. Шунинг учун сенга бир нарсани айтмоқчи эдим.

– Марҳамат.

– Сен Сиёвуш билан кадрдонсан. Унга тайинлаб қўйсанг, одамларнинг олдида менга тузукроқ муолажада бўлсин... Масхара қиладими-ей... Ахир мен гўдак эмасман-ку. Шу саҳнада сочим оқарди...

– Нима дейди?

– Бакирадими-ей... уришадими-ей... Ҳамманинг олдида обрўйимни бир пул қилади. Мана бугун, залда рассом ўтирувди. Ёш йигит, у билан алоқамиз яхши, бир-биримизни ҳурмат қиламиз. Сиёвуш бўлса ўшанинг олдида “сен унақасан, сен бунақасан”, деб бакириб ётипти-да... Ёлғиз ўзимиз бўлсак гўрга экан, оғзига кел-

ганини деявермайдими. Лекин бегона одамнинг олдида шундай қилиши яхшими, ахир?.. Отаси тенгиман-а.

– Нима деди у сизга?

– Э, қаёқдаги бўлмағур гаплар-да... Мачит дейди-ми-ей, муаззин, азон дейдими... Ҳа, отам муфти ўтган бўлса, менинг айбим нима?

– Отам дедингизми, ким бўлган отангиз?

– Муфти-да. Нима, сен билмасмидинг?

– Йўқ. Қаердан билай?

– Мен биларсан деб юрардим. Буни ҳамма биларди-ку. Менинг отам муфти бўлган. Артист бўламан деганимда отам мени уйдан ҳайдаб чиқарганлар. Умрининг охирги кунларигача ҳам мен билан гаплашмай юрдилар. Ўшандан кейин отам билан юзкўрмас бўлиб кетганмиз. Ҳатто “менинг жанозамга ўғлим келмасин” деб васият қилган эканлар. Артист бўлганимдан отам қаттиқ ранжиганлар... Отамнинг вафотидан кейин онам: “Отангни сен гўрга тикдинг”, дедилар куюниб.

– Кабирлинский, сизни артист бўлишга нима мажбур қилган? Қизиқишми...

– Билмадим... Артист бўлишни жудаям хоҳлардим-да... Сен мени ҳозирги аҳволимга қараб хулоса чиқарма-да. Бир вақтлар районимиздаги театрда Октой, Ойдин, Шайх Санъон ролларини ижро этганман...

– Ишонмайман!.. Жа обқочасиз-да.

– Ишонмайсанми? Ҳаётим ҳаққи қасам ичаман, Жавод, отамнинг ёлғиз ўғлиман, у мени мулла қилмоқчи бўлиб форс, араб тилларини яхши ўргатган эди.

– Мулла бўлишингиз керак эди, аслида, Кабирлинский. Биласизми, улар мўмай пул топишади?! Ўлганларга жаноза ўқисангиз ҳам халқ артистидан кўра яхшироқ яшаган бўлардингиз.

Файзулла жилмайиб кўйди, калласини аста қимирлатиб, нималарнидир эслаб бир оз хаёлга толди. Сўнг деди:

– Қуръон оятларини яхши биламан.

– Ростданми? Нега бўлмаса муллалик қилмайсиз?

Файзулла суҳбатдошига ажабланиб боқди:

– Вой, Жавод-ей, мендан қандай мулла чиқарди?

– Яхши мулла чиқади!

– Шу гапни айтишга қандай тилинг борди? Артист Кабирлинский, карабсанки, мулла бўлиб турибди!

– Нима қипти? Отангиз муфти бўлган, кўринишингиз ҳам салобатли, улуғсифат, устига-устак Қуръон оятларини ёддан биласиз. Мулла бўлиш учун яна нима керак сизга?

– Ғалати гапларни гапирасан-да... – Бу қутилмаган суҳбат Файзулланинг фикрини чалғитиб юборди; у ўйланиб қолди. – Худога ишонмасам, қандай мулла бўламан? – деди.

– Галварс! Ишонишнинг нима кераги бор? Нима, муллаларнинг ҳаммаси худога ишонишади, дейсизми? Яхшиси, менинг гапларимга кулоқ солинг. Театрда ишлаб қосангиз оқармайди. Муллалик қилиб кайфингизни суриб юравермайсизми! Худо билан нима ишингиз бор? Ишонасизми-йўқми, бу сизнинг ишингиз. Агар мен Қуръонни билганимда, театрда бир кун ҳам турмасдим. Драма театри актёрлигидан кўра бемаъни, аҳмоқона касб йўқ дунёда. Билиб қўйинг, созанда ёки хонанда бўлиш керак. Уларсиз биронта тўй ўтмайди. Мулла бўлсангиз, ошиғингиз олчи. Биласизми, улар маросимда қанча пул топишади?! Шунақа, Кабирлинский. Мана, метрога ҳам етиб келдик.

– Соғ бўл, Жавод. Бир дақиқа вақтингни оламан, хафа бўлмайсан-да.

– Бўпти, гапиринг.

– Шундай қилиб, Сиёвушга айтиб қўясан-а. У сенинг сўзингни икки қилмайди. Мени кўп изза қилавермасин, тайинлаб қўй.

– Яхши, айтиб қўяман.

– Сиёвуш ўғлим ўқийдиган театр билим юртида дарс беради. Қайси куни дарсга кириб нима депти дегин: Кабирлинскийдан кўра калтафахмрок, қобилятсизрок артист бу дунёда туғилмаган бўлса керак, депти. Бу гапдан бечора ўғлим ер ёрилса, ерга киргудек бўлиб кетгандир. Унинг ҳам ўзига яраша дўстлари, душманлари бор ахир.

– Сиёвуш шундай дептими-а. Хафа бўлманг, ўзим гаплашиб қўяман у билан.

– Жавод, яна бир гап...

– Хўш?

– Яна бир масала бор.

– Нима масала экан? Гапиринг тезроқ, пичоксиз сўйманг одамни, вақтим зик!

– Худо ҳаққи, бошқа бирон кишига айтмасдим... Фақат сенга очаманда кулфи дилимни. Лекин сен турли хаёлга борма... Мен иқир-чиқирларга аҳамият бермайман, биласан-ку... аммо ҳар кимнинг дўстига яраша душмани ҳам бор... Хотиним эрта-ю, кеч жиғимга тегади.

– Гапни кўп чўзманг, Кабирлинский, кечикаяпман! Мақсадга ўтинг!

– Мақсад шуки, бу йил олтмишга тўламан. Албатта, мен на Араблинский, на Аббос Мирзо, лекин шунга қарамай, унча-мунча ишларни дўндириб қўйганман. Шунинг учун, эҳтимол, менга ҳам унвон-пунвонми... ёки бошқа бирон нима дегандай... Яна сен ҳар хил хаёлга бориб юрма... Мен бунақа нарсаларга унчалик қизиқмайман-у, ўзинг биласан-ку... Лекин қараб тур-

санг, кечаги ёш бола бугун хизмат кўрсатган артист... Тагин сен бошқа нарсаларни ўйлама... Мен бир нима демайман... Ҳалоли бўлсин... Бироқ биз ҳам, ахир озми-кўпми дегандай... Неча йилдан буён театрда куймаланиб юрибмиз... Ҳеч бўлмаса ўша болаларчалик...

– Биласизми, Кабирлинский, – деди Жавод унинг сўзини бўлиб, – очиги, унвон масаласи кийинроқ масала, лекин мен Сиёвуш билан гаплашиб, маҳаллий комитетдан сизга биронта фахрий ёрликми ёки бошқа бирон нима олиб беришга ҳаракат қиламан. Келишдикми? Кечирасиз, жуда кечикиб кетдим.

– Соғ бўл, минг раҳмат сенга. Умринг узок бўлсин, – деди Файзулла. У бир-бир қадам ташлаб бораркан, ҳамон Жаводдан миннатдор эди, машина эса аллақачон узоклашиб кетганди.

Файзулла телефон автомат хонасига кириб, конфет фабрикасига кўнғироқ қилди.

– Болаларга айт, соат еттида эмас, саккиз-саккиз чоракларда тўпланишсин, – деб кимгадир буюрди. Кейин уйга йўл олди.

Файзулланинг оиласи бир хонали уйда турарди. Хонага мўъжазгина даҳлиздан кирилар, мана шу даҳлиз айни бир вақтда ошхона ҳам бўлиб, икки камфорали кичкинагина газ плитаси ўрнатилган эди. Даҳлизнинг бир томони парда билан тўсилган. Мана шу ерга қўйилган йиғма каравотда Элдор ётарди.

Элдорнинг йиғма каравоти ёнидаги деворга иккита китоб жавони қокилган. Уларга театр ва кино санъатига оид китоблар, журналлар терилган. Рўпарадаги деворга полдан шифтга қадар кино юлдузларининг, асосан “Фильм” ва “Экран” журналларидан қирқиб олинган кино актрисаларининг суратлари ёпиштириб қикилганди. Каравотнинг остида магнитофон. Бу ер Элдорнинг хонаси ҳисобланади.

Хобгоҳ нимёруғ жойда. Мўъжазгина ойнадан тушадиган ёруғлик катта хонани яхши ёритолмасди. Бир-бирига тақаб кўйилган икки каравот, жигарранг катта жавон, стол ва тўртта стул бор. Жавоннинг устига кўлда тўқилган тўр ташлаб кўйилган. Каравотларга соҳибжамол қизни ўғирлаб кетаётган икки чавандоз расми туширилган духоба чойшаб тўшаб кўйилган. Дераза пардалари ҳам, бурчакда турган кичкина экранли “Луч” телевизорининг устига ёпилган тўр ҳам кўлда тўқилган эди. У ер-бу ерлари ситилиб қолган шолчанинг ораларидан полнинг тахталари кўриниб турарди.

Деворга зарҳал расмни ойна ва турли суратлар осилган. Файзулланинг хотини Ҳожарнинг ёшлигида тушган расмлари. Юқорида эса эркак кишининг катта портрети осилган эди. Бу Файзулланинг марҳум божаси – Ҳожарнинг опаси Қамарнинг эри академик Искандар Муродалиевнинг сурати. Бундан бир неча йил муқаддам Искандар ва Қамар автомобиль фалокатига учраб ҳалок бўлишганди.

Файзулла даҳлизга кириб борганда Ҳожар кўшни хотин Анахоним билан суҳбатлашиб турарди. Даҳлиздан ёқимсиз, кўланса ҳид анқирди.

Анахоним Файзуллани кўриши билан:

– Оллоҳ омадингизни берсин, домла, – деди-да, сўнг Ҳожарга юзланди: – Бўпти жоним, мен кетдим.

Файзулла хонага киратуриб костюмининг ечди-да, стулнинг суянчиғига хафсала билан осди. Даҳлизга қайтиб чиқиб обдастада кўл-бетини ювди.

– Бозбошнинг ёқимли хиди урилаяптими димоғимга, хотинжон? – деди у ҳазиллашиб.

Ҳожар мик этмади. Файзулла жавоб олишдан умидини узиб тургандики, бирдан хотини жавраб кетди:

– Бозбош!.. Эҳтимол товукли палов хоҳларсиз?.. Бозбош эмиш, иштаҳасини қаранг бу кишимни!.. Гўшт олиб кўйибсизмики – бозбош егингиз келса? Ёки қолбасадан пишириб берайми бозбошни?

– Кўйсанг-чи, бакир-чакирингни, бозбош емасам емабман... Гўшт олиб келибсанми деб ўйлабман-да.

– Қайси пулга гўшт олиб келаман-а? Бозорда гўшт неча сўмлигини биласизми ўзи? Сиз келтирадиган уч мирилик пулингиз гўштга етади деб ўйлайсизми? Ана, кечаги дўлмадан қолгани бор, кўйдиргингизга иситиб еяверинг.

– Дўлмаям яхши овқат.

Файзулла дўлмани иситиш учун қозонни газ плитасига кўйди. Уч кундан буён хотини бир хил овқат пиширади.

Бир оз жимликдан сўнг Ҳожар яна бошлади:

– Бозбош!.. Кўнгиллари бозбош тусаб қопти!.. Тавба... Кўрпангга қараб оёқ узат, дейдилар. Бу кишим бўлса... Қаранг-а... Тавба... Яна эркак эмиш!

Дўлма Файзулланинг бўғзида қолди:

– Ҳе, инсон, нима керак ўзи сенга? Бир оғиз луқманни хотиржам егани кўясанми-йўкми?!

– Енг, енг, захарингизга. Кошки эди томоғингизга тикилиб қолса... Ҳамма эрга тегиб, бахтли бўлиб кетган, мен-чи?! Пешанам курсин, қандай эрга йўлик-қанман ўзи, билмайман...

Файзулла ҳорғинлик билан овқатдан бошини кўтарди:

– Яна нима бўлди?

– Нима бўларди? Ўзингиз кўрдингиз, ҳозиргина Анахоним чиқиб кетди... Эридан, ўзидан, туриш-турмушидан, асбоб-анжомидейсизми, кийим-кечаги-ю, молу дунёсидан гапиради. Эри уни кафтида кўтариб

юради. Кўрдингизми, чўлок Сафтарнинг кизи Турсунбекнинг кизидан ўн баробар яхши яшайди!

Файзулла гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди:

– Менда нима гуноҳ бор, хотинжон? Ахир биринчи бўлиб мени севиб қолган ҳам, ҳатто мен билан қочиб кетишга рози бўлган ҳам ўзинг эмасмидинг...

– Сиз билан қочгандан кўра оёқларим синса бўлмасмиди! Сизни илк бор кўрганимда кўзларим оқиб тушса бўлмасмиди! Аҳмоқ калламга не фикр келган экан-а ўшанда! Гўдак эканман, ниманинг ҳам фаркига борардим. Театр билан кишлокқа келганингизда мени нима жин урди-ю, сизни ёктириб қолдим. Нималарни ҳавас қилганман ўшанда, ким билади... Бўлмаса Қамар опамдан юз марта чиройли эдим. Такдир экан, у Искандар Муродалиевга тегди, мен эса сизга.

Файзулла бўшаган ликопча билан санчкини ошхонага олиб чиқди.

– Уялмайсанми, Ҳожар?.. Ҳеч бўлмаса раҳматли Қамарни тинч кўйсанг-чи! Шундай дахшат билан ўлиб кетишди... Ўзиям, эриям. Икковиям бахтсиз экан. Нима кун кўришди улар ахир? Жувонмарг кетишди-ку.

Ҳожар чуқур хўрсинди, бир лаҳза жим қолди, сўнг-ра ўзининг саволларига жавоб бераётгандай сўзида давом этди:

– Бирок, бахт деган нарсанинг нималигини билиб яшади. Эрта ўлсаямки, инсондай яшади. Уйида нималар йўқ эди – қуш сутидан бўлак ҳамма нарса тахт турарди. Беш кунлик дунёда кайфи-сафо қилиб яшади, армони қолмади. Бу дунёга ким устун бўларди. Ҳаммаям бир кун боради ўша ёққа. Ким билади, балки менинг ҳам ажалим етгандир. Нима келарди кўлимдан? Лекин бу дунёга келиб нима кўрдим? Сизнинг мана шу афти-ангорингизни-ю, манави хароб кулбани кўрдим, холос! Одамлар

кандай яшаяпти-а: ахил, кувнок, бой-бадавлат... Эх, – у жим бўлиб қолди. Бир оздан сўнг оғир хўрсиниб деди: – Сизга гапирдим нима-ю, деворга гапирдим нима.

Файзулла кичкина армудига чой қуйиб хўплаб-хўплаб ича бошлади.

– Ҳожар, – деди у, – бугун чап томонинг билан турдингми? Устига устак Анахоним кириб сени роса қайраб кетипти.

– Қайрашига зор эмасман. Нима, кўзим кўрми? Кўрмайпманми, ё билмайманми одамлар қандай яшаяпти-ю, биз қандай яшаяпмиз?

Файзулла чой ичиб бўлгач, ошхонага кириб армудини ювиб чиқди-да, яна хонага қайтиб кирди.

– Кеча Элдор ўқишдан қайфияти бузилиб келди, – деди Ҳожар. Дарсда бир ўқитувчи сизнинг устингиздан роса кулипти, ўлгудек масхара қилипти.

– Эшитдим.

– Эшитган бўлсангиз нима бўпти? Бирон фойдаси борми? Ёки ҳозир бориб ўша ўқитувчини бир ёкли қиласизми? Кошки сизни биров бир чакага олса экан!..

Файзулла индамай гапга кулоқ солиб ўтирарди. Энг оғир, кинояли, энг аччиқ гапларни ҳам ҳар куни эшитаверсанг, ўша сўз ўз таъсир кучини йўкотади, одатдаги оддий гаплардай эшитиларкан. Гапирган одамнинг жағи чарчагани қолади, холос.

Аммо Ҳожарнинг чакаги бир очилса ёпилмасди:

– Ойижон, отам мунча укувсиз бўлмаса? – деяпти Элдор. – Унинг касри менга уряпти, ҳеч ким мениям менсимайди. Бундай отадан уяласан киши. Етим бўлганимдаям ҳеч ким устимдан қулмасди, масхара ҳам қилмасди. Ҳамма отамни танийди, ҳар куни кўради – калака қилади, кулади. Мен эсам буни кўриб, ўзимни қўйгани жой тополмайман.

– Элдор бундай гапларни гапирмайди.

– Ўзидан сўранг, ёлғон гапирган бўлсам! – Ҳожар столдан бир бурда нон олиб деди: – Мана шу нон урсин агар ёлғон гапирсам. Бола бечора бирам куйиниб гапирдики, юрак-бағрим эзилиб кетди. “Ойи, дейди, бошқалардан қаерим кам? Тинмай ишласам, излансам” дейди.

Файзулланинг сабри чидамади, тутақиб кетди.

– Хой хотин, кўп ҳаддингдан ошма! Бўлди-да энди! Қанча жаврадинг, индамадим. Иззатингни билмадинг, индамаган сари бошимга чиқасанми! Ахир мен ҳам одамман, ўзимга яраша обрўйим, ориятим, номусим бор!

Ҳожар эрини масхара қила бошлади:

– Орият! Номус дедингизми! Сиздаям борми улардан?! Пишириб енг орият билан номусингизни! Тавба, сиз билан гаплашсам асабларим зиркираб кетади.

Файзулла туфлисини ечиб, каравотга чўзилди. Ҳожар ошхонага чиқди. Ликопча, пичоқ, қошиқларнинг шақир-шуқури шундоққина эшитилиб турарди. Файзулла кўзини юмиб, пинакка кетди. Ошхона сочиғига кўлини арта-арта Ҳожар хонага кирди.

– Боя Анахоним сўраётганди: ҳамма артистларга унвон беришади-ю, нимага сенинг эрингга беришмайди деб.

Файзулла лом-мим демади. У ё ухлаган ёки ўзини ухлаганга солиб ётарди. Ҳожарнинг жағи тинмасди:

– Ухланг, ухлайверинг, боки беғам! Бир бурда нонга қорнингиз тўйса, жаннатга тушгандай хурсанд бўлиб ётаверасиз!

* * *

Соат роппа-роса олтида Файзулла телестудияга келди. Бирин-кетин бошқа артистлар ҳам келишарди. Фақат режиссёрдан дарак йўқ. Улкан чироклар студияни игна

тушса кўрингудек даражада ёритар, студия ҳаммомдек исиб кетган эди. Дарахт шохидаги нокларни эслатувчи микрофонлар артистларнинг тепасида осилиб турарди.

Паст бўйли, чуваккина, ҳаракатчан Мамед у ёқдан-бу ёққа югурар, гоҳо у эшикдан кириб, бунисидан чиқиб кетарди. Кимгадир кўрсатмалар берар, нимани қаерга қўйишни тайинларди. Ҳа деганда “демак, бундай... демак бундай...” деб такрорлар эди.

– Демак, бундай, – деди у, – сен мана бу ерда турасан, сен эса хув у ёқдан чиқасан. Ҳа, шундай... Демак, мана бундай... Учинчи камера, менга қара! Сен мана бу ердан оласан, йирик планда. Тушундингми? Сен эса, иккинчи камера, чап томондан оласан... Демак, бундай, мен ишора қилишим билан мусикани кўясан... Хўш, демак, бундай, ҳамма шу ерда, ҳамма ўз ўрнида. Ана, Сиёвуш домла ҳам келдилар...

Файзулланинг юраги увишиб кетди. Бугунги кўрсатувга уларнинг режиссёри таклиф қилинганидан беҳабар эди. Агар кўрсатув режиссёри Сиёвуш эканлигини билганда, бу ерга кадамини ҳам босмасди. Мамед илтимос қилганида кўнмас эди. Сиёвуш ҳам уни дархол кўрди:

– Кабирлинский, – деди Сиёвуш, – азизим, қаерга борсам, кўзим учиб тургандай лип этиб олдимдан чиқасан-а. Инсофинг борми ўзи, сал-пал нафас олгани кўясанми-йўқми-а?

Ҳамма кулиб юборди. Сиёвуш Мамеддан секингина сўради:

– Бу тўнкани қаердан топиб кела қолдинг?

– Демак, бундай... Содик кўнғироқ қилди: касал бўп қопти. Нима қилиш керак? Кўзикориндай оёғим остидан Кабирлинский чиқиб келди. Чақирдим.

Сиёвуш афсус ила бошини қимирлатди. Мамед уни хотиржам қилишга уринди:

– Атиги икки оғиз сўзи бор, холос.

– Олиб ташла!

– Нимани?

– Кабирлинскийнинг сўзини. Нима сўз экан ўзи?

– Хат олиб киради-да, дейди... Шошманг hozир кўраман... – Мамед матн ёзилган қоғозларни варақлайди. – Демак бундай... “Мана сизга хат”, дейди. Тамом.

– Ўчир! Индамай кириб хатни берсин-да, индамай чиқиб кетсин. Вассалом! Унинг овозини эшитишга тоқатим йўқ.

Мамед хахолаб кулди ва жумлани ўчириб ташлади. Кейин Файзулланинг ёнига борди:

– Демак, бундай Файзулла, биз сизнинг сўзларингизни қисқарттирдик, индамай кирасиз... Менга қаранг, мана бу ёқдан кирасиз, хатни берасиз ва индамай чиқиб кетасиз. Тушунарлими?

– Салом ҳам бермасдан-а?

– Йўқ, йўқ! Демак, бундай... Индамай кириб хатни берасиз, индамай чиқиб кетасиз. Гап тамом.

– Тушундим. Айтганингдай қиламан. Мамед қафтларини бир-бирига ишқади...

– Демак, бундай, ҳамма ўз жойини эгалласин! Беш дақиқадан сўнг бошлаймиз.

Ҳамма ўз ўрнига бориб, қотиб турди. Камералар ҳам милтикнинг нилидай актёрларга тўғирланди. Сиёвуш, Мамед ва овоз режиссёри пультага чиқишди. Бу ерда турли хажмдаги экранларда ҳар хил кўринишда акс этаётган сахналар кўринарди. Қулоқни ёриб юборгудек сукунат чўкди. Соат еттига ўн беш сония қолганида Сиёвуш ички-ишчи микрофон орқали ҳаммани огохлантирди.

– Диккат! Биз эфирдамиз! – шундай деди-ю, тутмачани босди. Овоз режиссёри мусика кўйди. Биринчи камера титрни кўрсатди. Кўрсатув бошланди.

... Қирк дақиқадан сўнг Сиёвуш сигарет тутатиб ўрнидан турди. Кўрсатув тугади. Актёрлар ҳам студиядан чиқдилар.

Кабирлинский Мамеднинг қўлтиғидан олиб чеккага бошлади.

– Мамед, азизим, айтинг-чи, пул ёзиладиган рўйхатда менинг ҳам фамилиям борми?

– Бўлмасам-чи, Кабирлинский. Нахотки ишонмасангиз?.. Сизга пул ёзмасак уят бўлади-ку. Бекорга ишламайсиз-ку, ахир.

– Йўк, биласанми нега сўраяпман буни? Сутдан оғзи куйган – қатикни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Бир марта худди бугунгидай сўзсиз ролда чиккан эдим. Бухгалтерияда фамилиямни ўчириб ташлашган экан.

Мамед унинг сўзини бўлди:

– Ташвиш тортманг, шахсан ўзим кузатаман.

– Яша, ўғлим, умрингдан барака топ. Бухгалтер зоти шунақа бир халқки... Мендан ҳам каринок ўзи, хатто кўзиям дуруст кўрмайди. Кўзойнагини кўндириб олиб, экранга термилиб ўтираверади, кўрсатувда қанча артист иштирок этди-ю, қим қанча гапирди – ҳаммасини ҳисоб-китобини олиб ўтиради, дейишади. Кейин “Бир оғиз ҳам гапирмаган одамга пул тўлаб, давлат маблағини шамолга совурмайман”, деб жанжал қиларкан.

– Кўп ваҳима қилаверманг, сизнинг ҳақингиз қимга керак.

– Шундай дейсан-да...

– Йўк, Кабирлинский, хотиржам бўлинг. Ҳақингизни оласиз.

– Миннатдорман сендан, Мамед, соғ бўл! – Икки қўллаб Мамеднинг қўлини қаттиқ қисди, бошқалар билан ҳам хайрлашди. Телестудия эшигидан чиқиши би-

лан бекатга троллейбус келиб тўхтаганини кўрди-ю, югурди. Базўр етиб олди.

Саккиздан ўн беш дақиқа ўтганда фабрикага кириб борди.

Уч йилдан бери Файзулла конфет фабрикасининг драма тўгарагига раҳбарлик қилади. Тўгаракка ҳаммаси бўлиб олти киши – тўрт эркак ва икки хотин катнайди. Улардан бири фабрика коровули Салмон чол. У ёлғиз яшайди, уйига боришга шошилмайди, шунинг учун тўгаракка катнайди. Иккинчиси – Мухтор хотини Роза тўфайли келади. Роза аслида армани бўлиб, озарбайжон тилини яхши билар, бироқ акцент билан гапирарди. У озарбайжончани тўғри талаффуз қилишни жуда истар, дугонаси Баҳижа астойдил ёрдам берарди. Тўгаракка ҳам ана шу Баҳижанинг кистови билан ёзилганди. Баҳижа қирқ ёшлардаги бева хотин. Кабирлинскийнинг фикрича, унда ҳақиқий артистга хос истеъдод бор эди.

Уч йил давомида Кабирлинский Жаъфар Жабборлининг “Оқтой эл ўғли” асарини сахнага кўяди. Оқтой ролини Файзулланинг ўзи ўйнарди. Қолган ролларни Мухтор, Салмон чол, ҳисобчи Башир, ҳайдовчи Довуд ижро этишарди. Тўгарак катнашчилари камчилик бўлгани сабабли Кабирлинскийдан бўлак ҳамма икки-учтадан роль тайёрларди. Роза ҳам Надя, ҳам актриса Тамара ролини, Баҳижа эса Фарангиз ва Оқтойнинг синглиси Севар ролларини ижро этарди.

Тўгарак машғулоти ҳафтада бир марта олиб борилади. Бу ерга ҳар хил шиорлар, жадваллар, суратлар осиб ташланган. Плакатлардан бирига турфа ранг тўртбурчаклар, учбурчаклар, тўғри чизиклар, ҳар хил рақамлар битилган. Булар фабриканинг йиллик режаси, унинг бажарилиши, корхона маҳсулотларининг қайси шаҳарларга жўнатилиши ҳақида маълумот берарди. “Ишлаб

чиқариш илғорлари” деб ёзилган стенда ҳайдовчи Довуднинг ҳам сурати осилган. Шу стенднинг юқорисига бир неча йил муқаддам Кабирлинский иккита портрет – Жаъфар Жабборли ва Константин Станиславский портретини осиб кўйган эди. Деразаларнинг пардаси ўрнига ёпиштирилган газеталар сарғайиб кетганди.

Кабирлинский кириб келганда тўғарак катнашчиларининг ҳаммаси жамулжам эди. Роза билан Баҳижжа алланимани пичирлашиб гаплашарди. Довуд билан Башир сигарет чекиб ўтиришпти. Мухтор эса Салмон чолга куйиб-пишиб баъзи сўзларнинг луғавий маъносини тушунтирмоқда:

– Мана, масалан, «колбаса» сўзини олайлик. Маъноси нима, биласанми? «Кол» – бу «кўл», «баса» – «бас-са» дегани. Яъни, «кўл билан босилган». Ахир илгари колбасани кўлда тайёрлашган-ку. Гўштни майда-майда тўғраб, ичакка тикишган. Кўл билан босган. Кўлбоса, кўлбоса... Аста-секин «колбаса» шаклини олган.

Салмон бошини кимирлатиб:

– Тавба! Дунёда ажойиб гаплар бор-да, – деди.

– Ёки, мана бунга кара. Сен кимсан? Гапир кимсан?

Салмон чол хайрон бўлиб елка қисди:

– Менми?.. Билмадим... Қоровул.

– Баракалла! Бу сўз русларда ҳам бор: караул. Аммо аслида бу ҳам бизнинг сўзимиз. Қора кул, дегани-да. Ёки «лошадь» сўзини олайлик. Нима дегани, биласанми?

Салмон кўзини юмиб, ўйга толди.

– Билмайман.

– Лошадь – алаша ат¹ дегани. Билдингми?

– Ё, пирай, ғалати ишлар бор-а!

Кабирлинский уларнинг тил хусусидаги суҳбатини бўлди:

¹ А л а ш а а т – қирчанғи от.

– Қани, дўстлар, машғулотни бошлаймиз. Мени кечиринглар, бир оз кечикдим. Кутилмаганда телевизорга чақириб қолишди.

– Бир марта сизни телевизорда кўрдим, – деди Роза. Кабирлинский сал тутилиб:

– Очиги, ҳеч тинчлик беришмайди, – деди. – Ҳар куни бирон жойга чақиришади... Ҳали телестудия, ҳали радио, кино, дубляж. Мен деярли ҳаммасини рад этман, яхши эмас, ахир бошқалар ҳам бор-ку, дейман. – Бирданига бугун Жаводни кўрганини айтгиси келиб қолди. Жавод Баҳижага ёкишини биларди. Баҳижани Кабирлинскийнинг ўзи ҳам хуш кўрарди. Мухтор Салмон чолга юзланди:

– Хотинлар коракўлли шуба кийишади-я? Қоракўл-аслида қора гул дегани бўлади! Тушундингми?

Салмон ҳайратдан калласини сарак-сарак қиларди. Файзулла сўради:

– Хўш, мен айтган сахнани тайёрладиларингми? Ўша сахна тайёр бўлса, Жавод Жабборовни таклиф қиламан, «Оқтой»ни қандай ўйнаш кераклигини кўриб кўйсин. Бугун у мени машинасида анча вақт олиб юрди. «Файзулла домла, ажойиб бир драма тўгараги ташкил қилганмишсиз, деб эшитдим. Нега уни биздан сир тутасиз?» дейди. «Шошилма, азизим, сабр қил, ҳали биз тайёр эмасмиз, қачон ҳаммасини битказсак, ўзим таклиф қиламан сени, бориб кўрасан», дедим.

Баҳижа кўлини силкиди:

– Йўк, йўк, мен уяламан. Мен Жавод Жабборовнинг олдида ўйнай олмайман.

– Нега энди ўйнолмас экансан? Жуда ўйнайсан-да. Пьесадаги Фарангизни эслагин-а, у ўша оғир даврлардаги сахнага чиқишдан чўчимаган!

— Мухтор Салмон чолга:

– Москвада Арбат деган кўча бор. Эшитганмисан? Нима дегани, биласанми? Арбат – араба от, деган сўздан олинган.

– Бўпти, кани бошладик машғулоти, – деди Кабирлинский.

Пьесанинг Фарангиз «Мен шу сахнанинг ўз кизиман» деб сахнага отилиб чиқадиган жойини машк қилишарди. Тўладан келган, кўкраклари туртиб чиққан, пайпоклари доимо бужмайиб ётадиган Баҳижани ёш, нозик Фарангиз киёфасида тасаввур қилиш қийин эди, албатта. Аммо Кабирлинский унинг ижросидан мамнун эди.

– Офарин, қизим! Яшаввор! – Сўнгра ҳаммага қарата мурожаат қилди:

– Санъат – бу ёнмоқ, қайнамоқ, яратмоқ демакдир! Бу ерда ижод керак! Ҳарорат!.. Лекин ўттиз олти-ю олти ҳарорат билан санъат яратиб бўлмайди! Қайнасанг, ёнсанг – яратасан! Санъаткор сахна учун ҳатто жонини ҳам фидо қилиши керак! Шундагина томошабин у яратган образга ишонади. Константин Сергеевич нима деган, биласизларми?

Салмон чол савол назари билан Мухторга қаради. Роза ҳаммадан чакконрок, билимдонрок чиқиб қолди:

– Менинг ҳаётим – санъатда, деган.

Кабирлинский маъқуллади:

– Баракалла! Бу билан у менинг ҳаётим сахна билан, санъат билан тирикман, демоқчи, Салмон оға. Санъатсиз, сахнасиз яшашдан не маъно бор, дейди у. Тушундингизми, мухтарам Салмон оға?

Салмон оға тушунарли дегандай бошини қимирлатди. Файзулла сўзида давом этди:

– Санъат, сахна, актёр!.. Улуғ сўзлар булар. Умр ўтаверади, аммо санъат мангу қолади! Эшитаяпсизми, Баҳижа қизим?.. Сен «Мен шу сахнанинг ўз кизи-

ман» деганинда бутун залдагиларнинг эти жимирлаб кетсин. – У бир дам ўйланиб қолди. Сўнг яна давом этди: – У кунларни сизлар кўрмагансизлар, мен яхши биламан. Раҳматли Жаъфар Жабборли ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича ёзган. Ҳозир ҳар бир роль учун ўнлаб ижрочи бор. У вақтларда эса биронта ҳам топилмасди, натижада аёллар ролини ҳам ўзимиз ўйнашимизга тўғри келарди. Шахсан мен Фарангиз, Гултекин, Хумор ролларини бир неча бор ижро этганман...

– Сиз – Фарангиз?! – пикиллаб қолди Роза.

– Ҳа, ҳа, шунақа даврлар бўлган. Эсимда, амаким қочоқ эди, тоғларда яшириниб юрарди. «Ўша озодлик жарчисига айтинглари, агар яна бир марта хотин киймини кийса, сахнага чиқса, бориб унинг ҳам, ёнидаги бошқа артистларнинг ҳам калласини оламан», деган. Тунда, яширинча кишлоқдан қочиб кетишга мажбур бўлганмиз. Ҳа, шунақа замонлар эди...

– Кўркмас эдиларингизми, Файзулла Худойбердиевич? – деб сўради Роза.

– Эй, қизим, кўркиш нималигини билмасдик. У вақтларда на пулни, на шон-шуҳратни, на-да ҳар хил унвонларни ўйлардик. Кишлоқма-кишлоқ кезиб, турли спектакллар ўйнардик: «Шамдонбею», «Зўраки табиб», «Ёмғирдан қутулиб, жалага тутилдию». Одамларни ғафлат уйқусидан уйғотишни, уларнинг кўзини очишни истардик... – У оғир хўрсинди, нима бўлса – ҳаммаси ўтди-кетди.

Шу маҳал хуррак эшитилди. Қоровул Салмон оға ўтирган жойида ухлаб қолган эди.

Файзулла томоғини кириб йўталди.

– Бўпти, машғулоти давом эттирамыз.

У ўрнидан турди. Бўйин томирлари бўртиб чиққан, ранглари бир ҳол, кўзлари қонқалаш эди. Бахижага қараб бақирди:

– О, Фарангиз, сенмисан?! Ёки туш кўраяпманми? Эҳ, илон!.. Эҳ, чаён!.. О... Ким олиб келди уни менинг ёнимга?!

Баҳижа ўзини йўқотиб кўйди, юраги увишиб, баданидан чумоли ўрмалагандай бутун вужуди жимирлаб кетди. Бир дам бўзрайиб қолди, сўнгра йиглаб юборди.

* * *

Файзулла жуда кеч кайтди уйига. Ҳаммаёк коп-коронги. Ҳамма ширин уйқуда. У темир зиналардан оҳиста чиқди-да, ёнидаги калити билан эшикни очди.

Ҳожар ухламаганди.

– Нимага пайпасланиб юрибсиз?

Файзулла таажжубланди:

– Нима бўлди?

– Дард бўлди, бало бўлди! Ўзингиздан бошқа ҳаммани аҳмоқ, деб ўйлайсиз шекилли? Нима, зинадан аста-секин чиққанингизни билмайманми? Зинанинг тарақлаб кетишидан кўркасиз!

– Тўғри. Ахир кўшнилар ухлашаяпти-да.

– Кўшниларни ўйлайсизми?! Ким ишонади шу гапингизга? Шовқин-сурондан жазманингиз уйғониб кетишидан чўчийсиз, ўшанинг ғамини ейсиз! Ёқутхонимнинг ширин уйқусини бузгингиз келмайди!

Ёқутхоним уларнинг кўшниси – учинчи қаватда турадиган гўзал жувон. Яқинда кўчиб келган бу ерга. Кабирлинский уни икки-уч марта кўрган, холос. Бир кун у челақда сув олиб чиқаётган эди, зинада Файзулла дуч келиб қолди. Файзулла, кўшничилик ҳурмати, унинг челагини учинчи қаватга олиб чиқиб берди. Ҳожар шуни кўриб қолган, бир гап бўлди дегунча ўша воқеани эсига солиб Файзуллани кўз очиргани кўймасди.

– Хотини, ўгли хакида ўйламайди, – деб жаврарди Ҳожар, – Тепадаги жазманининг уйқусини бузгиси келмайди!..

– Бўлмағур гапларнинг нима кераги бор-а, хотин! Ўзинг яхши биласан-ку ахир, ҳар доим кеч келганимда шунақа секин чиқаман зинадан. Қўни-қўшнини ярим кечада безовта қилиш яхши эмас-ку!

– Кеч келганимда! – киноя қилди Ҳожар. – Нега энди кеч келасиз? Билсак бўладими? Қаерларда юрасиз ўзи?

– Ишда эдим. Кўча-кўйда кайфи-сафо қилиб юрганим йўқ-ку, ахир! Ҳожарнинг минғир-минғири анча вақтгача тинмади. Файзулла бошини кўрпа билан буркаб олди-да, уйкуга кетди. Нимагадир тушида Константин Станиславскийни кўрди.

* * *

Файзулла эрталаб барвақт театрга йўл олди. Шу куни театрда янги спектаклнинг жамоат кўриги эди. Элдор ҳам кетди. Ҳожар уйда ёлғиз қолди. Бир оздан сўнг унинг олдига Анахоним чиқди.

– Яхшимисан, жонгинам. Эрталабдан кир ювишга тушибсан-да. Мен ҳам ювмоқчи эдим, нима бало яна крандан сув келмай қолди. Хўш, нима гаплар? Ишлар қалай?

– Юрибмиз қимирлаб...

Анахоним стулга келиб ўтирди-да, гапга тушди:

– Уф, бирам иссиқ-эй, ҳаммаёк ёниб кетди-я. Кеча эрингни телевизорда кўрдим. Шўрлик яна гапирмади, лоакал бир оғизам гапирмади-я. Ҳожар, эринг нега гапирмайди?

– Билмайман, Анахоним. Уларнинг касби шунақада, ҳар доим ҳам гапиравериш шарт эмасмиш. Образ

яратишнинг бутун сир-асрори, маҳорати ҳам шунда – гапирмай, имо-ишора, кўз карашлари, юз ифодаси ва хатти-ҳаракат билан тасвирлашда эмиш. Бунака ролларни тажрибасиз, ёш артистлар ижро этолмас экан. Бунинг учун катта тажриба, малака, иқтидор керакмиш. Шунинг учун шунақа роль бўлдимни, албатта, менинг эримни чакиришади. У уддалай олишига кўзлари етади-да. Ахир унинг тажрибаси катта...

– Шунақа дегин?.. Мен бўлсам, у бечора нега ҳеч гапирмайди, индамай кириб, индамай чиқаверади, деб ўйлаб юрибман.

Ҳожар тоғорадан рўйжони олиб, сика бошлади.

– Анахоним, сени ҳам безовта қиламан-да, нарёғидан ушла, ёрдамлашиб юбор.

Хотинлар рўйжонинг икки тарафидан икки томонга қараб сика бошладилар.

– Эримни телевизорга тез-тез чакириб туришади, – деди Ҳожар. – Кинодан ҳам тинчлик беришмайди. Лекин у ҳамма вақт ҳам рози бўлавермайди. Ахир одамзодда сал виждон бўлиши, ўзининг обрў-иззатини сақлаши керак-да. Бошқаларга ўхшаб ўзини ўтгаям, чўкқаям ураверганда, ҳалигача унвон ҳам оларди, уй ҳам олган бўлардик.

– Ҳа, мен ҳам шуни айтаман, эрталаб қизим ҳовлиқиб кепти: яқинда Файзулла амакимнинг театрида янги спектакль бўларкан, жуда зўр асар эмиш, билет учун одамлар ўлди-ўлди, Файзулла амакидан илтимос қилсак, бизга ҳам билет олиб берсалар, дейди. Мен ҳам қизимга ҳозир сен айтган гапларни айтдим. Файзулла амакинг жуда тортинчок, камтар одам. Сурбетлик қилиб билет оладиганлардан эмас, дедим. Агар билет олишни эплаганида, Ҳожархонимга олиб келмасмиди... Бечора кун бўйи уйда ўтиради, ҳеч қачан чикмайди, дедим.

Қизариб кетганини Ҳожарнинг ўзи ҳам сезмай қолди. Буни Анахонимга билдирмаслик учун гўё ниманидир кидираётгандай ерга энгашди-да:

– Мен ўзим театрга унчалик кизикмайман, – деди. – Ёшлигимда шу қадар кўп спектакль кўрганманки, бир умрга етади. Истасам, ҳар куни боришим мумкин... Малол келмаса, ана у тоғорани узатиб юбор... Раҳмат... Йўк, менга телевизор яхши. Бемалол ўтириб, хоҳлаганча томоша қилаверасан!

– Гапингта қўшилмайман, театрга нима етсин! Телевизорга фақат сен қарайсан, театрда эса... сенга ҳам қарашади... – у Ҳожарга қараб кўзини қисиб жилмайди. – Билдингми, сенга ҳам қарашади... Шундай эмасми, жонгинам? Чиройли қўйлагингни қийиб, зирак, узук ва яна нимаки тақинчоқларинг бўлса тақиб, безаниб борасан у ерга. Яна кўнглингга бошқа фикр келмасин, мен билет сўрамоқчи эмасман. Агар билет керак бўлса жиянимга айтаман, ернинг остидан бўлсаям топиб келади. Шунчаки, гап келиб қолгани учун айтдим-қўйдим-да... Бозорга бормоқчийдим. Сенга ҳам бирон нима керак бўлса айт, олиб келай. Кеча ғалвирак ёнғоқдан беш кило олдим. Байрам арафасида тополмайсан унақасини. Керак бўлса, тортинмай айтавер, олиб келаман.

– Йўк, йўк, раҳмат. Эрталаб ўзим тушиб чиқдим бозорга.

Спектаклнинг муҳокамаси жуда яхши ўтди. Сўзга чикқанларнинг аксарияти спектаклни мактадилар, унга юксак баҳо бердилар. Айрим жузъий камчиликларни кўрсатиб ўтишди, холос.

Муҳокама охирлашиб қолганда кўзойнак таққан ёшгина бир йигит сўз олди. Файзулла уни биринчи

марта кўрмоқда эди. Алиқром Файзулланинг қулоғига шивирлади: у театр танқидчиси, Москвада ўқиган, яқинда битириб келган, қайсидир машҳур одамнинг ўғли, дейишади.

Кабирлинский ҳам шивирлади:

– Ёшгина-я!.. Очиги, шунака ёшларни кўрсам қалбим нурланиб кетади. Қара, қандай яхши гапиряпти! Булбулигўё дейсан!.. Халқимизнинг келажаги шу ёшлар-да!

Ёш танқидчи:

– ... Мен бир масалага диққатни жалб қилмоқчи эдим. Бу – кексалар масаласи. – У бир оз сукут сақлади. Залда ўтирганлар кимирашиб, ўзаро пичирлашиб қолдилар: «Нима?.. Нима деди у? Кимларни назарда тутяпти?»...

Нотик залда шов-шув тинишини кутиб турди. Атайлаб сукутни чўзди, ҳамманинг диққатини ўзига қаратгач, сўзида давом этди:

– Ҳа, ҳа, мен кексалар ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Тараққиётимиз йўлида тўғанок бўлаётган, олдинга силжишимизга халақит бераётганларни назарда тутяпман. Маъзур тутинглар мени, бир оз кўполроқ қилиб гапираман, аммо биз эртами-кечми бу масалани ҳал қилишимиз зарур. – У графиндан стаканга сув қуйиб, бир-икки хўплади-да, вазминлик билан сўзида давом этди. – Биз айрим одамларга ғамхўрлик қиламиз, аммо саҳнамиз ҳақида қайғурмаймиз. Айрим қарияларимизни, у «қариялар» сўзини очикдан очик киноя билан айтди, – ҳа, ҳа, айрим қарияларимизни ҳурмат қиламиз, бироқ ўз ишимизга, касбимизга ҳурмат билан ёндошмаймиз.

У бир оз сукут сақлади-да, тингловчилар диққатини ўзига қаттиқроқ тортди. Ўтирганлар орасида сабрсизлик, ҳаяжон ва қизиқиш зўрайди: «У кимга шаъ-

ма қилаяпти? Қизик: назарда тутаётганларнинг аниқ исм-шарифини айтадимми-йўкми? Ёки умумий гаплармикин?» Бордию, муайян одамларни тилга олмай, умумий қилиб гапирса, у ҳолда ҳамма унинг фикрига қўшилади, қарсақлар билан олқишлайди.

Ёш танқидчи яна давом этди:

– Масалан, бугунги спектаклни олайлик. Замоनावий дид билан кўйилган. Брехт театри таъсирининг самаралари аниқ кўриниб турибди. Режиссёр билан рассомнинг меҳнати ҳар томонлама таҳсинга лойиқ. Жавод Жабборов эса қоладиган образ яратган. Аммо бир бўлмағур актёр ўзининг кўпол, бемаъни, хиссиз ижроси билан ансамблни бузган, бу эса барча яхши таассуротларни чилпарчин қилади... Мен... хўш... – кўлидаги қоғозга кўз югуртирди, – Кабирлинскийни назарда тутяпман. Янглишмасам, Сиёвуш домла, у спектаклда бор-йўғи учта сўзни айтади. Шундайми?

Сиёвуш хорғинлик билан:

– Шундай, – деди.

– Аммо, бу сўзларни у шунақа оҳангда, шунақа товуш ва манерада айтадики, бу одам қаердан, қанақа қилиб сахнага чиқиб қолди, деб таажжубда қолсан киши. Ва иккинчи савол: бу ва бунга ўхшаганлар қачон сахнамизни тарк этадилар? Ҳа, ҳа, биродарлар, сизлардан сўраяпман: улар қачон сахнани тарк этади? Хизматлари учун лойиқ бўлган қонуний дам олишга кетадимми улар йўкми?

«Қонуний дам олиш» сўзлари ўтирганларда қулги уйғотди. Танқидчи ҳам бироз жилмайиб, сўзда давом этди:

– Бу шунчаки гап эмас. Бугун шу масалада мен домла Сиёвуш билан гаплашдим. «Раҳмим келади. Ахир қанақа қилиб кет дейман», дейди у. Сиёвуш дом-

ла бир одамга раҳмингиз келади-ю, театрга, санъатга, ниҳоят, томошабинларга раҳмингиз келмайдими? Биласизми, бунинг отини нима дейдилар? Майда гуманизм бу!

Сиёвуш ўрнидан ирғиб турди:

– Йириги қанака бўлади?

– Ҳа-ха, майда гуманизм, – деди танкидчи.

– Ўзинг директор бўлсанг ҳайдайсан уларни, – яна лўқма ташлади Сиёвуш.

Кимдир кулди.

Ёш танкидчи сал тутилиб колди, аммо дарҳол ўзини кўлга олиб кескин деди:

– Йўк, кўнгилчанлик кетмайди. Кўричакдан кесиб ташлаб кутуладилар. Бошқа иложи йўк.

Раислик қилувчи муҳокамани якунлади:

– Демак, спектаклни қабул қиламиз. Кўрсатилган камчиликларни ўртоклар тузатишади, албатта.

Ҳамма чапак чалиб ўрнидан турди. Муҳокама иштирокчилари Сиёвушни, рассомни, Жаводни табрик-ладилар.

Аликром Файзуллага:

– Кўрдингми? – деди. – Мана сенга келажак!

– Сигаретингдан ол, – деди Кабирлинский.

– Сен чекмайсан-ку.

– Чекаман... баъзан.

Улар фойега чиқдилар. Ёш танкидчи, Сиёвуш ва рассом нима хусусидадир бахслашардилар. Кабирлинский устунга суяниб, уларнинг суҳбатига кулок тутди. Сўзларини эшитмади, аммо баҳс жиддий эканлигини англади. Кабирлинский уларга қараб туриб ғайриихтиёрий завқ олди: учови ҳам ёш, келишган, замонавий кийинишган; учови ҳам истеъдодли, ақлли, олий маълумотли, уларни олдинда катта ҳаёт, шон-шуҳрат

кутмоқда. Рассом нимадир деди, ҳаммаси қаҳ-қаҳ уриб кулди. Шу билан учовининг ҳам кайфияти кўтарилди, дили ёришди. Танқидчи улар билан хайрлашди, кимгадир кўл силкиди, кимгадир жилмайди, аллаким билан саломлашди ва шахдам одимлар билан зинадан тез-тез тушиб кетди.

Кутилмаганда Кабирлинский унинг орқасидан жадал юрди. Пастдаги фойеда унга етиб олди.

– Ассалому алайкум, – деди. – Кечирасиз, биз таниш эмасмиз, аммо сизнинг сўзларингиз менга маъқул бўлди. Табриклайман...

Ёш танқидчи ўгирилиб каради:

– Раҳмат сизга, соғ бўлинг, – деди-ю, бурилиб кетмоқчи бўлди.

Файзулла уни тўхтатди:

– Кечирасиз, сизга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор эди.

– Эшитаман.

– Сизнингча, Кабирлинскийни театрдан ҳайдаш лозим...

– Шундай. Ё фикрим нотўғрими?

– Унда нима бўлади?

– Нима, нима бўлади? Ёки Кабирлинскийнинг ижроси ёқдими?

– Кабирлинский бу – менман.

Ёш танқидчи сесканиб кетди?

– Сиз?.. Кабирлинский?.. – Тезда ўзини кўлга олиб қуруқгина деди: – Ажаб, мен сизни гримсиз танимабман. Танишганимиздан хурсандман. Аммо ўз фикримда қоламан.

– Мен қирк йиллик актёрман.

– Нима қилай? Стаж билан истеъдод бошқа-бошқа нарсалар-ку. Мен очик, тўғри гапиришни яхши кўраман. Менимча, сиз актёр эмассиз.

Кабирлинский ёшгина йигитнинг кўкрак чўнтагидан бурчаги чикиб турган рўмолчасининг ялтироқ кўк чизикларига термилди.

– Ўғлим, – деди, – сен ёшсан, истеъдодлисан, ақлли-саводлисан. Бутун ҳаётинг ҳали олдинда. Ёнингда худога шуқр, тоғдай суянчиқ – отанг бор.

Танқидчининг юзига қизиллик югурди. Файзулла оҳиста давом этди.

– Аммо мен олтмишга кирдим. Оилам, болам-чақам бор, бошқа бирон-бир ҳунарим йўқ. Бўлсайди – кетардим. Этикдўзми, саргарошми, нима бўлсаям ишлардим. Лекин нима қилайин? Ёмонми яхшими, ишқилиб, актёрман. Борди-ю, бугун мени театрдан бўшатишса – эртага очимдан ўламан-ку.

Сухбат ёш танқидчига таъсир қилгани сезилиб турарди.

– Мен бунақа кескин кўймадим-ку масалани... Эҳтимол, сиз бошқа ролларни яхшироқ... Лекин бугунги ролингиз, менимча, муваффақиятсиз чиққан. Мен ўзимнинг шахсий фикрларимни айтдим.

– Катта раҳмат, ўғлим, худо ўзи бахт ато қилсин сенга! Менга сенинг камтарлигинг, тўғри сўзлигинг ёқди. Лекин, гапнинг очиғи, менинг нима гуноҳим бор...

Ёш танқидчи унинг сўзини бўлди:

– Кечирасиз, кўчада ўртоқларим кутиб қолишди. Хайр.

Кабирлинский фойедаги узун ойнага яқин бориб, ўзини ўзи узоқ томоша қилди.

Элдор радио уйида зинадан чикиб бораркан, Ойдинни учратди.

– Эшитдингми? – деб сўради Ойдин. – Раъно турмушга чикяпти. Элдорнинг ранги ўзгарди.

– Алдама...

– Билмадим. Менга шунақа дейишди. Бугун совчилар келармиш уйига. Элдор мик этмади. Ойдин билан хайрлашиб, иккинчи қаватга чикди. Бўш хоналардан бирига кирди-да, эшикни ичидан кулфлади. Сигарет олиб тутатди. Унинг кўллари титрарди. Бир-икки босиб-босиб тортди. Кейин телефон трубкасини олиб, рақам тера бошлади. Қисқа-қисқа овозни эшитиб гўшакни кўйди. Шу захоти яна гўшакни кўтариб, яна рақамларни терди. Яна кўйди, яна кўтарди. Тўртинчи ёки бешинчи марта кўнғироқ килганида жавоб келди:

– Алло.

– Лаббай.

– Салом, бу менман.

– Танидим.

– Раъно, бир гап эшитдим.

Раъно хотиржам, ҳатто бир қадар лоқайдлик билан жавоб берди:

– Нимаки эшитган бўлсанг, ҳаммаси тўғри. Бугун кечкурун совчилар келишади.

Элдор деразадаги халкани, ойнанинг ёриғи-ю, дераза ташқарисидаги шаҳар манзарасини, уйларни, тун ва кемаларни биринчи марта кўраётгандай эди. Ҳовлида кимдир «Москвич» моторини ўт олдиrolмас, қайта-қайта уннар, ҳеч натижа чикмагач, уни оркага ва олдинга судрарди. Телефон дастагидан ҳеч қандай сас эшитилмасди. Элдор кўлидаги қалам билан столда ётган қоғозга ёзарди: «Элдор, Элдор, Элдор, Элдор Алескеров. Алескеров. Элдор, Элдор, Элдор».

Раъно:

– Элдор, нега хафа бўлаяпсан? Сухбатимиз эсингдами, беш-олти йилгача уйланмайман, дегандинг. Ўз режаларинг бор – Москвага борасан, ўқийсан, кинода ўй-

найсан. Ким билади, ундан кейин яна нималарни кўнглинг тусаб қолади! Унгача, албатта, мени унутиб юборасан. Олти йил ичида нималар бўлишини ким билади? Менга эса яхши жойдан совчилар келишди. Йигитни ҳам танийман. Ёмон одаммас. Кеча мен...

Элдор давомини эшитмади. Трубкани кўйиб, хонадан чикиб кетди.

* * *

Сиёвуш билан Жаводни радиога, янги спектаклга таклиф қилишганди. Уларнинг овозини Элдор ёзиши керак эди. У студиянинг ёнидаги хонада – аппаратуранинг олдида эди. Сиёвуш билан Жавод эса студияда. Бу хонадан студиядаги одамлар кўриниб турар, аммо калин ойналар овоз ўтказмас эди. Сиёвуш билан Жавод студияда ўтириб ўзаро аста, пичирлашиб гапиришарди. Улар бу хонада жуда кўп бўлишган, аммо хозир студиянинг кичик бир сирини унутишган эди. Гап шундаки, студиядаги микрофон ёниқ бўлса, ҳатто шивирлашиб гаплашилган гап ҳам калин ойна ортидаги хонага юқори частотали овоз кучайтиргичлар орқали аниқ эшитилиб турарди. Студиядаги одам секин гапираяпман деб ўйлайди-ю, аслида овози кўшни хонада баланд янграётганини билмайди.

Сиёвуш билан Жавод театр, янги спектакль, премьерра хусусида суҳбатлашди. Элдор уларнинг олди-кочди гапларига эътибор қилмай тасмаларни, жиҳозларни ёзишга тайёрларди. Кутилмаганда студияга эшитилаётган суҳбат Элдорнинг диққатини тортди.

Сиёвуш дерди:

– Йўғ-э?! Рост айтаялсанми? Нахотки у Кабирлинскийнинг ўғли бўлса?

– Нима, билмасмидинг.

– Йўк, каердан билай?.. Бу менинг талабам...

– Энди билиб кўй бўлмаса. Яқинда унинг олдида Кабирлинскийни ҳақорат қилибсан. Чол сендан каттик ранжиб юрипти.

Улар кулишди.

– Кабирлинский бошқа одам, – деди Сиёвуш.

– Қайси куни мени тўхтатиб, илтимос қилди: «Сиёвушга айтиб кўй, мени кўп хафа қилавермасин», дейди. Яхши эсимга тушди, ҳамиша айтаман дейман-у, сени кўрганимда ёдимдан кўтарилиб қолади. Кабирлинский унвондан умидвор. «Яқинда олтмишга кирман, Сиёвушга тайинласанг, мени бирон-бир унвонга тақдим этса», дейди.

– Тепакал, соч чиқариш йўлини билса – аввал ўзининг бошини сийларди, демадингми.

Кулишди.

– Шунака дедим. Шундай китлар, титанлар борки, ҳеч қанақа унвони йўк, сен бўлсанг... Туя ҳаммомни ҳавас қилган экан, дедим... Кулги, ҳазил, ҳазилу, Сиёвуш, бир томондан бечорага одамнинг раҳми келади. Кекса одам... Балки ўзаро тўпланиб, кичкинагина бўлса ҳам унинг юбилейини нишонлармиз-а, нима дединг? Фахрий ёрлик топширамыз, пул йиғиб бирон нима совға қиламыз. Вассалом.

– Қилса бўлади, қийин эмас, – рози бўлди Сиёвуш. – Аммо биласанки, ишгаҳа овқатни кўрганда очилади. Ёрлик берсанг, энди маошимни ошир, бош ролни бер, дейди.

– Йўк, Кабирлинский унақалардан эмас. Беозор, мўмин-қобил одам. Сурбетлик қилмайди: ўз ўрни, мавқеини билади. Аммо у нимага ҳаракат қилаётганини тушундингми?.. Театрда кичкинагина юбилейини ўтказишимизни истайди, бечора. Ёри-биродарлари, қа-

риндош уруғларини чакириб, хумордан чиқишни, лаззат олишни орзу қилади.

– Маъкул! Афишани қуйидагича ёзамиз. “Файзулла Кабирлинскийнинг юбилей кечаси!” «Хамлет», «Отелло», «Ўт келини» спектаклларида парчалар. Фортенбраснинг учинчи аскарлари – Кабирлинский! Отеллонинг тўртинчи кузатувчиси – Кабирлинский! Бешинчи араб – Кабирлинский! Иккинчи скелет – Кабирлинский!”

– Сен куласан-да, Сиёвуш, агар ростданам шунақа афиша чиқарсак, одам ёғилиб кетади. Кабирлинскийни ким билиб ўтирипти. Аммо у шўрликнинг исми шарифи жарангдор – Файзулла Кабирлинский! Одамлар қанақадир машҳур артист келипти-да, деб ўйлашади.

– Рост айтасан, Жавод. Кабирлинский, Араблинский... Жарангдор! – У ойнага қаради. – Бу Кабирлинскийнинг ўғли нега мунча чўзади? Тезроқ ёзса бўлмай-дими? Театрга боришимиз керак-ку, ахир!

Элдор деворга суяниб турарди. Унинг ранги оқариб, лаблари кўкариб кетганди. Ойна ортидан Жавод имо-ишора қилаётганини кўрди-да, шиддат билан хонадан чиқиб кетди. Эшикда Мажидга тўкнаш келди. Мажид уни кўриб иршайди. Устки лаблари кўтарилиб, тилла тишлари кўринди. Сарик сочлари тўзғиб ётарди.

– Салом, Кабирлинский, – деди у. Шу захотиёқ Элдор унинг ёқасидан олди.

Нарироқда келаётган Ойдин Элдорга ташланиб, уни бир чеккага тортди.

Кечкурун Элдор билан Ойдин қаҳвахонада ўтиришарди. Столда балиқ кабоб, кўкатлар, ароқ шишаси. Улар ароқни ичиб тугатишгач, яна сўрашди.

Созандалар шўх қуй чалишар, раққосалар хиром айлашарди. Улар орасида бир йигит билан бир қиз алоҳида кўзга ташланиб турарди. Улар гўё чарчаш

нималигини билмас, ғоят берилиб, жон-жаҳди билан ўйнардилар. Бир-бирининг белидан кучмасдан, алоҳида-алоҳида рақсга тушишарди. Уларни фақат кўз қарашларигина бирлаштириб турарди, холос.

Элдор арок ичиб, кайфияти кўтарилди. Ҳозир у гўё бошқа одам эди. Бояги бадқовок, тунд йигит эмасди. У тинмай гапирарди:

– Ойдин, мени ўша курумсок Мажиддан кўркади, деб ўйлайсанми? Истасам уни бурда-бурда килиб ташлайман. Аммо... Бундай қилмайман. Чунки у дарров бошлиқларга арз қилади. Кейин мени ишдан бўшатишади. Мен эса бу ишдан кетгим йўқ. Билдингми, Ойдин? Мен яна икки йил ишлашим керак. Икки йилдан кейин эса...

Ойдин қизиксинди:

– Икки йилдан кейин нима бўлади?

Элдор бошини кўтариб, узоқ-узоқларга ўйчан тикилди, унинг қарашларида, чехрасида қандайдир ширин орзулар ифодаси мужассам эди. Сигаретни чуқур тортиб, тутунини ҳавога ҳалқа-ҳалқа килиб чиқарди.

– Икки йилдан кейин? Икки йилдан кейин дипломни олиб Москвага кетаман, олий режиссёрлик курсига бораман.

– Кира оласанми?

– Нега киролмас эканман? Чўнтагимда диплом бўлади... Тушундингми? Диплом! Ундан ташқари – пул... Билдингми, пул!

– Москвада пул билан иш битириб бўлмайди. Бизда фақат пул билан кирилади ўқишга.

– Шошилма. Мен сўраб билдим. У ёқда ҳам ҳамма нарсани пул ҳал қиларкан. Қисқаси, бизда нақд берилади, у ёқда эса совға-салом дегандай... Хуллас, йўли бор. Керакли одамларни яхшилаб меҳмон қилсанг –

олам гулистон. Қабул комиссиясида ҳам ёш кизлар, жувонлар ўтиришади бўйлиб, бир-иккитасининг бошини айлантираман. Кейин ишим хамирдан қил суғургандай осон кўчаверади.

Ойдин кулди:

– Оббо, муғамбир-эй! Сичкон овлагани бораман, дегин.

– Йўк!

У шундай қаҳ-қаҳ отиб кулдики, кўшни столда ўтирганлар уларга ажабланиб қарашди. Элдор эса сархушлик билан ўз фикрини тасдиқлашга ҳаракат қиларди:

– Йўк, қасам ичаман, йўк, ундай эмас! Ойдин, гапимга ишон. Ҳаммаси фақат ўқишга кириб олиш учун, кириб олдимми-тамом! Қизлар ҳам, уларнинг орқасидан юришлар ҳам, ресторан ҳам – ҳеч нарса керак эмас! Эрта-ю кеч тинмай ўқийман! Ухламайман, овкат емайман, ҳатто сув ҳам ичмайман! У стаканга ароқ куйди-да, ичиб юборди. – Ух, захар-а!.. – Юз-кўзини буриштирди, бир тишлам нон солди оғзига. – Ҳа, бу ёққа келаман... Ажойиб спектакллар кўяман. Шундай спектакль бўлсинки... – Ойдиннинг кўзига қаттиқ тикилди. – Ана ўшанда Сиёвушни нима қиламан, биласанми Ойдин?..

Ойдин жилмайди:

– Хўш, нима қиласан?

– Уни ўзимга муовин қилиб оламан.

– Яъни, сен вазир бўласан?

– Ҳозирча билмайман. Аммо ҳар ҳолда каттарок бир лавозимни эгаллайман. Сиёвушни ўринбосар қилиб оламан.

– Борди-ю, у сенга ўринбосар бўлишни истамаса-чи?

Элдор бир оз ўйланиб қолди. Масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаган экан.

Ниҳоят:

– Нега истамайди? – деди. – Унга хоҳлаган маошини бераман. Ҳатто ўзимниқидан кўп бўлсаям. Фақат менинг ўринбосарим бўлиши керак. Албатта! Кўнги-роқни босаман, у югуриб келади ҳузуримга. Жилмайиб туради. Лекин мен кулмайман. «Хўш, бу ерда кулгили нима бор экан, ўртоқ Сиёвуш? Айтсангиз балки биз ҳам кулармиз», дейман. «Йўк, Элдор, ўзим шундай...» дейди. Шунда мен: Элдор эмас, ўртоқ Алескерров! Қачон уйингизга меҳмонга борсам «Элдор» дейсиз. Бу ер идора, идорада эса сиз учун Алескерровман! Тушунарлими? Ундан ташқари ишга вақтида келишни ўрганинг. Бугун ўн беш минут кечикдингиз».

– Қойил! – деди Ойдин. – Сиёвушнинг юраги ёрилиб кетар.

Элдор мамнун ҳолда кулди:

– Биласанми, Жаводни нима қиламан?

– Уни ҳам ўринбосарми?

– Йў-ўк. Майли у сахнада қолсин, ўйнасин. Лекин ҳар бир янги спектакль муҳокамасида сўз олиб бундай дейман: «Жавод Жабборов яна ўша примитив образни яратипти. Яна ўзига билдирилган ишончни оқлай олмади».

– Зўрсан, Элдор! Қойилман, – деди Ойдин. У ҳам бу гаплар эртага амалга ошириладигандай хурсанд бўлиб кетди. – Мажидни нима қиласан, Мажидни?

– Мажидними? Уни муҳаррирликдан бўшатаман! Актёр килиб кўяман, лекин унга фақат битта роль – шоқол ролини беришларини тайинлайман!

Яна ракс мусикаси бошланди. Ракс майдончасига яна ҳалиги йигит билан қыз чиқди. Бу сафар мусиқа оғир-вазмин бўлиб, улар бир-бирларини кучиб раксга тушардилар. Қиз йигитнинг елкасига бошини қўйган,

йигит эса: унинг сочларини оҳиста, эҳтиёткорлик билан силарди. Ойдин очикдан очик ҳасад билан тикилди уларга.

– Кел, Ойдин, сенинг соғлигинг учун ичайлик, – деди Элдор.

Ичишди.

– Кўрасан, ҳали нималар қиламан мен, – деди Элдор.

Ойдин сўради:

– Хўш, ким бўласан ўзинг?

– Ўзим катта санъаткор бўламан, Ойдин. Буюк санъаткор! Бу мансаблар, масъул вазифалар – ҳаммаси ўткинчи! Мен ўзимнинг бутун куч-қобилиятимни, иқтидоримни режиссёрликка, актёрликка бағишлайман. Ҳам режиссёр, ҳам актёр бўламан. Менинг ўз театрим бўлади. Мана, масалан, Товстоганов театри дейишадди-ку. Ёки Охлопков театри. Билдингми? Мен ҳам ўз театримни яратаман. Тагимда машинам бўлади. Ўзим хайдайман, лекин хайдовчи ҳам оламан. Ҳар янги премьерра куни менинг «Волга»м Раённинг уйига боради. Премьерага ўнта билет бераман – ўзига, эрига, яна кимни хоҳласа, отасими, дугоналарими – олиб келаверсин.

– Сенинг саломатлигинг учун ичайлик, – деди Ойдин.

– Ичамиз. Биламан, Ойдин, сен мени маст бўлиб қолди, деб ўйляяпсан. Қасам ичаман, сираям маст бўлганим йўқ. Қарагин-а, қанча ичсам ҳам таъсир қилмаяпти. Биламан, сен чин дилдан ишонмайсан менга. Эҳтимол, кулишинг ҳам мумкин... Аммо, қасам ичаман, буларнинг ҳаммаси бўлади! Ном ҳам, машина ҳам, пул ҳам – ҳаммаси бўлади!

– Ишонаман сенга, Элдор. Ҳаммаси айтганингдай бўлади, албатта бўлади. Фурсат керак... У вақтда ёши-

миз анчага бориб колган бўлади. Агар шуларнинг ҳаммаси ҳозир, ёшлигимизда бўлсами!..

Чолғучилар шошилмай мусика асбобларини йиғиштира бошладилар. Залда одам сийраклашиб қолди. Чирокларнинг ҳам бир қисми ўчди. Денгиз тарафдан келаётган шамол деразаларни очиб-ёпарди.

– Элдор, оёқда туролмайдиган даражада маст бўлиб келди, – деди Ҳожар.

– Қаерда, ким билан ичипти?

– Мен қаёқдан билай. – Бир лаҳзалик сукутдан сўнг давом этди. – Бечора алаמידан ичади-да. Ёш бўлса, яхши кийиб, яхши еб-ичгиси келади. Дунёга келиб нима кўрди, шўрлик?

Хона қоронғи эди, Файзулла хотинининг қаравоти томон ўгирилди:

– Биласанми, Ҳожар, мен жуда кўп ўйлайман... Умуман, сен тўғри айтасан. Нега энди у мен туфайли қийналиши, азоб чекиши керак? Нега энди мени деб у уялиши, хижолат бўлиши лозим? Нимага биз унга бор гапнинг тўғриси айтмаймиз? «Болажон, сен ҳам катта одамнинг ўғлисан. Сенинг отанг машҳур кишилардан эди», десак бўлмайдими?

У қоронғида Ҳожарнинг юзини кўрмасди. Лекин худди шу заҳоти лаблари устида хотинининг қўлларини сизди. Ҳожар унинг оғзини кафти билан бекитиб, шивирлади:

– Бас қилинг, секинроқ...

Элдорга тўғриси айтилмаслигини Файзулланинг ўзи ҳам биларди...

Бу воқеа анча илгари содир бўлганди. Искандар Муродалиев хотини ва етти ойлик ўғилчаси билан

«Победа» машинасида дам олгани Шушага боради. Иссикда кийналамиз, деб сахарда йўлга чикишади. Хурдалан районида Искандарнинг ҳайдовчиси яқинлашиб келаётган поездни сезмай қолади. Қоровул шлагбаумни туширишга улгурмайди. Темир йўлдан ўтаётганида ҳайдовчи тезликни алмаштирмокчи бўлади. Кутилмаганда мотор ўчиб, машина темир йўлнинг ўртасида тўхтаб қолади. Поезд эса жуда яқинлашиб келарди. Оғзидан олов пуркаётган аждаходек вишиллаб келаётган паравозни кўриб Қамар чинкириб юборади, аклини йўкотади. Искандар бутун иродасини тўплаб, хотинининг кўлидан гўдакни юлиб олди-да, машина ойнасида темир йўл четига қараб отади. Чақалок тирик қолади. Фақат чап оёғи қаттиқ лат ейди. Ота-онаси халок бўлади.

Ҳожар билан Файзулланинг фарзанди йўк эди. Улар чақалокни ўғил қилиб олиб тарбиялаб, вояга етказишади. Аммо ота-онасининг тақдирини, бор ҳақиқатни ундан сир тутишади.

* * *

Эрталаб Элдор қатик ичиб ўтираркан, оғриқнинг зўридан боши ёрилиб кетгудай бўлиб лўкилларди. Файзулла соқол олди, кийиниб ишга отланди.

– Ҳой, отаси, – деди Ҳожар. – Эртага театрларингизда премьераси экан. Тўртта билет олиб келсангиз-чи. Иккита Элдор билан менга, иккитаси Анахонимга, жудаям илтимос қилувди.

– Мен бормайман, – деди Элдор.

Файзулла кўлларини ёйиб деди:

– Ҳожар, билет олиш жудаям кийин.

– Жуда яхши!.. – асабийлашиб орқасини ўгириб олди хотини. – Ҳатто ўзи ишлайдиган театрга билет

олиб келолмайди-я! Оллоҳ таоло сизни нима учун яратган ўзи, билмайман! Тавба!..

– Бўлди, бўлди, яна бошлама дийдиёнгни. Анахонимга ваъда берма. Элдор бормасакан, ўзингга битта билетни бир амалларман.

Файзулла зинадан пастга тушар экан, Ҳожарнинг овози кулоғига чалинди. – Билет олиб келманг-чи, кўрасиз мендан! Эшитдингизми?

* * *

Кассир бошини сарак-сарак қилди.

– Йўк, йўк. Ҳеч иложи йўк, бир донаям билет қолмади.

– Ахир мен шу театрда ишлайман-ку.

– Театрда икки юз етмиш киши ишлайди. Нима қилай?

– Файзулла бошлиқнинг олдига кирди.

– Бўлса жоним билан берардим, Файзулла. Худо ҳаққи биронтаям қолмади. Ҳатто эртага, индинга ҳам билет йўк. Кейинги кунларнинг бирига бўлса майли – нечта хоҳласанг тўғрилаб берай.

Файзулланинг ҳафсаласи пир бўлди. Сиёвушнинг олдига боргиси қолмади. Аммо бошқа чора йўк эди.

Сиёвушнинг хонасига кетма-кет одам кириб чиқарди.

– Нега энди келолмас экан?! – кимгадир қичқирди Сиёвуш. – Ўлиб қолса-ям, келсин! Эртага спектакл-у, бу бўлса хунар кўрсатади.

Кимдир деди:

– Бугун эрталаб унинг қайнонаси қазо қипти.

– Менга деса, бутун уруғ-аймоғи кирилиб кетмайдими, нима ишим бор. – Эртага спектаклга келиши шарт! Шу тўполонда унинг ролини кимга бераман?!

Телефон жиринглади, Сиёвуш гўшакни кўтарди.

– Йўк, – деди у. – Эртага окшом, индинга эса кундузи ва кечкурун. Ундан кейин бошқа спектакль. Ҳа.

У гўшакни жойига кўйди. Эшик олдида турган йигитга юзланди:

– Аслон, дастурга Салимовнинг ўрнига Ҳожиевни ёзиб кўй. Собир, сен бориб айт, эртага спектаклда стол устига қора телефонни эмас, оқ телефонни кўйишсин.

Яна телефон жиринглади. Сиёвуш гўшакни олди:

– Лаббай, ҳа-ҳа. Менман ҳа, марҳамат... Ваалайкум ассалом. Кечирасиз, ҳозир ҳеч имкониятимиз йўк. Душанба куни кўнғироқ қилинг.

У гўшакни кўйиши билан телефон яна жиринглади.

– Ҳа, ҳа, яхши... Йўк, эртага иложи йўк. Ишонинг биронта ҳам билет қолмади. Биламан, жуда яхши. Газетангизга ҳурматим жуда баланд, аммо эртанги спектаклга мутлақо имконият йўк. Индинга бўлса, марҳамат, бажонидил.

– Аслон, Шарифахонимга айт, менга қарасин! – Шу маҳал бир чеккада турган Файзуллага кўзи тушди ва: – Кабирлинский, менда ишинг борми? – деб сўради.

Файзулла бир кадам олдинга силжиб, деди:

– Сиёвуш домла, бир илтимос билан келувдим... Очиғи, ўзим ҳам хижолат бўлиб...

– Кабирлинский, кўп чўзма, илтимос. Гапир, нима керак?

– Битта билет керак эди... эртага...

Сиёвуш унинг сўзини кескин бўлди:

– Билет йўғлигини кўриб турибсан-ку!

– Нима?

– Айтдим-ку, йўк деб. Мен билет таркатмайман. Бу масалада олдимга бекор келибсан. – Яна телефон жиринглади. – Лаббай... Ҳа, менман... бораман. – Трубкани кўйди. – Сенсиз ҳам Кабирлинский, бошим айла-

ниб ётипти. – Шундай деб Сиёвуш шоша-пиша хонадан чикиб кетди.

Файзулла бир-бир босиб зинадан пастга тушди-да, театрдан чикиб радиостудияга келди. Хотинига нима дейди энди? Қайси юз билан кириб боради уйига?

– Сенга нима бўлди, Кабирлинский? Қовоғингдан қор ёғади. Бирон қорихол рўй бердими?

Файзулла Мажиднинг овозини таниб бошини кўтарди.

– Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, Мажид... Шунчаки ўйлаяпман...

– Нимани? Яхшилиқми ишқилиб?

– Менга ўхшаган одамнинг бу дунёда яшамоғидан не маъно бор?

– Нима гап ўзи?

– Бу дунёда олтмиш йил яшадим, ўйлаб кўрсам, бутун ҳаётим бир чақага қиммат экан. Нима учун яшаяпман? Бир пуллик кадр-қимматим йўқ. Бирон киши ҳурмат қилмайди. Эртага ўламан-кетаман... Ҳеч ким мени эсламайди ҳам. Бир-икки ойдан сўнг ҳатто отимни ҳам унутиб юборишади.

– Нима бўлди ўзи сенга? Шаштинг паст.

– Биласанми Мажид, баъзан одам ёлғиз қолиб ўз ҳаёти ҳақида ўйлайди. Шундай пайтда бутун умрим кинолентадай кўз ўнгимдан ўтади. Англайманки, мен ҳаётимнинг бошидан янглишган эканман. Бутун умрим ҳавога учиб кетипти, энди эса кеч бўлди.

– Кабирлинский, нима бўлди ўзи сенга, гапирсанг-чи? Бу канақа тушқун фалсафа? Эҳтимол, биров хафа қилгандир. Ё масҳара қилдими? Ким ўзи у? Худо ҳақки у аблаҳ билан ўзим гаплашаман, сени хафа қилдириб қўймайман!

– Эҳ, Мажид, Мажид!.. Қирк йилдан бери ишлайман театрда, аммо лоакал гардёробчи хотинчалик хур-

матим йўк. Одам ўрнида кўришмайди, бирон киши сен бормисан-йўкмисан демайди. Битта билет нима бўпти, шунинг ҳам раво кўришмади менга!

Улар коридорда боришарди. Рўпарадан Элдор чиқди, у Файзулла билан Мажидни кўриб, ўзини четга олди. Аммо Мажиднинг назаридан кочиб қутулолмади. Мажид кўзларини айёрона қисиб кинояли жилмайди.

– Кайфиятингни бузма, Кабирлинский, хафа бўлма, – деди-да ён томонга қайрилиб кетди.

Файзулла ўз ролини ёздириб бўлди-да, буфетга кириб бир стакан қатқ олиб ичди. Ҳовлига чиққанда кимнингдир чакирганини эшитиб тўхтади. Иккинчи қаватнинг ойнасидан бошини чиқариб Мажид уни чакирарди.

– Кабирлинский, бу ёққа кел, илтимос.

Файзулла изига қайтди. Мажид уни зинада кутиб олди.

– Бояги сўзларинг мени қаттиқ ўйлантириб қўйди. Юрагимни эзиб юбординг, Кабирлинский, – деди у. – Маҳаллий комитетга кириб, улар билан гаплашдим. Сенга икки кишилик таклифнома олдим. Лекин театрда эмас, академияга. Биламан, эртага сен спектаклда бандсан. Шунинг учун бугунга олдим. Хотинингнинг ҳам олиб кел. Бугун у ерда қатта тантана бўлади. Мана буни ўқи: Дантенинг юбилеи. Данте буюк итальян шоири – бундан етти юз йил илгари ўтган. Қарагин, ҳатто, сенинг исми шарифингнинг ҳам ёзиб қўйишибди.

Файзулла таклифномани олиб ўқиди: «Ҳурматли Файзулла Кабирлинский!

Сизни буюк итальян шоири Данте Алигери таваллудининг 700 йиллигига бағишланган тантанали кечага таклиф қиламиз.

Биринчи бўлим: Дантенинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз.

Иккинчи бўлим: катта концерт. Кеча соат 20.00да бошланади».

Мажид тинмай жаврар эди:

– Яхшироқ кийиниб кел, Файзулла. Албатта, келгин-а. Билиб қўй, у ерда ҳукумат аъзолари бўлишади.

Файзулланинг лаблари титради:

– Катта раҳмат сенга, ўғлим... Омон бўл... Раҳмат.

Бошка бирор сўз деёлмади. Томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Файзулла уйнинг зиналаридан қушдай учиб чиқди. Лекин уйга кириши билан ўзини қўлга олиб босиқлик билан:

– Тезроқ кийин, хотин, – деди. – Бугун кечкурун Дантенинг юбилейига борамиз.

– Қаерга? – деди Ҳожар энсаси котиб.

– Дантенинг юбилейига. Наҳотки Дантенинг кимлигини билмасанг. У буюк итальян шоири!

Ҳожар елка кисди:

– Менга нима бор у ерда?!

– Театрга, концертга олиб бор, деб ўзинг айтмовдингми? Бунинг олдида театр, кино нима бўпти! Юбилей нималигини биласанми ўзинг, тантана, байрам!.. Доклад ҳам бўлади, концерт ҳам. Унча-мунча одамга таклифнома беравермайдилар.

– Қаёқдан кун чиқипти бугун, сизга таклифнома беришипти?

– Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади, дедим-ку. Қирк йилдан бери сахнадаман-а, ўзи бўладими? Соч-соқолим оқарди шу касбда. Мана, ҳатто исми-шарифимни ҳам ёзиб қўйишибди. Махсус таклиф қилинганман. Қисқаси, тайёр бўл. Менинг кора костюмимни ҳам дазмол қил.

Файзулла хотини билан одатдагидан кўра бошқачарок оҳангда, мағрурланиб гаплашарди. Шуниси ажаб-

ланарли эдики, Хожар унинг айтган ишларини кулок кокмай бажарар, эрининг гапларига беихтиёр итоат этарди. Сандикдан Файзулланинг қора костюм-шимини олди, сув пуркаб, яхшилаб дазмоллади, қиличнинг дамидай қилиб рах чиқарди шимга. Эрининг туфлисини чўткалаб ялтиратди.

Соат еттида эгарланган отдай тайёр бўлишди. Хожар Анахонимникига мўралаб, уни воқиф қилди:

– Италиядан машхур шоир кепти, шунинг юбилейига кетяпмиз. Санокли одамларни таклиф қилишипти. Файзуллага махсус таклифнома беришипти.

Бу баҳор окшоми Бокунинг кўчалари кечки сайрга чиккан одамлар билан гавжум эди. Йигит-қизлар кўлтиклашиб юришарди. Файзулла ҳам Хожарнинг кўлтигидан олди. Хожарнинг устида қора духоба кўйлак, елкасига ок шоҳи рўмолини ташлаб олган, оёғида эса лакланган, баланд пошналар қора туфли.

Неча йиллардан буён биринчи марта мана шундай кўлтиклашиб юришлари эди, неча йиллардан бери биринчи марта ахил, уришмай боришарди. Хожар ҳам жаврамас, балки чехрасида табассум жилва қиларди.

– Билишимча, бизнинг театримиздан факат менга жўнатишган таклифномани, – деди Файзулла. – Ҳеч ким ҳеч нима демади. Агар олишган бўлса, дарров мақтанган бўлишарди.

Улар академия биносига етиб келишганда соат миллари беш дақиқаси кам саккизни кўрсатарди. Улар залварли эшикларни очиб, ичкарига киришди. Ажабо! Ҳеч ким йўқ, бино ним ёруғ эди. Улар мрамар зиналар томон юрдилар. Кимнингдир овозини эшитиб тўхтадилар. Овоз бутун бинони бошига кўтаргудек баланд эди:

Армани, ҳей армани,
Фойтуна миндир мани.

Файзулла орқасига ўгирилиб овоз эгасини кўрди. У кекса қоровул эди. Қоровул ҳам уларни кўрди-да, ашуласини тўхтатиб Файзуллага яқин келди. – Ким керак сизга? – деди.

Файзулла олдиндан кўлида ушлаб келаётган таклифномани қоровулга тутқазди. Қоровул қоғозга қарамади ҳам.

– Бу нима?

– Юбилейга, – деди Файзулла. Қоровул ажабланаётганини кўриб, сўради: – Нима юбилей бу ердасми? Дантенинг юбилейи?

Қоровул бирдан портлаб кетди:

– Ҳа-да, ҳа ҳар куни кимнингдир юбилейи! Бугун Давидовнинг, эртага Мамедовнинг. Шунинг учун дўконда гугурт топилмайди. Кеча кўлдан олдим. Беш кути... Ўн беш тийиндан... Нима деган гап бу?!

Файзулла билан Ҳожар дилидаги дардини тўкиб солган армани чолга бўшашиб қараб қолишди. Сўнгра қоровул чол:

– Йўк, кардош, бугун бу ерда ҳеч қанақа юбилей бўлмайди. Янглишибсизлар. Эртага келинлар, – деди.

– Ахир мана бу ерга ўн биринчи май деб ёзиб кўйипти-ку, – деди Файзулла.

Қоровулнинг жаҳли чиқди:

– Ҳей, менга қара, қанақа одамсан? Ҳеч қанақа юбилей-пубилей йўк, дедим-ку сенга, йўк-да! Ҳеч ким йўк, ҳозир иш тамом бўлди, ҳамма уйига кетди. Сизлар ҳам уйингларга боринглар.

Оёқ товуши эшитилди, мрамар зиналардан кўзойнак таккан ёш йигит тушиб келаркан:

– Нима гап, Арестакес амаки? – деб сўради.

Қоровул чол энгашиб хиргойи қилганча чойнакдан банкага чой қуярди. Бошини кўтариб йигитга қаради.

– Қаёқдан билай? Юбилейга келдик дейди... Бугун ҳеч канақа юбилей йўқ десам, ишонишмаяпти.

Йигит Файзуллага якин келиб саломлашди, кўлидан таклифномани олиб, кўз югуртирди-да, кулди:

– Отахон, кимдир сизга ҳазил қипти. Дантенинг юбилейи бундан бир ҳафта илгари бўлиб ўтганди.

– Ахир... Бу ерга ўн биринчи май ёзилган-ку, – деди Файзулла.

– Буни кимдир кўл билан ёзиб қўйипти. Айтаяпман-ку, ҳазиллашипти сиз билан... Хўп, хайр, соғ бўлинглар!

Қоровул ҳамон хиргойи киларди:

Армани, ҳей армани,
Фойтуна миндир мани.

Файзулла билан Ҳожар кўчага чиқди. Файзулла хотинининг юзига қарай олмасди. Биларди, хотини ҳозир бобиллаб беради: «Бефаросат, галварс! Қачон сизни биров одам ўрнида кўрувди ўзи?! Ўзимам хайрон бўлувдим-а!» Аммо Ҳожар мик этмади. Улар шу ал-позда метро станциясига келдилар.

– Метро, – деди Ҳожар.

– Ҳа, – Файзулланинг товуши бўғик чиқди. Унинг тумшуғи осилиб кетган, тунд эди. Кутилмаганда Ҳожар ғоят майинлик билан эркалаб деди:

– Балки, метрода сайр қилармиз-а, Файзулла?

Файзулла хотинининг бундай самимий гаплашганини аллақачон унутиб юборганди. Хотинига термидди.

– Хохласанг... майли... Сен ҳали метрога тушмаган-мисан?

Бир зумлик сукутдан сўнг Ҳожар:

– Йўқ, бирон мартаям тушмаганман, – деди.

Файзулланинг лабларига табассум инди.

– Ундай бўлса, кетдик. Маза қиласан. Ўзга бир дунё дейсан. Худди эртақлардагидек.

Метрога киришди. Файзулла автоматга беш тийин ташлади.

– Ўт.

Ҳожар ўтди. Яна беш тийин ташлаб ўзи ўтди.

– Агар танга ташламасам ўтолмасдинг, ушлаб қоларди.

– Нималар деяпсан? Ростданми?

– Ҳа-ха, рост айтаяпман, Ҳожар. Қара, мана бу ўзи юрадиган зина.

Ҳожар кулди.

– Вой, мунча ажойиб!

Хотинининг хайратланиши Файзулланинг дилини ёритиб, кўнглини кўтариб юборди. У худди тажрибали экскурсовод сингари метрони хотинига кўрсатар, тушунтирарди. Ҳожар ҳаммасидан таажжубланар, завқланар, кулгидан ўзини тиёлмасди.

Ҳожар эртага эҳтимол яна ўз ҳолига қайтиши – Файзуллани кўз очиргани кўймай жавраши, масхара қилиши мумкиндир. Аммо бугун уни хафа қилгиси келмади. Боқуда метро ишга тушгандан буён бозорга ана шу ер ости йўлидан бориб-келишини эса Файзуллага билдирмади.

ГРУЗИНЧА ФАМИЛИЯ

Ҳикоя

Телеграмма мутлақо тушуниксиз эди: «Муродов Октойга. Йигирма тўққизинчида 203-рейс билан боряпман. Кутиб ол».

Яхшиям телеграммани онам олибди. Синглимга тегиб қолганида борми, доимо калтис вазиятларга дуч келиб юрасан, деб менинг устимдан роса кулган бўлар эди.

«Кимни кутгани боряпман ўзи?» Аэропортга элтандиган автобусда ўтириб фақат шуни ўйлардим.

Автобус ҳали туш кўриб ётган шаҳар кўчаларидан кетмоқда. Мен сокин шаҳарни кузатиб борарканман, фикримни бир нуқтага жамлай олмас, имзосиз телеграмманинг муаллифи ким эканлигига сира ақлим етмас эди.

Шаҳарни эрта саҳар томоша қилган маъқул. Кундузи турли ҳаракатлар, катновлар унинг хуснини тўла намоён этишдан маҳрум қилади. Тонгда эса одамлар ва транспорт оқимидан холи ҳолда сукутда турган витриналар, афишалар билан безаниб, ўзининг ҳақиқий киёфасини кўз-кўз қилади. Тонг – сокинликнинг шаффоф кўриниши. Бу пайтда битта одам ўтса ҳам кадам товуши бўм-бўш майдон узра шарақлаб сас-садо беради, бу овоз узоқ-узоқларгача эшитилади.

Ким учиб келяпти?

Хаёл билан автобус аэропортнинг янги биносига яқинлашганини сезмай қолибман. Бу бинони меъмор сифатида сира ёқтирмайман.

Бир неча дақиқадан сўнг, мен очик айвонда туриб; самолётдан тушаётган одамларни диққат билан кузата бошладим.

Ё, алҳазар! Бу нима деган гап?! Мутлақо хаёлга келмаган, етти ухлаб тушимга кирмаган одам. Ақл бо-вар қилмайди! Мен уни бирдан, киприк қокқунча бўлган лаҳзада кўрдим, танидим. У ҳали катта қора кўзойнагини тақиб улгурмаганди.

– Оқтой! Хайрият, менинг телеграммамни олмадингми, деб жуда хавотирда эдим.

– Юкинг қани?

– Ҳеч қанақа юким йўқ. Азизим, мени бирон жойга яшир, тезроқ бўл! Зудлик билан такси тутишимиз мумкиндир балки?

– Кетдик! – дедим мен. – Мадам мафиячилардан беркинмоқчимми?

– Ҳаммасини таксида тушунтириб бераман. Тезроқ! О, Бокуда эканлигимга ишонгим келмайди-я. Сен сираям ўзгармапсан...

Таксига ўтирдик. У орқада қолган аэропорт биноси-га, кўчаларга, юкорида порлаб турган чирокларга ховлиқиб термилар, атрофни аланг-жаланг кузатар эди.

– Қандай гўзал аэропорт! Байрут аэропортига жуда ўхшаб кетади. Буни қурилганига анча бўлдимми?

– Уч йил бўлди, – дедим мен. – Эҳтимол, сен ҳар ҳолда...

– Ҳа, ҳа, ҳа, хафа бўлма. Биласанми, сени кўрган-нимдан шундай хурсандманки, очиги, мен фақат сени кўриш учунгина келдим, холос...

– Жуда соз! Аммо нима учун бу қадар сирли, пинҳона?

– Ажойиб! – хайрон бўлди у, сўнг қулоғимга шивирлади. – Мен турмуш қурган аёл бўлсам, биринчи муҳаббатим билан учрашувга келсам, сенингча буни сир тутмаслик керакми?

Асмар менинг болаликдаги дўстим, аммо ўрта-мизда муҳаббат ҳақида ҳеч қанақа гап бўлмаган эди. У менга сал ёкарди, холос...

– Биласанми, биз яқинда Болгариядан келдик. Жамолни Якин Шаркка юборишяпти...

Жамол – унинг эри, дипломат. Оврупа мамлакатларининг деярли ҳаммасида ишлаган. Элчихонада қарийб иккинчи котиб лавозимини эгаллаган... Жамол менга биринчи танишувдаёқ ёкмаган. Бу фикрим кейин ҳам ўзгармади. Гарчи кейинги саккиз–ўн йил давомида у билан бирон марта ҳам кўришмаган бўлсак-да, ҳамон ўша фикрдаман.

– Менга қара, – деди у. Гоҳ хаяжонланар, гоҳ ни-мадандир безовта бўлар, Боку тупроғига келганидан севи-нар, жўшиб кетар, унинг асл феълени, юрагида бор дардларини тўсиб турган парда аста-секин сиди-рилаётгандек эди. – Мен қочиб келдим, тушуняпсан-ми. Эримдан, дўстларимдан қочиб келдим. Ҳатто тикувчимдан ҳам юз ўтирдим. Бўлмаса бугун жуда антика «примеркам» бор эди. Тўғри, бутунлай эмас, факат бир кунга келдим – кечкурун қайтиб кетаман. Сени туғилган кунинг билан табриклагани келдим. Би-роқ сен, назаримда, менинг келишимдан унча хурсанд эмасга ўхшайсан.

– Бемаъни гапни қўйсанг-чи. Бу жасоратингнинг асл сабабларини тушунаман ва кадрлайман. Бунинг устига сен воқеалардан ўзиб кетяпсан. Яъни, мен бу фоний дунёга келган тарихий кун бугун эмас. Эртага.

– Қанақасига? Ахир бугун йигирма тўққизинчи-ку.

– Ҳа, лекин мен ўттизинчи апрелда туғилганман.

– Ёлғон! – деди у қатъий оҳангда. Ҳатто ўзим ҳам, бир дақиқа шубҳаланиб қолдим. – Аниқ эсимда, биз йигирма тўққизинчида нишонлаган эдик.

Эсимга тушди. Ўнинчини битирган йили онам би-лан маслаҳатлашиб, менинг туғилган кунимни шан-ба кунига кўчирган эдик. Ўшанда чиндан ҳам йигир-ма тўққизинчи апрель эди. Барча синфдошларимни чақирдим. Асмарнинг бизникига биринчи марта кели-ши эди. Орадан шунча йиллар ўтиб, қанча мамлакат-ларга бориб, не-не бегона одамлар билан кўришиб ҳам ўша кечани – менинг туғилган куним нишонланган кунни эсидан чиқармабди.

Худди ўша куни у узун сочларини қирқиб келган эди. Эсимда бор, математика ўқитувчимиз – Бобоев бизга би-рон-бир теоремани тушунтириш асносида бирдан ё Умар

Хайём рубойсини, ё Фузулийдан байт ўқиб коларди. Шарк шеърятининг ашаддий мухлиси бўлган ўқитувчимиз Асмарнинг узун сочларини Шарк шеърятдаги анъанавий образ – йилнинг энг узун тунига ўхшатарди. Математика муаллимимиз жуда ажойиб одам эди. Қадди-комати келишган, шунга яраша кўнгилчан, олижаноб. Гоҳо қаттиққўл, талабчан ва ҳамиша ғалдираган киши эди. Бироқ жимгина, ҳеч ким билмай ўлиб қолди, худди буровсиз қолиб кетган соат аста-секин юришдан тўхтаб қолгандай беозоргина ҳаётдан кўз юмди.

Жамол ҳам бизга дарс берар эди. Ўнинчи синфга ўтганимизда келди у. Биздан саккиз-тўққиз ёшлар катта эди, холос. У инглиз тилидан ўқитарди.

– Хўп, гапир-чи, турмушинг қалай?

– Яхшиси, ўзинг гапириб бер. Ҳали ҳам жаҳон кезиб юрибсанми?

– Ҳа, – деди Асмар. – Асосан чет элларда яшаймиз. Москвада уч хонали уйимиз бор. Ҳамма шаронти мухайё.

– Нега жаҳлнинг чиқяпти? Бирон нарсадан хафа қилдимми?

– Накадар нозик тушунча, накадар ҳушёрлик! Хафа қилдимми эмиш! Мен уни табриклаш учун қаёқлардан келсаму – нима кераги бор эди – у бўлса қаёқдаги саволлар билан бошимни котиради, бугун туғилган куним эмас, дейди.

Мен кулдим.

– Сенинг келишингни ўзи мен учун байрам. Аммо туғилган куним бугун эмас, эртага эканлигига мен айбдорманми? Сенинг ташрифинг сирли туманлар билан шунчалар қопланганки. Эҳтиёткорлик исканжасига шу қадар бурканганки, мен ҳатто нима қилишни ҳам билмай, гангиб қолдим.

– Менга қара, Москвадаги атташелардан бирининг хотини шанба ва якшанба кунлари Загорскка бирга чиқишни таклиф қилган эди. Мен хўп, дедим-у, охирида ўрнимга бир дугонамни жўнатиб юбордим. Ўзим эса бу ёққа учдим.

– Бунчалик махфий иш қилишнинг нима ҳожати бор эди?

– Жамол билан Бокуга келишни анчадан бери мўлжаллаб юрган эдик. Ўзинг биласан, бу ерда бизнинг қариндошларимиз жуда кўп. Мен уларнинг ҳаммаси учун совға-салом ҳам тайёрлаб қўйган эдим. Акс ҳолда «Дунёнинг ярмини кезиб чиккану...» дейишлари ҳеч гапмас. Борди-ю, улар мени бу ерда кўриб қолишса борми? Меҳмонга келишга эса сира вақт йўқ... – У бирдан тўхтади-да, болаларча сўзида давом этди. – Биласанми, Ичкари шаҳарни шундай соғиндимки.

Улар бир вақтлар Ичкари шаҳарда – Қалъада, Боқунинг эски қисмида яшаган. Икки қаватли уйнинг зина-пояси тагида иккита кичкинагина хонаси бор эди. Хоналардан бирининг деразаси тўзиб ётган ҳовлига қараган, иккинчи хонанинг умуман деразаси йўқ эди. Ўша хонада хира чироқ остида биз имтиҳонларга тайёрланардик, кишда кўлимизни керосинкада иситиб олардик. Асмарнинг онаси доимо бир гапни такрорларди: «Уйда эркак бўлганида кўча томонга дераза очиш мумкин эди...» Урушдан кейинги авлоднинг деярли ҳаммаси каби Асмарнинг ҳам болалиги оғир кечган.

– Нима учун Жамолга айтмадинг?

– Ғалати савол. Унинг қанақалиги эсингдан чиқди-ми? Ҳалиям ўша-ўша. Ҳечам ўзгаргани йўқ.

Ҳа, эсимда. Асмар мактабни тугатиши билан уларни унаштириб қўйишди. Жамол унга собиқ синфдошлари билан учрашишни тақиклади. Ҳатто синфда

Асмар кикирлаб кулса, бизлар билан ҳазиллашса, Жамол унга ўқрайиб қарар эди. Бизнинг ёшимиз – бизнинг умумий уйимиз. Бу уйга у бегона эди. Назаримда, ўзи ҳам буни сезарди. Мен буни кейинроқ англаб етдим.

Асмар чет тиллар институтига ўқишга кирди, у эса ўша ерда дарс берарди. Бир йилдан сўнг уларнинг тўйи бўлди. Асмар бир куни бизни уйига таклиф қилди. «Фақат роппа-роса ўн иккида келинлар», деди. Биз яқин-яқинларгача бемалол бир-биримизнинг елкамизга уриб, нукиб, осилишиб юрган йигит-қизлар унинг уйига бордик. Ўша машъум ташрифни ҳозиргидек эслайман. Биз ниҳоятда тоза, озода, батартиб, энг сўнги урфдаги мебеллар билан жиҳозланган хонадонга кириб қолдик. Бу шароитдан Асмар гангиб, ҳатто бир мунча чўчиб қолгандай, ўзини қаерга кўйишни билмас эди. «У соат иккигача дарсда бўлади, бизнинг ихтиёримизда фақат икки соат бор, холос» – шипшитиб кўйди у. Бу гапдан сўнг ҳаммамиз янада ноқулай вазиятга тушдик, аввало ўзи ғалати бўлиб қолди. Асмар кизларни хоналар бўйлаб саёҳатга бошлади. Биз –ўғил болалар эса қаердадир сандикнинг очилганини, қанақадир мурват ва ускуналарнинг овозини, душнинг шовуллашини, қаердандир сувнинг шилдирашини эшитиб ўтирардик, кўзларимиз эса турли ичимликлар, сигаретнинг ҳеч қаерда учрамаган навлари билан тўлдирилган сервант токчаларига қадалган эди.

Кейин Асмар ҳаммамизни дастурхонга таклиф қилди, ўзи ошхонадан битта ликопча кўтариб келди. Ликопчада ҳар биримизга биттадан саккизта арзон баҳо мевали музқаймоқ бор эди. У рангли коғозга ўралган бўлиб, бизнинг келишимиздан сал олдинроқ олиб ке-

либ Музлаткичга беркитиб кўйилган экан. Асмар бизни меҳмонга чакириб олдимизга кўйган ягона нарсаси ана шу музқаймоқ бўлди.

Ўшанда менга илк марта мен уни севадигандай туюлди (ха, фақат шундай туюлди). Уни бу ердан олиб кетгим келди, каерга – билмайман. Эҳтимол, яна Ичкари шаҳаргадир – аниқ айтолмайман.

Орадан кўп ўтмай улар Бокудан кўчиб кетишди...

– Хўш, қалайсан, ишингдан, турмушингдан хурсандмисан?

– Умуман, хурсандман. Биласанми, йил ўтган сари одамнинг ақли тўлишиб, фикри тиниклашиб борар экан. Шунда даҳо эмаслигингни сезиб қоласан-да, кўплаб ўзингга ўхшаганлардан бири эканлигингга фаҳминг етиб, ўзингни қандайдир енгил ҳис қиласан. Асабийликлар, тажангликлар соя каби йўқолгандай туюлади.

– Ажойиб фалсафа. Такводорга ўхшайсан-а.

– Мана буниси энди янгилик. Мени шу пайтгача янгиликни кўролмасликда айблаб, пўстагимни қокиб келишар эди. Аммо мутаассиблигимни ҳеч ким пайқаман эди...

– Шунаками? Сен баҳсларнинг марказида турувчи йирик рассомга ўхшайсан шекилли? Масалан, Пикассо сингари.

– Йўқ, ундай эмас. Бирмунча бошқачарок. Бу гапларнинг ҳаммаси бизнинг устахонамиз доирасида бўлади, холос. У ерда бор-йўғи саккизта рассом ишлайди.

– Сенинг ишинг асосан нимадан иборат?

– Туманларда қуриладиган бир хилдаги меҳмонхоналарнинг лойиҳасини чизаман.

– О, Оқтой. Биз Жамол билан қанақа меҳмонхоналарни кўрганимизни, қанақа масканларга тушганимизни билсайдинг! Болгарияда қанақа отеллар бор! Ол-

тинкумда, Куёшли кирғоқда-чи, аклинг шошиб қолади! Ана уларни сен кўрсанг экан! Биз Жамол билан...

«Биз Жамол билан» деган ибора жонимга тегиб кетди, мен шартта унинг гапини (эхтимол ҳаддимдан ошиб кетгандирман) бўлдим:

– Хўш, нима килдик, бизникига борамизми?

– Йўк, йўк, мен айтдим-ку сенга, бу ерда кўп бўлмайман. Шундай шаҳарни айланамиз, бирон жойдан тамадди қиламиз, оқшом эса мен учиб кетаман... Ҳатто қайтишга ҳам билет олиб кўйганман. Маъкулми?

Мен уни Нагорний паркига олиб бордим. Ёзги қаҳвахонада нонушта килдик. Қуйида бутун шаҳар кўриниб турар, кўм-кўк денгиз чайқалиб ётарди. Оппок «Қирғизистон» кемаси Красноводскка йўл олди. «Қирғизистон» кўрфаздан очик денгизга чикиб олгач, узок садо берди – у денгиз юзида оҳиста сузиб бораркан, шаҳар билан вазмин ва узок хайрлашаётгандай эди.

– Ана у оролнинг номи нима? – деб сўради у уфк томонни кўрсатиб.

– Нарген.

– Ҳа, ҳа, эсимга тушди, Нарген. Болалигимда бу орол менга жудаям сеҳрли бўлиб туюлар эди. Унга боришни шундай хоҳлардимки... Бориб бўладими ўзи?

– Денгиз саёҳатига чиқиш мумкин. Оролга тушмаймиз, аммо якиндан кўра оласан.

– Жуда зўр бўларди-да.

– Унга кечкурун чиқамиз. Янаям гўзал, романтик-рок бўлади. Кетдик. Ёки яна бирор нарса буюрайми?

– Йўғ-э, озаман деб озмунча кийналдимми. Ҳозир, менимча, меъёридаман. Сен нима дейсан?

– Жудаям жойидасан.

– Йоглар услубини кўлладим.

Йоглар услуби қанақа бўлди? У француз гиламлари, Кафка ва Антониони ҳақидаги фильмлар, Гарич тўғрисидаги кўшиқ хусусида оғиз кўпиртириб гапира бошлади. Наҳотки, бу ўша Асмар – саккизинчи синфда адабиёт ўқитувчимиз унга – синф аълочисига уч кўйганида синф журналини ёкиб юборган Асмар бўлса? Ҳаётидаги биринчи уч баҳо.

– Эсингдами, Асмар, адабиёт ўқитувчимизни қанақа калака қилардик? Печкага ўт ёқувчини гапириб алдаганимизда-чи? Ёдингдами?

Адабиёт ўқитувчимизни ёқтирмасдик. У синфга кириши билан ҳаммамиз баравар билдирмай полни тапиллатардик. Ўқитувчига эса ертўлада печка ёқувчи ишлаётган бўлса керак, дердик. У шовкинга чидаёлмай бизни бошқа синфга олиб чиқарди. У ерда ҳам шу ҳол такрорланарди. «Нима бало, ўт ёқувчи ҳам бизнинг орқамиздан келяптими?», деб сўрарди бечора ўқитувчи. Унинг бу гапидан бутун синф хахолаб куларди.

– Қанақа ўт ёқувчи? – тушунмаган кўйи сўради Асмар. Гапириб беришни негадир истамадим. Ўша воқеалар эсидан чиқиб кетган бўлса, уни қайта гапириб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Чунки маълум вақтдан кейин одамнинг ёдидан кўтарилиб кетадиган ҳодисалар қизиқарли, кулгили бўлмайди.

Биз денгизга томон юрдик. Сохилдаги бульвар бекорчи кампирлар, болалар аравачаси етаклаган аёллар билан гавжум эди.

Асмар шу маҳал айнан менинг хаёлимдан кечиб турган нарса хусусида сўради.

– Сен ҳалиям уйланганинг йўқми?

Мен кулиб елка қисдим. Оилавий шароит, моддий қийинчиликлар – укамнинг Москвада ўқиши, синглим ҳали ўқувчи экани ҳақида гапириб ўтиргим келмади.

Қолаверса, булар уйланмаслигимнинг бош сабаблари ҳам эмас-да.

– Нима, бир умр бўйдоқ ўтмоқчимисан?

Эҳтимол, у ҳақдир. Аммо мен чароғон май кунларининг бирида кўп қаватли уйнинг олдида турган ҳаворанг «Москвич», унинг орқа ўриндиғида у-бу тўлдирилган бозор халтаси, машина ёнида эса кўринишидан бахтиёрлиги билиниб турган соғлом, бақувват йигит, унинг гўзал, озода, ёшгина хотинию чиройли кийинган болалари тўғрисида гапириб бергим келди. Улар шаҳар четига чиқиш учун ҳозирлик кўришаётган эди. Ўшанда мен бундай нарсаларнинг ортиқча жойи йўғлигини илк бор ҳис қилганман ва кўнглимнинг аллақасерида шунга мойиллик, ҳавас уйғонганини сезганман.

– Москва билан Боқунинг фарқи нимада, биласанми? – деб фикримни бўлди Асмар. – Боқу худди охириги бекат каби денгизга тақалган, у денгизда тугайди. Сув юзида унинг акси жилва қилиб туради. Москва эса тугамайди, охири йўқ, давом этаверади, давом этаверади. Шаҳар атрофига чиқиб кетсанг кетасан-ку, бироқ тўхтаб қолмайсан...

– Балки сен ҳақдирсан... Москва тез-тез менинг тушимга кириб туради. Ярим кечаси уйғониб кетаману ҳамма нарсадан воз кечиб, ҳозир, шу дақиқада зудлик билан қочиб кетгим келади, худди сен каби.

– Умуман, одам ҳамма жойдан қаергадир – бошқа бир жойга қочиб кетишни истайди.

– Ажойиб фалсафий фикр. Тераан ва тиник.

– Кўйсанг-чи. Нима, масхара қиляпсанми, хафа бўлишим мумкин-а... Сенинг биронта... Ниманг борми? – деб сўраб қолди қутилмаганда. – Ҳалиги, ўзинг биласан-ку...

– Йўқ, – дедим мен. Аслида «ҳа» демокчи эдим. Жуда бемаъни гап чикди, мен тузатишга ҳаракат қилдим.

– Гохида «ҳа» дейиш лозим бўлган жойда «йўк» дейман.

– Шунақа бўлиб туради, – деди у бамайлихотир. – Мен эса умримда бир марта «йўк» дейиш керак бўлганда «хўп» деганман... Бу мутлақо бошқа нарса хусусида...

Биз Қалъа томон йўналдик.

– Ичкари шаҳарни бузяпти. Эски уйлар текисланяпти.

– Нималар деяпсан?! – унинг кўзларида дахшат учкунлари ўйнаб кетди. – Бу ахир тарих-ку, ҳаёт, умр-ку! Биласанми, Қалъа – бу меъморчиликнинг дурдонаси-ку! Ичкари шаҳар асрлар давомида қурилган-а!

– Азизим, мен ҳар ҳолда меъморман. Аммо одамлар бугунги кунда бу ҳолда яшаши мумкин эмас. Лойшувок уйлар, эгри-бугри тор кўчалар, санитария қоидаларига тўғри келмайдиган шароит...

– Тушунаман, тушунаман. Шундай экан, одамларни кўчирсин, майли.

– Уйлар бузилмасинми? Ажойиб фикр! Шаҳарнинг қоқ марказида улкан ўлик майдон – ёдгорлик, бошқача айтганда, болалик ҳақида сентиментал хотира. Шундайми?

– Тўхта, Октой. Мен бу жин кўчани биламан. Хув анави ерда бизнинг уйимиз бўларди.

– Энди у йўк, бузиб ташланган.

– Қанақасига? Раҳматли онамга янги уйдан квартира беришмоқчи бўлганларини эшитгандим, аммо ҳовлимизни сақлаб қолишса керак, деб ўйловдим.

– Мана бу йўлни яхшироқ билсанг керак, сизларнинг ҳовлингиз унинг ёнида эди, – дедим.

– Албатта-да, бу ерда Месме хола яшарди. Наврўзда у шакарбура пиширарди, хиди шундай анкиб ке-

тардики, ухлаб ҳам бўлмасди. Туни билан пиширарди, эрталабгача сабримиз чидамай шакарбура сўраб чиқардик, бўлмаса тонгда ўзи беришини билардик. Бу унинг биз болаларга ҳайитлиги эди-да.

У бақириб гапирарди, чунки бизнинг овозимизни уч қаватли мустаҳкам уйни бузаётган бульдозернинг шовқини босиб кетарди. Вагон йўлдаги каби тор кўчалар, вагоннинг юқори қаватлари сингари бир-бирига болохонаси туташиб кетган пастак-пастак уйлар ўрни вайрона бўлиб, тош, ғишт, ҳар хил қақур-кукур уюлиб ётарди, ўртадаги бульдозер бор кучи билан эски деворларни у ёқдан-бу ёққа суларди. Мен нима учундир унинг рақамидан кўз узолмасдим: ГТ–44.

– Биласанми, биз Ичкари шаҳарда катта бир кўрғонда умргузаронлик қилардик. Ҳамма бир-бирини яхши танир, билар эди. Кимнингдир бошига ташвиш, қора кун тушса – ҳамма баравар қайғурарди. Бирорта болага қизамиқ чиқдими – тамом, жамики болалар бирин-кетин қизамиқ билан оғриб чиқарди. Ҳамма нарса умумий эди: жанжаллар, иғволар, тўй-ҳашамлару дафн маросимларигача.

Буларни мен билмайманми, ахир мен ҳам Ичкари шаҳарда, Қалъада катта бўлганман-ку. Қалъа... Аслида ҳозирги тош шаҳарларни ҳақиқий қалъа, тўғрироғи, ихтиёрий маҳбусхона деса бўлади. Ҳамма ўз хонадонига яширингандек кириб олади, эшигида икки-учтадан кулф, кўшниси билан баъзан, бирон тикилинч иш юзасидангина қисқача савол-жавоб қилади, холос. Ҳамсояларча яқинлик қаёқда дейсиз.

– Антика кутичалар каби уйлар куриб ташляямиз-да...

– Ортикча ҳаяжонга берилма, – дедим мен. – Ўзинг обдан чуқур ўйлаб кўр. Одамлар ҳамма шарт-шароити

яратилган уйларда яшашга ҳақли. Шу боис улар кўчириляпти. Тарихий қимматга эга бўлган бинолар саклаб қолиниши табиий, албатта.

– Тарихий қимматга эга бўлган бино! Мен учун у ўзим туғилиб ўсган уй!

– Бироқ сен уни ташлаб кетдинг-ку! – Ноўрин гапириб қўйганимни сездим, бу – ман қилинган зарбани туширгандай гап эди.

У ҳеч нарса демади. Бир вақтлар уларнинг уйи бўлган, деворига эски гилам осилган деразасиз хона, каравоти қўйилган жой томон бирров юрди-да, кейин менинг ёнимга қайтиб келди.

– Кетдик.

Мен унинг кўзларига разм солдим. Наҳотки, у бундан икки соатча илгари Қуёшли қирғоқ гўшаларини оғиз кўпиртириб мақтаган, йоғлар услубини қўллаганидан мамнун бўлиб гапирган Асмар бўлса...

Унинг хаёлини чалғитмоқ ниятида Ичкари шаҳарни таъмирлаш лойихаси ҳақида сўзлаб бердим. Асмар эса икки йил олдин Англияда яшагани, у ерда осмон жудаям яқинлиги, гўё қўл билан ушласа мумкин даражада экани хусусида ҳикоя қилди.

Қалъа оралаб кетдик. Яна эски деворларда қолиб кетган кўчанинг номи битилган тунука парчаларига, қайсидир тиш дўхтири насл-насаби осилган ёзувга, «Одам амфибия» фильмининг суратга олиншидан қолган «Камол» сигаретининг рекламасига кўзим тушди. Буларнинг ҳаммаси такрорланмаслиги билан Ичкари шаҳарнинг мангу тошлари қаторидан ўрин олгандай эди.

Қалъада бизнинг ҳовлимиз ўрнидан чикдик.

...Ўша кеча – синфдошларим бизникига келган 29 апрель куни мен Асмарни кузатиб қўйгандим. Биз бошқа болалардан сал орқада кетаётган эдик. Худди

мана шу ерга келганда бирданига Асмар қокилиб кетди-ю, туфлисининг пошнаси синиб қолди. Мен шоша-пиша машина тутдим. Ўшанда биз биринчи марта таксига чикқан эдик.

Хайрлашар чоғимизда у кутилмаганда мендан сўради:

– Менга айтадиган ҳеч қанақа гапинг йўкми?

Назаримда, бизнинг ҳозирги ҳолатимиз ҳам ўша лаҳзага ўхшаб кетарди. Ҳозир ҳам Асмарга бирон таъинли гап топиб айтолмасдим.

– Эсингдами, мени кузатгани чикқанингда мана шу ерда менинг пошнам синиб қолган эди? – деди у бирдан. Кейин кўшиб кўйди: – Ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди...

Негадир ўтган гапларни эслагим келмади.

– Очкамадингми?

– Йўк, хали эрта-ку. Соат бешларда овқатланармиз.

– Хўш, соат икки ярим. Демак, яна икки ярим соат вақтимиз бор.

– Ортиқча сертавозелик қилмаяпсанми?

– Ҳар бир сўзга эътибор бераверма. Истасанг киного борамиз.

Мен жуда яхши кўрадиган «Кинохроника»нинг бошланишига базўр етиб бордик. «Япония урушлар даврида» деган хужжатли фильм кетаётган экан. Учишдан олдин ўлимга маҳкум этилган учувчилар – камикадзелар ҳақида ноёб тасвирлар намоён қилинарди.

– Камикадзе! Ғалати эшитилади-а, тўғрими? Уларнинг башараларига қара! – деб шивирлади Асмар. – Дахшат! Қизик, камикадзелар осмонда нимани ўйлашар экан? Борди-ю улар фикридан қайтиб қолишса-чи?

Унинг саволига фильм диктори жавоб берди:

– Уларни ер билан боғловчи энди хеч нарса йўқ. Ерга қайтиш учун бакларга ёқилғи қуйилмаган.

Асмарнинг бармоқлари титраётганини, ўнг чаккасидаги сочлари, кейин калласи асабий силкинаётганини сездим, сўнгра унинг сочларидан, бўйни, елкаларидан, кўкракларидан ажиб, нафис бўй таралди. Менинг юрагимда болаларча бир туйғу жўш урди – уни ўпиб олмокчи бўлдим, аммо ўзимни тийдим. Чирок ёнди. Фильм тугади.

– Бундай даҳшат ва кўркувдан кейин яхшилаб овқатланиш керак, – деди у бепарво, ҳатто бир қадар хурсандлик билан. – Қаердадир ажойиб кабобхона очилган, деб эшитувдим.

Хўрандалар билан тирбанд кабобхонада гўзаллик тимсоли – аёллардан ягона вакила Асмар эди. Унинг паришонлиги бирдан ҳамманинг диққатини жалб қилди. Аксарияти отиб олган эркаклар, очикдан очик бизга бакрайишарди. Ҳар хил кулгилар, шивир-шивирлар, пичир-пичирлар, киноялар, маънодор йўталлар... Мен уни бу ерга бошлаб келганимдан ич-ичимдан афсус чекдим. Бизнинг ҳолатимизни сезган буфетчи дархол келиб деразанинг олдига – бир чеккага жой қилиб берди. Мен денгизга орка ўгириб, Асмар эса одамларга тескари – денгиз томонга қараб ўтирди. Менинг елкаларим оша қорайиб бораётган уфқ томонда Нарген ороли кўришиб турар эди.

– Нима ичамиз?

– Шампан, – деди у. – Биладан, кабоб билан шампан ичиш ўтакетган маданиятсизлик... кулгили. Аммо менга шуниси маъқул. Эсингдами, сизларникига борган кечамиз...

Ҳа, эсимда, ҳаммаси эсимда, ўша оқшом у биринчи марта шампан ичган эди. Очигини айтганда, унинг

синтиментал хотиралари мени ларзага сола бошлади. Ҳаётнинг шафқатсиз мантиғига кўра мутлақо қайтармаслик учун унутиб юбориладиган нарсаларни бошқатдан эслаш, жонлантириш кераксиз, ўтмишни хотирламоқ учун бу ерга келиш – буларнинг ҳаммасидан мурод нима? На асос, на мантиқ бор. Юрагимнинг аллақарини мушук тимдалаетгандай бўлди, мен қовоғимдан қор ёққанича рўпарамизга – дераза ортидаги йўлак четига худди михлар қоқилгандай саф тортиб турган калин дарахтчаларга термиламан.

– Кулгили бир воқеа эсимга тушди. Бир муҳим сайрда Жамол шампан виноси очди. Қанақадир элчига хушомад қилмоқ ниятида унинг боқалига қуяётган эди, май тошиб кетди... Мен юрагимни ҳовучлаб қолдим, Жамолнинг ранги оқариб кетди. Хайриятки, ҳаммаси яхшилик билан тугади. Элчи жуда ҳазилкаш одам экан. – У шампандан бир қултум ютди-да, лутф қилди: – Сенинг соғлиғинг учун, кўрганимдан хурсандман.

– Шошма, шошма. Биринчи қадах сен учун. Сен келдинг – шунинг ўзи зўр гап.

Биринчи қадахдан кейин сездимки, бутун шампандан кўра ўткирроқ нимадир ичишим лозим.

– Агар қаршилик кўрсатмасанг, ўзимга ароқ буюраман.

Бир қадах ароқни шартта ичиб юбордим-да, ҳар хил нарсалар, турли анжомлар айқаш-уйқаш бўлиб кетганини сездим... Майда нарсалар ҳақида чуқур фалсафа юритиш учун ичишим шартми. Мен поездсиз, самолётсиз, пулсиз ва паттасиз Москвада юрибман-ку. Дорогомиловск соҳилларида настарин гуллаб ётипти, атрофида дўстлар, ҳаммаёқни гўзаллик қуршаб олган: кечки радиодан жўр овозда «Кучэлэрэ су сэпмишэм» деган қадимий халқ кўшиғи таралади. Москва майи,

мардона дўстлик, қизларнинг муздай бармоқлари. Грузия, Благовешченок ибодатхонасининг салобатли кўнғироғи. Прожекторлар билан ёритилган денгиз, эрта баҳордаги ям-яшил дала, Загульбеннинг ой ёритган туни. Ахсуин довонининг ортидаги ёмғир, Таллин қиши, Хемингуэй ёзганидек Монсури паркидаги (бу Парижда, ўзим у ерга ҳеч қачон бормаганман) катта, аммо оҳиста юрувчи отлар, Ичкари шаҳарнинг бульдозер мутлако ярашмайдиган мангу тошлари...

Бир куни дўстим билан Ичкари шаҳарга келиб, эски ҳаммомни бульдозер бузаётганини кўрдик. Кимнингдир эътиборсизлиги туфайли бу ерга «меъморчилик ёдгорлиги, қонун билан ҳимоя қилинади» деган ёзув ёпиштирилмай қолиб кетган, ёвуз бульдозерчи эса шўх-шодон куйлаганча темир тўнғизида ҳимоясиз мунғайиб турган бино томон бостириб борар эди. Биз бакириб уни тўхтатмоқчи бўлдик, бироқ у ҳеч қимга, ҳеч нарсага эътибор бермади: «Менга буюришган, мен бажараман, холос». Шеригим керакли жойга кўнғироқ қилиш учун югуриб кетди. Мен эса бульдозернинг занжирли оёғига чиқиб олдим-да, «Қани, мени жойимдан қимирлатиб кўр-чи», дедим. Хуллас, ҳаммомни сақлаб қолдик.

– Кел, ичамиз, биласанми нима учун? Мана сен Москвадан келдинг. Жамол икковинг дунёнинг ярмини кезиб чиққансизлар. Лекин энг яхши саёҳат – ширанинг оғзидан унинг тубигача тушиб боришдир. Мен ана шунақа саёҳат учун ичишни таклиф қиламан.

Қайғули сўзлар оқими мени ўзи билан олиб кетди. Мен тинмай гапираман, гапираман, гапираман, у эса мени сираям тушунмайди, чунки ҳеч қим бошқа бировни тўла, ўзичалик тушунмайди, ҳеч қачон. Ҳар бир одамнинг мақсади унинг ўзидаги ёнмас қутига

мустаҳкам бекитилган. Бу қутини ҳеч ким очолмайди, чунки бир-бирига ўхшайдиган – гарчи ўхшаш очкичлар бўлса-да – иккита калит йўқ... Нималар деяпман ўзи?! Бирдан сезиб қолдимки, у менинг гапларимни эшитмаяпти, қаёқларгадир қараб ўтирипти.

– Қаёққа қараяпсан? – деб сўрадим кескин.

– Ҳув ана у ерда ойна бор экан. Бориб қараб кўрмоқчиман, кани, ростданам ёнмайдиган қутига ўхшайманми-йўқми...

Денгизга бордик. Кемага иккита патта олдим. Денгиз шамоли унинг сочларини тўзғитар, нозиклик билан, бутун маҳоратини ишга солиб турмаклаган «причёска» сини бузиб кетгудек бўларди. У икки қўли билан рўмолини ўрашга, тўзғиган кокилларини тартибга солишга ҳаракат қиларди. Мен унинг елкасидан кучоқлаб олдим. Кема шаҳардан узоклашиб кетаверди, кетаверди, турли чароғон чироқлар билан ёритилган денгиз ичкарисига кириб бораверди. Телевизион миноранинг темирлари кўздан ғойиб бўлди, унинг кизил чироқлари тунги осмондаги тугмачалардек қизариб турарди.

Асмар рўмоли билан юзини бекитиб олди, фақат пешанаси ва кўзлари кўринарди, улар жудаям чиройли эди. Мен рўмолининг қолган қисми билан унинг пешонасини ҳам, кўзларини ҳам бекитдим. Энди бурни, лабларию дудоғи кўринарди, холос. Улар ҳам гўзал эди.

Кема узок чинқирди-да, орқага қайта бошлади. Мен унинг муздай қўлларини силадим.

– Бешта бармоғинг бор экан-а, азизам.

– Нахотки, олти бармоқ эмасканманми? – деди у рўмол орасидан.

Рўмолни унинг юзидан юлиб олдим. Сўнгра лабларидан узок, жуда узок ўпдим. У рўмолини менинг бўйнимга солди-да, каттиқ тортиб боғлади. Мен унинг

чеҳраси бутун шакли-шамойилини, ўзгаришларигача сезиб-кўриб турдим, кейин эса унинг шивирлаганини эшитдим:

– Ана кўрдингми, мен сени боғлаб олдим...

Аэропортга йўл олдик. Менинг фикрларим машина гилдираги каби битта жумла атрофида айланар, ундан нарига ўтолмасди: «Балиқчилик қишлоқлари бутун соҳил бўйлаб ёйилган». Қаждан келди бу гап, нима мазмун бишдиради, нега менинг хаёлимдан кетмай қолди, нима учун кўнглимни ғаш қилиб қалбимни тирнайди?

Асмар жуда кўп мамлакатларда учратгани муҳожирлар ҳақида, уларнинг кўзларида соғинч туйғулари яширингани, ҳатто энг омади юришганларида ҳам бу туйғу зоҳирлиги хусусида гапириб берди. Шунда ўйланиб қолдим: мен, у, ҳаммамиз катталар мамлакатига болалар юртидан муҳожир эмасми? Бир умр қайтиб бориш ҳуқуқидан маҳрум ватангадолар.

– Демак, биргина Астраҳанда тўхтайтиди, холос. Эрталаб Москвада бўламан! Сенинг туғилган кунингга қололмаганимдан жуда хафаман. Алам қияпти... Биз кетгунимизча Москвага бор, хўпми. Биз Жамол билан сени кўришдан хурсанд бўламиз.

Яна «Биз Жамол билан!»

– Жамол шундай ажойиб ишлар қила олишини мен билмаган эканман: дипломатик суҳбатлару сайрларда шампан виноси очиш – ҳаммага ҳам насиб этаверади-ган шараф эмас.

– Кўп тажанг бўлаверма, – деди Асмар. – У...

– Биладан, у ҳамма ишга уста. Янглишмасам, болалигида этикдўзлик қилган-а?

– Аҳмоқ экансан, – деди ранги оқариб. – Ҳа, болалигида этикдўз бўлган, каттагина оиласини бокқан, ўзи эса ўқиган. Бунинг нимаси айб?

Мен уялиб кетдим. Самолёт учишига ярим соат қолди, мен бу вақтнинг тезроқ ўтишини хоҳлардим. Диктор самолётга чиқишни эълон қилганда мен енгил нафас олдим.

– Ҳаммаси яхши бўлади.

Бу ундан эшитганим охирги сўз эди. Самолёт зина-поясининг юқорисига чиқди-да, орқасига ўгирилиб менга кўл силкиди. Сўнгра кўздан ғойиб бўлди. Бир неча дақиқадан кейин эса қоп-қора осмонда учта нуқтага айланди, уларнинг иккитаси қизил, биттаси яшил эди.

Йигирма дақиқадан сўнг ўттизинчи апрель кирди, мен бир ёшга улғайдим. Тунги шаҳар кўйнига кириб бормоқдаман, унинг рекламалари, дўкон пештахталари кўзимга совуқ кўринар эди. Аммо қанақадир оғир юкдан қутулгандаги сингари енгил кайфият, тиник бўлмаган кувонч вужудимни қамраб олганди. Мен ўз ишим ҳақида ўйлаб кетдим: эртага, йўқ, бугун эрталаб иш столига ўтираман, катта оқ қоғозга эгиламан. Тушнинг хиди димоғимга урилади, учи ўткир очилган қаламлар кўзимни кувонтиради. Умуман, дунёда ишнинг, фаолиятнинг борлиги нақадар катта бахт, булардан маҳрум одам – энг бахтсиз кишидир.

Рўпарамда улкан шаҳар – менинг фаолиятим, ташвиш ва кувончларим порлаб кўринади.

Синглимнинг кўнғирокдай овози уйғотиб юборди.

– Табриклайман, табриклайман! Катта бўлгин. Ақлли бўлгин, яхши, одобли бўлгин! Ёлғиз синглингни хафа қилмагин! – У ёстиғимга энгашиб юзимдан ўпди. – Сенга телеграмма. Биласанми каердан, Астрахандан! Қандайдир грузиндан.

Унинг кўлидан телеграммани олдим. Иккита сўз битилган: «Табриклайман, ўпаман». Имзо: «Камикадзе».

Григол АБАШИДЗЕ,
грузин драматурги

ЗИЛЗИЛА

Икки қисмли пьеса

И Ш Т И Р О К Э Т У В Ч И Л А Р

Г у р а м – ёзувчи

Т и т е – режиссёр

В а х т а н г – актёр ва альпинист

Э к а – ёш актриса

П а в л е – уруш қатнашчиси

Н и н а – унинг келини

Р е н а – Нинанинг ўғли

Д а в а р – Вахтангнинг ўғай синглиси

С с и л ь – Даварнинг онаси

Б е с и к

– ёш актёрлар

Р а т и

Л е в а н – театр рассоми

З е в в а – альпинист

Воқеа 1980-йилларда Тбилисида кечади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Воқеа янги кўп қаватли уйга олиб чиқувчи кенг тош зинада алмашиб туради. Вақт алламаҳал, уй зулмат қўйнида, фақат икки-учтагина ойнадан хира чирок кўриниб туради. Кутилмаганда ер қаттиқ силкинади, бино чайқалиб кетади. Бирин-кетин хоналарда чирок ёнади. Зилзиладан чўчиб уйғонган одамлар бирин-кетин кўчага отилиб чиқадилар. Улар чала кийинган: биров пижамада, бошқаси ички кийимда, яна бошқаси устки кийимини шунчаки слкасига ташлаб олган. Улардан фақат учтаси росмана кийимда. Улар – Гурам исмли ёзувчи, Тите деган театр режиссёри ва Давар исмли ёшгина қиз.

Т и т е . Роса силкиди-ку! Зилзила! Чинакам зилзила!

Г у р а м . Зилзилалиги кўриниб турибди... Чайқали-
шини...

Т и т е . Яна шунақа сидкинсами... Ҳар бало бўли-
ши мумкин.

Г у р а м . Худо сақласин!.. Дарвоқе, ҳамма уйғон-
дими, ҳамма чиқиб улгурдимикан? Билишимча, бу би-
ринчи имконият. Борди-ю, кимдир ҳали ухлаб ётган
бўлса, уйқусида ҳеч нимани сезмай қолса борми, бун-
дан даҳшатлиси йўқ-да. Бир кўриб чиқиш керакмиди.

Зинадан кўлтиқтаёққа суяниб Павле, орқасидан келини
Нина ва унинг ўғли Рена тушади. Ренанинг бир кўлида
транзистор, иккинчисида канарейка солинган кафас.

Р е н а (*у жуда ҳаяжонда, шошилиб-тутилиб,
балки дудуқланиб гапиради. Ҳар ҳолда унинг нутқи
очиқдан очиқ бузилган, руҳий тетикмаслиги билинар,
одатдаги одамларнинг гапиришидан мутлақо фарқ
қиларди*). Кўрдингизми, ойи! Мен сизга неча марта
айтганман: мен ҳар тунда ана шунақа ухлайман. Ҳм,
ана, ана шунақа... Кейин деразани очиб юбораман-да,
учиб кетаман. Чунки менинг елкамда қанотим бор...
Мен уларни ёзиб, қанот қоқаман-да, баланд-баланд-
ларга, худди осмоннинг ўзига учиб кетаман. Сиз бўл-
сангиз, мени касал деб, сўзларимга ишонмайсиз. Энди
ишондингизми? Ишонасизми? Ўзингиз кўрдингиз-ку,
қандиллар қанақа бориб-келди... Ўзингиз кўрдингиз
шкафларнинг қанақа чайқалганини, кўрпаларнинг ерга
учиб тушганини... Шунақа!

Н и н а . Тинчлан, ўғлим! Кўрқма, ўғлим! Ҳеч қанақа
ваҳимали жойи йўқ, одатдаги ер кимирлаш, холос.

Г у р а м (*Ренага яқин келиб*). Биродар, айтгин-чи,
Вахтанг ҳақида Помирдан ҳеч қандай янгилик йўқми?

Р е н а . Мен Душанбани тутдим. Бир соат олдин. Улар айтадики... Икки кундан буён альпинистлар билан алоқа йўк, дейди. Уларни вертолёт билан кидиришяпти. Лекин тоғда бўрон бўлиб, ҳамма изларни кўмиб ташлабди...

Д а в а р . Э худо! Вахтанг! Наҳотки у ҳалок бўлса? Йўк, йўк...

Г у р а м . Қайтади. У тирик, ҳеч қандай жароҳатсиз қайтади.

Д а в а р . Э худо! Вахтанг! Мутлако аклимни йўқотиб кўйдим! Йўк, йўк... Ойи! Ойим каерда?

Н и н а . Нима, у уйда йўкмиди?

Д а в а р . Билмайман. Ахир, менинг ўзим уйда эмасдим-да. Мен Гурам амакиникида инглиз тилини ўрганаётган эдим.

Н и н а . Кечаси-я? Қанақа дарс? Қанақа инглиз тили? Ярим тунда-я!

Д а в а р . Аввал биз машқ қилдик. Кейин Тите амаки келди, сўнгра Гурам амаки иккови пьеса устида ишлай бошладилар. Улар шундай кизиқарли суҳбатлашардики, мен сира ҳам чиқиб кетолмадим...

Т и т е . Охири бурчакдаги диванда ўтирганча ухлаб қолди. Эҳтимол, бизнинг суҳбатимиз охири ҳаддан ташқари профессионаллашиб кетгандир.

П а в л е . Ана сенинг ойинг!

Уйдан Сесиль ва Леван югуриб чиқади. Сесиль ички кийимда, елкасига эркакларнинг пиджагини, Леваннинг пиджагини бўлса керак, ташлаб олган. Унинг кўлида ўзининг тугалланмаган портрети. Леван эса пижамада.

С е с и л ь . Ҳаммаларингиз вақтида қочиб улгуриб-сизлар. Биз бўлсак ҳалок бўлишимизга сал қолди. Чордоқда ўтирган эдим-да. Бу ҳолатда вайронанинг ости-

да қолиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Яхшиямки, ер бошқа қимирламади.

Павле. Нимага чордоқдан тушасиз? Қанақа чордоқ ўзи? Сизлар учинчи қаватда яшайсизлар-ку.

Сесиль (*бақириб*). Ҳа, мен учинчи қаватда яшайман. Хўш, нима бўпти?

Павле. Нимага энди ярим кечаси чордоққа чикиб олдингиз?

Сесиль. Вой-вуй, мунча ҳамма нарсага қизиқаверасиз! Эҳ-ҳа, эсим курсин, сал бўлмаса хаёлимдан кўтарилай дебди, сиз ҳамма нарсани билишингиз керак-ку! Марҳамат эшитинг! Чордоқда, ўзингиз яхши биласизки, театримизнинг бош рассоми – Леваннинг устахонаси бор. У менинг портретимни ишляяпти. Уялмасангиз қаранг. (*Тугалланмаган портретни кўрсатади.*)

Павле (*кўзойнагини тақиб, термилади. Ҳайрат билан*). Яланғочми?!

Сесиль. Ҳа, яланғоч ҳолда. Яланғоч ҳолдаги натурадан! Бу сизни қитиклайдимиз?

Павле хайрат ва ғижиниш билан елка қисади.

(*Ўша оҳангда давом этади.*)

Сиз бутун ер юзини кезиб чиққансиз, жуда билимдон одам ҳисобланасиз... Аслида эса хотин баданини яланғоч ҳолда кўрганда даҳшатга тушадиган оддийгина бандасиз, холос... Санъат эса унинг олдида таъзим қилади! Сиз билан бахслашиб ўтиришнинг нима ҳожа-ти бор, барибир – кечаги одамсиз, қандайдир анахронизм...

Павле (*портлаб кетади*). Мен – анахронизм?! Мен-а, ёшлигини, бутун ҳаётини одамларга, Ватанига бағишлаган одам энди анахронизм бўлдимиз?!

С е с и л ь . Қанақа ёшлик? У шахдам кадамлар билан илгарилаб кетди, сиз бўлсангиз унинг ортидан соядай эргашдингиз. Ўзингизни кўрсатишга тиришдингиз. Ўзингиздан ўзингиз ватанпарвар яшашга интилдингиз...

П а в л е . Бунинг нимаси кулгили экан, ҳайронман.

С е с и л ь . Ёрлик ва мева учун сиз ўзингизнинг ақлсиз неварангиз сиймосини назарда тутишингизни билганларга, айниқса, бу ойнадек равшан.

Н и н а . Муттаҳам! Ярамас! Касал боланинг устидан кулишга ким ҳуқуқ берди сизга?!

П а в л е . Уятсиз! Бировнинг кайғуси билан ўзининг ахлоқсизлигини бекитади-я.

Т и т е . Жим, жим, жим биродарлар! Хўп вақтини, жойини топибсизларда-а тортишишга! Бас қилинглар-э!

Г у р а м . Бемаъни нарсаларга талашиб ётгандан кўра Ренадан илтимос килайлик, транзисторини кўйсин. Сўнгги ахборот эшитамиз...

Т и т е . Сўнгги ахборот? Ярим кечада-я? Тбилисида? Янгилик-ку!

Г у р а м . Бўлса-чи? Махсус сони! Зилзила ҳам ҳар тунда бўлавермайди-ку! Рена, музика эшитаяпсанми? Нимага бунча секин?

Р е н а . Секин-да... Чунки менинг канарейкаларим... Улар ана шунақа секин музика эшитиб ухлайдилар.

Г у р а м . Ҳа-а. Тушунарли... Қарагин-а, улар аллақачоноқ ухлаб қолишипти... Қандай яхши! Рена, азизим, балки Тбилисини эшитиб кўрармиз-а? Балки сўнгги ахборот бериб колар?.. Қизиқ-да...

Р е н а . Қизиқ... Майли... Эшитиб кўрамиз... *(Транзистор қулогини бурайди)*.

Д и к т о р о в о з и . Дикқат! Дикқат! Тбилисидан гапирамиз! Грузин радиоси сўнгги ахборотининг фавкулудда сонини тингланг! Бугун эрталаб соат тўрт-

да Тбилисида зилзила бўлди. Зилзиланинг кучи – беш балл. Вайроналар бор. Қурбонлар йўқ. Ер силкиниши яна қайтарилиши мумкин, шунинг учун махсус руҳсат бўлмагунча хонадонларга кирмасликларингизни сўраймиз.

Г у р а м . Қурбонлар йўқ. Худога шукур!

П а в л е . Бизнинг уйимиз лекин анчагина тебранди.

С е с и л ь . Менинг эримга раҳмат денглар, бу уйни у ана шунақа мустаҳкам қилиб қуриб берган сизларга!

Т и т е . Нима бўлганда ҳам ҳақиқат – ҳақиқат: уйимиз мустаҳкам, хавфсиз. Зилзила нима бўпти, уни пушка билан отсанг ҳам йикитолмайсан. Сизнинг эрингиз ажойиб бинокор, Сесиль!

С е с и л ь . Бунинг кадрига ким етарди? Ўзи қурган уйдан ўзининг оиласига базўр уч хонали квартира тегди.

Н и н а . Жудаям етарли. Жудаям тўғри, адолатли иш. Уйни қурган инженер шу уйдан уч хонали квартира олибди. Нимаси ёмон?! Аслида бу уй Грузиянинг энг яхши актёрлари учун мўлжалланган! Сиз бўлсангиз бу уйдан лоақал бир хоналигини ҳам ололмасдингиз.

С е с и л ь . Ҳали шунақами?! Демак, мен ёмон актриса эканман-да? Айтинг-чи! Ким киму сиз шу гапни айтганингизга ўлайми! Сиз, сиз ўзингиз нимани қойил қилиб ўйнаб қўйгансиз? Патнис кўтариб кириб, овқат тайёр деб чиқиб кетади! Вой-вой-вой, жуда катта роль экан! Катта актриса! Талантдан бир мири йўғу, яна у томонга... Ҳаммаларингиз яхши, эримдан роса фойдаландинглар, энди бўлса... Агар у инсофли, диёнатли одам бўлмаганда ҳаммасига тупурарди, пул топишни кўзларди. Ана шунда кўрардинглар ойлаб на сув, на чирок бўларди, на лифт ишларди!

П а в л е . Тўғрини тўғри дейиш керак: бизга рост-данам омад кулиб бокди. Аммо сизнинг эрингиз, хурога шукур, вақтида этагини ёпиб олди, ўйлаб кўрди. Энди у пастак-пастак «товукхона»лар курмокда, пули ҳам товукнинг патидай беҳисоб!

С е с и л ь . Сизга ҳар куни нон бериб турса ҳам бировнинг чўнтагидан кўз узмайсиз! Шундайми? Шўрлик анахронизм!

П а в л е (*қўлтиқтаёғини ўқталади*). Борди-ю, яна бир марта бу сўзни ишлатсангиз, кейин мендан хафа бўлманг!

Т и т е (*уларнинг ўртасига тушади*). Яна бошладингларми? Жим, жим энди, уялмайсизларми!

С е с и л ь . Сиз билан кўшни бўлишимдан кўрkit-моқчимисиз?! Хўш, айтинг-чи ҳурматли зот, нега энди мен қандайдир чордоқда яшашим керак? Наҳотки мен уй шароитимда портретимни чизиш учун рассомни уйимга таклиф қилишга арзимасам? Аммо мен қаерга чақираман? Тўртта кап-катта одам бор-йўғи уч хонали уйда яшасак... (*Беҳаёларча қўлини силтайди*).

П а в л е . Тўрт кишига уч хона – нима, сизнингча бу камми? Бир пайтлар – ёшлигимда менинг оиламга икки хонали уй беришганда бошим осмонга етган, дунёда мендан бахтли одам йўқ эди. Унинг устига кишлоғимдан, умуман туманимиздан кимки Тбилисига келса, бизникида тўхтарди! Ҳаммага етарди жой!

С е с и л ь . Яна анахронизм! Бизнинг маънавий талабларимиз бўлакча ҳозир, тушунсангиз-чи! Ўтган замон ўтди, сизнинг қарашларингиз ҳам ўтди, энди одамлар ҳаммаси бир кўрпада ётишни истамайди. Биз бошқача яшашни хоҳлаймиз. Энди ҳамма билади – шоҳона квартира-ю, шахсий машина керак инсонга!

П а в л е . Bravo! Жамиятимиз тараққиётини ажойиб таҳлил қилдингиз!

С е с и л ь . Кўясизми-йўкми?! Бўлди-да энди! (*Гурамга қарайди ва гапириш оҳангини бирдан ўзгартиради.*) Ҳурматли Гурам, анчадан бери сиз билан бир гаплашмоқчи бўлиб юрибман. Менинг сизга ажойиб бир таклифим бор эди. Шаҳарнинг истаган туманидаги биронта яхшироқ уч хонали уйга кўчиб ўтсангиз нима қилади? Айтинг, қаердан хоҳлайсиз?

Г у р а м (*бирданига*). Нега энди?

С е с и л ь . Биз сизни хурсанд қилардик. Биласизми, биз сизнинг икки хонали уйингизни ўз квартирамизга қўшиб олардик... Ўйлаб кўринг, сиз ҳам шоҳона яшардингиз, биз ҳам эркинроқ нафас олардик.

Г у р а м . Шу икки хонали уйим ўзи жуда яхши менга.

С е с и л ь . Сизга яхши, лекин бошқаларни ҳам ҳеч ўйлайсизми? (*Гурам ҳайрон бўлиб елка қисади.*) Хўш, бу уйнинг нимаси яхши? Кутубхонангиз-чи? Ҳадемай қимирлашга жой тополмай қоласиз. Мен доимо у уйдан бу уйга кўчириб юргангизни кўрганман-ку!

Г у р а м . Китоблар ҳеч қачон менга халакит бермайди. Китоблар – менинг бойлигим.

Д а в а р . Уялмайсанми, ойи? Сен фақат ўзингни ўйлайсан! Агар Гурам бошқа жойга кўчиб кетса – даҳшат-ку! Кейин мен нима қиламан?

С е с и л ь . Қаранг-а, қандай кийин аҳволда эканмиз. Бошқа инглиз тили ўқитувчисининг уруғи куриб кетибди-да.

Д а в а р . Гурам – менинг фақат ўқитувчимгина эмас.

С е с и л ь . Янгилик! Жудаям оғир экан! Ақлимни йўкотиб қўйдим! Отанг тенги одам сенга яна ким бўлиши мумкин?!

Д а в а р . У мен учун ҳамма нарса. У энг олижаноб, энг қимматли одам. Хира мешчанлар муҳитидаги яғо-

на ёруғ нур у. Бу уйдан ҳеч қаерга кетмайди, билиб қўй, ойи. Биз ҳам бу ердан сира қимирламаймиз.

С е с и л ь . Мен ҳалиям ҳеч қаерга кўчиб кетмоқчимасман, лекин келажакни ўйлаш керак. Бугун эмас, эртага сенинг ўғай аканг биронта қизни уйга етаклаб келса, унда нима бўлади? Шунча вақтдан бери ўғай ўғил билан бир уйда яшаб келганим каммиди, энди унинг хотини билан ғиди-биди қилиб яшашим қолувдими?!

Д а в а р . Ахир, ҳали унинг хотини йўқ-ку!..

П а в л е . Шунинг учун Вахтанг Помирга кетиб қолган экан-да. Ана гап қаерда. Ростданам уни бу уйда нима ҳам кизиқтирарди. Отаси бутун умрини жазмани билан айшгу ишратда ўтказса, синглиси қўшнисси – муаллимникидан чиқмаса, онаси туни билан чордоқда машхур рассомнинг яланғоч хотин асарига объект бўлишдан бўшамаса... Шўрлик Вахтанг...

Д а в а р . Биз Вахтангни яхши кўраммиз, унинг тақдири ҳақида доимо ташвишдамиз. Буни унинг ўзи ҳам яхши билади.

С е с и л ь . Борди-ю, бирон киши унга қаттиқ теккан бўлса, кўнглига озор берган бўлса, ўша – сиз! Ана шундан безиб у боши оққан томонга кетиб қолаяпти!

П а в л е . Эсингиз жойидами ўзи? Нега? Нега бундай дейсиз? Нима учун, қандай қилиб мен унинг кўнглини ранжитаман?

С е с и л ь . Ўзингизни гўлликка солманг! Ҳаммасини ўзингиз жуда яхши биласиз!

П а в л е . Шуни биламанки, мен Вахтангни яхши кўраман, ўз неварамдай яхши кўраман! Бутун умр унга ғамхўрлик қилдим, у ҳам бир фарзанд каби бу яхшиликларни қайтарди...

Д а в а р . Баракалла! Худди ана шуни айтаятмизда. Шунинг учун ҳам сизга бўлган ҳурмат ва ишончини

йўқотди. Сизга бўлган ҳурмати, муҳаббатининг емирилиши унга оғир ботди, қаттиқ таъсир қилди. Бу унинг тезроқ бу ердан чиқиб кетишига сабаб бўлди...

Чирок ўчади.

Саҳнанинг Сесиль ва Давар турган қисми ёришади. Шу ёруғликка Ваҳтанг кириб келади. Унинг кўлида қандайдир журнал.

Ваҳтанг (*у жуда қаттиқ ҳаяжонда, газаб, балки нафрат билан гапирди*). Қайси гуноҳларим учун бу журнал менинг кўлимга тушиб қолди? Бу журнални ўқигунча кўзларим кўр бўлиб қолса бўлмасмиди!

Давар. Нима?! Нима бўлди? Нималар деяпсан, Ваҳтанг, азизим?!

Ваҳтанг. Мана... (*Журнални иргитади*.) Бу ерда ёзиб қўйипти.. Наҳотки шулар рост бўлса? Наҳотки бувамнинг отилишига Павле сабабкор бўлса?

Давар. Нималар деяпсан, Ваҳтанг, нималар деяпсан? Ёлғон! Қаердан олдинг бу гапни?!

Ваҳтанг. Мана бу ердан... Уларнинг ўртоғи бўлган бир кексанинг хотираларидан ўқидим. У Шалва бувам билан Павле ўртасида келишмовчилик пайдо бўлганини, улар қандай қилиб бошқа-бошқа группаларга ўтиб қолганини, кейин Павле ўзининг эски, кадрдон дўстини отишга жўнатганини ҳикоя қилиб берган. Шундай бўлиши мумкинми?! Наҳотки?

Сесиль. Мумкин, Ваҳтанг. Мен буни отангдан аллақачонок эшитганман, аммо сенга айтишдан ҳеч қандай фойда йўқ, деб яшириб юрардик. Сен учун Павле олижанобликнинг намунаси эди. Чинакам тарихий ҳақиқат сенга қанчалар қаттиқ таъсир қилишини биз яхши билардик.

Д а в а р . Балки хаммаси бўҳтондир, тухматдир? Эҳтимол, бу гапларни унинг душманлари ўйлаб чиқаргандир?

В а х т а н г . Шундай бўлишини мен шунақаям истардимки! Худди шунақа бўлиб чиқиши учун мен ҳамма нарсага тайёр эдим!..

Д а в а р . Мен ҳам, Вахтанг, мен ҳам! Борди-ю... Кел, шунга умид қиламиз... Яхшиси, хаммасини унутамиз...

В а х т а н г . Йўқ! Бунақа нарсани унутиш мумкин эмас! Биласанми, нима қиламан, мен бутун куч-қувватимни тўплаб, Павленинг ўзидан сўрайман. Ҳар қалай бор гапни рўйи рост, очик айтишга унинг қудрати етади, деб ишонаман.

Чирок ўчади.

Энда сахнанинг бошқа бурчаги ёришади. Скамейкада ўтирган Павле ўша журнални ўқимокда. Бир тутам нур остида Вахтанг кириб келади. Павле жиноят устида қўлга тушгандай саросимада қолади. У журнални каерга яширишни билмай гангиб қолади, охири очикдан очик уни бир чеккага ташлайди.

В а х т а н г (*журнални қўлига олиб бир неча дақиқа жим туради*). Павле амаки! Бу ерда ёзилган нарсалар ростми?

П а в л е (*зўрма-зўраки*). Рост.

В а х т а н г . Нега сен ўзинг менга бу ҳақда гапирмаган эдинг?

П а в л е . Эпполмадим... Кучим етмади... Шалва – сенинг буванг...

В а х т а н г . Сенинг эса ўртоғинг. Сен уни ўлдириб, қолган умрингни қилган жиноятингни оқлашга бағишладингни? Бизларга ўз фарзандингдай меҳрибонлик қилдинг. Шундайми?!

П а в л е . Қўлимдан келганча...

В а х т а н г . Ҳатто мана бу уйдан бизга квартира олишга ҳам ёрдамлашдинг.

П а в л е . Сизлар менинг ёнимда бўлишларингизни истадим... Сал енгил тортай дедим. Ахир қариб қолдим...

В а х т а н г . Ҳеч қандай ғамхўрлик, ҳеч канақа ёрдам билан бундай гуноҳни ювиб бўлмаслигини тушунмадингми?!

П а в л е . Тушунардим... Бироқ ҳар қалай ҳаракат қилдим...

В а х т а н г . Сизлар эмишган ака-ука бўлгансизлар-ку... Ахир, сен қандай қилиб болалиқдан бирга ўсган, бирга катта бўлган, ҳатто бир она кўкрагини эмган дўстингни ўлимга маҳкум этдинг? Бир умрлик кадрдонингни-я... Наҳотки уни асраб қолишга қудратинг етмаган бўлса?!

П а в л е . Давр шундай эди. Унинг конунлари, мақсади одамгарчилик туйғуларидан, дўстлик ҳисларидан устун эди.

В а х т а н г . Йўқ! Айбни замонга ағдариш осон. Аммо янглишган дўстни кечирриш, ҳаётини асраб қолиш мумкин эди-ку. Сен ҳам шундай қилсанг бўларди-ку.

П а в л е . Мен замон қоидаларига ишонардим, шунинг учун ҳам бошқача йўл тутишим мумкин эмас эди.

В а х т а н г . Нега бўлмаса биздан ажралиб-кетолмадинг? Ўз манфаатингни ўйлаб, бизнинг оиламиз билан яқинлашмай, биз учун шунча яхшиликлар қилмай кета олишинг мумкин эди-ку?

П а в л е . Мумкин... Йўқ, мумкин эмасди.

В а х т а н г . Сен мен учун инсонийликнинг олий намунаси эдинг, мана энди ҳаммаси барбод бўлди. Эҳтимол, сен бунақа ходисани синаб кўрмагандирсан,

эхтимол, ишонч ва садокатнинг бу қадар емирилишини кўтариш, ҳазм қилиш нақадар оғир эканини тушуниб етолмасан, тасаввур қилолмасан...

П а в л е . Ҳар қалай, бундай даҳшатли ўлимни тасаввур қила оламан.

В а х т а н г . Одамлар ичида мен учун энг яхшиси сен эдинг, мен ишонган ягона одам ҳам сен эдинг. Энди эса назаримда дунё бирданига бўм-бўш бўлиб қолгандай туюлмоқда.

П а в л е . Олдинроқ ўлиб кетсам яхши бўлар эди... Сен ҳеч нарсадан беҳабарлигингда ўлиб кетсайдим... Билганинга эса ишонмаслигингни билардим. Аммо сен, оғир бўлиб, сўзларимни тингла, тушунишга ҳаракат қил. Биладан, сен одил суд бўла олмайсан, чунки гап сенинг буванг ҳақида кетяпти ва бу сенга жуда оғир ботиши, юрагингни ларзага келтириши аниқ. Бу дард бизнинг ўтмишимиз, баъзилари машъум бўлган хатти-ҳаракатларимиз ҳақида одилна хулоса чиқаришга имкон ҳам, куч-қувват ҳам бермайди. Менинг бир нарсадан катта умидим бор: сенинг ўғилларинг, невараларинг бизнинг ўтмишимизни тўғри тушунадилар, одил баҳолайдилар... Мен унга қадар яшамайман, аммо уларнинг одиллигига қаттиқ ишонаман ва уларнинг суҳбатига менинг руҳим доимо тайёр бўлади.

В а х т а н г . Бироқ ҳозир сенинг судянг – менинг дардим, умидларимнинг ҳалокати, йўқолган ишончим, йўқ, биргина сенга эмас, умуман ҳаётга бўлган ишончимнинг барбод бўлиши, тугаши... (*Кетади*).

Яна чирок ўчади ва деярли бирдан бутун сахна ёришади. Сахнада Сесиль. У каравотда ётибди. Ўрнидан туриб кичкина кўзгуни олади, унга қараб сочларини тўғрилайди. Яна ётади, кўкракларини оҳиста қучади.

С е с и л ь . Вахтанг, шу ердამисан?

В а х т а н г (қўшни хонадан). Ҳа...

С е с и л ь . Нима қилаяпсан?

В а х т а н г . Китоб ўқияпман.

С е с и л ь . Барака топ, менинг олдимга бир келиб кет. Нимагадир ўзимни ёмон ҳис қилаяпман. (Вахтанг қўлида китобни кўтарганча шошилмай киради.) Менинг ёнимда ўтир Вахтанг.

В а х т а н г (Каравотнинг бир чеккасига омонатгина ўтиради). Сесиль, сенга нима қилди?

С е с и л ь . Нима қилди? Ростданам менга нима бўлди ўзи? Ҳа, аслида ваҳима қиладиган ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки, арзимаган нарсалар... Ёлғизлик... Яқинларимнинг эътибор ва ғамхўрлик қилмасликлари... Кунлар шириллаб ана шундай ўтяпти. Сен бўлсанг мутлақо бепарвосан, мен борманми-йўқманми, сенга барибир, кизиқтирмайди...

В а х т а н г (ҳайратда). Ие, нега энди...

С е с и л ь . Гўё мен бу дунёда йўқман. Аслида эса бир уйда яшаймиз. Ахир, мен сенга интилиб, бирон нарсага муҳтож эканлигимни айтишим мумкинми?.. Сен бўлсанг...

В а х т а н г . Сенга бирон нима керакми, Сесиль?

С е с и л ь . Ростданам менга нима етмайди?! Қорним тўқ, уст-бошим бут, яна нима керак одамзодга?! Сенинг отанг ана шундай хулоса чиқаради. Уфқдаги кип-кизил қуёш каби бир кўринади-ю, менга пулни бериб, яна уфқ ортига ғойиб бўлади. Эҳтимол, мен ундан йигирма беш ёш кичиклигимни, менга сув ва ҳаво, кийим-кечакдан бошқа нарсалар ҳам кераклигини, менинг талаб ва истакларимни у мутлақо унутган бўлса керак. Муҳаббат, эркалаш... Мен сенинг ўғай онангман Вахтанг, аммо унутмаки, мен бу борада ҳали ёшман,

сен билан тенгдошмиз. Бироқ менинг ёлғизлигим, бундан қанчалик изтироб чекишим сенинг хаёлинга келмайди. Олдимга кирмайсан, гаплашиб ўтирмайсан, эркаловчи сўзлар билан кўнглимни кўтармайсан... *(Эшик очилади. Остонада – Эка.)* Мана ҳозир... Мен ҳиссиётдаман, бутун вужудим титраб кетяпти... Яқинроқ кел, Вахтанг... *(Вахтанг унга яқинроқ сурилиб ўтиради.)* Менга кўлингни бер... Пешанамга кўй... *(Вахтанг унинг пешанасига кўлини қўяди, шунда хиёл энгашади, Сесиль уни қучоқлаб олади.)*

Вахтанг *(портлаб кетади)*. Сенга нима бўлди! Кўйвор мени... Эсинг жойидами?!

Сесиль. Наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Наҳотки сезмасанг? Менинг дардимни... тушун. Ахир бу муҳаббат-ку, Вахтанг!

Эка кичкириб юборади. Вахтанг Сесилнинг қучоғидан юлқиниб чиқиб, ўзини четга олади.

Вахтанг. Эка! Сенмисан?! *(Эка бир лаҳза қотиб қолади, сўнг юзини қўллари билан бекитиб чопиб чиқиб кетади. Вахтанг унинг орқасидан югуради.)* Эка! Эка! Тўхта! Шошма!

Чирок ўчади. Ёнганда Вахтанг Экага етиб олади.

Вахтанг. Эка, шошма! Гапимга кулоқ сол, Эка...

Эка. Истамайман! Ҳеч нарса эшитишни хоҳламайман! Алдамчи! Иккиюзламачи! Соткин!

Вахтанг. Йўк, йўк, йўк! Мен сира ҳам айбдормасман! Эшитсанг-чи, Эка!

Эка. Менинг отимни эсингдан чиқар! Ўртамизда ҳеч нарса йўк! Мен сени билишни ҳам истамайман. Ўгай онанг ёнига бор, уни эркала, тинчлангир, жонига оро кир...

Вахтанг. Ўзингни бос, Эка! Гапимни эшитсанг-чи, ахир! Бу бўлиши мумкин эмас!

Эка. Сени кўришга кўзим йўк! Йўкол! Истамайман!..

Чирок ўчади.

Саҳнанинг бир чети ёришади. Сесиль ва Эка.

Эка. Қандай килиб шундай бўлиши мумкин... Дахшат!

Сесиль. Ўртамизда ҳеч қачон ҳеч нарса бўлгани йўк.

Эка. Унга энг кийин дамларда у билан алоқани узиш. Ҳозир мен унга жуда ҳам керак эдим. Энг яқин, энг азиз одамнингни ўйламай-нетмай кўкрагидан итарсанг... Ҳа, мен, мен, фақат мен уни ҳалокатга итардим! Мен гуноҳқорман, мен!

Рена (*ёруғ тушиб турган жойга келади*). Йиғлама, Эка! Сен гуноҳқор эмассан, мутлақо!.. Айбдор мен... Бор гапни Вахтангга мен айтдим.

Чирок ўчади.

Яна саҳнанинг бир қисми ёришади. У ерда Вахтанг турибди. Шу ёруғ жойга қўлида канарейка солинган кафас кўтариб Рена киради.

Рена. Вахтанг... Сен ҳам ҳали ухламадингми? Мен ҳам ухламайман... Мен чарчадим... Биласанми Вахтанг, биз Эка билан шаҳар устидан учиб ўтдик.

Вахтанг. Эка билан?!

Рена. Учдик... Кучоклашиб... Бир-биримизни эркалаб...

Вахтанг. Эка билан, а?

Рена. Эка билан! Ҳар тунда... Ана кўрдингми, ҳаммаларинг ухлаб қоласизлар, биз эса осмонга учиб

кетамиз. Баланд-баландларга. Ердан туриб кўролмайсан. Биз бир-биримизни кучоклаб, эркалаб учамиз. Кейин ерга қайтамиз... У мени севади. Сен хафа бўлма...

Вахтанг. Мен хафа бўлмайман, Рена.

Рена. Ҳавасинг ҳам келмасин... На илож! У сени яхши кўрмайди...

Вахтанг. Нима қилиш керак, Рена, нима қилиш керак! У айбдор эмас!

Рена. Мен ҳам айбдор эмасман... У мени севади!

Вахтанг. Сен ҳам айбдор эмассан, Рена.

Рена. Шундай бўлса жаҳлинг чиқмасин... Биздан хафа бўлиб, жаҳлинг чиқмасин, Вахтанг!

Вахтанг. Нимага энди сизлардан жаҳлим чиқар экан, Рена?..

Рена. Шунақа... Бўпти, мен кетдим, Вахтанг...

Вахтанг. Хайр, Рена...

(Рена кетади.)

Эй, худо, нахотки жинни одамга ўзини бахтли ҳис қила олиш туйғуси берилган бўлса? Мен нима қилишим керак? Қаерга борай? Севгилимдан айрилдим, дўстларим йўқ... Худди ҳавоси сўриб олинган хонада тургандайман, ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ. Ҳеч бўлмаса съёмка ҳам вақтида бошлана қолсайди, тезроқ тугатиб, кета қолсанг! Бошинг оққан томонга кетсанг!

Чирок ўчади, шу заҳоти яна бутун сахна ёришади.

Тиге. Нимагадир ишим ҳеч юришмади. Қаноатланмадим. Съёмкани тўхтатдим ва бошқа кунга қолдирдим. Бу билан мен Вахтанг тақдири учун ўзимни айбдор деб ҳисоблайман.

Гурам. Нахотки, бу муҳаббат коллизиясига сенинг алоқанг бўлса?

Т и т е . Йўқ-йўқ, бу ерда муҳаббатнинг алоқаси йўқ, гап муҳаббатда эмас. Вахтанг Помирга июлнинг охирида – баланд чўққига чиқиш учун энг қулай пайтда кетмоқчи эди. У сафарга тамоман тайёр эди, аммо шу пайтда мен уни ўзимнинг янги фильмимдаги бош қаҳрамон ижросига таклиф қилдим. Ўзимча тасаввур қилиб кўрсам, у худди шу роль ижроси учун туғилгандай туюлди. Бинобарин, мен янглишмагандим, синов аъло даражада ўтди, у гуруҳ таркибига киритилди, шартнома тузилди... Биз энди съёмкага жўнаб кетмоқчи бўлиб турувдик, шу маҳал бирдан театрдан сенинг пьесангни кўйишни таклиф қилиб қолишди, Гурам. Қолганини ўзинг мендан яхшироқ биласан. Мен ишга киришиб кетдим, назаримда дунёдаги ҳамма нарсани унутгандай эдим, студиядан съёмкани уч ой орқага суришни илтимос қилдим, кейин вақт кўп бўлгани учун группа тарқалиб кетди.

Чирок ўчади. Бир чекка ёришади.
У ерда Вахтанг билан Зевза.

Зевза. Ахир сенинг съёмканг қачон бошланади?

Вахтанг. Эрта ё индин бир кунлик съёмкага чиқамиз.

Зевза. Шунча кунлар бекор кетди. Аллақачон Помирга етиб борган бўлардик...

Вахтанг. Ана, кўрдингми, бизнинг режиссёримиз келяпти. Эҳтимол, ҳозир айтади қачон бошлашимизни.

Зевза. Анигини сўрамайсанми ундан. Агар ҳали яна чўзиладиган бўлса, ҳаммасидан кечасан, Помирга йўл оламиз, ҳали вақт бор, чўққига чиқиш мумкин.

Вахтанг. Нима, ҳали кеч эмас дейсанми? Мен ишонмайман. Кўйсанг-чи! Мен ҳаммасини ёддан биламан.

Зевза чиқади, Тите кўринади. *(Бир оз тантана билан.)*

Салом бердик, хурматли уста!

Тите. Салом, Вахтанг! Мен сени қидираётган эдим. *(Ёнма-ён ўтиради.)* Биласанми, кутилмаганда оёқ остидан бир иш чиқиб қолди, ҳаммаси бирдан ўзгариб кетди. Энди фильмнинг ишини бироз тўхтатиб туришимга тўғри келяпти.

Вахтанг. Шунақами? Анчага чўзиладими?

Тите. Уч ойдан ошмаса керак. Гурамнинг пьесасини тезда кўяман. Иложи борича тезлаштираман, балки уч ойга ҳам чўзилмас. Кейин фильмни суратга олишни бошлайман. Биласанми, сен ҳам спектаклда иштирок этишингни мен жудаям хоҳлаяпман. Менингча, сенга мос ажойиб бир роль бор.

Вахтанг *(бироз паришонхотир)*. Арзирмикан? Кўзим етмайди... Яхшиси, фильмдаги ролимга тайёргарлик кўриб юраман. Ҳар қалай бош роль... Афсуски, режанг ўзгариб қолганини менга жуда кеч айтдинг. Мен Помирга олдинроқ кетган бўлардим. Альпинист дўстларим қачондан бери кутишяпти мени.

Тите. Лекин ҳали ҳам кеч эмас-ку.

Вахтанг. Йўқ, энди сал бўлса ҳам кечикдим. Баланд чўққига чиқиш учун энг қулай вақт ўтиб кетди, энди ҳаво айнийди... Майли, ҳечқиси йўқ, менинг дўстларим бақувват, чўққига чиқамиз. Ҳатто бу қизикарлироқ бўлади...

Тите. Ҳар ҳолда сен пьесани бир ўқиб чиқишингни истаяпман-да.

Вахтанг. Бажонидил.

Тите. Ма, ол. Ўқиб чиқ, кейин фикрингни айтарсан.

Чирок ўчади.

Яна сахна тўлалигича ёришади.

Д а в а р . У пьесани бир ўтиришдаёқ бошини кўтармай ўқиб чикди. Ўқиб чикди-ю, ҳаловатини йўқотди. Фақат шу ҳақда гапиради, нима тўғрисида гап кетмасин шу пьесага олиб келиб боғлайверади. Ҳаяжонланар, тўлқинланар, муаллиф билан баҳслашарди. Ниҳоят, ўзи Гурам билан гаплашишга қасд қилди.

Чирок ўчади.

Бир чекка ёришади. Гурам китоб ўқиб ўтирибди. Эшик кўнғироғи жиринглайди.

Гурам (*китобдан бош кўтармай*). Кириш! Эшик очик.

Вахтанг киради.

Вахтанг. Кечирасиз, халақит бермадимми?

Гурам. О, Вахтанг! Сизни кўрганимдан хурсандман! Ўтиринг...

Вахтанг. Сиз бўлсангиз ўқиганингиз ўқиган...

Гурам. Ўқийман, Вахтанг, нима ҳам қилай! Дунёда яхши китоблар шунчалик кўпки, уларни ўқиб чиқишга умринг етмайди! Инсон вафотидан кейин ҳам қанча-қанча яхши китоблар ёзилади, уларни лоақал кўриш насиб этмаслигини ўйласанг алам қилади.

Вахтанг. Ҳали “Илоҳий комедия”, “Дон Кихот”, “Фауст”, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” яратилмаган ўша қадимги даврларда одамлар қанчалар маънавий қашшоқ бўлган эканлар, а... Шекспир трагедиялари яратилгунча-чи... Аммо мен бутун сиз билан узок ўтмиш ҳақида ёхуд сирли келажак ҳақида суҳбатлашмоқчи эмасман. Мен сизнинг пьесангизни ўқиб чикдим.

Гурам. Хурсандман. Хўш, у ҳақда қандай фикрдасиз? Сизнинг мулоҳазаларингиз мен учун жуда қимматли.

Вахтанг. Яхши пьеса, аммо баҳсли жойлари анчагина.

Гурам. Албатта! Ўзим ҳам шунга ҳаракат қилганман. Менингча, одамларда турлича фикр уйғотган, уларни лоқайд қолдирмаган, олдинга силжишга ёрдам берган асарларгина ҳаётӣ бўлади...

Вахтанг. Нима ҳам қилардик, у ҳолда ҳеч нарса демайман. Мен айтган воқеаларни сиз бошқача ўйлагансиз... Сизнинг умуман ҳеч қанақа чўққи йўқ деган фикрингизга мутлақо қўшилолмайман.

Гурам. Аслида ҳаяжонланишга арзимайди. Сиз альпинизм билан қизиқишингизни яхши биламан, аммо сизга очигини айтай, мен пьесада мутлақо тоғ чўққиларини назарда тутганим йўқ.

Вахтанг. Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Сиз кескин ҳаётӣ жараёнларни назарда тутгансиз ва ихтиёрсиз равишда ўзингизни ўзингиз алдагансиз. Сизнингча, одам чўққига ундан тушиш учунгина чиқади. Сиз чўққини ўз кабинетингиз доирасидагина кўрасиз, чўққиларни машаққатлар билан забт этилгандаги ҳаяжон ва хурсандчилик нақадар улугвор, ширин эканлигини тасаввур ҳам қила олмасангиз керак.

Гурам. Аммо мен сира ҳам альпинистларни назарда тутганим йўқ. Пьесамдаги чўққилар кишилик жамияти ҳаётида содир бўладиган кўз илғамас довлар ва хавфли дамларнинг рамзи, холос. Уларни забт этиш одамлар учун ғоят машаққат, ҳатто қурбонлар талаб қилади. Бироқ маълум вақтлардан кейин улар мутлақо арзимас, ҳаттоки кераксиз бўлиб қолади. Ҳай, майли, рамзийликни бир чеккага кўяйлик-да, реал масала хусусида гаплашайлик. Сиз, тажрибали альпинистнинг фикрича, сизга қувонч келтирадиган кўплаб чўққиларни забт этиш бир қанча ажойиб йигитларнинг

ҳалок бўлишига арзийдими? Мана шу нарсалар уларнинг ҳаётини қурбон қилишга ярайдими? Энг яхши ҳолларда уларнинг ногирон бўлиб қолишига арзийдими?

Ва х т а н г. Ҳозир мен сизга буни тушунтириб беришга ожизман. Чунки бу синовлар, чўққини забт этишлар кишига қанчалик қувонч бахш этишини сиз билмайсиз, тасаввур ҳам қилолмайсиз. Мен ўша чўққилардан оламга қараганимда, ишонасизми, ўзимни қандай бахтли, кучли ҳис қиламан.

Г у р а м. Бундай туйғу ҳаммага ҳам насиб этавермайди... Эҳтимол, бундай туйғуни жамият ҳаётида иши бошидан ошиб ётган, мўъжизакор кучга эга бўлган одамлар ҳам ҳис қила олар. Улар озчиликни ташкил қиладилар... Аммо ўша туйғуни ҳис қиладиганлар чинакам қимматга эгамикан? Ҳарқалай, бу индивидуализмга яқин бир нарса... Бу бизнинг фалсафамизга тўғри келмайди...

Ва х т а н г. Илгари сиз бошқача фикр юритардингиз. Сиз шоир эдингиз, сизнинг шеърларингиз, ҳа сизнинг шеърларингиз менинг қалбимда чўққиларга интилиш туйғусини жўш урдирган эди...

Г у р а м. Эҳтимол, аммо... Энди мен шеър ёзмайман... Шундай юксак ҳақиқат бор: ҳаётда ҳеч нарса боқий эмас. Одамлар ҳам, уларнинг яшаш тарзи ҳам... Менинг пьесам – кекса одамнинг ўйлари, унинг умидсизланиши, сўнаётган умидлари. Аслида сиз уни ўқимасангиз яхшироқ бўларди. Айниқса, чўққига кўтарилиш олдидан. Ўз моҳиятига кўра бу жасорат, жасоратга тайёргарлик кўраётган одам шубҳа тўрига илинмаслиги керак...

Ва х т а н г. Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, балки шубҳа суяклари мени қийнаётгандир. Лекин мен уни енгаман, яна бир юксак чўққини эгаллайман, бундан фақат бит-

та мақсадим бор: ўзимни ўзим ишонтиришим, аввало, ўзимга ўзим исбот қилишим керак. Лекин сизга ўхшаган шубҳачиларга, ҳурматли Гурам, шуни айтаманки, фақат юксак чўққиларни эгаллашгина инсоният ҳаётини, кишилиқ тарихини безайди. Чўққиларни забт этиш қувончи дунёдаги ҳамма қувончлардан кўра устунроқ, юксакроқдир!

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ўша зина. Ўша одамлар. Бесик билан Нина пиллапоёда ўтирганча ниманидир ўқимокда.

Т и т е *(Бесикнинг берилиб ўқиётганини сезиб)*. Нима ўқияпсан, Бесик?

Б е с и к . “Зилзила”даги ўз ролимни-да.

Т и т е . Шунақами?! *(Ўғирилиб қарайди.)* Сен нима ўқияпсан, Нина?

Н и н а . Гурамнинг пьесасини. Ер қимирлаган пайтда у менинг кўлимда эди.

Т и т е . Тушунарли! *(Бир оз жим қолади.)* Менга қара, Гурам, менда ажойиб бир ғоя бор!

Г у р а м . Хўш? Яна нима?

Т и т е . Маълумки, ҳали бери уйимизга қайтиб киролмаймиз. Вактни ўтказиш керак, ундан кўра фойдали иш қилайлик... ҳам зерикмаймиз...

Г у р а м . Масалан?

Т и т е . Репетиция қиламиз. Асосий ижрочилар шу ерда, улар қачондан бери сени репетицияга таклиф қилиш орзусида эдилар. Менингча, сенга ҳам фойдали бўлади.

Г у р а м . Албатта-да! Қачондан бери сендан илтимос қиламан-ку шуни. Чала ишлар, нималар қилиш кераклиги, қаерини тузатиш лозимлиги репети-

ция жараёнида аниқ кўзга ташланади. Мен хурсанд бўлардим.

Т и т е . Ажойиб ғоя! (*Қарсак чалади.*) Жаноби актёрлар, яқинроқ келишларингизни илтимос қиламан! (*Артистлар унинг атрофига тўпланишади.*) Менингча, биз Гурам билан ёмон нарсани ўйламадик, бу узок вақтни зерикарсиз ўтказиш чорасини кўришимиз керак эди. Шу муддатда «Зилзила» пьесасини репетиция қилиб ўтирсак қалай бўлади? Сизлар нима дейсизлар шунга?

О в о з л а р . Нима ҳам дердик!

– Ақлли иш! Вақтни бекор ўтказгандан кўра...

– Ишлаймиз!

– Ажойиб!

Т и т е . Менингча, ҳамма ўзининг ролини ёддан билади?

Р а т и . Кимники сўзи оз бўлса, албатта, у билади ёддан.

Т и т е . Ваҳима қиладиган жойи йўқ! Менда пьесанинг тўлиқ варианты бор. Нинада ҳам, Бесикда ҳам бор экан. Этади шу. Энг муҳими, репетицияда муаллифнинг ўзи иштирок этади. У бизга катта ёрдам бериши мумкин.

Б е с и к . Аммо баъзи ижрочилар йўқ...

Т и т е . Уларнинг ролини Гурам билан мен ижро этамиз. Давар билан Павле ҳам ёрдам бериши мумкин. Оммавий сахналарни ҳаммамиз биргаликда ижро этамиз. Баъзи нарсалар, албатта, шартли равишда бўлади... Келишдикми? Демак, бошласак бўлади.

Ҳ а м м а . Бошладик, бошладик!

Т и т е (*қўлёзмани ўқийди*). «Саҳнада бир-бирига осилиб турган тоғ чўққилари билан ўралган тартибсиз қурилган уйлар». Менга қара, Леван, эшитаяпсанми? Тасаввур қилгин-а? Бу ҳақда сен билан гаплашганмиз.

Сахна лойиҳаси Шатилини эсга солсин. Сен Шатилида бўлгансан чоғи?

Леван. Шатилида ҳам, Доғистонда ҳам, Чеченингуш овулларида ҳам бўлганман...

Тите. Баракалла. Бошқа нарсанинг кераги йўқ. Тоғ чўккиларидаги бир-бирини сиқиб, бир-бирининг устидан осилиб турган уйларни кўрганмисан? Биласанми, бир уйнинг томи унинг юқорисидаги уй учун ховли вазифасини ўтайди. Жуда бетартиб. Шундай тасаввур қолдирсинки, у ерда жуда кўп одам бир жойга тўпланиб яшайди. Ер қимирлаши билан улар – эркаклар ва аёллар, болалар ва кексалар – ини бузилган аридек, бақриб-чақриб ташқарига отилади. Демак, бундай! Дикқат! Ер силкинди... Бошладик! Сизлар зинадан югуринглар. Уйлар ағанаяпти, устларингта тошлар кулаб тушяпти. Вайроналар остидан инграшлар, қичқириклар эшитилади... Қани! Қани! Қани!

Ҳамма. Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Қутқаринглар! Сув! Ёрдамга!

Бесик (Ратига). Ҳозир бажарасан, акс ҳолда мутлако керак эмас! Бир дақиқани ҳам бекор кетказмаслик керак! Қаҳр ва ҳаяжоннинг чегараси йўқ, бу машғалани иложи бориша кучлироқ пуфлаб ёндириш керак. Оёққа турганларни тўппа-тўғри шоҳ саройига бошлаб бориш керак!

Рати. Бир соат занг чалдим. Халқ оёққа турди, улар йўлда учрайдиган ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга тайёр! Уларни олдинга бошлаймиз!

Бесик. Одамлар! Кулоқ солинг, одамлар! (Зинадан юқорига югуриб чиқади.)

Атрофга халойик – шу уйда яшовчилар тўпланишади. Вайрона тагида қолганларни тортиб олишга ёрдам беришади.

Қачонгача чидашимиз мумкин, одамлар?! Кучли зилзиладан бери хали орадан икки йил ҳам ўтгани йўқ, не-не азоблар билан тикланган уйларимиз яна кулаб тушяпти, бизни босиб қолаяпти.

Одамлар оқимидан овозлар. Оҳ, болаларим!

– Сизлар билан бирга ўла қолсам бўлмасмиди!

– Бундай ҳаётдан тўйдим!

Бесик. Биз ҳалок бўламиз! Бизни йўқ қилишадими-ю, биз индамаймиз! Нега? Қачонгача?!

Овозлар. Қанча чидаш мумкин?

– Қаердан мадад кутиш мумкин?!

Бесик. Мен қачонлардан бери сизларни яшнаган мамлакатга чорлайман! Тоғ ортида у, у ерда на зилзила, на сув тошқини бор.

Овозлар. Қани, қаерда ўша мамлакат?

– Бундай яшашга бошқа тоқатимиз йўқ!

– Қаер ўнғайроқ бўлса, ўша ёққа кетишга тайёрмиз!

Бесик. Бу ерда қолиш мумкин эмас. Бу ернинг тупроғи одамзод яшаши учун мўлжалланмаган. Ҳар йил бир офат: ё сув тошқини, ё зилзила. Яшнаган ўлка йўлини мен биламан, ўзим бошлаб бораман у ерга сизларни. У мамлакатда бир йилда икки марта ҳосил олинади. Серҳосил ерларни бўлиб оламиз, ҳаммамиз биргаликда ишлаймиз, бугдой экамиз, узум етиштирамиз. Ҳеч қандай ваҳимаю даҳшатларсиз, бой-бадавлат яшаймиз!

Овозлар. Биз бахтли бўламиз!

– Йўлга чиқишга тайёрмиз!

Бесик. Бу йўл тўғри, унчалик узок ҳам эмас, аммо шуниси ёмонки, шоҳ ва унинг малайлари йўлимизни катта тўсиқлар билан бекитиб ташлаган.

Овозлар. Йўқолсин шоҳ!

– Шоҳга ўлим!

Б е с и к . Улар одамлар суягидан барпо этилган саройларда яшашади. Бу саройларни уларга биз куриб берганмиз, шундай мустаҳкамки, ҳеч қанақа зилзила зарар етказолмайди, ўзимиз бўлсак оч-яланғочмиз, қийноқдамиз, харобалар остида яшаймиз.

О в о з л а р . Йўқолсин шоҳ!

– Саройларга ўт қўямиз!

Б е с и к . Сизнинг азобларингиз уларни заррача ҳам ташвишга солмайди, уларга сизнинг кучингиз, ишчи қўлларингиз керак, улар ҳар қанақа йўл билан бўлмасин, сизларга яшнаган ўлкага чиқиб кетиш учун имкон бермайди. Биз уларнинг ҳукмидан озод бўлишимиз керак. Бунинг учун саройларни эгаллаш, шоҳни, вазирларни ўлдириш, уларнинг бойлигини тенг бўлиб олиб, бизни бахт-саодат қутаётган ўша яшнаган ўлкага тезроқ кетишимиз керак.

О в о з л а р . Золимларга ўлим!

– Бизга раҳми келмаганларга шафқат қилмаймиз!

Б е с и к . Қўлларингизга қурол олинглар-да, менинг ортимдан юринглар! Машъала ёкинглар! Саройларга ўт қўямиз!

О в о з л а р . Шоҳга, унинг малайларига ўлим!

– Бизнинг душманларимизга, бизга азоб берувчиларга ўлим!

Машъалалар ёқилади, кетмон, занжир, белкурак билан қуролланган халойиқ олдинга интилади.

Т и т е . Эътибор бер, Леван! Кейинги сахналарда қўзғолон бошлиқлари бошқалардан ажралиб туриши керак! Уларни қандай қийинтириш лозимлигини ўйлаб кўр. Бошлиқларнинг ҳатто бош кийимлари ҳам

диққатни тортадиган бўлиши зарур. Балки ўткир учли шлемлар кийгизиш керакдир?

Л е в а н . Ўйлаб кўраман, Тите. Қадимги ашёлардан бирон нарса кидириб топаман...

Т и т е . Бу оломонни бир тасаввур қилиб кўр-а? Қуролсиз, ялангоёқ, оч халқ вакиллари. Улар саройни забт этиш учун ҳужум қилмоқда, қўлида кетмон, калтак – хуллас, дуч келган нарсани кўтариб чопаверган. (*Қўлёзмани ўқийди.*) “Саҳна орқасидан ур-йикит, калтаклаш шовқини эшитилади. Саҳнадан сарой қоровуллари югуриб ўтишадди, улар кўзғолончиларни таъқиб қилиб юришибди”.

Бесик кўринади. Унинг ортидан “кўзғолончилар группаси” югуриб келади.

Б е с и к . Шоҳ билан маликага, бутун олий табакага, айниқса, эҳтиёт бўлинглар. Шоҳнинг жамиики уруғ-аймоғини, яқинларини қалъага қаманглар. Ҳамманг саройдан чиқ-да, ўт кўй, токи улар суяк-суякларигача ёниб адо бўлсин. Бош жиноятчилар майдонга олиб чиқиб осилсин! Бирон тирик жон қолмасин! Ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмасин! Мутлақо аялмасин!

Р а т и . Болаларни, кексаларни нима қилайлик?

Б е с и к . Ёшу кекса – барчасига ўлим! Душманга зигирча ҳам шафқат йўк! Кимки душманга раҳм қилса ўша жойда қатл этилади! Ҳамма эшитсин буни! Бошқалар учун ўзи қурбон бўлади!

Т и т е (*ўқийди*). “Нато киради...” Натони ким ўйнайди?

Н и н а . Мен, Тите.

Т и т е . Хўш, марҳамат. Кир... Фақат жонлироқ, ҳаёттироқ! Эшитдингми, ҳаёттироқ чиксин! Сен кўзғолондан руҳланган аёлсан! Ҳаяжон кучли бўлиши керак

сенда! Ҳар бир сўзингдан, ҳар бир ҳаракатингдан ҳаяжонланаётганинг сезилиб турсин.

Бесик. Нато! Сенмисан! Мен сени топдим! Тирикмисан?! Қандай ажойиб, қандай бахт! *(Уни қучоқлаб олади.)* Амалга ошдимми? Биз ғалаба қилдик! Золимлар ағдарилди, халқ шод-хуррам!

Нато (Нина). Мен хотин-қизлар гуруҳини бошқараман. Биз саройга қилинган ҳужумда иштирок этдик. Кўзғолончилар оркасидан бориб, ярадорларга ёрдам бердик, ярасини боғладик.

Бесик. Мен сенинг бу қадар жасурлигингни билмас эканман! Мен доимо Нато яхши парваришда ўсган, ундан халқ бахти учун бирон бир жасорат кутиш кийин, деб ўйлардим.

Нато (Нина). Кураш алангаси менинг юрагимга ҳам чўғ ташлади. Аммо сен кўзғолон етакчиси бўлмаганигда мен бу жангда иштирок этмасдим. Сизнинг сафингизга мени муҳаббат олиб келди.

Бесик. Раҳмат, сенга, Нато. Бирок шуни эсингдан чиқарма, халқ бахтли бўлмагунча биз ҳам бахтли бўлолмаймиз. Бизнинг бахтимиз – умумхалқ бахтининг кичик бир қисми. Ана шу бахт одамларни яшнаган ўлкада кутяпти. Биз уларни ўша жойга бошлаб боришимиз керак.

Нато (Нина). Биз уларни, албатта, бошлаб борамиз, Бесик! Мен ҳамиша сен билан бирга бўламан.

Ўпишади.

Бесик *(ундан узоқлашиб).* Жанг хали тугагани йўқ, мен жангда бўлишим керак! *(Чопиб кетади.)*

Тите *(ўқийди).* «Ҳовликқанча, кичкириб Кетеван кириб келади». Сен чиқасан, Сесиль!

Кетеван (Сесиль). Ниҳоят, сени топдим, Нато! Худога шукур, сени топдим! Ялинаман, бир иложини қил! Шалвани кутқар!

Нато (Нина). Унга нима бўлди?

Кетеван (Сесиль). Шалва қўлга тушди. Уни осишмоқчи.

Нато (Нина). Агар у халққа қарши курашган бўлса, албатта осишади.

Кетеван (Сесиль). Нима дединг?! Эсингни йиғ, Нато!

Нато (Нина). Уни кўзғолончилар суди суд қилади. Агар уларга қарши курашган бўлса, демак у – халқ душмани. Халқ уни жазолайди.

Кетеван (Сесиль). Сен бунга йўл қўясанми, Нато?! Ахир икковинг ҳам битта кўкракдан – менинг кўкрагимдан сут эмгансан-ку!

Нато (Нина). У шохнинг ёнини олиб жанг қилди.

Кетеван (Сесиль). У сенга ака қатори яқин эди-ку!

Нато (Нина). Мен уни ўз акамдай севар эдим, аммо халққа бўлган севги барча севгилардан кўра устунрок!

Кетеван (Сесиль). Нима, сен уни ўлдиришларига розимисан?!

Нато (Нина). У бизнинг душманимизга айланиб, ўзини ўзи ўлимга маҳкум этди.

Кетеван (Сесиль). Унга раҳминг келсин, Нато! Фақатгина сен уни сақлаб қолишинг мумкин! Бесикдан илтимос қил! Ахир улар болаликдан ўртоқ эди-ку!

Нато (Нина). Дўст бўлишган эди... Ҳозир эса – ашаддий душман!

Кетеван (Сесиль). Аммо сен... сен... Бирга ўсдиларинг... Сен уни сақлаб қолишинг мумкин. У ўлимга

махкум этилган, сен бўлсанг унга ёрдам бергинг келмайди.

Н а т о (Нина). Мен бор гапни айтдим!

К е т е в а н (Сесиль). Шалвани осишадую, сен томоша қилиб ўтирасанми?!

Н а т о (Нина). Агар у шу жазога лойиқ бўлса... Мен кўзғолончиларни тўхтатолмайман. Унинг учун Бесикдан илтимос қилолмайман.

К е т е в а н (Сесиль). Бу сенинг охирги сўзингми?

Н а т о (Нина). Халқ бахти учун курашиш қурбонсиз бўлмайди!

К е т е в а н (Сесиль). Лаънат сенга, малъун! Сенга берган оқ сутим захар бўлсин!.. Тирнокка зор бўлиб ўт, томиринг қурисин! Жувонмарг бўлаётган менинг ўғлим каби сенга ҳам бу дунёнинг нурлари, яхшиликлари, қувончлари насиб этмасин! Барча ҳаракатларинг самараси илоё сароб бўлиб чиксин! Сен ҳам, ўша Бесикинг ҳам болаларинг роҳатини кўрмаларинг!..

Н а т о (Нина). Мен гапларингни эшитмаяпман. Истаганингча бақиравер! Сенинг қарғишларинг бир пул! (*Кетади.*)

К е т е в а н (Сесиль). Ҳозирдан бошлаб бир умр лаънат сенга, малъун, ярамас!

Т и т е (*қарсак чалади*). Яхши! Шу ерда биринчи кўриниш тугайди. Бир неча дақиқа сахнада чироқ ўчади. Воқеа яна олдинги жойда давом этади. Бесик ва унинг сафдошлари чиқади. Марҳамат!

Р а т и. Ҳаммасини осдик! Шоҳ билан малика “олдин бизни ўлдиришлар, болаларимизнинг ўлимини кўрмайлик”, деб ялинишди. Аммо биз уларга кулоқ солмадик.

Б е с и к. Сизлар чинакам қаттиққўллик кўрсатдинглар!

Р а т и . Кичик маликани ота-онаси кўзи олдида осдик. Малика хушидан кетиб қолди, кейин уни осадиган жойга судраб олиб боришга тўғри келди.

Б е с и к . Қалъага бекиниб олганлар-чи?

Р а т и . Уларни ўша жойдаёқ уриб ўлдирдик.

Б е с и к . Асосий айбдорлар-чи?

Р а т и . Улар майдонга олиб чиқиб осилди.

Б е с и к . Шалва-чи? Шалва нима бўлди?

Р а т и . У ҳаммадан кўпроқ тўполон қилди. Мен унга Шалва, сенга охирги марта айтаяпман, қайт бу йўлдан, гуноҳингни тан ол, Бесикдан кечирим сўра, дедим.

Б е с и к . У нима деди?

Р а т и . Уми? У менинг юзимга туфлади-да, бутун майдонни бошига кўтариб бақирди: “Бесик – жиноятчи босмачиларнинг бошлиғи. Улар ўз мамлакатини ҳаяжон қилади! Ундан кечирим сўраш мен учун ўлим!”

Б е с и к . У ҳамиша шунақа ўжар.

Р а т и . Йигитлар ундан бошқа гап ололмадилар.

Б е с и к . Ўзидан кўрсин. Нима ҳам қилардик.

Н а т о (Нина). Уни эсингдан чиқар, Бесик. У сенинг афсус чекишингга арзимади. Сен жудаям чарчагансан, уч кундан бери кўз юммайсан. Қанча куч йўқотдинг. Бир оз ётиб, дамингни ол. Ухлашга ҳаракат қил. Мен чодирда сенга жой солиб қўйдим.

Б е с и к . Алла айтиб бер менга, Нато!...

Нато (Нина) алла айтади. Улар бир-бирини кучоқлаганча чиқиб кетади. Қўлтиқтаёғини ўқталиб Павле олдинга чиқади.

Павле. Тўхтатинглар! Илтимос қиламан! Бир дақиқа тўхтанглар!

Т и т е . Нима бўлди? Нима гап ўзи?

П а в л е . Муаллифга менинг эътирозим бор.

Г у р а м . Кулоғим сизда.

П а в л е . Аввало шуни чуқур қайғу билан таъкид-ламоқчиманки, сизнинг пьесангизда бугунги замонга шаъма қилинганга ўхшайди.

Г у р а м . Нималар деяпсиз? Мен мутлақо буни ўйлаганим йўқ...

П а в л е . Ҳамма гап шунда-да! Яхшилаб ўйлаб кўриш керак эди, хурматли драматург! Айниқса, фактларни таҳлил қилаётганда. Ҳар бир муаллиф ўзи ўйлаган, тасаввур қилган нарсасини ёзишга ҳаққи бор, аммо ҳақиқатни, воқеликни бузиб кўрсатмаслик керак.

Г у р а м . Сиз нимани назарда тутяпсиз?

П а в л е . Сабр қилинг. Фикримни айтиб олишга халақит берманг. Сиз менинг ҳаётимдаги фактларни олибсиз.

Г у р а м . Нималар деяпсиз, ахир?

П а в л е . Ахборотингиз учун ҳаммаси худди ана шундай бўлган эди, айти вақтда жудаям унақа эмас. Кўзғолондан кейин биз турли лагерларга тушиб қолдик. Мен масъулиятли бир участка учун жавобгар эдим... Ҳа, кўзғолонга қарши чиққан дўстимнинг ҳаётини сақлаб қолишим мумкин эди. Лекин у бу ҳақда менга илтимос қилмади, натижада мен ҳам уни ҳимоя қилмадим. Унинг отилиши ҳақидаги буйруққа имзо чекдим, аммо бу ишни сизнинг қаҳрамонингиз каби осонгина бажарганим йўқ. Мен учун бу жуда қийин, оғир қадам эди. Бу воқеа менинг қалбимни қаттиқ эзарди. Сиз асарингизда дўстимнинг ҳаёти, болаликдан бирга ўсган ўртоғимнинг ҳаёти мен учун оддийгина хас-хашакчалик қадрга эга эмас, деб тасвирлагансиз. Шу инсофданми?..

Н а т о (Нина). Менга эса, ҳурматли муаллиф, яна ҳам аёвсизроқ ёндашгансиз. Сизнинг хохишингиз билан мен ўзимнинг сут эмишган акамнинг ўлими ҳақида ўта совуққон, қотилларча лоқайдлик билан гапираман.. Онамнинг юраги юрак эмас, гўё тош. У тирик аёлдан кўра барча инсоний туйғулардан маҳрум автоматга ўхшайди...

Г у р а м. Ҳеч нарса тушунмаяпман! Бу ерда сизнинг онангизнинг нима алоқаси бор?

Н и н а. Нима алоқаси борлигини жуда яхши биласиз. Қайтариб ўтиришнинг хожати йўқ. Сиз бу эпизодни бизнинг оиламиз ҳаётидан олгансиз. Ҳатто исмларини ҳам ўзгартирмагансиз. Отамнинг дўстининг исми ҳам Шалва бўлган...

Г у р а м. Онт ичаман, бу шунчаки, тасодифий ўхшашлик. Ҳозирок ўзгартираман уни.

П а в л е. Ҳаммаси тасодифий ўхшашлик экан-да! Бизнинг оиламиз ҳаётидаги фактлардан фойдаланасизу яна ҳеч ким англамайди, деб ўйлайсизми? Ҳамма – кимки, бизнинг оиламизни билса...

Г у р а м. Онт ичаман, бу ҳаёлимга ҳам келган эмас! Мутлако сизнинг оилангизни назарда тутмаганман! Сизнинг оилангизнинг, ўзингизнинг ҳаётингиздан мутлако беҳабарман! Ишонинг! Бордию, менинг қаҳрамоним билан ҳаётингизда қандайдир яқинлик, ўхшашлик кўрсангиз – бу менинг айбим эмас! Шунчаки типик вазиятлардан бири, холос. Ҳамиша, ҳар қандай кўзғолонларда бир-бирига яқин одамлар баррикаданинг турли томонларига ўтиб қолишган.... Турли томонларига... Мана шу ҳолатда содир бўладиган трагедиялар, табиийки, бир-бирига жуда ўхшайди... Шунинг учун бу ерда сизнинг мутлако даҳлингиз йуқ...

Т и т е. Муаллифимиз чинакам ҳақиқатни айтаяпти. Одатдаги драматик вазият – ўзаро душман бўлган

лагерларга тушиб колган дўстларнинг муносабати акс эттирилган, холос. Муаллиф ҳеч қандай кинояни назарда тутмаган. Бу кўзғолон бизнинг эрамиздан олдин содир бўлган... Бу кўзғолон билан бизнинг давр ўртасида қандай ўхшашлик бўлиши мумкин?! Мен бундай нарса ҳақида ўйлашнинг ўзи ортикча, деб биламан.

Н и н а . Шундай ҳам дейлик, майли. Ўхшашлик ёки киноя ҳақида гапирмай кўя қолайлик. Лекин кўзғолон етакчилари, хотин-қизлар образларига эътибор беринг. Улар жамиики меҳрдан, инсоний туйғулардан маҳрум... Қалб ва қиёфадан жудо бўлган қандайдир жонсиз схемага айланиб қолган...

Т и т е . Мана бу ҳақда муаллиф билан баҳслашиш мумкин.

Г у р а м . Бу ҳақда ҳам баҳслашишга ўрин йўк! Бундай кескин курашларда кўзғолон бошлиқлари беихтиёр фанатизмга берилиб кетганлар. Хотин-қизлар эса бундай пайтда эркаклардан кучсиз, ожиз эмасликларини кўрсатиш, исботлаш ҳаракатида бўлганлар. Бу уларни ниҳоятда қаттиққўл бўлишга мажбур қилган.

Т и т е . Баҳсни тугатайлик. Репетицияни давом эттирайлик. Навбатдаги кўринишда Бесикнинг даъватига кўра одамлар ўз юртини ташлаб, яшнаган ўлкага йўл оладилар. Улар узун, эгри-бугри тоғ йўли орқали тепага кўтариладилар. Бугунги шароитда биз зинапоядан фойдаланамиз. Аммо спектаклда, Леван, бу кўриниш олдингиларидан мутлако фарқ қиладиган декорация талаб қилади.

Л е в а н . Мен уни, назаримда, тасаввур қиляпман: эгри-бугри, жуда хавfli тоғ йўли. Чўккилар. Гўё одамзод унга сира ҳам чиқолмайди, унинг охири йўқдай.

Т и т е . Эҳтимол... Эҳтимол...

Л е в а н . У тобора юқорига кўтарилиб борса-да, тораймайди, аксинча, кенгайиб боради.

Т и т е . Бу ерда муаллиф назарда тутган қандайдир маъно бор...

Л е в а н . Икки томонда ҳам тубсиз дара.

Т и т е . Сизиф қаердан келади?

Л е в а н . Ана шу тубсиз дарадан. У қояларга тирмашиб, тепаликка чиқиши керак, кейин яна ўзи қулаган тошлар ортидан пастга тушиши лозим.

Т и т е (Гурамга). Мана шу ерда эртақнинг реал воқелик билан тенглаштирилишини таъминлайдиган нимадир ўйлаб топиш зарур. Сизиф – афсонавий персонаж, Оллоҳга хиёнат қилгани учун жазоланган уни.. У шундай ҳаётга маҳкум этилганки, тоғ чўққисига жуда катта тошни тўхтамай олиб чиқиши ва шу заҳоти уни пастга, энг қуйига итариб юбориши керак. Ана шу ҳаракатни тинимсиз такрорлаши зарур. Сизиф тепага чиқиб, пастга тушиб, бекордан-бекорга куч сарфлайди, қора терга ботади. Сизнинг қаҳрамонларингиз – яшнаган ўлкага йўл олганлар – жуда оддий одамлар. Афсонавий Сизиф билан уларнинг реал дунёси ўртасида қандай ўхшашлик кўрасиз?

Г у р а м . Сизиф – инсон кучининг маънисиз сарфланишининг рамзидир. Маълумки, уни ҳаётнинг бемаънилигини кашф қилган қадимги юнонлар ўйлаб топишган. Ҳаётнинг маъно ва мақсади бўлиб кўринган барча нарсалардан ҳафсаласи пир бўлади. Сизифнинг ғояси, менингча, барча буюқларни, жамики ижодкорларни хижолат қилади. Бутун умр курашни, меҳнатни севган ҳақиқий ижодкорнинг шубҳа ва жасорати бу хижолатни енгиб ўтади. Машаққатли йўл билан яшнаган ўлкага бораётган бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам Сизиф образидан фарқ қилади. Йўқ, йўқ, ҳаммаси ҳам эмас. Фақат юрагида шубҳа уйғонганларигина ажралиб туради. Дастлаб воқеани нариги

дунёда кечадиган қилиб тасвирлаш ҳақида ўйлаган эдим. Кўзғолончилар дўзахнинг дарвозасини бузиб, жаннатга кириб боришлари керак эди. Аммо мен мистикани унча ёқтирмайман, шунинг учун воқеани реал ҳаётга кўчирдим. Мана, воқеа бизнинг гуноҳкор еримизда ўтади.

Т и т е . Сен янглишмагансан. Актёрларни ҳам, томошабинларни ҳам ҳаётий воқеа кўпроқ қизиқтиради. Сизиф атиги бир неча сўз айтади, аммо бу ролнинг аҳамияти жуда катта. У пьеса қахрамонлари барча хатти-ҳаракатларининг ичида бўлади... Сизиф ролини кимга топширган эдик?

Б е с и к . Ёш студиячига. У бу ерда йўқ, бошқа уйда яшайди.

Т и т е . Биламан, биламан. Сен бизга ёрдам берасан, Леван. Келмай қолган актёрнинг йўқлигини билдирмайсан. Текст кўп эмас, ёдлаб оласан. Тош ўрнига Сесилнинг портретини кўтариб ол. Тушунарлими... Диккат! Бошладик. *(Кўлёмани ўқийди.)* “Саҳнада яшнаган ўлкага бораётган одамлар билан тўла қоядаги лагерь. Хув нарида қўйлар ўтлаб юрибди. Йўловчиларнинг баъзилари балиқ тутадиган тўрдан дарра ясамоқда. Ҳамма ўз иши билан банд. Лагерьнинг ўртасида Бесик ва унинг сафдошлари”.

Б е с и к . Биз шоҳлар ва катта ер эгалари ҳокимиятини ағдариб ташладик. Халкимиз озодлик ва бахтга эришди. Асрлар давомида бир ҳовуч оқсуякларнинг ихтиёрида бўлган бойликлар адолат билан камбағалларга бўлиб берилди. Одамлар қаддини ростлади, эркин нафас олмоқда. Энди орамизда эзувчи ҳам, эзилувчи ҳам йўқ. Бизнинг қонунимиз, озод, меҳнаткаш халкнинг қонуни ана шундай. Бу биз учун ҳамма нарсадан кўра устунроқ! Одамлар бизнинг ортимиздан

дадил келмоқдалар, биз тўғри йўлдан кетаётганимизга улар ишонадилар! Биз яшнаган ўлкага албатта етиб борамиз, у ерда инсониятнинг бахт ҳақидаги асрий орзуси рўёбга чиқади.

Р а т и . Ҳа, халқ биз билан, биз тарафда. Аммо душман сира тинчимайди, улар ҳар хил, янгича фитналар билан бизга дўк-пўписа қилади. Буни сира унутмаслигимиз керак.

Б е с и к . Фитначилар йўқ қилинди! Энди ҳеч ким бизнинг йўлимизни тўсолмайди!

Р а т и . Уларнинг вазифаси – одамларни йўлдан уриш. Фитначилар соф қалбли одамлар юрагига шубҳа ва ишончсизлик уруғини сепади.

Н а т о (Нина). Машаққатли йўлда ҳар қандай оғирлик, кийинчилик бўлиши мумкин. Душманларимиз бизга қарши курашишнинг турли воситаларидан фойдаланади. Улар одамларга биз яшнаган ўлкага бораётганимиз ёлғон, деб иғво қилади.

Т и т е . Шу ерда гапга шубҳаланувчилардан бири қўшилади. Бирок бу ролнинг ижрочиси ҳам ҳозир йўқ. Балки сен ёрдам берарсан, Гурам? Ишонаманки, текстни ёддан биласан.

Г у р а м . Ҳар қалай билсам керак.. (*“Лагерга” кириб боради. “Дара”га қарайди. “Тог”га тирмашиб чиқиб бораётган Сизифни кўради.*) Эй, ким у?

С и з и ф (Леван). Мен – Сизифман.

Ш у б ҳ а л а н у в ч и (Гурам). Тошни қаерга олиб боряпсан?

С и з и ф (Леван). Мен уни энг баланд чўққига олиб чиқишим керак.

Ш у б ҳ а л а н у в ч и (Гурам). Нима учун?

С и з и ф (Леван). Пастга ташлаб юбориш ва унинг орқасидан яна тушиш учун.

Шубхаланувчи (Гурам). Агар тошни яна пастга итариб юбориладиган бўлса, шунча меҳнат сарфлаб тепага олиб чиқишнинг нима кераги бор?

Сизиф (Леван). Чўққини ундан яна қайтиб тушиш учун забт этилади – ҳаётимизнинг бош ғояси ана шундан иборат. Бошқача айтганда, қайтиб тушмайдиган баландлик йўқ.

Шубхаланувчи (Гурам). Демак, биз ҳам қайтиб тушишимиз керак экан-да?

Сизиф (Леван). Бўлмасам-чи?! Йўл тоғнинг тепасида тўхтайти, орқага қайтиб тушишдан бошқа йўл йўқ.

Шубхаланувчи (Гурам). Эшитяпсизми, одамлар?! У нима деганини эшитдингларми?! Биз чўққини не-не азоб-укубатлар билан забт этамизу дарҳол қайтиб тушишимиз керак эмиш. Бошқа йўл йўқ экан. Эшитяпсизми, одамлар?

Рати. Ана у! Эшитдингми, бошлик? Шубҳа уруғини ана шундай сепеди, ишончини ана шундай йўкотади!

Бесик. У кўрқок ва ишончсиз одамни дарҳол тунглар! У бизга халакит беради! У бизга душман!

Шубхаланувчини ўраб олишади, кейин кўлини боғлайди.

Шубхаланувчи (Гурам). Нима, сизлар Сизифнинг гапларини эшитмадингларми? Ростдан ҳам унинг овозини эшитмадингларми? Нима, одамлар қар бўлишини, улар ҳақиқатни эшитмаслигини истайсизларми?! Сизлар биргина мени кўлга олдинглар, аммо Сизифнинг гапини ҳамма эшитди! Ҳаммани ушланглар, кўлини боғланглар бўлмаса! Аммо ҳақиқатни кўлга туширолмайсизлар, уни занжирбанд қилолмайсизлар, халқ барибир уни тушуниб етади, англайди.

Бесик. Ўчир овозини! Олиб чиқинг уни! Бундайларга раҳм қилиш – бу халққа хиёнат демакдир. Халқ душманларига ўлим!

Тите (*ремаркани ўқийди*). “Шу маҳал қаердандир узокдан отилган ўқ Бесикнинг кўкрагига тегеди”.

Бесик (*кўкрагини ушлайди*). Э худо! Мени отишди! Ўлдиришди мени!

Нато (Нина) (*унга ташланади*). Бесик! Ёрдам беринглар! Табиблар қани?!

Рати. Табибни келтиринг! Зудлик билан! Ҳамма йўллар тўсилсин. Бу фитна! Даралардан келадиган барча йўллар бекитилсин! Шубҳа туғдирадиган ҳамма чодирлар ёндирилсин!

Бесик. Алвидо, дўстларим! Мен ғалабага ишонч билан кўз юмаман... Олға! Бизнинг йўлимиз – энг тўғри, нурафшон йўл. У яшнаган ўлкага олиб боради! Мени ўйламанглар, йиғламанглар ҳам... Мени баланд кўтариб ҳалиги кўшиқни... шох саройига бостириб борганимизда айтган кўшиғимизни айтинглар!..

Кўкрагидан “кон оқаётган” Бесикни бир неча қўл баланд кўтаради. Кўшиқ янграйди.

Тите. Яхши, яхши! Кўшиқни жиддий ўрганишимиз, машқ қилишимиз керак. Бу кўриниш ана шундай тугайди. Кейинги сахна ҳам тоғда, аммо йўлнинг бошқа қисмида давом этади. Бу ерда иккита янги персонаж бор. Уларни походнинг Биринчи ва Иккинчи иштирокчиси, деб атаймиз. Иккинчиси мен бўламан, Биринчисини... (*Атрофга разм солади. Қувониб кетади.*) Биринчисини сен ўйнайсан, Бесик. Ахир сен энди бўйсан-ку.

Бесик. Мен бироз чарчадим... Аммо нима ҳам қилардик. Текстни беринг... (*Ўқийди*). “Халқ етиб кел-

моқда, озиқ-овқат етмай қоляпти. Биз яшнаган ўлкага яқинлашяпмиз. Душманларимизнинг кахр-ғазаби ҳамон шиддатли, кескин. Улар бизни ўраб олишни мўлжалламоқда. Улар бизга бирдан ташланиш учун қулай вазиятни қидираяпти”.

Р а т и . Начора, ҳаммасига тайёр туришимиз керак! Зарба берамиз! Сўзсиз шундай қилиш лозим, акс ҳолда бутун ҳаракатларимиз чиппакка чиқади. Биз шунинг учун қудратлимизки, яшнаган ўлкага боряпмиз. Бизнинг йўлимиз ишончли ва тўғри, уни Бесик кўрсатиб кетган.

Т и т е (ўқийди). “Иккинчи қатнашчи чиқади”. Мен эдим, а. (*Йўталиб олиб, Рати билан ёнма-ён туради.*) Кеча кутилмаган воқеа рўй берди. Олдинда кетаётган отряд айри йўлга келиб, энди қайси йўлдан бориш ҳақида тортишиб қолди. Баъзилар ўнг қўлдаги йўлдан борамиз деса, бошқалар чап томондаги йўлдан юрамиз, деди. Туни билан тортишиб чиқишди. Эрталаб айрилишда иккита ёзув пайдо бўлиб қолибди: “Сўлга юрсанг – ҳалок бўласан!”, “Ўнгга юрсанг – ҳалок бўласан!” Ҳориган, аммо ғазаби кўзиган одамлар мазмунсиз бахслашарди. Бир-бирини айблар, сира келишолмас эди... Оқибатда, сўз ўрнига қўл ишга киришди, мушглашиш, ур-йикит бошланди...

Р а т и . Биз ўнгга ҳам, сўлга ҳам юрмаймиз. Фақат олға! Бесик йўлидан олға! Бошқа йўл йўқ!

Т и т е (ўқийди). “Биринчи қатнашчи чиқади”. Сен-мидинг, Бесик?

Б и р и н ч и (Бесик). Тревога! Ҳамма бу ёққа келсин! Душман ҳужумга ўтди! Улар бизнинг мудрофаа тўсиқларимизни бузиб ўтиб, бу ёққа бостириб келмоқдалар.

Р а т и (“қилич” суғуради). Душманга ўлим! Жангга! Халқ учун! Муқаддас тупроғимиз учун!

Т и т е (ўқийди). “Дарада куролланган душман қисмлари кўринади. Улар қоялар бўйлаб тепага кўтарила бошлайди. Қаттиқ жанг бошланади”.

Р а т и (кўкрагини ушлаб йиқилади). Биродарлар! Мен ўламан! Бўш келманг, азизларим! Душманни янчинг! Йўқ килинг, тугатинг уларни! Яшнаган ўлкага элтувчи бу тўғри йўлдан оғишманг!

Т и т е. “Шу ерда бир лаҳзагина чироқ ўчади. Чироқ қайта ёнганда биз яна лагерни кўрамиз. Бу кўришни шубҳаланувчи бошлайди”. Сенмисан, Гурам!

Ш у б х а л а н у в ч и (Гурам). Шу топда улар мени эслаб қолишди. Менинг тажрибам, лашкарбоши сифатидаги санъатим уларнинг ёдига тушган. Мени бандиликдан озод қилиб, кўмондонликни зиммамга олишни буюришди. Ҳал қилувчи жангда душманни тор-мор қилишга эришдик, бу билан мен халқимга бўлган садоқатимни яна бир бор исботладим.

И к к и н ч и (Тите). Адолат тантана қилди, хатолар тузатилди, сен ҳам ўз ҳуқуқингни қайта тикладинг. Яна нима керак?! Одамлар дам олаяпти, ярадорлар даволањапти, яшнаган ўлкага томон юриш давом этади.

Ш у б х а л а н у в ч и (Гурам). Наҳотки, сизлар Сизифнинг овозини эшитмаётган бўлсаларингиз?

И к к и н ч и (Тите). Ҳеч канақа Сизиф йўқ. Фақат сенга шунақа туюляпти, холос.

Ш у б х а л а н у в ч и (Гурам). Сизга нима бўлган ўзи, одамлар?! Қулоқларингиз эшитмаяпти, кўзларингиз алдаяпти. Наҳотки, бир жойда туриб чопаётганларингизни кўрмаётган, сезмаётган, билмаётган бўлсангизлар? Наҳотки, қачондан бери лоақал бир қадам ҳам олдинга силжимаганларингизни билмай-сизлар?

И к к и н ч и (Тите). Фақат душмандангина шундай сўзларни кутиш мумкин! Фақат кўзи кўр одамгина бизнинг олдинга қараб улуғвор юришимизни кўрмаслиги мумкин! Биз аллақачонок сув тошқинларини, зилзилаларни унутиб юборганимиз озлик қиладимиз.

Кутилмаганда ер силкинади. Саҳна айланиб кетади. Одамлар вақтинча ўтириб турган жойларидан югуриб чиқадилар.

Т и т е. Бу ерда ҳам ижрочиларни ўзгартириш керак. Биринчи яшовчи сен бўласан, Бесик. Сен ахир яна бўшсан-ку. Рати, сен ҳам бўшадинг, иккинчи яшовчи бўласан. Бор-йўғи икки-уч оғиз гап, холос.

Б и р и н ч и (Бесик). Ер қимирляпти!

И к к и н ч и (Рати). Қаттиқ-ку! Зилзила! Яна одамлар жонсиз қоладилар!

Б и р и н ч и (Бесик). Қурбонсиз ўтиб кетса кошкийди...

И к к и н ч и (Рати). Олдимизда хали шундай оғир, машаққатли йўл турибди-ю, аммо ҳамон зилзиладан кутулолганимиз йўк... Наҳотки, бу офат доимо бизни тарк этмаса?

Б и р и н ч и (Бесик). Яшнаган ўлкада зилзиладан кутуламиз, деб ўйлайсизми? Аслида эътибор беринг-а, биз мўлжалдаги тепаликка чиқиб бўлдик. Энди пастга қайтиб тушишимизга тўғри келади.

П а в л е. Ҳурматли муаллиф ва режиссёр, такрор кечирим сўрайман, аммо барибир сизларнинг фикрларингизни яна бўлишга мажбурман. (Олдинга чиқади.) Менингча, биласизларми, яшнаган ўлкага бориш учун жуда кизикқан, курашган одамларнинг кўзлаган чўккига етмасидан тўхташи, баҳслашиши, бир жойда туриб югуриши, кейин юқорига кўтарилиш ўрни-

га пастга тушиши – буларни кўрсатишдан ҳеч қандай мазмун йўқ. Ўйлаб кўринглар, чўзиб юбормадинглармикан? Яшнаган ўлка борлигига ва унга ўша ягона йўл билан бориш мумкинлигига халқ чинакам ишонса – ана шу руҳ билан спектакль яқунланса, қандай бўлар экан?

Н и н а . Зилзилани инсон ҳаётига ҳамиша йўлдош бўлувчи арзимас нарса сифатида талқин қилиш тўғри бўлармикан? Бу пьесада зилзила – халқнинг доимий, қочиб қутулолмайдиган бир рамзи. Одамларни бунга ишонтиришга уриниш шартми?

П а в л е . Одамлар қачондан бери олдинга силжирмаслиги, аксинча, бир жойда ер тепиниб туриши ҳақида ўйлаб кўрмаслигини тасвирлаш фикри тўғрими? Ахир яшнаган ўлка, агар сизларни тўғри тушунган бўлсам, фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу, инсоният идеали... Шундайми?

Т и т е . Кечирасиз, сўзингизни бўламан... Жуда қизиқарли мулоҳаза, бироқ сиз пьесани тўлалигича билмайсиз-ку. Унинг мазмуни жуда мураккаб. Чўккига интилиш муаллиф назарида реалликдан узоқ, етиб бўлмас орзу. Шунинг учун бу орзу йўлидаги курашу қурбонлар ҳам, унинг фикрича, мазмунсиз бир нарса.

П а в л е . У ҳолда ҳурматли режиссёр, инсониятнинг орзуси, мақсади йўқми? Демак, тараққиёт ҳам йўқ?! Шундайми?! Шундай бўлса, жамиятдаги барча ривожланишлар тўхтаб қолар эди-ку. Ундан ташқари, бизнинг ҳаётимиз ўз маъносини, гўзаллигини йўқотган бўлар эди...

Чирок ўчади.

Саҳнанинг бир чети ёришади. Помир тоғи чўккиларидан бирининг қоясида Вахтанг билан Зевза ўтирибди. Зевза радиоаппаратура билан овора.

Вахтанг. Нақадар гўзал! Ана чўкки! Фақат ўша ерда мен ўзимни инсон сифатида ҳис қиламан! Ҳатто ундан ҳам юксакроқ!..

Зевза. Забт этилди! Бу чўкки ҳам забт этилди! Мен бу ҳақда алақачон маълумот бердим. Улар билан алоқамиз узилиб қолганида кўркиб кетишибди. Бизнинг ортимиздан қутқарувчи группа йўлга тушибди. Бугун иккинчи кунки, вертолёт бизни қидиряпти.

Вахтанг. Мен унинг шовқинини эшитдим. Аммо вертолёт эканини билмадим, менга шундай туюляпти, деб ўйладим. У бизнинг устимиздан ўтиб кетди. Бундай туманда бирон нарсани кўриб бўлармиди.

Зевза. Нима ҳам қилардик! Қайтамиз энди. Ҳаво айниб қолмасин, деб кўркаман.

Вахтанг. Қайтамиз?

Зевза. Албатта. Фақат тезроқ, кара, ҳаво айний бошляпти.

Вахтанг. Истамайман.

Зевза. Баҳсга ўрин йўқ. Агар ҳаво бузилиб қолса, кейин ўзимизга кийин бўлади.

Вахтанг. Чўккига ундан яна пастга қайтиб тушмоқ учун чиқадиларми?

Зевза. Бўлмаса нима қилиш керак? Ёш болаларнинг саволини берасан-а?!

Вахтанг. Мен яна ҳам юкорига чиқмоқчиман! Юксак-юксакларга кўтарилгим келяпти!

Зевза. Аммо бундан юкорида ҳеч нарса йўқ. Нима, худонинг хузурига бормоқчимисан? Лекин бизнинг йўлимиз битта – пастга, одамлар олдига бориш. Қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар олдига. Улар бизни тантана билан кутиб оладилар, ахир биз ғолиблармиз!

Вахтанг. Авваллари қайтиб бориш туйғуси мени ҳаяжонлантирар, шодлантирар эди... Аммо энди... У ёқда мени кутадиган ҳеч ким йўқ...

Зевза. Қандай бемаъни гаплар!

Вахтанг (*унга қулоқ солмайди*). Сен йиғлайсан, Эка, сен жуда ҳам қаттиқ йиғлайсан. Сенга кийин бўлади. Сенга раҳмим келади. Лекин булар ўтиб кетади, кўз ёшларинг қуриydi... Шунда мени севишдан кўра соғиниш осонроқ бўлади сенга...

Зевза. Сени ҳамма кутяпти, ҳамма хурсанд бўлади! Ана кўрасан, бизни қандай шоду хуррамлик билан кутиб олишади.

Вахтанг. Қулоқ сол, Зевза! Менинг қайтгим келмаяпти! Мен Сизиф бўлишни истамайман! Гурам ҳақ бўлиб чиқишини хохламайман! Унинг фикрича, биз чўккига ундан қайтиб тушиш учунгина чиқамиз... У хато қилади! Мен юқорига кўтариламан, янги-янги чўққиларни забт этаман. Кўз илғамас... Бундан ҳам кийин чўққиларга чиқаман...

Зевза. Ўзингни бос, Вахтанг. Иссиғинг кўтарилганга ўхшайди. Шунақаси бўлади...

Вахтанг. Қайтамизми? Кимнинг олдига? Кимни хурсанд қилиш учун? Нима учун?!

Зевза. Нима бўлганда ҳам оёғингни совуққа ол-дирмаслигинг керак. Бўл, тезроқ тушайлик. Сен врачга кўринишинг даркор. Бу тоғ касаллиги.. Шунақа бўлади ўзи.....

Вахтанг (*Зевзани итаради*). Ўзинг кетавер! Мен шу ерда қоламан!

Зевза. Янгилик-ку! Яна нима қилмоқчисан?!

Вахтанг. Шундай пайтлар бўладики, одам ёлғиз, тамоман ёлғиз қолгиси келади...

Зевза. Бўл, тезроқ пастга тушайлик! Жинни бўлма!

Вахтанг. Мен энди ҳеч қаёққа бормайман, Зевза! Тушунсанг-чи, ахир! Ўзинг қайтиб кетавер, бир-биримизга халақит бермайлик... Одамлар бир-бирига халақит беради – улар жуда кўпайиб кетди. Ерда фақат Одам Ато билан Момо Ҳавво яшаганида инсоният чинакам бахтли эди..

Зевза (*Вахтангнинг томирини ушлаб кўради*). Иссиғинг бор, Вахтанг. Ҳозир тортишадиган вақт эмас, аммо барибир айтаман: одамлар бир-бирини севади, бир-бирига ёрдам беради... Шундай қилмаса нима бўлади, ахир?! Юр, кетдик, Вахтанг!

Вахтанг. Балки сен ҳақдирсан, менинг иссиғим кўтарилиб кетди... Музлаб қолиш нима, биласанми? Қаттиқ маст бўлган одамдай бош гарангсиб қолади, одам ҳеч нарсани, ҳатто оғрикни ҳам сезмайди. Мен худди ана шундай аҳволда ўлишни истар эдим... Бўронда, ҳеч нимани сезмай, ҳеч нарсдан кўркмай, энг юксакликда ҳалок бўлиш...

Зевза (*куч билан Вахтангни судрайди*). Кетдик! Тезроқ юр! Тезроқ!

Вахтанг (*Зевзанинг қўлидан чиқади*). Нима ҳам қилардик, кетдик! Тушамиз пастга! Етиб ол!

Бўрон зўраяди. Унинг ичида Вахтанг билан Зевза турли томонга югуриб кетади.

Зевза. Вахтанг! Қаердасан, Вахтанг!

Вахтанг. Эҳе-ҳей! Зевза!

Зевза. Қаердасан, Вахтанг?! Секинроқ юр! Эҳтиёт бўл!..

Вахтанг. Қийин жой. Қозикча қоқишга тўғри келади... Мустаҳкамлаш...

Зевза (*қозикча қоқилишининг овозини диққат билан тинглайди*). Қаттикроқ коқ, Вахтанг! Шошил-

ма! Шошилма! Ушламай қолмасин, чиқиб кетиши мумкин.

Вахтанг. Мустаҳкам, мустаҳкам! Ушлайди! Бундай таваккалчилик биринчи марта эмас-ку... Мен тушяпман! *(Жарликка сакрайди.)*

Зевза унинг овози келган томонга югуради.

Жарлик ёқасида тўхтади.

Зевза. Вахтанг! *(Энгашиб жарликнинг музлаган қиргоғини кузатади, муздан чиқиб турган қозиқчани олади.)* Бунинг коқилганига ишониб бўлмайди... Шугина уни кўтара олармиди? Вахтанг! *(Жон-жаҳди билан бақиради.)* Вахтанг...

Чироклар ўчади. Яна бутун сахна ёришади.

Яна ўшалар: Гурам ва Тите, актёрлар – Гурам пьесаси қахрамонларининг ижрочилари, баъзи бир тасодифий томошабинлар. Ҳаммаси Ренанинг транзисторини эшитмоқда.

Зевза овози. Менга шундай туюляптики, у ўлимини кидирган экан. Ҳавонинг очилишига ҳеч қандай умид қолмаганида қайтишга кўндиришга ҳаракат қилдим... Хавфсизлик қондасига риоя қилмади... Мен билан бирга кетмасликка интилди... Пастга қайтиб тушишни мутлако хоҳламади. Унинг кучи олдида менинг йўқ бўлиб кетишимга сал қолди. Пастга қараб шундай тез югурдики, мен чангини ҳам кўролмай қолдим... У ҳамиша корли чўккиларда ҳалок бўлиш нақадар гаштли, деб такрорлар эди... Мана, ўша жойларда мангу қолди... *(Овоз ҳўнграб йиғлаш билан узилади.)*

Д а в а р *(йиғлаб)*. Худойим! Акажон! Вахтанг!

Э к а . Вахтанг! Менинг Вахтангим!

Т и т е . Тенгсиз актёр эди... Келажаги ёркин эди... Бордию мен съёмкани бошлаганимда эхтимол, бу воқеа рўй бермасди.

П а в л е . Энди нима қилдик... Ҳаммамиз ҳам айбдормиз!

Г у р а м . Аммо ҳаммадан кўпроқ, назаримда, мен айбдорман.

Р е н а . Ҳамма!.. Мен... Энди мен... Мендан бошқа ҳеч ким Вахтангни қутқаролмайди! Мен! Мен учаман! Помир музикларига учаман!.. Одамлар уйқудан уйғонгунча қайтиб келаман. Вахтанг билан! *(Бир кўлига қафасни, иккинчисига транзисторни олиб кетмоқчи бўлади.)*

Т и т е . Қаерга борасан, Рена?

Рена бирдан тўхтади.

Г у р а м . Нима қияпсан, Тите? Нима керак? Кўй, бораверсин...

Т и т е . Қаерга? Яна бу билан ҳам бирон кор-хол рўй бермасин.

Г у р а м . Унга ҳеч нарса қилмайди. Майли борсин. Майли осмонда жуда баландларга, узоқ-узоқларга учиш мумкинлигига, тоғлардан Вахтангни топиш мумкинлигига ишонсин. Агар ҳаммамиз ҳам орзунинг мавжудлигига ишонганимизда эди... Бу қандай яхши, қандай зарур. Иллюзиялар билан яшашга эришиш!

Т и т е . Бизга нима халакит беради?

Г у р а м . Воқелик, шиддатли воқелик... Ҳаёт ҳақиқати ва орамиздаги унинг қулига айланиб қолганлар.... Менга ўхшаб на эртаққа, на орзуга ишонадиганлар... Ишончлиси шуки, бу ҳақиқатни бошқаларга ҳам етказиш, кўзини очиш – уларнинг бурчи... Жуда кўплаб одамларнинг кўзини очиш... Одамзод факат бир хил воқелик учун туғилмаган-ку... У жуда бой. Унинг

умидлари, иллюзиялари, ҳатто кўр-кўрона ишончи бўлиши мумкин, аслида у ҳамиша, ҳамма жойда кўзини очиши, эҳтиёт бўлиши шарт ҳам эмас... Нима ҳам қилардик, одамлар Ренага, унинг соддадиллик билан ўзини ўзи алдашига, ақлсиз қувончларига ишонмайдилар. Аммо ўшалар – ишонмовчи одамларнинг қайси жиҳатлардандир Ренага ҳаваси келади. Бўлмаса, нега улар, айтайлик, вино ичишади? Гарчи озгина фурсатга бўлса-да, ўзи яшаб турган вокеликдан узоклашиш, ундан халос бўлиш учун эмасми? Бир лаҳзагина бўлса ҳам ўйлардан кутулиб, иллюзиялар билан яшаш истаги туфайлимасми? Одамларни ишониш, орзу қилиш қобилиятларидан маҳрум қилиб, ўзларининг ўша тор, қашшоқ имкониятлари билан чеклаб қўядиганлар жиноятчилар эмасми? Тиланчига унинг ҳақиқий тиланчи эканлигини ишонтиришга уриганлар наҳотки, ўғри бўлмаса?.. Мен бундан кейин одамлар калбига шубҳа уруғини сочишга, эртақларга бўлган ишончни сўндиришга сира йўл қўймайман... Одамлар, яшнаган ўлкага ишонинглар! Ҳақиқий чўққилар борлигига ишонинглар! Сиз уларни забт этишга қодирсиз! Ишонинглар! Бу ажойиб! Шунда сиз бой ва кучли бўласиз...

Тите. Тушунсанг-чи, олдинроқ бўлганда бошқа гап эди. Балки, ҳамма ҳам бизнинг уйда яшовчилардай бўлса – уларнинг тақдири бошқачароқ кечармиди...

Гурам. Эҳтимол! Аммо ҳозир ҳам кеч эмас-ку, тўғрими, Тите! Мен пьесамни ўзгартираман, унинг хулосасини бошқача қиламан. Майли, унда қувонч ва умид туйғулари янграсин. Одамлар яна ҳам юксакликка чиқишни, яшнаган ўлкага боришни давом эттирсинлар... Майли, улар ўзлари учун чинакам тўғри йўл маълум эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилсин. Орзуга ишонувчиларни ишончини йўқотганлар,

ишончсизлик ҳалокатига ботганлар эмас, балки ўзлари бунга қаттиқ, астойдил ишонганлар ҳал қилсин.

Т и т е . Балки Павле ҳақдир, уни келажак авлод чинакам ҳал қилар?

Г у р а м . Эҳтимол ҳақдир. Агар ҳаммамиз ҳар бир хатти-ҳаракатимизда келажак ҳақида, келажакдаги ҳакамларимиз ҳақида ўйлашга куч топа олсак, биз сал бўлса-да, бахтли бўлар эдик. *(Ренага яқин боради, унинг қўлидан транзисторни олади.)* Буни бизга қолдириб кет, Рена. Учишингга халакит беради.

Р е н а . Майли! Қолдираман. Фақат қўйиб бераман, бўлмаса...

Д и к т о р о в о з иҚайтараман: Зилзила энди такрорланмайди. Ер бошқа қимирламайди. Уйлариингизга киришлариингиз мумкин. Уйлариингизга киришлариингиз мумкин.

Г у р а м . “Ер бошқа қимирламайди... Зилзила энди такрорланмайди...” Янги пьесамни шундай деб атайман.

Т и т е . Бўпти, бўлмаса ишга кириш. Муваффақият сенга. Фақат тезроқ бўл, репетицияни расво қилмагин.

Г у р а м . Қўркма. Павле ўз вақтида тўхтатди бизни. Ўша жойдан бошлаб пьесага янги финал ёзаман. Кетдик уйга, Тите!

Т и т е . Мана, тонг ҳам отиб қолди... Ҳаяжонли, ташвишли тун бўлди... Назаримда, биз бошқаларни уйғотмай, безовта қилмай тўғри қилдик.

Г у р а м . Тўғри! Энди бу мутлако аниқ! Бўлинган туш, синдирилган иллюзия аёвсиз ҳамда инсон табиатига қарама-қаршидир. Эҳтимол – ким билади? Эҳтимол, худди мана шу тунда одамлар энг ажойиб, энг тиник туш кўргандирлар, эҳтимол худди шу онда улар энг бахтли онларини яшаётгандирлар.

МУНДАРИЖА

Эшиклар очик (*қисса*)..... 3

Ҳикоялар

Севги сози.....170

Султон билан Малика.....182

Чўли ирок.....193

Иқроф.....202

Ука.....212

Тўкайда.....225

Ёлғизлик.....239

Таржималар

Анор. Дантенинг юбилейи (қисса)250

Анор. Грузинча фамилия (ҳикоя)318

Григол Абашидзе. Зилзила (пьеса)339

Адабий-бадий нашр

Маматкул Ҳазратқулов

СЕВГИ СОЗИ

Қисса, ҳикоялар, таржималар

Муҳаррир Ойдин Нисо

Бадий муҳаррир Иззат Йўлдошев

Техник муҳаррир Екатерина Корягина

Мусахҳиҳ Фотима Ортиқова

Компьютерда саҳифаловчи Сурайё Раҳмедова

**Нашриёт лицензия рақами АІ № 154.14.08.09.
2016 йил 8-апрелда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 20,58 шартли босма тобоқ. 17,2 нашр тобоғи.
Адади 2000 нусха. 306 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.**


**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.**

**☛ Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69
www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz**

Севги Сози



ISBN 978-9943-03-685-7



9 789943 036857